



«Сугд аёли»
Жавлон УМАРБЕКОВ асари

Хурматли журналхонлар!

*2023 йил учун “Шарқ юлдузи” ва “Звезда Востока”
журналларига буна давом этмоқда.
Журналларимизга барча матбуот етказиб берувчи
ташкilotлар ёки тахририятимиз орқали буна
бўлишингиз мумкин.*

*Буна индекслари: “Шарқ юлдузи” – 911
“Звезда Востока” – 831*

5 / 2023

SHARQ YULDUZI

- NASR
- NAZM
- DRAMATURGIYA
- MUMTOZ ADABIYOT
- YOSHLAR DAFTARI
- JAHON ADABIYOTI
- ESTETIKA
- SAN'AT FALSAFASI
- ADABIYOTSHUNOSLIK

Шарқ юлдузи




Sharq yulduzi

ISSN 0131 – 1832

5 / 2023

Унутилмас лаҳзалар



Дадахон НУРИЙ

(1943–2021)



Дадахон Нурий ҳаётидан лавҳалар

Шарқ юлдузи

Адабий-бадний, илмий, ижтимоий-сиёсий журнал

1931 йилдан чиқа бошлаган

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ

Сирожиддин Саййид
Муҳаммад Али
Кенгесбой Каримов
Иқбол Мирзо
Қаҳрамон Қуронбоев
Минҳожиддин Мирзо
Сайфиддин Рафиддинов
Фармон Тошев
Исажон Султон

Хайриддин Султонов
Маҳмуд Тоир
Гулистон Матёкубова
Шерзод Ирзоев
Нурбой Жабборов
Кавсар Турдиева
Шухрат Маткарим
Адҳамбек Алимбеков
Нилуфар Йўлдошева

Бош муҳаррир – Сирожиддин Рауф

Бош муҳаррир ўринбосари – Азиз Саид

Масъул котиб – Дилором Муротова

Назм бўлими мудири – Икром Отамурод

Наср бўлими мудири – Саид Анвар

Адабиётшунослик бўлими мудири – Дилфуза Қўзиева



УШБУ СОНДА:

НАЗМ

Гулистон МАТЁҚУБОВА



ОНАЖОНИМ ~ ҚУМРИ ҚУШИМ...

Гар уйимнинг дарчасида,
Ўтирса икки қумри.
Қайтди дейман барчамизга,
Отам ва онам руҳи.

Онажоним – қумри кушим,
Беозорим ўзингиз.
Бугун сизга талпинади,
Сиздан қарздор қизингиз.

ПАХЛИ

Рухсора ТЎЛАБОЕВА



*ҲИКОЯЛАРДА ҚАҲРАМОНЛАР
ПСИХОЛОГИЗМИ*

Ҳикоя давомида Бозирган чавандозни англамаган ва чавандоз ўзини англата олмаган образлар бирма-бир тас-
вирлаб ўтилади. Пировардида, чавандоз яна қалби билан
ёлғиз қолади. Фикримизча, образ сифатида чавандоз жуда
ўринли танланган. Зеро, умр бўйи иззат-эътиборда яшаган
қаҳрамон умрининг сўнгигача эътибор ва иззатда бўлишни
исташи – ниҳоятда табиий. Шунингдек, кекса чавандоз-
нинг кўнгил майлини ўғли ёки келинига айта олмаслиги,
буни фарзандлари ҳам ўзларича билмай юриши айни дамда
қаҳрамоннинг ички кечинмалари, психологизмининг юзага
чиқишига асос бўлган.

НАЗМ

Исроил СУБҲОНИЙ




МЕН СЕНИ ПАНИЙМАН ХАЁЛЧАН БОЛА

Камтарлик – паст кетиш дегани эмас,
Кибр – юксакликдан қилмас далолат.
Шу жўн ҳақиқатни кўпчилик билмас,
Рўй берар ҳамиша тескари ҳолат:
Зинага чиққанда эгилар одам,
Қомати керилар пастга тушган дам.

ҲОРАТИ ҚИЗ

Баҳор ва ёзда бу ерда кекса чўпон яшарди. Камилла ғорда қолишга қарор қилган куни, чўпон қишдан кейин қўйларини ҳайдаб бу ерга энди кўчиб келган пайтига тўғри келади. Чўпон тўшак учун бир қучоқ пичан билан ғорга киради, Камилла бегона одамни кўриб, ғорнинг юқори тор қабатига қараб қочади. Чўпон ҳеч нарса демасдан, қочоқни безовта қилмаслик учун ташқарида, қўйлари олдида тунашга қарор қилади. У қиз ёлғизликдан зерикса, ўзи унинг олдида келиб, эчкиларни боқишга ёрдам беради деган қарорга келади. Камилла эса кун бўйи уни кўркув билан кутади, лекин чўпон қўйларни олиб далага, ундан узоқроққа жўнайди. Кечки овқат вақти яна ғор атрофидаги тандасига қайтганда қочоқни эслайди ва уни ризо қилиш учун эчкининг бўйнига қўй пишлогини боғлаб, жониворни ғорга киритади.



Абдурасул ЖУМАҚУЛОВ

БИР КҲН

Яхши бўлар бир кун ҳаммаси,
бизлар бахтли яшаймиз, ишон.
Ҳамма ҳавас қилади агар
маломатга бўлмасак нишон.

Орзулардай яшаб билардик,
завол нима сезмаса ҳеч ким.
Заминдаги само гулларин,
топтамаса, узмаса ҳеч ким!..



Шоҳрух АБДУРАСУЛОВ

ЭРКИН АЪЗАМ ДРАМАЛАРИДА ШАХС ВА
ҲАМИЯТИ ТАЛҚИНИ

“Фаррош кампирнинг туши” – айни фикримизни тасдиқловчи асарлардан бири. Пьесанинг жанри хусусида муаллифимиз тузукроқ гап айтмайди: яъни, “драма” ё “комедия”, дея ҳукм ўқимайди, “Бошига кулфат тушган бир бекорчихона хангомаси, икки қисм – бир талай дийдиёдан иборат” асар, тамом-вассалом! Кейин, драмага хос анъанавий саҳна, кўриниш деган тушунчалар ҳам йўқ: икки қисм, дийдиёнинг бошланиши, етти-та дийдиё ва ўша дийдиёларнинг интиҳоси – бори шу! Бу қандоқ пьеса бўлди?! Биз ёдлаган драматургиянинг “олтин қоидалари”га тўғри келмаяпти-ку!





Гулистон
МАТЁҚУБОВА

Онажоним — қумри қушим...

Достон



Олтинланди зумрад япроқлар,
Салқин ҳаво кирди боғларга.
Уфққа интилгандай йироқлар,
Сукут қуяр сўлим чоғларга.

Тонг саҳардан дарчам олдида,
Чуғурлашар кулранг жуфт қумри.
Хаёлларим тиниб қолдида,
Қайтди гўё болалик умрим...

Кенг ҳовлимиз мевалар пишган,
Анор тарс-тарс ёрилиб турар.
Нашватилар ҳам ерга тушган,
Намхуш шамол айланиб юрар.

...Бир қўлида челакни тутиб,
Елкасига ташлаб рўмолин.
Онам тонгдан қуёшни кутиб,
Шошилади, бизда хаёли...

Тезроқ бориб сигирни соғса,
Сутга тўлиб қайнаса қозон.
Онажоним, боқарди боғга,
Тўрт томонга тўларди хазон.

Гулистон МАТЁҚУБОВА — Қорақалпоғистон халқ шоири. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими. 1948 йилда тугилган. Тошкент давлат университетини (ҳозирги ЎзМУ) тамомлаган. Унинг “Ҳаяжоннинг етти ранги”, “Ойдин остона”, “Севиб қолсин”, “Дарёга ботаётган қуёш”, “Излаганларим”, “Ойбалдоқ”, “Муҳаббат юрти” номли китоблари нашр қилинган.

Япроқларин тўкарди олма,
Тут шохлари титрар беомон.
“Болам, сут ич, тур дарсдан қолма”,
Меҳрин сутга қўшар онажон...

Ўзи емас, ичмас, кийинмас,
Бизга тутар тонг саҳар ризқин.
Онам учун икки қумримас,
Биз олтовлон қилардик қий-чув...

Икки қумри дарчам олдида,
Чўқалашар қулранг патларин.
Онам чарчаб қўл толдида,
Эсга тушди ёшлик пайтларим...

* * *

Яна келди хазонрезги куз,
Яна ерга тўшалар япроқ.
Қайга шошар ёлғиз оёқ из,
Кичик қулба, ўнинчи чироқ...

Китоб ўқир эдим, эгилиб,
Сарғаярди чироқ шишаси.
“Уч илдиз” бетлари титилиб,
Кенгаярди кўнгил кўчаси...

Ухламайди онам бояқиш,
Қўйлагимнинг ямоғин тикар.
Қуни бўйи тугамайди иш,
Энди меҳрин қўйлакка тўкар.

Онажоним, хокисоргинам,
Қўп эслайман меҳнатларингиз.
Онажоним, сиз бедоргинам,
Қўрмадингиз роҳатларимиз.

Отам ишдан қайтишин кутиб,
Ўтга қўярдингиз қўмғонни.
Сувни қайта-қайта иситиб,
Очиб қўярдингиз айвонни.

Пештоқида қалдирғочлар бор,
Учиб, қўниб чуғурлашарди.
Отам келар чарчаб бемадор,
Онам сокин суҳбатлашарди.

Суҳбатларда, бизлар бор эдик,
Тартиб, мактаб, баҳоларимиз.
Дастурхонда чой тайёр эди,
Айтиларди хатоларимиз.

Онажоним йўқдан бор қилиб,
Тегирмонда тортар эди дон.
Отам не айтса тайёр қилиб,
Бўш турмасди ғариб дастурхон.

Онажоним ҳаммасига сиз,
Меҳр билан берардингиз жон.
Тўхтамасди қозонда жиз-биз,
Оиламиз – бахтли хонадон.

Отам темир тутган қўлларни,
Сиз авайлаб, ардоқлардингиз.
Кутардингиз чиқиб йўлларин,
Мушкулларда йироқлардингиз.

Айтмасдингиз етар етмасни,
Не бор бўлса оширардингиз.
Ичингизда қайнаган дардни,
Азобларни яширардингиз.

Чидардингиз ҳаётнинг барча,
Аччиғидан то заҳарига.
Баъзан кўнгил тўлиб кетганда,
Йиғлардингиз тонг-саҳарига.

Энди, бугун эслайман она,
Кўзёшингиз яширганингиз.
Ҳаммамизга бўлиб парвона,
Яхшисини оширганингиз.

Отам меҳри дарёдай эди,
Ҳеч бўшамас эди меҳнатдан.
Элнинг иззат-хурматин кўрди,
Яхшилиги ва иноятдан.

Етар эди ҳаммага меҳри,
Имон-эътиқодида маҳкам.
Онажоним, шунинг учун ҳам,
Ҳаётингиз бўлган мукаррам.

* * *

Онажон сиз оилангизда,
Мендек тўнғич фарзанд экансиз.
Уруш бошланмасидан олдин,
Турмушнинг кўп жабрин кўргансиз.

Эшитганман барин отамдан,
Сўзлаб берган оилангизни.
Репрессия йиллари оғир,
Азобларин кўрганингизни.

Пахта заводидан бобомни,
Бирдан олиб кетганларини.
Айбсиз айбдор бўлиб, тушунмай,
Терговлардан ўтганларини.

Руснинг совуқ ўрмонларида,
Чеккан азоб-укубатларин.
Қатағонлик замонларида,
Кўрган дарду машаққатларин...

Отам фронтдан қайтган йили,
Сизни кўриб ёқтириб қолган.
Нафақат сиз, оилангизни,
Меҳр билан бағрига олган.

Сингиллару иниларингиз,
Ўтган отам ҳимоясига.
Барингизни авайлаб-асраб,
Ардоқлаган меҳр соясида.

Темир тутган қўли отамнинг,
Бўлган сизлар учун бошпана.
Бирга яшаб бобом келгунча,
Тор уйингиз гўё қошона.

* * *

Онажоним, эсимга тушар,
Дарё бўйларига борганмиз.
Менинг тоғам шу уйда яшар,
Деб, ғариб бир уйга кирганмиз.

Оппоқ соқоллари ярашган,
Отахоннинг нурли юзлари.
Ҳамон, ҳамон унутолмайман,
Дарё бўйидаги изларни.

Томигача қум босиб кетган,
Эшигидан зўрға кирганмиз.
Сиз келтирган емишларни биз,
Дастурхонга аста қўйганмиз.

Онам унинг ёлғизлигини,
Сўзлар эди кўзда ёш билан.
“Оллоҳ тоғам ёнида доим”,
Деб айтарди бизларга онам.

Бу сўзларнинг маъносига мен,
Тушунмасдим, қайдам, ким билар?
Гар эласам ёлғиз тоғани,
Энди кўзларимга ёш келар...

* * *

Мустабидлик йилларида биз,
Йироқ бўлиб ўсдик Қуръондан.
Дин бу афюн деб ўргатдилар,
Эътикод йўқ эди инсонда.

Тоға давр қурбони бўлган,
Онам тушунтиролмаса ҳам.
Икки кўзи ёшларга тўлган,
Тоғасини авайлаб маҳкам.

Онажоним ҳар нон ёпганда,
Тоғанга деб қўяр икки нон.
Баъзан қанд, курс кийим топганда,
Шошиларди қум кулба томон.

Бориб тоға кўнглин оларди,
Дуолардан яшнарди юзи.
Ҳикматлари эсда қоларди,
Дерди, “Бахтли бўлар шу қизинг”...

Дами ўткир дердилар уни,
Дуосини оларди кўплар.
Қумлар босиб турган шу уйни,
Унутмасман, хотирам йўқлар...

* * *

Онажоним, сир тўла борлиқ,
Жавобини топмасман ҳамон.
Қуриб қолса сув оққан ариқ,
Дарров кўмиб ташлайди инсон.

Сутдай оппоқ сувлар оқизган,
Йўқмиди шу ариқ қудрати.
Ҳар гиёҳга ҳаёт энгизган,
Дарахтларда қолган ҳикмати.

Қуриб қолса мевали дарахт,
Кесиб, чопиб олиб ташларлар.
Мева тўла тўкин ўтган вақт,
Ҳар лаҳзасин унутиб яшарлар.

Шу ариқни яна тўлдириб,
Сув оқизиб қўйса бўларди.
Ё қуриган дарахтни олиб,
Бошқасини экса бўларди.

Йиллар ўтиб тузган рўзгоринг,
Тўрда бежаб турган ашёлар.
Булар эски, замон ўзгарди,
Деб чеккага олиб ташларлар.

Мен-чун булар ҳаммаси азиз,
Одам умри яшнаб тургандай.
Улар умр хотиралари,
Улар билан юрак ургандай.

Бундай ўйлаб қараса одам,
Кунлар оқиб кетар дарёдай.
Лек кўксингни ёритар хуррам,
Бахтли дамлар нурли зиёдай.

Гоҳо зулмат қора тун бўлиб,
Хаёллардан адаштиради.
Гоҳо ярим, гоҳ бутун бўлиб,
Саволларни қалаштиради.

Наҳот инсон тинган ариқдай,
Ё қуриган дарахтдай бўлса.
Соя беролмаса, зориқмай,
Қовжираса, куриса, сўлса!

Онажоним анҳор эдингиз,
Бизлар сизнинг ирмоқларингиз.
Онажоним чинор эдингиз,
Бизлар сизнинг япроқларингиз.

Мана бугун тўнғич қизингиз,
Сизнинг ёшингиздан ҳам ўтди.
Лекин сўнмади юлдузингиз,
Неваралар кўпайиб кетди.

Адашаман сонларин санаб,
Чеварангиз, эварангизни.
Оллоҳ барин бергандир синаб,
Ҳамда яхши кўргандир сизни.

Болам дейман қуйиб, ёнаман,
Чунки она, бувиман ўзим.
Аммо сизни кўп соғинаман,
Сиз қолдирган йўлларда кўзим.

Ёнингизга кетгим келади,
Кўёшларим артиб қўйсангиз.
Сен ношукр бўлма қизим деб,
Мен нодонга айтиб қўйсангиз!

* * *

Эрта саҳар, атроф салқин,
Қушлар тинмай чуғурлар.
Қуёш чиқар атроф сокин,
Шабадалар шовуллар.

Неварам дер: “Қуёш чикди,
Энди кетмайди буви”.
Юзларимдан ўпиб-кулиб,
Қуёш ботмайди дейди.

* * *

Тонгда уйқу ўчиб кетар,
Кўкда қулар юлдузлар.
Узоқларда шарпа кезар,
Қайларга бошлар излар.

Онажоним рўмолингиз,
Бошларимга тортаман.
Олиб кетар хаёлингиз,
Хаёл юкин ортаман.

Хаёлларим оғир-оғир,
Юрагим кўтаролмас.
Бу умрга шерик тақдир,
Бу йўллардан ўтолмас.

Дуога қўл очганимда,
Рўмол юзим силайди.
Оллоҳимдан паноҳ истаб,
Узоқ умр тилайди.

Онажоним жойнамозда,
Кўнглингиз кулиб турар.
Ғойибдан келган сасга,
Дуоларим жўр бўлар.

Онажоним рўмолингиз,
Четларида гуллар бор.
Мовий рангли нақшларида,
Менга очик йўллар бор.

Юз ёшларга қадам қўйган,
Умрингизга мен қурбон.
Сиз йўқсизу, оқ рўмолингиз,
Мени авайлар ҳамон.

Ҳамон гўё насиҳатлар,
Тўкилар ифорида.
Рўмолингиз тавоб қилиб,
Ўпаман тўрт ёнидан.

Шу рўмолга сўнгги дамда,
Термилган эди отам.
Бир учидан маҳкам тутиб,
Йиғлаган эди отам.

Ўзи кетди, чангалида,
Рўмолнинг учи қолди.
Унинг оппоқ рангларида,
Отамнинг кучи қолди.

Сўнгра ушбу оқ рўмолни,
Менга совға қилдингиз.
Умр бўйи уни тавоб,
Қилишимни билдингиз.

Бугун энди ҳаёт ўтиб,
Сўнгги нафас қолган дам.
Бошларимда порлаб турар,
Мен намоз ўқиган дам.

Сингилларим ҳавас қилар,
Ошпоқ рўмолингизга.
Шу рўмолда кетсам дейман,
Сўнгги дам ёнингизга.

Онажоним, жонларингиз,
Бериб ҳар биримизга.
Улашдингиз меҳрингиз,
Нур қилиб умримизга.

Сиз яшайсиз жонларимиз,
Жон бўлиб парчасига.
Рухларингиз қумри бўлиб,
Сайрайди барчамизга.

Гар уйимнинг дарчасида,
Ўтирса икки қумри.
Қайтди дейман барчамизга,
Отам ва онам руҳи.

Онажоним – қумри кушим,
Беозорим ўзингиз.
Бугун сизга талпинади,
Сиздан қарздор қизингиз.

Умрингизнинг поёни йўқ,
У мангулик дараги.
Сиз қолдирган авлодингиз,
Тақдирингиз эртаги.

Бири сиздай сулув бўлса,
Бири кўнглин кири йўқ.
Бири дарёлардай тўлса,
Бирин бахтдан кўнгли тўқ.

Жонларимиз ичидаги,
Бир жондирсиз онажон.
Сиз фарзандлик бурчидаги,
Имондирсиз онажон.

* * *

Сизга деган каломларим,
Ёзсам адо бўлмагай.
Бу дунёга бир келдингиз,
Ҳеч ким сиздай келмагай.

Оналар кўп, мунисгина,
Меҳрлари зиёда.
Лекин менинг онам бошқа,
Ўхшаши йўқ дунёда.

Онажоним Сизга лойиқ,
Гаплар ҳам топилмайди.
Ёпилса ҳам ушбу дафтар,
Дил дафтар ёпилмайди.

Сизга борар йўллар қатор,
Четларида гуллар бор.
Онажоним, бахти очиқ,
Изда ўғил-қизлар бор.

Мени кутинг чин дунёда,
Оллоҳ раҳмати билан.
Сиз қолдирган ҳар зиёда,
Ҳаёт порлар мукаррам.


Қолар юрган йўлингизда,
Муқаддас изларингиз.
Жонингизни бериб кетган,
Ўғилу, қизларингиз.

* * *

Онажоним, сиз томонга интилсам ҳам баъзида,
Ҳаёт ҳикматлари гўзал, юбормайди сиз ёққа.
Гоҳо қушлар чуғурлашар, гоҳо шамол шивирлар,
Гоҳ тўрт ёнда гуллар ранги, товланар минг бўёқда.

...Кун ботар чоғ, қуёш ботиб кетар экан уфққа,
Бир томчи ёш совуқ тортиб қўлларимга тушади.
Неварачам юзим силаб ҳайрон боқар юзимга,
Буви нега йиғлайсиз, деб юрагим эзади.

“Умрим каби қуёш ботар умр ўтиб битмоқда,
Болажоним шом қуёши каби сўниб бораман,
Бор йўғимни у дунёга, онам томон элтмоқда...”
Дейман – сўнгра яна ўзим ўйларимда қоламан.



**Темур
ПЎЛАТОВ**

ФОРДАГИ ҚИЗ

Ҳикоя



Рождество арафасидаги тунда Эстер кампир кўпдан бери иситилмаган хонасида тинчгина жон таслим қилди. Бу ғуссани қўшниларнинг айримларигина ҳис эта билдилар, мен эса Эстернинг қизи Камилла ҳам олислардан дафн маросимига келаётганини эшитиб, каттиқ ҳаяжонда эдим.

Қабристон панжараси ортида яширинганча эндигина дўмпайган қабр устида энгашган ўттиз ёшлардаги, гўзал, бироқ аллақачон бироз тўлишган Камиллани кузатарканман, унинг бутун борлиғида хотиржамлик ва ҳаётдан мамнунлик акс этганлигини кўриб турардим.

Тобутни олиб келишга ҳамроҳ бўлган икки-уч чол жўнаб кетгач, Камилла қабристон қоровулини чақириб, унга пул узатди:

– Онамни қабрини қаровсиз қолдирмасангиз. Мен эса кетишим керак! Қоровул астойдил бош ирғаганча, қабртошни ҳам дарҳол энг машҳур устага буюртма қилишга ваъда берди. Сўнг сўради:

– Нима дейсиз – марҳуманинг суратини тошга ўйдирайми?

– Ҳа, албатта, – топшириқ берди Камилла. – Умр бўйи ибодатдаги хур каби бокирамонанд яшади, шундай экан, сурати муқаддас аёл сифатида муҳрланишга лойиқ.

Қоровул унинг бу гапларидан кейин негадир истехзоли илжайиб кўйди ва тезда хайрлашиб, жўнаб кетди.

Камилла қабристон панжараси ортидан чиқаётганда, унинг олдига югуриб борганча ҳаяжонланганимдан тирсагидан шу қадар каттиқ сикдимки, у инграб юборди.

– Демак, сиз кар ва соқов эмассиз? – сўрадим ундан гарчи саволим аҳмоқона ва ўринсиз бўлса ҳам.

Темур ПЎЛАТОВ – 1939 йилда туғилган. Бухоро давлат педагогика институтини ва Москва Сценаристлар ва режиссёрлар олий курсини тамомлаган. Адибнинг “Бўлак манзилгоҳлар”, “Денгиз кўчманчилари”, “Бухоро хонадони кечмишлари”, “Мулк”, “Кундашунда”, “Ғойибнинг иккинчи сафари”, “Етти ҳузур-ҳаловат ва қирқ қайгу-алам”, “Тарозий тошбақаси”, “Сузайтган Овроосиё” сингари китоблари чоп этилган.

Қизиги, у ўзига келиши биланоқ мени дарҳол таниди ва бироз ҳорғин тарзда деди:

– Сизга нима бўляпти ўзи ва нега бу ерда яшириниб ўтирибсиз?

– Кетаётганингиз ростми?

– Ҳа, икки соатдан кейин жўнайман. Менга бирор такси тутишга ёрдам беринг.

Биз индамай йўлга чикдик. Мен эса Камилла ҳозирги ҳаётим қандайлигини суриштирмаётганидан хурсанд эдим. Ўта қизиқувчан одам эмасманми, кўпдан бери у билан суҳбатлашмоқчи бўлиб юргандим ва бу имкон гарчи бунинг вақти ҳам, жойи ҳам унчалик қулай бўлмасада, келганди. Машиналар бирин-кетин тўхтамасдан ўтиб борар, бунинг устига бўралаб қор ёғаётганди.

Ниҳоят истиҳоломни енгиб, ундан сўрадим:

– Эслайсизми, Камилла, ғорда қандай яшириниб олгандингиз? Мен сизни қандай қилиб тутиб олиб, отангизнинг қўлига топширганим-чи, ёдингиздами? Ўшанда мендан қаттиқ аччиқлангансиз... Кечиринг, – дедим асл ҳис-туйғуларимни яширганча бироз ўктамлик билан.

– Эҳ, жиннивой! – бағрикенглик билан қулиб юборди у. – Тинчлансангизчи, ахир сизни аллақачон кечирганман... Болаликдаги ўша шўхликларим менга анча қимматга тушди: шу воқеани деб мени оиламдан ажратишди. Шундан кейин на отамни, на онамни кўрмадим... Лекин ҳаммаси ўтиб кетди ва энди мен эрим ва болаларим билан бахтлиман, ҳозир ҳам улар ёнига етиб олишга шошиб турибман...

Камилла шошганча таксига ўтираркан, менга қўл силкитди ва биз шу тариқа, назаримда, энди бир умрга хайрлашдик.

Мен ўзимни кўярга жой тополмасдим. Юрагим ачишар, ичим ҳувуллаб қолгандек эди. Балки шу ҳислар сабабдир шаҳар ташқарисидаги ўша ғорга яна бир бор бориш каби ғалати истак уйғонди.

Қор ёғаётгани ва изғиринга қарамай қоронғи жинкўчалар оралаб, одамлардан яширинганча шаҳар ташқарисига, у ердан эса тор сўқмоқ бўйлаб ғор томонга кетдим.

Ортимдан ҳеч ким кузатмаётганига ишонч ҳосил қилгач, ғорга кириб, йўлимни қўлчиरोқ билан ёритдим.

Ғорнинг қоқ ўртасидаги кичик қўл ўзидан иликқина буғлар чиқариб турарди; мен бу қўлга юзимни ювиб олгач, ҳар доим ёлғиз ўзим ўтирадиган ғорнинг юқори майдончасига кўтарила бошладим.

Бу ғорга куздан буён келмагандим. Ўтган шу давр мобайнида қўлдан чиққан буғлар ғор шипида ғаройиб суратлар ҳосил қилганча муз қотган эди. Қўл атрофида эчкиларнинг туёқ излари ҳам, назаримда, илгаригидан камайиб кетгандай эди.

Шу ерда бироз ўтириб, анча тин олгач, тош девор ёриқлари орасидан кўп йиллар муқаддам Камилла мен учун қолдириб кетган ўша мактубни олдим.

“Биламан, сен бироз кўрқоқроқсан, лекин чўчима, – деб ёзганди у ўзининг менга таниш болаларча ҳуснихатида. – Агар истасанг, мен билан шу ғорда яшашинг мумкин. Бу ерда биз озод бўламиз, бу жойда ҳеч ким бизга ёлғон

гапирмайди, бу ерда шафқатсиз ва ёвуз одамлар йўқ. Оч қолиб кетишдан кўркма: эчки ва қўйлар бизга пишлоқ олиб келади, бургут эса бўйнидаги қопда нон келтиради...

Биз бу ерга хафа қилинган-ўкситилган барча болаларни йиғамиз, кел, биламан бу сен учун мушкул эмас...”

Ҳар доимгидек кичкина Камилланинг бу мактубини қайта ўқирканман, ўзимни жуда хотиржам ҳис қилдим, қўлчирокни ўчирдим, қоронғилик ичида қаршимда ўша қизча намоён бўлгандек туюлди.

– Салом, – дедим унга.

Биз бу қиз билан бир кўчада яшар ва бошқа-бошқа: у қизлар, мен эса ўғил болалар синфида бўлсак-да, бир мактабда ўқирдик. Камилла оғир-босиқ ва хаёлпараст қиз эди. Мен каби шумтака ва тиниб-тинчимас боланинг ғирт тескариси. Ва айнан ана шу турфа феъллигимиз бизни бир-биримиздан асло зериктирмасди.

Дарслар тугаши билан биз дарҳол уйга жўнар, қандайдир сира туганмас, сертупроқ ва жазирама жинқўчалар билан борар, йўл-йўлакай бу ғамгин қизалоқни қўлдан келганча кулдиришга ҳаракат қилардим.

Унга турли фокуслар кўрсатар ва ҳатто қаламни ҳам бус-бутунлигича ютиб юбориш мен учун арзимас иш эканлигини айтиб, мақтанардим.

Шундай қилардим ҳам. Тиқилиб, бўғилиб қолсам-да токи у раҳми келиб ўша қаламни қўлимдан тортиб олмагунча ютишга ҳаракат қилардим.

Кунларнинг бирида у мендан уйларига балиқ мойи қуйиб ёндириб юбориш қўлимдан келиш-келмаслигини сўраганда, унинг бу бешафқатлигидан лол қолгандим.

Ўша пайт Камилла бироз тоби қочган ва шифокор унга балиқ мойи ичиб туриш кераклигини буюрганди. Бу мойни қабул қилиш шу қадар унинг жонига теккан бўлса керакки, у мойли шишани уйни ёқиб юбориш учун олдимга кўтариб келганди.

Биз ертўла ичига қуриган барг ва қоғозларни тахладик. Камилла менинг хатти-ҳаракатларимни жуда диққат билан кузатиб турарди, аммо балиқ мойи ертўлани аччиқ тутунга тўлдириб юборди, холос ва биз нафасимиз қайтганча ташқарига югуриб чиқдик. Кейин яна нима қилишни билмай, зерикканимиздан кинога боришга қарор қилдик.

Кучукчаси бўлишини орзу қилиб доим шу ҳақда ўйлайверганидан ичикишдан касал бўлиб қолган қизалоқнинг ажойиб оиласи ҳақида қандайдир фильм намоиш этилганди. Ўша қизчанинг онаси ҳам, отаси ҳам қизларини қандай тузатишни билмай, ахийри ўша кучукчани сотиб олади ва кучукча эрталаб қизалоқнинг қаравоти тагидан вовуллаб чиқиши билан қизча бахтиёрлигидан тузалиб кетади.

Бу фильмда катталарнинг ҳаёти билан боғлиқ яна нималардир ҳам бор эди, аниқ ёдимда йўқ, аммо Камилланинг гапи сира эсимдан чиқмайди:

– Буларнинг ҳаммаси катталар ҳақидаги ёлғон. Мен ишонмайман...

– Э сенинг ўзинг ўз бошингга ўйлаб топгансан буни, жинни, – дедим Камиллага ва у билан баҳслашиб кетдим. Аммо у миқ этмасди: чунки бир айтган гапини қайта такрорлашни ёқтирмасди.

Гарчи Камилланинг фикрига қўшилмасам-да, унинг шу гапидан кейин катталар ҳақида тез-тез ўйлайдиган бўлиб қолдим. Бир гал дарс пайти ҳадеб питирлаб ўтирган пайтим тасодифан дераза томонга қарадим, мактаб ҳовлисида Камиллани кўриб қолдим.

У панжарага суяниб турар, йиғлаётганга ўхшарди. Мен ўқитувчидан синфдан чиқиб келишни сўрадим, лекин у рад этди, чидай олмадим, портфелимни олганча, синфхонадан югуриб чиқиб кетдим. Камилла ҳақиқатан ҳам йиғлаётганди. Мен ундан нима бўлганлигини сўрадим, лекин у ўжарлик билан жим турди, кейин бирдан ортига ўгирилиб уйига жўнаб кетди.

У уч кун мактабга келмади, унинг уйи мактабдан узоқда эди, мен Камилла яшайдиган уй атрофини айландим, лекин уни кўролмадим, аммо унинг қандай яшаши ҳақида кўп нарсаларни билиб олдим.

Камилланинг отаси, ҳисобчи Акман қизининг ўқитувчиси билан анчадан бери учрашиб юрган, бу ҳақда мендан ташқари бутун мактаб билар экан. Ўқитувчи, бева аёл Омелия, Акман оиласини тарк этиши учун ҳамма нарсани қилди, Камиллага шу ҳолат ёмон таъсир қилганди. Акман Омелияни уйга олиб келиб, Эстер хола ва Камиллани ҳайдаб юборган, улар тунни кўшниларникида ёки станцияда ўтказиши керак эди.

Ўрликдан жаҳли чиққан Эстер хола бор аламини Камилладан оларди, дариғо, она ҳам, ота ҳам унга азоб-уқубатдан бошқа нарса келтирмаган.

Кўшнилари Эстер холага Акманни тарк этишни маслаҳат беришса-да, лекин у аёл эмасми, ёлғизликдан кўркибми, эрини йўқотмаслик учун ҳамма нарсага чидашга тайёр эди.

Омелия, юзи тошга айланган, ҳамма нарсадан доим норози бўладиган ҳушбичим хоним, Камилладан нафратланар, унинг энг арзимас айби учун ҳам бутун синф олдида қизни камситар, бу ҳол то кунларнинг бирида Камилланинг мактабдан уйга қайтмасдан ғойиб бўлгунича давом этди...

Ўша кунларда, баҳорда, уйимиз атрофидаги ўтлар тарвақайлаб ўсиб кетган, мен уларнинг устида ётиб, Камиллага қандай ёрдам беришни ўйлардим. Ўйларимни бирдан Акманнинг йиғиси бузди, у мени югуриб келиб тутиб олганча, қулоғимдан буларкан, қизи қаерга яширинганини айтишимни талаб қилди.

Билмайман, деб қасам ичдим, охири у менга ишонди, лекин у билан бирга қидиришга боришимни буюрди. Биз қидирувни чодирлар ва ертўлаларни кўздан кечиришдан бошладик, кейин Камилла шаҳардан узоқда, айнан мана шу ғорда бўлиши мумкинлигини ҳам тахмин қилдик.

Баҳор ва ёзда бу ерда кекса чўпон яшарди. Камилла ғорда қолишга қарор қилган куни, чўпон қишдан кейин қўйларини ҳайдаб бу ерга энди кўчиб келган пайтига тўғри келади. Чўпон тўшак учун бир кучоқ пичан билан ғорга киради, Камилла бегона одамни кўриб, ғорнинг юқори тор қабатига қараб қочади. Чўпон ҳеч нарса демасдан, қочокни безовта қилмаслик учун ташқарида, қўйлари олдида тунашга қарор қилади. У қиз ёлғизликдан зерикса, ўзи унинг олдида келиб, эчкиларни боқишга ёрдам беради деган қарорга келади. Камилла эса кун бўйи уни кўрқув билан кутади, лекин чўпон қўйларни олиб далага, ундан узоқроққа жўнайди. Кечки овқат вақти яна ғор

атрофидаги тандасига қайтганда қочокни эслайди ва уни ризо қилиш учун эчкининг бўйнига қўй пишлоғини боғлаб, жониворни ғорга киритади.

Камилла бу ғайриоддий меҳмонни кўриб, у ҳақида нима деб ўйлашни ҳам билмасди. Унга пишлоқ берган меҳрибон гном ҳақидаги эртакни эслаб ухлаб қолади.

Эрталаб кўлда ювиниб, сочларини тараб, ўша митти гномнинг ўзи ташриф буюришини кутади, лекин яна кираверишда эчки кўринди, иккита қўзи нонушта кўтариб ғорга дикиллаб кириб келади.

Ўша куни Камилла ўтириб дўстларига хат ёзишни бошлайди ва уларга биргаликда шу ғорда эмин-эркин яшашни таклиф қилди. У бу хатларни қопга солиб, эчкининг бўйнига илиб чиқаришни ва уни ким топса, хатни эгаларига етказишни сўрайди. Кекса чўпон ёлғизликнинг зерикарли соатларида чироқ ёруғида бу хатларни ўқиб чикди ва соқолини тишлаб оҳиста йиғлади.

Камилла негадир менга хат жўнатишга улгурмади, орадан анча йиллар ўтиб мен уни шу ёриқдан топгандим – мана, ҳозир ҳам у менинг қўлимда. Орадан бир ҳафта ўтгандан сўнг, ниҳоят уни қидира бошлаган Акман мен билан охири чўпон яшайдиган гўшага келди. Акман одамларга ўзига нисбатан раҳм-шафқат уйғотишни яхши кўрар, дуч келган ҳар бир кишига дардини батафсил айтиб берарди. У билан чўпоннинг олдига борганимизда ҳам, у дардини дастурхон қиларкан, менга ишора қилиб:

– Мана унинг шафқатсиз дўсти! – деганча юзимга тарсаки туширди. Чўпон билан саломлашишга ҳам улгурмасдан, Акман қирилмаган соқолини кўрсатиб:

– Қаранг, мен зору саргардон қари аҳмоққа ўхшаб қолдим, – деди. – Ҳаммасига сабаб – якка-ю ягона қизимни қочиб кетгани. Кейин эса қизини топишга ёрдам бермоқчи бўлган ҳар қандай одамга пул тўлашга тайёрлигини қўшимча қилди.

– Қанча тўлайсиз? – чўпон ўрнидан турди. Акман қанча ваъда қилгани эсимда йўқ, лекин чўпон кўпроқ сўрагани ёдимда; улар пича савдолашиб ахийри қўл ташлашдилар.

Чўпон ўзи билан арқон олиб, бизни ғорга бошлади ва у ерда биз Камилланинг кўлда чўмилаётганини кўрдик.

У инграб, баъзўр кирғоққа чикди. Акман сўкиниб, унинг орқасидан югурди, лекин кўп ўтмай йиқилиб тушди, фақат мен эпчиллик билан Камиллага етиб олдим ва уни маҳкам тутдим.

Чўпон унинг қўл-оёқларини арқон билан чандиб боғлади, лекин Камилла бир оғиз ҳам гапирмади. Фақат бир гал, қўл кирғоғида қўл-оёғи чандилганча ётаркан, биз унинг инграб нола қилганини эшитдик, кейин ҳамма нарсасига бефарқ бўлиб жимиб қолди, ётган қўйи отасининг чўпонга ваъда қилган пулларини санашини кузатди.

Биз уни шу қўйи кўтариб йўлга тушдик, фақат шаҳарга етганимиздагина Акман қизининг қўлларини ечди. У ғазаби тошиб Камиллани койиди, хатто урди, лекин қиз уни эшитмаганга ўхшарди, у жавоб бера олмасди.

– Тилингни ютдингми? – қичқирди Акман. Сўнг менга ўғирилди:

– Ундан нега бундай қилганини сўра? Мен тушуниксиз нигоҳ билан унга бир нималар деб ғўлдирадим, лекин у мени ҳам эшитмади ва тушунмади.

Шундан сўнг у на онасини, на дўстларини, на ўқитувчини тушунди, ҳаммага бефарқ бўлди, лаблари нималардир деб пичирларди, холос.

Акман уни таниқли шифокорга кўрсатди, у Камилла ҳақиқатан ҳам эшитиш ва нутқ қобилиятини йўқотганини айтди, ҳамма буни қизнинг ўша ғорда нимадандир қаттиқ кўрққанига йўйди.

Фақат мен унга нима бўлаётганини билардим, бир марта у менга отасини ҳам, онасини ҳам эшита олмайдиган кар-соқов болаларга ҳавас қилишини айтганди.

Мен буни эсладим, лекин бу ҳақда ҳеч кимга айтмасликка қарор қилдим. Тез орада Камиллани ота-онаси шаҳардаги кар-соқов болалар учун қурилган болалар уйига юборишга қарор қилди ва ўшандан бери мен у ҳақида ҳеч нарса эшитмадим...

Мен ғорда чироқни ёқдим ва бу масканни яна бир бор кўздан кечиргач, Камилланинг мактубини қайта ўқиб, уни яна ўша ёриққа тикиб қўйдим.

Совуқда титраб ўйладим: энди қиш, болаларнинг ҳис-туйғулари хиралашганга ўхшайди, аммо яна баҳор келади, олам қайта уйғонганида ва ёвузликка сезгир бўлганида эҳтимол, яна бир қизча қизғалдоқлар барқ уриб ётган далалардан эниб, бу ғорга келади. Эҳтимол, у менинг қизим бўлар, яна ким билсин...

1972 йил

Рус тилидан
Шерзод Комил ХАЛИЛ
таржимаси



Шерзод Комил ХАЛИЛ – 1982 йилда туғилган. Тошкент давлат университети-нинг (ҳозирги ЎзМУ) фалсафа факультетини тамомлаган. АҚШда “I left poetry” (“Мен шеърятдан кетганман”) китоби нашр этилган.



**Исроил
СУБҲОНИЙ**

Мен сени танийман, хаёлчан бола

Шаиқаторлар



* * *

Гужум орасидан кўринади ой...
Бундан ортиқ яна қандай васл бор!
Бу сулув “хурлиқо”, бу тенгсиз чирой
Шохлар оғушидан боқар шуълавор.
“Ошиқ” бош тебратар висол баҳридан,
Кўйиб юборгиси келмас бағридан...

* * *

Қоятошга ёзиб-чизарди аввал,
Сўнг кийик териси бўлди кулайроқ.
Қоғоз ихтироси юз берган маҳал
“Бундан зўри йўқ” деб ўйлади, бироқ
Нуройнага ўтган бугунги инсон
“Қоятошим қани?!” деб чекмас фиғон.

* * *

Мол-давлат шунчаки келмагай, яъни
Бу дунё ҳеч кимга қилмагай ҳиммат.
Бердими – олади, аммо олгани
Берганидан кўра минг чандон қиммат.
Тахт тиласанг – бахтдан умидингни уз,
Бахт тиласанг – тахтдан умидингни уз.

Исроил СУБҲОНИЙ – 1959 йилда тугилган. Бухоро давлат педагогика институти (ҳозирги БухДУ) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясини тамомлаган. Унинг “Бухоронинг етти юлдузи”, “Шаиқатор”, “Чорзарб” номли китоблари чоп этилган.

* * *

Замонлар ўзгарур деган гап ёлғон,
Мудом моҳиятни қолурлар асраб.
Ҳар қандай замонда ош ошаб нодон,
Ҳар қандай замонда осилар Машраб.
Дор ўша, ўзгариб туради арқон,
Кор ўша, ўзгариб туради арқон.

* * *

Оламга ўт кетган, юлдузлар – учкун,
Ой – туйнук, тун эса қоп-қора тутун.
Қўнғир ер – ер эмас, кул ёки кукун,
Машғал тутиб олган бир қароқчи – кун.
У ёқдан-бу ёққа югурган инсон –
Ёнғин ичра қолиб кетган тирик жон.

* * *

Менинг учун дунё эшиклари банд,
Очиб киролмайман одамдай тўғри.
Бунда қўли узун, боши сарбаланд –
Шода-шода калит кўтарган ўғри.
Эшик қолмай бир-бир муштлаб чиқаман,
Ҳар биридан тумшуқ ушлаб чиқаман.

* * *

Ҳамма улоқ чопар, ҳамма чавандоз,
Чангу тўзон ичра қолиб кетдик биз.
Оёқлари собит, қўллари дароз
Имонимиз билан бўлиб кетдик биз.
Чопардик, кўнглимиз тўлганда эди,
Улоқнинг калласи бўлганда эди.

* * *

Камтарлик – паст кетиш дегани эмас,
Кибр – юксакликдан қилмас далолат.
Шу жўн ҳақиқатни кўпчилик билмас,
Рўй берар ҳамиша тескари ҳолат:
Зинага чиққанда эгилар одам,
Қомати керилар пастга тушган дам.

* * *

Ўзбек тили ила адабиёти
Тоғ эди – “Навоий” чўққиси қадар.
Шундан сўнг тобора пастлаб қаноти
Ер бағирлаб қолди қуш десак агар.
Юксалиб Навоий, чу Фоний қадар
Ва юзтубан кетди Субҳоний қадар.

* * *

Молу давлат бизни четлаб ўтади,
Ё ўзимиз уни ўтамиз четлаб.
Ўзи пешонага ҳар хил битади,
Айримларга бойлик берилган “хатлаб”.
Бизнинг топганимиз – сал-пал, номига,
Ҳатто ой ҳам ботар қўшни томига.

* * *

Неча кунки дардим ҳар нега йўйиб,
Ўз-ўзидан ичим тўлиб юрибман.
Бошини қўллари устига қўйиб
Мудраб ётган итдек бўлиб турибман.
Ҳеч кимга айтолмай ўлиб турибман,
Ўлиб туриб, яна кулиб турибман...

* * *

Хорпуштман – хору зор бир типратикан,
Кечалари овга чиқаман гоҳо.
Ҳар бир бандасига ризқ берар экан,
Кўр думингдан тишлаб олганман, дунё!
То бўйнинггача еб борганим бўлсин,
Бас... бошинг – бошингдан ордона қолсин!

* * *

Шайтонга дарс бериб, шайтон мактаби
Минбаридан фатво ўқиган ҳам шу.
Қилни қирққа ёриб, ўргимчак каби
Мўрча овига тўр тўқиган ҳам шу.
Сел демай, дўл демай юриб чиқади,
Ёмғирга чап бериб қуруқ чиқади.

* * *

Бу дунёга яхши гапириб кўрдик,
Бир пулга олмади, тортди шапалоқ.
Сўнг ёмон гапириб-тупуриб кўрдик...
Ҳар икки ҳолда ҳам ишимиз чаток:
Биттасида чиқса – илон инидан,
Бунисида ҳам шу: пичоқ қинидан...

* * *

Шўрлик манглайимнинг бўйхо-бўйига
“Бу – дайди ит” дея тақдир битилган.
Хужжатимнинг “манзил” деган жойига
“Тўрт томони қибла” деб қайд этилган.
Ҳисор водийсидан учган садоман,
“Жаннат”дан қувилган “Одам Ато”ман.

* * *

Ҳар ерда хиёнат, ҳар ерда ёлғон,
Ўзи рост борми деб гумон қилганман.
Лекин бир нарсага келтириб имон,
Шундай ҳақиқатга етиб келганман:
Бу дунё дастидан қочиб бўлмайди,
Унга юрагингни очиб бўлмайди.

* * *

Ҳаёт деганлари бор-йўғи бир кун,
Саҳар куёш чиқиб, оқшом ботади.
“Тўрт кунлик” деб аҳмоқ қилади нечун?
Тамом, бу ёғига хуррак отади.
Шу бир кунни чайнаб ўтар бир умр,
Сақични – таом деб қилар тасаввур.

* * *

Бугун мен Худога шукур қиламан,
Не бахтки, шохимни қайириб қўйди.
Бугун диёнатунини инсоф ила ман...
Икки оёғимни айириб қўйди.
Шох ташлаш қўлимдан келмайди бугун,
Демак... анча оғир бўлибди юким.

* * *

Кўча чиқар бўлсам – таммаси ёлғон,
Ўғит кўмар бўлсам – хаммаси ёлғон,
Ширчай ичар бўлсам – шаммаси ёлғон,
Дарё тўсар бўлсам – даммаси ёлғон,
Тоға, жиян, хола, аммаси ёлғон,
Бир сўз билан айтсам: ҳаммаси ёлғон!

* * *

Кекса авлод билан олишиб ўтдим,
Энди ёш авлодга, эҳ, мухолифман!..
Уларча: замондан олдинлаб кетдим,
Буларча: замондан орта қолибман.
Не ҳам дердим, бир сўз билан деганда,
Менинг замоним ҳеч келмас экан-да.

* * *

Бир қўлида китоб, бирида – таёқ,
Қўй боқиб ўтирган хаёлчан бола.
Анвойи шафаққа тикилиб узоқ,
Чўп ёқиб ўтирган хаёлчан бола.
Мен сени танийман, хаёлчан бола:
Сен янги “набий”сан, хаёлчан бола.

* * *

Пўстагимни қоқиб нима қиласан,
Сенга нега керак қуп-қуруқ пўстак?!
Борини ҳам тўккан... ўзинг биласан,
Илма-тешиқ бўлса устига-устак...
Сенга бир маслаҳат, таклифнинг зўри:
Ёпиниб ол, зора “қўй” бўлсанг – бўри!

* * *

Қўй аҳли бир умр ”ба” дейди, “ба-ба”,
Ортиқча бирон сўз айтмайди ҳеч чоғ.
Шу бир сўздан ҳам қилганча “тавба”
Тил тишлар – бўйнига келганда пичоқ.
Одам-чи, нималар демайди, э-воҳ,
Тавбадан дарак йўқ, астағфируллоҳ!..

* * *

Дунёнинг ишлари доимо шудир:
Ҳақиқат бошини ёлғон эгади.
“Қуёш”дан юз буриб, орқангни ўгир,

Шундан сўнг шонангга офтоб тегади.
Кун кўраман десанг, кўзингни юмгин,
Нури кўзингни кўр қилиши мумкин.

* * *

Коинот айланма “йўл дафтари”дан
Оғишмай мувозий юриб турибди.
Бир қарич ҳам чиқмас ўз меҳваридан,
“Инсоф чизиғи”ни кўриб турибди.
То инсоф қилмаса, нафақат одам,
Ўз ўқидан чиқиб кетар бу олам.

* * *

Ўзи улғайгану қалби сўтаклар
Ёлғон билан яшаб қилар таралла.
Ўзи улғайгану қалби гўдаклар
Ҳақиқатни бетга айтар баралла.
Усти юпун, қорни қолса ҳамки оч,
Тўғриси айтар: “Қирол – яланғоч!”

* * *

“Шашқатор” – шеър эмас, шеърят эмас,
Балки қофияга солинган ҳасрат.
Демак Субҳоний ҳам “шоирман” демас,
Ҳар қанча бўлмасин жинни табиат.
Оғзини йиртгандан сўнг қуруқ қошиқ
Мутафаккир бўлди – фикрга ошиқ.

* * *

Адабиёт ўлмас, биз ўлмоқдамиз,
Қалб мулкидан кетиб борганча йироқ.
Ўз нафсимизга кул, ем бўлмоқдамиз,
Ўчарми ё кеча ёқилган “чироқ?”
Қадрсиз, сувтекин, арзон бу қадар
Киприк учидаги бир томчи “гавҳар?”

* * *

Нима ҳам дер эдим, энди... борим шу,
Осмондаги ойга қилмасман ҳавас.
Шукрона қилурман – дармон-дорим шу,
Гарчи бенавоман, гарчи – “нон емас...”
Факир бўлсам ҳамки, “илло”ларим бор,
“Шашқатор” кўзёшим – “тилло”ларим бор.



**Абдурасул
ЖУМАҚУЛ**

Орзуларинг каби учар узоққа...

Сирли кўшиқ

*Чирилларми чирилдоқ
Ухлатмасдан юлдузни.
Яхшибой Жабборов*

Чирилдоқлар тун бўйи
сирли кўшиқ айтадир.
Гўё асов тулпордай
хаёл учар қайгадир.

Чирилдоқлар чириллар
тунни тешган ўқ янглиғ.
Шерободлик сулувнинг
киприклари мисли тиғ.

Сулув кумуш фалакка
турганмикан термилиб?
Ҳижронга ён бермасдан,
қош чимириб, гоҳ кулиб?

Ўйламасдан йўқ илож,
у ҳам мени ўйларми?
Хаёл суриб гоҳида
юраклари куйларми?

Абдурасул ЖУМАҚУЛ – 1966 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетини ҳамда Термиз давлат университети иқтисодий менежмент факультетларини битирган. Шоирнинг “Осмон бешиги”, “Ишқ боғи”, “Юракка сизмаган гаплар”, “Йиллар ва йўллар”, “Кундузги чироқ” сингари бир қанча китоблари чоп этилган.

Икки туш

1

Мушукдай писиб аждар
Қарар эди изимдан.
Сезиб қолдим дафъатан,
Хужум қилмоқчи зимдан.

Арқондек эшилганча,
Ерда ётарди пойлаб.
Айёр ёвуз ниятин
Совуқ дилига жойлаб.

Тилларини чиқариб,
Вишиллади атайин.
Аён бўлди шу замон,
Ҳамла қилмоғи тайин.

Оғирлашди вужудим,
Тарк айлади мадор – куч:
“Ўзинг асра, эй Тангрим,
Нега морни қилдинг дуч?”

Оёкни қўлга олиб,
Қочмоқ бўлардим роса.
Ҳалқумга келган жоним,
Қилар эди талваса.

Илон-чи, қилиб муқом,
Аврайди сохта дўстдай.
(Тилёғлама кимсалар,
Бир кун бошингга етгай).

“Мени бўғма, тишлама,
Сочма, илон, захрингни.
Сенга душман эмасман,
Кўрсатмагин қаҳрингни” –

Деб бақирмоқ бўлардим,
Айланмасди лек тилим.
Англамасдим очиғи,
Бу тушимми, ё ўнгим?

Қўрқувдан дир-дир титраб,
Уйғониб кетдим шу дам.
Бу туш экан, туш экан,
Ўзинг асра, эй, Эгам!

Сакраб туриб ўрнимдан,
Нола қилдим бетоқат:
Илонларнинг касридан,
Тушда ҳам йўқ ҳаловат!..

2

Тушимда мен бахтиёр,
Қирлар ошар эканман.
Омад куши кифтимда,
Яйраб-яшнар эканман.

Ташвишлардан йўқ асар,
Йўқ экан бирор камим.
Ҳамма ишим саришта,
На дардим бор, на ғамим.

Кўзим тушмас ғанимга,
Атрофимда дўстларим.
Ҳеч ким бадқавоқ эмас,
Ҳамма меҳрибон, салим.

Қандай яхши, қандай соз,
Ҳаётдан бўлдим сархуш.
Лекин алам қиларкан,
Ўнг бўлмаса яхши туш...

Бир кун

Яхши бўлар бир кун ҳаммаси,
бизлар бахтли яшаймиз, ишон.
Ҳамма ҳавас қилади агар
маломатга бўлмасак нишон.

Орзулардай яшаб билардик,
завол нима сезмаса ҳеч ким.
Заминдаги само гулларин,
топтамаса, узмаса ҳеч ким!..

Ёлғон

Ёлғоннинг умри қисқа, дейишар.
Фақат алам қилар баъзан,
инсон умри ёлғондан қисқа.
Ахир лаҳзалар –
дақиқаларга,
дақиқалар –
кунларга,
кунлар –
йилларга,
йиллар –
асрларга дўнса,
ёлғон отида.
Ёлғоннинг умри қисқа,
рост, ҳатто юз йил дегани
оқсоч тарих олдида,
бир ондир, холос.
Аммо...
гўё юпанчдай туйилаверар,
ёлғоннинг умри.

Соя

Қўрқиб кетди, тушди сапчиб,
Кимдир кузатгандек зимдан.
Ёқасини тузатди дарҳол,
Сочларини тараб қўйди тез.
Тинчликмикан, балки, ногаҳон
Очилгандир бирорта сири?
Оёққача кетди-ку музлаб:
“Недир, содир бўлган, ҳойнаҳой?!”
Бор кучини йиғиб қараса,
Чўчитган – ўзининг сояси.
Шукр деди секин, туфлади ичга,
Чумчуққа ҳавас қилса арзир бечора!

Ой

Кун бўйи изғийди
куёш зерикиб.
Бошини тоғларга
урар беҳосдан

Тушади оқшом.
Ҳилол пайдо бўлару
тўлишиб борар тобора.
Уни нурлантирар
энг гўзал юлдуз.

Жануб жилолари (Манзара)

Қизийди дала-туз тандирдек,
куяди кушларнинг қаноти.
Тўшамчи қилиб
беқасам желагин
орзу қилар деҳқон:
“Мўл-кўл бўлса ҳосиллар!”

Шалпайиб эшаклар қулоғи,
кетиб борар экан мадордан
эринишар ҳанграшга ҳатто.

Човгумни
вақир-вукур қайнатар қуёш,
ўтин қалагандай устма-уст.

Кейин эса нафаси қайтар,
борлиқ жикқа терга ботади.
Узун эгатларда жимирлар фақат –
оқиб
кетаётган
хаёт ташвиши...

Қутқу

Туш кўрмаслик учун
ухламайман мен,
тонггача бедор ўтираман,
китоб варақлайман,
термиламан телевизорга.
Аммо, барибир
бостириб келаверар уйку душмандай,
киприкларим тизилишар аскарлар каби.
Чўпон тонг отарда
ҳайдагандай сурувини
ҳайдаб юбораман уйкумни –
у сал нарироққа кетгандай бўлиб,
яна қайтиб келаверарди.

Уйқунинг кутқуси ёмон,
ҳар не кираверар тушинга,
туш ахир уйқунинг эгизагидир.
Тириксану худди жонинг йўқдай,
жонинг бору ўлгандайсан гўё.
Қўрқаман ухлаб яшашдан!
Ахир кўзни юмиб яшаш...
О, бу мумкин эмас.
Содир бўлар баъзан
истамаганинг.
Яхшиси очиқ бўлсин кўзларинг,
кўзинг юмуқ бўлмасин ҳар ҳолда.
Билки, енга олсанг уйқуни,
Сабр етса яна озгина
отиб қолар сен истаган –
Тонг!

Шаҳарлик бола билан суҳбат

Қани укажон,
келақол,
оқсуяк ўйнайлик.
“Билмайман” дейсанми?
Ахир энг қизиқ ўйин-ку бу...
Кел, унда
чиллак ўйнайлик бир пас.
Нега куласан?
Наҳот, бу ўйинни ҳам билмайсан,
осон-ку ахир.
Қарагин:
манови – энасоп,
буниси – боласоп.
Урасан боласопни,
энасоп билан.
Боласоп узоққа учар,
учар орзуларинг каби узоққа.
Боласопнинг кетидан чопасан,
ерга тушмасин боласоп,
ерга тушмасин орзуларинг,
учсин кўкка қушдай,
учаверсин, чоп!
Кел, яхшиси, ошиқ ўйнаймиз,
ё кўчмак ўйинин
ёктирасанми?
Нега индамайсан,
шаҳарлик укам?

Синфдошимнинг сўзи

Етти ўғил – етти паҳлавон,
Эртақдаги баҳодирлардек
Биз кетмадик бахтимиз излаб,
Шу-да тақдир дея яшайвердик тек.

Етти ўғил – етти оила,
Уй-жой қилдик ва бола-чақа.
Отга миниб изламадик ёр,
Пахта терар эди... етти малика.

Умр ўтар – оқар сув каби,
Фарзандлар ҳам яшар шу зайл.
Кенг дунёни кезмаганимиз –
Алам қилар гоҳо ўртаб дил.

Кўнгил сочмалари

* * *

Нега бунча соғинтирасан,
нега бунча қийнайсан мени
ўттиз йилки ёнимда туриб.

* * *

Қизик, ҳамма билар,
ҳамма сезади –
сўзлари ёлғон.

Бироқ, олқишлар
уни оломон.

* * *

“Мени хотин деманг,
камситманг мени!” –
дея хафа бўлар
бир хотин.

Кўзларингга қарасам

Кўзларингга қарасам...
Боғ ичинда тургандек бўламан,
дилим қулф уради гуллардай гўё.

Кўзларингга қарасам...
Ёдимдан кўтарилар батамом
сенсиз ўтган кунларим.

Наҳот,
руҳни ўзгартирса
кўзнинг сўзлари?

Бу дунёда...


Бу дунёда дўст ахтариб овора бўлма,
Қирқ йиллик содиқ ҳамроҳ ҳам бир куни сотгай.
Бегонадан ўпка қилма, ҳатто ўз боланг,
Хизматингни билса билар, билмаса, нетгай?!

Юпатиш

Сен чиндан ёлғизсан эҳтимол,
Аммо,
Кўзёш тўккудай аянч эмас бу.
Шунчаки ёнингда йўқ,
Ширин ёлғон сўзлагувчилар,
Шунчаки сени аврашмайди,
Сохта илтифоту тавозелар-ла.
Куйинма, тўкмагин кўзёш.
Балки сен дунёда
Энг бахтли инсон!
Билсанг, энг ёмони,
Энг хавфлиси,
Никобли одам –
Доим қўлларини кўксига қўйган.
Бир онда ўзгарар,
Қулдай етти букилган нусхалар,
Ёрлиқ учун ҳатто тукқан онасин
Сотишга тайёр.
Улардан қоч,
Айлагил ҳазар.
Беш кунлик дунёда
Ёлғизман деб куйинма сира,
Гоҳо сенга ҳавас қилишар ҳатто!

Кўнгил

Кўнгил, мени тушунгин,
Чарчадим сени авраб.
Бок, дунёнинг ҳолига,
Бошқа яшолмам алдаб!



Асад АСИЛ

СОФ СЕВГИ БЕКАТИ

Ҳужжатли ҳикоя



Туютошисойдаги Мулла Асил боғининг энг қуюқ сояли сўлим маскани. Кўрпачада дуркунгина қоратўри қизча ва оқ-сарикдан келган болакай бир-бирларига суяниб ўтиришар, катталар эса эндигина пишиб тўкилаётган қантак ўрик ҳосилини териш билан банд эди. Норасидалар жуда эмин-эркин, яйраб суҳбатлашмоқда.

– Нега сенга Ҳокима деган исм танлашганлар? – сўради болакай қизчадан. Қизалоқ шарақлаб кулиб юборди. Баҳодир ўзини ноқулай сезиб, секин ерга қаради.

– Сенинг устингдан ҳокимлик қилиб юришим учун-да! – деганча қизалоқ боланинг бежиримгина қирра бурнидан чимчилади. – Ўзинг-чи, нега Баҳодирсан?

Бола ўзини ўнглаб олгач, дадил жавоб берди:

– Вай лодон-эй, шуниям билмайсанми? Умримнинг охиригача сени кўриқлаб юраман.

Сал нарида дарахтлар салқинида ором олаётган икки дугона бир-бирларига меҳр-ла жилмайдилар.

– Ширинлигини қаранг, эгачи, болажонларимизнинг! – шивирлади Зебунисо дугонаси Қумринисонинг қулоғига. – Бир пайтда туғилишди, умр бўйи бир-бирдан ажралмасин, дея яхши ният қилганмиз ҳам, жонгинам! – Қувончдан чўзиқроқ юзлари яшнади аёлнинг.

– Болаларимизга эгри қарайдиган шайтоннинг бўйни узилсин, – дугонасининг гапини қувватлади Қумринисо сал хавотирли овозда.

– Қайдам, Одил акангизнинг сал тажанглиги бор-да, “Бундан бу ёғига анови бола билан бирга юришига йўл қўйма”, деб юборди кеча тўсатдан. Каттиқ ўрганиб қолишса, кейин бир-бирдан ажратиб бўлмас эмиш!

Асад АСИЛ – 1941 йилда туғилган. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтини (ҳозирги ТДПУ), Тошкент давлат университетини (ҳозирги ЎЗМУ) таълимлаган. Унинг “Лочин”, “Тоғликлар”, “Алқор, нега кўзинг тўла ёш?”, “Чирогим, мен Сидқийман – Хандақлиқийман”, “Парвоз” каби китоблари чоп этилган.

– Нега ажралишлари керак экан, бошланаётган ҳақиқий соф севги шу эмасми ахир? – ҳам ҳаяжон, ҳам сал қўрқув оҳангида гапириб юборди Зебунисо.

– Нимасини айтасиз, сингилжон, бизга қолса-ку... – шивирлаб суҳбатга яқун ясади Қумринисо. Бу орада болажонлар дарахтлар оралаб чопқиллашиб ўйнаб-югуриб кетгандилар...

Қумринисонинг ҳаяжон, қўрқув аралаш шивирлаб гапиришларида жон бор эди. Мулла Ёқуб отанинг шу қизи қишлоғидаги Қамчин исмли йигит билан севишиб турмуш қурган эдилар. Соҳиба ва Абдувалини оламга келтиргач, давр вабоси Қамчинбекни ҳам оламдан олиб кетди. Қумриниса икки фарзандини эргаштириб, дўрмонлик Одил қайсарга турмушга чиқди-ю, беайб айбдор бўлиб қолди. Айби шу – икки фарзанди борлиги. Одил чатоқнинг эса айтгани-айтган, дегани-деган. Исми Одил, қилиғи ғофил. Ундан туғилган қизи Ҳокимада ҳам отасининг қайсарлиги сал бўлса-да, мужассам эди. Баҳодирга ҳам онда-сонда буни таъкидлаб қўярди. Мулла Асил боғидаги арғимчоқларда тебраниб-учишиб, навбатма-навбат қўшиқ айтардилар:

Қалдирғоч қаро бўлур,

Қаноти оло бўлур.

Ёшликда берган кангул

Айрилмас бало бўлур...

Соф севги оғушида яйраб юрган икки ёш ўн бешга қадам қўйишлари асносида бошларига жуда оғир мусибат тушди.

Одил қайсарнинг Чирчиқ шаҳридаги Қипчоқ маҳалласидан бир маишат-параст дўсти бўлар, улар ҳафта сайин учрашиб турмасалар, кўнгиллари жойига тушмас эди. Навбатдаги шундай маишатларининг бири айна чўққисига чиққанда дўсти Одил қайсарга:

– Қизингни менинг қипчоқлик дўстим ўғлига узатасан! – деди. – Бу йигитнинг исмиям Қўчқор, ўзиям ҳақиқий қўчқорлардек зўр!

– Бир оғиз гапинг, дўстим, – ҳеч иккиланмай кайфнинг илмоғига илинди Одил қайсар. – Бир қизим тугул...

– Баракалла! – Одилнинг елкасига қоқиб қўйди дўсти. – Қадрдонлигимиз абадий бўлсин!

Шу тариқа улар Ҳокимани ҳам, унинг кўз очиб қўрган бахтини ҳам ичкиликка қўшиб ютиб юбордилар...

Эндигина ўн бешга тўлаётган қиз фарёд уриб, ўзини ўлдиришга чоғланди. Уни қўли ҳеч нарсага етмайдиган, ҳеч қаёққа чиқиб кета олмайдиган кимсасиз бир хонага қамаб қўйдилар. Очлик, тутқунлик уни таслим айлади. Ўзидан салкам ўн беш ёш катта Қўчқор бўй етмаган гўзал қизалоқни бурама шохига илинтириб, Қипчоққа олиб кетди...

Во дариғ, бу золим фалак шўрлик Баҳодир бошига унданам оғир кулфатни тайёрлаб турган экан! Бу фожиа дугоналар Қумринисо ва Зебунисо-

нинг ҳам бошларига тушган эди. Қумринисо туғилиб ўсган хонадон эгаси Мулла Асил ўғли Ортиқбой билан Баҳодирнинг укаси Абдурашид ажралмас дўст эдилар. Ўша кун бу икки дўст якка оғиз милтиқни олиб, Туятошисойга овга чиққандилар. Баҳорнинг айна тошқинли пайти. Дўстларига қараганда ҳар тарафлама тетик Ортиқбой милтиғини Абдурашидга ушла-тиб қўйиб, уларга эргашган энг кенжа Маҳкамбойни тошқиндан опичлаб ўтаётган бир пайтда милтиқ нималигин билмайдиган Абдурашид ўйнаб ўтириб, унинг тепкисини босиб юборса бўладими! Милтиқдан гумбурлаб отилиб чиққан ўқ Маҳкамбойнинг бошига тўғри экан! Маҳкамбойнинг ота-си Абдуқодир ўта жаҳлдор, шу туфайли ҳамқишлоқлари уни Қодирсовук дердилар. Ўғли Маҳкамбой фожиасини эшитган Қодирсовук катта сўйилни кўтариб, Ортиқбойнинг отаси Мулла Асилникига эмас, Баҳодирнинг ота-си Мулла Асилникига кириб боради. Бу пайтда чақалоғини эмизиб, ай-вонда ўтирган Зебунисо сўйил кўтариб тикка бостириб келаётган “совук” лақабли бу одамни кўриб, ҳушидан айрилади. Охирги жонини бир амаллаб ҳовучлаб, чақалоғини бор бўйи билан яширади. Аҳволини кўрган Қодир совук сал бўшашиб, кўтарган сўйилини қайтариб олиб чиқиб кетади. Шу дамда кўчадан қайтган Баҳодир бу фожага ҳам кўзи тушиб, ҳаётдан бутун-лай умидини узганди...

Инсон зотини дунёга келтирган Қодир Оллоҳ фожиани ҳам, ундан қутулиш чорасини ҳам Ўзи берар экан. Маҳалладош икки мулла Асиллар чор-ночор икки ўғил – Ортиқбой ва Абдурашидни ёнма-ён ўтқизиб, уларга ҳар қандай вазиятда ҳам яшаш учун чора топиш тўғрисида насиҳат айтар-дилар. Кўз очиб кўрган соф севгилисидан, устига-устак онажонидан ҳам ай-рилган Баҳодир аввал ҳаётдан умидини узган бўлса, энди яшаш учун чора изларди. Чунки Асил домлалар қонли урушдан ногирон ҳолда қайтса ҳам, оила ва фарзандларини астойдил боқиб, тарбиялашар, фалак зулмидан ҳеч шикоят қилмас эдилар. Баҳодир Асил додалари насиҳатларидан шу нарсани уқдики, Оллоҳ Таоло яратган бу олам инсон учун синовлар дунёси экан. Бошига кулфат тушган инсон боласи ожизланиб ётиб қолса, ўзига қийин, ёхуд жонига қасд қилса, ҳақиқий оламда ёруғлик кўрмайди, дўзахнинг энг даҳшатли, энг ловуллаган жойида абадий қолади!

Баҳодир ўзини қўлга ола бошлади. Биринчи навбатда ўқишга зўр берди. Мактабни битиргач эса олий ўқув юртига ҳужжат топширмоқчи бўлганда, яна бир муаммо қаршисида қолди. Ўша 1957 йилда қандайдир қарорга кўра қишлоқларда яшовчи ёшлар колхознинг уч йиллик меҳнат стажига эга бўлмаса, ҳужжатлари қабул қилинмайдиган бўлибди. Начора, ҳар қандай қийинчиликларни енгиш, тўсиқ ва доvonлардан мардонавор ўтиш учун бели-ни маҳкам боғлаган Баҳодир ҳеч иккиланмай колхозда ҳам жавлон уриб иш-лади: ўроқ билан буғдой ўрди, картошка экувчиларга қоп орқалаб, уруғлик ташиди... Қандай машаққат дуч келса, енгиб ўтаверди. Имтиҳонларга тай-ёрланишни ҳам бўшаштирмади. Ўқувдан узилиб, колхоз тармоқларида уч йил тентираб юриш қишлоқ ёшларининг эсларини тескари қилиб юборарди,

албатта. Аммо икки Асил домлалар насиҳатларини кулоғига қуйиб олган метин иродали ўспирин асло чекинмади.

Имтиҳонларни аъло баҳоларга топшириб, тоғлар оралиғидаги “Чимён” деган қишлоқ мактабида бўлғуси касби бўйича ишлай бошлади.

Ҳаёт сўқмоқлари нотекис эди. Каттагина маошга эга бўлган Баҳодир баъзан ҳаётнинг қинғир йўлларига ҳам кириб қоларди. У билан танишиб улгурган ёш, содда аёллар ва қизларнинг кўп ўтмай шўри қурирди. Устомон аёлларнинг қўлига тушгач эса... Оламдан ўтиб кетган Мулла Асил домлаларнинг тушида ҳам, ўнгида ҳам унга маъюс ва ғамгин боқаётган кўзларига эса қарай олмасди. Ўқишини сиртдан битиргани туфайли олий билими ҳам кўнгилдагидек эмас, бу ҳол ўз-ўзини қониқтирмасди.

Ўзидан кўнгли тўлиб-тўлмай юрган кунларининг бирида ҳамқишлоғи Каримберди акага йўлиқиб қолди.

– Бор ҳаётингдан хабардорман, – деди у куюнчаклик билан, – шу кетишинг бўлса, бир куни албатта ўзингни ўзинг жувонмарг этасан!

– Бўлмаса, нима қилай?! – унга аччиқ алам билан тикилди Баҳодир.

– Дикқат билан эшит, – ҳар доимгидек оғир-босиқ ҳолда насиҳатга ўтди Каримберди ака. Қайта ўқишга кириб, астойдил билим олишнинг бир имкони бор. Сенинг қўлингда қаламинг бор. Университетнинг шу йўналишига кириб, битириб олсанг, марра сеники бўлади!

Баҳодирнинг назарида гўё унга Хизр Алайҳиссалом йўлиққан эди.

Омади келиб, қайта талаба ҳам бўлди. Университетнинг филология бўлимида таҳсилни бошлаган илк давридан шу факультет услубчиси Насиба опа бир юз йигирма чоғлик талабаларини бир савол билан ўзига қаратди:

– Юртимизнинг турли жойлари, ҳатто қўшни вилоятлардан келган сиз – иккинчи курс талабалари ҳамон муносиб етакчи, яъни “староста”га ёлчимадингиз. Мана шу ўринга муносиб бир номзодни тавсия этаман. Маълумоти олий, Педагогика институтининг педагогика бўлимини тамомлаган, Худо берган илҳом билан ажойиб ҳикоя, шеър устодлар ёзадиган Баҳодиржон кўпроқ билим эгаллаш учун университетимизнинг филология бўлими иккинчи курсига қабул қилиниб, сизларга қўшилди. Ҳар томонлама мукамал бу йигитни ўзларингизга раҳбарликка, яъни старосталикка қабул қиласизларми?

Қўл кўтариб маъқуллаш билан бирга “розимиз” деган овоз ҳам баралла янгради. Насиба опа ёнида жилмайиб турган Баҳодирга самимий қулиб, қўл узатди.

– Табриклайман, Баҳодиржон! Фақат сиздан адолатли, меҳрибон, керак бўлса, қаттиққўл ва ҳар соҳада ибратли бўлиш талаб этилади. Оғир ва масъулиятли вазифангизда омад ёр бўлсин!

Дунёнинг ишлари қизиқ, иш бир юришса, Оллоҳ қўшқўллаб насиба берар экан. Эртасигаёқ ўзбек диалектологияси фанидан дарс берадиган ҳурматли домла Каримберди Назаров кутилмаганда унинг илмий изланишлари учун бир саҳифа очди.

– Метатеза ҳодисасини эшитганмисизлар? – деган саволни ўртага ташлади домла. Сўнг жавобни кутиб ўтирмай, давом этди:

– Рўмолим учди-кетди
Дайронинг шамолига,
Мани ёрим ташаб кетди
Нашанинг хуморига...

Метатеза, яъни товуш, ҳарф алмашиш ҳодисаси диёримизнинг Бўстонлик тумани халқи орасида кенг қўлланади. Гапимиз исботи керакми, шу томондан ким бор, қўлини кўтарсин!

Баҳодир қўл кўтариб ўрнидан турди ва атрофига назар ташлади. Қараса, ўртароқда хипча ва баланд бўйли, қиррабурун, қуралай кўзли бир қиз ҳам ўрнидан турган, унга тикилиб қарарди...

Университет методисти Насиба опа ўз ишига пишиқ экан. Катта тажрибага эга, атрофлича чуқур билимли, ғоят обрў-эътиборли, энг муҳими, ўта камтарин домланинг дарсини кузатиш ва янги старостанинг ўзини тутишини назорат қилиш мақсадида бу аёл орқа ўриндикда ўтирганлиги учун ҳам бу ажойиб воқеа гувоҳи бўлди. Насиба опа дарҳол биринчи қаторга ўтиб, бўстонликлик қиз ва йигитни қошига чорлаб, уларни ёнма-ён ўтқазди. Қиз ердан кўзларини узмас, Баҳодир эса унга беихтиёр тикилиб қолган эди.

– Сизларни тақдирнинг ўзи учраштирди, – деди методист аёл ҳаяжонли овозда ўта самимият билан. Сўнг қизнинг кафтини қўлига олиб, йигитнинг кафти устига қўйди. – Худо хоҳласа, Каримахонга совчиликка ўзим бораман ва тўй тантанасида албатта иштирок этаман...

Худди шундай бўлди ҳам. Қиз лолу ҳайрон, Баҳодирнинг қалбини қувонч тўлқинлари хапқиқтирар, бу мўъжизанинг сиру синоатига тушунолмай ўтирарди.

* * *

Ҳаёт бир жойда тўхтаб турмас экан. Шу воқеалар бўлганига ҳам эллик беш йилдан кўпроқ вақт ўтиб кетибди... Энди бир пайтлар ҳар тарафлама тўкис йигит ўрнида саксондан ошган, юрак-бағри вайрон чолнинг кўзларидан ёш тиркирарди. Қалтираётган қўлидан қалам тушиб кетган Баҳодир ёнгинасидаги кўрпачага секин ёнбошлади. Кўзлари ўз-ўзидан юмилиб, хаёли тобора узоклашиб бораётган баланд тоғларга ўрлади: “Ё Яратган Эгам! Энди қандоқ яшайману, нимани ёзаман?!” Шу он кўз олдида катта дарвоза очилиб, мармар тахтадаги бир лавҳ намоён бўлди: “Сирожиддин Махдум Мирзохид ўғли – Сидқий Хандақлиқий (1884–1934 йй.)”

Мана шундай энг оғир дамларда халқи – Ватани учун жонларини тиккан жадидлару, биринчи навбатда ҳамқишлоғи Сирожиддин Сидқий Хандақлиқий намоён бўлишининг ўзига хос сабаби бор эди, албатта. Ахир Баҳодир эллик йилдан зиёд умрини шу инсон ҳаёти ва ижодини ўрганиш, тадқиқ этиш йўлига тиккан. Баҳодирнинг асосий халоскори – шу нурли йўл

уни яна олға чорлади. Қўлтиғидан тутиб, ўрнидан турғизди, яна яшаш учун етаклади...

Баҳодир кутилмаган шиддат ила ўрнидан турди-да, қанчадан-қанча жангу жадаллар билан ўзи яратган Сидқий боғи сари равона бўлди...

Боғнинг йиғинлар ўтказиладиган кичик майдончасида ажойиб давра йиғилган эди.

– Зап вақтида ташриф буюрдингиз-да, устоз! – Баҳодирни кучоқ очиб кутиб олди Сирожиддин Сидқий боғи раҳбари Дилшод Саъдуллаевич. – Бизнинг марду майдон йигит-қизларимиз ногирон бўлишига қарамай, спортнинг таэквондо тури бўйича жаҳон мусобақаларида қатнашиб, совринли ўринларни эгаллаб қайтдилар. Шу ғалабаларнинг завку шавқида эдик. Айниқса, Гулжаной қизимизнинг тенги йўқ ғолиблиги ҳаммамизнинг бошимизни кўкка кўтариб юборди!

Бутун жону жаҳони вайрон ҳолда устоз хоки пойида туриб арзу доларини унга тўкиб солиш учун келган Баҳодирнинг кўнгли ёришди. Набиралари билан тенгдош Гулжаной унга жилмайиб турарди. Баҳодир қизалоқнинг сарв янглиғ қаддини бағрига босди, азамат елкаларига қоқиб, ёрқин пешонасидан ўпиб қўйди. Лекин ҳамон Шарқнинг серқирра ижодкори пойига тиз чўкиб, қалб дардларини тўкиб солмаса, шу жойдаёқ ўлиб қоладиган каби ҳолатда эди...

Бу ажойиб даврадан узоқлашиб, зиёратгоҳ сари йўл олди.

– Тушимда берган танбеҳларингиз мени яна оёққа турғизди, азиз Устозим! – кўзёшлари жаладай қуйилиб, дардлари дув-дув тўкиларди Баҳодирнинг. – Мен бор қалб ҳароратим билан сизларни, яъни хўрланган халқи, оёқости қилинган Ватани, йўқсил бева-бечоралар бахти учун ҳеч иккиланмай, заррача чўчимай ширин жонларини фидо қилган жадид улуғларимизни юзага чиқариш ниятида белимни яна маҳкам боғладим. Ёрқин бу йўлдаги ҳаракатларимни йиллар давомида қоғозга тушириб, номларингизни абадийлаштириш йўлига олиб чиққан жуфти ҳалолим тўсатдан бу оламдан кўз юмгани мени адои тамом қилаёзган эди! Хайҳот, ношукрлик қилибман... Ахир сиз ва сафдошларингиз Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунавварқори Абдурашидхон ўғли, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон, Абдулла Қодирий, Абдулла Авлоний каби ўнлаб, ҳатто юзлаб фидойиларнинг оила, бола-чақалари йўқмиди?! Тўғри, жуфти ҳалолим менга умри сўнгигача эзгу ишларда таянч, белимга қувват, юрагимга қувонч бағишлади. Лекин Оллоҳнинг хоҳиш-иродаси шу бўлгач... Мен ҳам сизлар каби ҳақиқий жадидларданман, азизларим! – беихтиёр бор овози билан ҳайқириб юборди Баҳодир. – Энди тушкунликдан чиқиб, нурли бу йўлдан асло қайтмайман!

Баҳодир анча таскин олиб, уйига қайтар экан, ҳар доимгидек, жуфти ҳалоли қабри бошида ярим тунгача қолиб кетди. Уни излаб ёнига келувчи умр йўлдоши йўқ энди. Уч қизи ўз хонадонларида банд, ёлғиз ўғли эса...

Буни қарангки, бир томон чоҳга судраса, иккинчи тараф ёруғлик, эзгулик, айниқса, ҳаммамизни яратган Буюк Зотни рози айлашга чорлар эди! Университетни битиргач, Баҳодир илҳом ва ижод сари бурилиб кетганди.

Каримахон эса унинг ижод йўлини ёритиш, асарларини оққа кўчириш, куну тун ёзув машинкасини чиқиллатишдан бош кўтармасди. Устига-устак университетда таълим олаётган чоғида ўқишни бошлаган Куръони Каримни ўрганиш, оилани рисоладагидек тебратиш, жамики кўни-кўшни, қариндош-уруғ, дўсту биродарлар билан ҳар қандай вазиятда ҳар тарафлама хушмуомала бўлиш каби юмушлардан чарчамади. “Тоби йўқлигига қарамай, бунчалар сабру бардошни қайдан оларкин жонажоним?! – ҳайрон қолиб тан берарди жуфти ҳалолига Баҳодир. – Ишқилиб, бахтимга омон бўлсин-да!”

Каримахон ора-чора бўлса-да, эрининг кўйнига қўл солиб турарди. Бир гал юрак ютиб, мақсадга кўчди:

– Мен билан ўқув баҳонасида тасодифан танишиб қолганингиз рост. Лекин ёшлиқдан, аниқроғи, гўдакликдан кўз очиб кўрганингизнинг исми Ҳокима эдими?

– Қаёқдан эшита қолдинг? – бошидан бир челақ совуқ сув қуйгандек сесканди Баҳодир.

– Раҳматли опагоним, яъни сизнинг эгачингиз ҳаммасини гапириб берганди-да!

– Оббо қитмир-эй, шуниям қидириб топганмидинг! – ҳазил аралаш тан берди ёлғон нималигини билмайдиган Баҳодир.

– Буни эртами, кечми, билишингиз керак, мен бу олам билан сиздан аввалроқ хайрлашаман чамаси. Буни бутун борлиғим билан сезиб юрибман...

Каримахон бир зум гапдан тўхтаган эди, кўзларидан ёш томчилади. Уларни яшириш учун секин энгашиб, юзини эрининг кўксига босди-да, гапларини шивирлаб давом эттирди:

– Болаларимиз турли соҳаларда таълим олишяпти. Иккимизнинг аҳволимиз ўзимизга маълум. Каттакон бу қишлоқ пешонасига ҳанузгача кутубхона битмаган. Ярим асрдан зиёд вақт давомида машҳур ҳамқишлоғимизнинг уй-музейини қурдириш ҳаракатидасиз, шу ишга жиддий киришсангиз, демоқчиман. Ёнида албатта кутубхонаси ҳам бўлиши шарт. Мингдан ортиқ ноёб китобларимиз увол бўлмасин десак, уларни шу кутубхонага топширайлик, қишлоқ ёшларига бизлардан мерос бўлсин, азизим!

Рафиқасидан ҳозирок ажраб қолаётгандек, Баҳодирнинг юраги шувуллаб, орқасига тортиб кетди, уни маҳкам бағрига босди. Эртасигаёқ шиддат билан ишга киришиб, ҳоким қабулхонасига хат билан кириб борди. Лекин қидирган одамларини топа олмай, хатни қабулхонада қолдириш билан чекланди. Кунлар, ҳафталар, ойлар ўтиб борар, аммо бирор натижали жавобдан дарак йўқ эди. Каримахон эса кун сайин йўтали кучайиб, сўлгинлашиб борарди. Бардоши тугаган Баҳодир Президент қабулхонасига мурожаат қилиб, воқеалар жамланган мактубини топширди ва шу кунёқ кўнгли шум хабарни сезиб, қишлоққа қайтди. Келса, Каримахонни “Тез ёрдам” Зангиотага олиб кетган экан. Фарзандлари уни юпатишди: “Зангиотадаги шифокорлар тажрибали, онамизни даволашади”. Аммо афсуски икки кундан сўнг Баҳодирнинг жону жаҳонини муздек ҳолда келтиришди...

Ўлим ҳақ! Бироқ орзусига етолмаган, жаҳид бобосининг уй-музейини, унинг қошидаги кутубхонани кўролмаган, бу даргоҳда шодон ёшлар-

нинг кўнгиллари тўлиб, билим олишларининг гувоҳи бўлолмаган жуфти ҳалолининг васиятини шундоқ қолдириб бўлмасди.

Хайрият, туман ҳокимлиги мутасаддилари хушxabар келтиришди: “Уй-музей ва кутубхона қурилиши учун тез орада мутахассислар келар экан”. Кетма-кет ҳаёт зарбаларидан адоий тамом бўлаётган Баҳодирга вилоят Ёзувчилар уюшмасидан ҳам таскин берувчи яна бир хушxabар келди: “Ўзингизни тетиклаштириб, тиклаб олишингиз учун янги фаолият бошлаган Заркент дам олиш ижод даргоҳига таклиф этамиз”. Бу ҳам, ҳар қалай, эзилган жоннинг кўнглини сал бўлса-да, кўтарди. Дам олишининг иккинчи куниёқ ёш ижодкорлар семинари, уларнинг янги китоблари тақдиротлари ўтказиладиган бўлди. Иқтидорли, адабиётга ҳамнафас ўғил-қизларни шундай бахтли кунларга етказиш йўлида азиз жонларини ҳам аямаган жадид боболаримизни яна ёдга олиш учун бу яхши бир имконият эди. Баҳодир тўлқинланиб, кўзларидан томиб чиқаётган ёшларини тия олмаган ҳолда Ватан равнақи йўлида айнан жадид ота-боболаримиз каби фақат олға қадам босиш кераклиги хусусида чиройли маъруза қилди. Йиғилганлар уни чин дилдан олқишладилар. Бу тадбир, самимий ва оташин даъватлардан ўзининг ҳам қалби қувончу нурларга лиммо-лим бўлди. Назарида, жуфти ҳалолининг руҳи поклари ҳам жон-дили билан шу даврада иштирок этмоқда эди...

* * *

Ҳаётида кетма-кет содир бўлаётган шодон ёки оғир дамларда бир фидойи йигит Баҳодир билан доим бирга эди. Кексайиб қолган бу ижодкорга ҳар қадамда таянч бўлиб келаётган адабиёт шайдоси, Баҳодирнинг севимли жияни Фарҳод тоғасини ҳар доим техника ва бошқа заруратлар билан таъминлаб турарди. У Баҳодирнинг ички сир-синаотларидан ҳам хабардор, керак бўлганда муҳим маслаҳатлар орқали тоғасининг кам-кўстларини тўлдириб борарди.

– Тоғажон, биринчи соф севгингиз эгаси ҳалиям ҳаётми? Хабарингиз борми? – деб сўраб қолди бир куни дабдурустан Фарҳод.

– Бир гал машина бошқариб бораётганимда бекатда турган экан, хонадонига элтиб қўйган эдим, – хомуш жавоб берди Баҳодир. – Лекин ҳеч қанақа савол-жавоб қилмагандим...

– Айни муддао-ку! – яйраб кулди Фарҳод. – Яшаш жойини билар экансиз, ҳовлимдаги эртаги тарғил олма обдан пишиб, тагига тўкилиб ётибди. Туятошисойдан совға, деб бир тўрвасини олиб борайлик. Баҳонада билолмай юрган маълумотларни билиб оласиз. Ундан кейин, энг муҳими, зўр китобингизни ёзишга йўл очилади.

– Бирор хунук иш содир бўлиб, ҳокиманинг боши балога қолмасин, дейман-да...

– Вой тоғажон-эй, ўзингиз айтгансиз-ку, бармоғига узук тақиш учун ёшлигимизда бир мартагина қўлидан ушлаганман, деб. Яхшиям уйланмаган экансиз, бўлмаса Оноре де Балзак воқеаси сизда ҳам такрорланармиди...

– Хўш-хўш, нима бўлган экан? – қизиқиб қолди Баҳодир.

– Айнан сизга ўхшаб болалигидан севган қизига етиша олмаган Бальзак уйланмабди. Қулай фурсат кутиб, яшаб юраверибди. Ёзувчи бир кун кўрсаки, севган аёли эридан ажрашиб кетибди. Имкониятни бой бермай, дарҳол унга уйланибди. Буни қарангки, турмуш икир-чикирлари соф севгининг офати бўлар экан, бир ой бирга яшашга улгурмай, ажрашишибди.

– Оббо қитмир жияним-эй, қаёқдаги нарсаларни қидириб топиб юрасан-а! – хахолаб кулиб юборди Баҳодир. – Лекин мен сенга айтсам, бизнинг турмушимиз, агар Оллоҳ айирмаганда, ҳеч қачон бузилмас эди...

Чирчиқ шаҳри бутунлай ўзгариб кетибди, ҳаммаёқда янги қурилиш, аввалги тор, кинғир-қийшиқ кўчалардан асар ҳам йўқ. Аммо Фарҳод бўш келмади, қадимги кекса чирчиқликлардан сўрай-сўрай излаганини топди. Бироздан кейин эшик очилиб, соч-соқоли оппоқ, мункайган қария чиқиб келди:

– Мен шу уй эгаси Қўчқор акаман, кимсизлар, танимаяпман.

Фарҳод дадиллик билан гап бошлади:

– Мана бу менинг тоғам, ёзувчи Баҳодир ака! Мен Фарҳодман. Тоғам Хондайлиқ қишлоғининг тарихи учун маълумот тўплаб юрибди. Сиз тўқсонга яқинлашибсиз, аждодларингиз ҳам шу қишлоқда яшаган экан, кейин Чирчиқнинг Қипчоқ маҳалласига кўчиб келган эканлар. Ўтмиш ва ўтмишдошлар ҳақида суҳбатлашсак, бўладими?

– Аввал уйга марҳамат, – деди қария. – Бир пиёла чой устида суҳбатлашамиз.

Мезбон оҳиста одимлаб, йўл бошлади, меҳмонлар эргашдилар. Даҳлиздан ўтиб, кичик бир хонага кирдилар, хонтахта атрофига ўтирдилар. Бурчакда кекса бир аёл намоз ўқиётган экан. Ёшроқ келинчак елиб-югуриб чой келтирди. Чол уни таништирди:

– Бу менинг неvara келиним, ана у намоз ўқиётган аёл – сизлар қидириб келган Ҳокима. Ҳамма воқеа-ҳодисалардан хабардорман. Афсуски, тўйимиз бўлиб ўтгач, севишганлар фарёдини эшитганман. Унда икки қиз ва бир ўғиллик бўлган эдик. Начора, ҳаётда англашилмовчиликлар кўп экан...

Зўрға ўзини тутиб турган Баҳодир юзига фотиҳа тортиб, ўрнидан турди:

– Қўчқор ака, сиз олижаноб инсон экансиз, бизларни афв этинг, кетдик, Фарҳод!

– Шошманг, Баҳодиржон, – ҳамон оҳиста гапирарди Қўчқор ака. – Ана, Ҳокима ҳам намозини тугатяпти, биз бир-биримиздан ҳеч қачон сир яширмаганмиз. Анча йил аввал машинангизда элтиб қўйганингизни ҳам менга айтиб берган.

– Ассалому алайкум, азиз меҳмонлар, – жойнамоздан туриб, булар сари кела бошлади Ҳокима. У кексайиб, анча чўкиб қолибди. Оҳиста қадамлар билан Баҳодирнинг ёнига яқинлашди:

– Болалигимизда бўйинг мендан пастроқ эди, бир-биримизни доим сенсиреганмиз, хафа бўлма, ҳозир ҳам шу вақтларни эслаб гапиряпман... – Ҳокима олдинга бир одим ташлаб, Баҳодирнинг елкасига кафтини босиб, титраган овозда уни юпатди. – Жуфти ҳалолингниям бериб қўйибсан,

бандалик-да, ўзингни кўлга олиб, ижодингни бўшаштирма, иккимиз ҳақимиздаям китоб ёз...

– Хўп, – деди Баҳодир кўзларидан беихтиёр тошиб чиққан кўзёшларини рўмолчага артар экан.

Қишлоққа қайтишаркан, анча жойгача жим келган Фарҳод ахийри тилга кириб, сўради:

– Тоғажон, хижолатдаман, сизниям уялтириб қўйдим шекилли?

– Сираям хижолат бўлма, – уни астойдил юпатди Баҳодир. – Энди менинг бу томондан кўнглим тўқ бўлди. Ҳокима, Худога шукр, ҳалиям ҳокимлигини қилиб, яшаётган экан. Бизларнинг эса бошқа асосий йўлимиз бор. Нурли бу йўл – Шарқнинг серқирра ва машҳур адиби, ватандош жадидларимизнинг сафдоши, дўсти, устози Сирожиддин Махдум Мирзоҳид Охунд ўғли Сидқий Хандақлиқий уй-музейи, унинг ёнига эса тўқис кутубхона қурилишини йўлга қўйсак. Шу иш якунига қадар ҳормай-толмай курашсак. Бу эзгу йўлда ёнимда таянч бўлиб турсанг бас...

– Худога минг қатла шукр, тоғажон! – чинакамига қувониб кетди Фарҳод. – Оғир жудоликдан сўнг кейинги пайтларда кайфиятингиз пасайиб, анча суст бўлиб қолган эдингиз. Эзгулик учун курашларимиз наҳотки охирига етган бўлса, деб кўрққандим. Ростини айтсам, бу қишлоқда ўрнингизни боса оладиган тайинли инсон йўқ. Нафақага чиққанингиздан кейин ҳам ҳамқишлоқларимизга бош-қош бўлиб, қанчадан-қанча улугвор ишларни рўёбга чиқардингиз. Лекин қишлоғимизда амалга оширилиши керак бўлган ишлар талайгина. Биринчи навбатда, албатта, таваллудига бир юз қирқ йил тўлиши арафасида турган Сирожиддин Сидқий бобомизнинг руҳи покларини шод этишимиз, яъни уй-музейини барпо этмоғимиз, ёнига кутубхона тиклашимиз лозим. Қолаверса, марказий кўчалар қинғирқийшиқ, маҳалла идораси вайрон бўлай деб турибди. Энди белингизни маҳкам боғланг, тоғажон! Ёнингизда мана мен, қолаверса, давлатимиз раҳбари даъватлари, ғамхўрликларидан руҳланган ёшлар етилмоқда. Шунда, чин маънодаги соф севгингиз эгаси – Карима онамизнинг руҳи поклари албатта шод бўлажак!

Баҳодир ўзини ортиқ тутиб туrolмади. Бўйи ўзидан анча баланд ва кўркам жиянини жон-дили билан бағрига босиб, қулоғига шивирлади: “Тўғри айтдинг, жигарим, янаям тўқисроқ эътироф айтсак, бу ўтар дунёдаги энг сўнгги ҳақиқий севги бекати – Қодир Оллоҳ дийдори экан...”



**Омонхон
МАМАДАЛИЕВ**

ПАРИ

Ҳикоя



Болалик фаслимда менга учраган биринчи гўзаллик – амакимнинг қизи бўлди. Ўшанда у менга оддий қизалоқ эмас, балки, ўзга оламдан келган сеҳрли хилқат, эртак варақларидан чиқиб келган малика бўлиб туюлар эди. Ҳозир унинг ўша пайтдаги сиймосини кўз олдимга келтиришга ҳаракат қилиб кўряпману, лекин уддасидан чиқолмаяпман. Ўшанда унинг чехрасига термилиб, томоша қилишга менда кучли хоҳиш бўлса-да, бирор марта журъат этолмаганман. У мен учун худди куёшга ўхшар эди, агар қарасам кўзимни қамаштириб юборадигандек туюларди. Агар биз уларникига борадиган ёки улар бизникига меҳмонга келадиган бўлиб қолса байрамни кутаётган боладек қувониб кетардим. Лекин уларнинг уйига боргандан кейин биз болақайларни бошқа хонага ўйнагани чиқариб юборишарди. Унинг биздан тахминан бир ёш катта акаси бўлиб, жуда шўх ва ўйинқароқ эди. У билан жуда чиқишардик. Вақтимни фақат у билан ўйнаб ўтказиб, синглисига бир оғиз ҳам гапирмай, ўзимни унга эътибор бермагандек қилиб кўрсатишга ҳаракат қилар эдим. У ҳам бир оғиз гапирмас, ўзи ўйнар, баъзида акаси жиғига тегиб ҳазиллашса, аразлаб, нариги хонага чиқиб кетарди. Мен эса бир нарсасини йўқотиб қўйган одамдек кайфиятим тушиб кетар, ўйинларнинг ҳам ҳеч қандай қизиғи қолмас, чунки у ёнимда бўлганида, гапирмаса ҳам, қарамаса ҳам қандайдир ҳузур-ҳаловатни, бахтиёрлик ҳиссини туяр эдим.

Ўшанда иккинчи ё учинчи синфмидим, хуллас, бир куни амакимлар бизникига меҳмонга келишди. Кўчада уларни узокдан кўрибоқ югуриб бориб салом бердим. Амаким бошимни силаб эркалатди-да, кейин қизига қараб, “Ўртоғинг билан кўришмайсанми”, деди. Шунда, амакимнинг қизи мени хайрон қолдириб, жилмайганча, биринчи бўлиб қўл узатди. Шу пайтгача бирор марта у билан қўл бериб кўришмаган эдик, ғалати бўлиб кетдим. Шо-

Омонхон МАМАДАЛИЕВ – 1967 йилда тугилган. Тошкент автомобиль йўллари институтини тамомлаган. Рус шеъриятидан таржималар тўплами “Ёқилган мактуб” номи остида чоп қилинган.

шиб кўлини бир муддат ушладиму, тезда қўйиб юбордим. Кейин югурганча уйдагиларга меҳмон келаётганини айтишга ошиқдим. Нимагадир ўнг қўлим кафтида бир лаҳза аввал туйган ғалати, лекин ёқимли илиқликни ҳалиям ҳис этиб турардим. Худди хазина топиб олгандек, қўлимни эҳтиёт қила бошладим. Кечгача бирор марта ювмадим ҳам. Бу воқеа менда ҳали нотаниш бўлган сеҳрли бир оламнинг эшигини қўлим билан қия очгандек тасаввур уйғотганди. Ўзимча, “Ҳа, демак, мен уни яхши кўрарканман-да!” деб ўйлай бошладим. (Мактабда, кўчада, тенгкур ўртоқларим ичида, анави манавини яхши кўриб қопти, деган гапларни кўп эшитардим, лекин яхши кўриб қолиш нима, у қандай бўлади, билмасдим). Кейин яхши кўриб қолиш ажойиб нарса экан деб ўйлай бошладим, чунки бу ҳиссиёт, ё туйғу деймизми, мени аввал билмаган, ўйламаган орзу-хаёлларга етаклай бошлаганди. “Қачондир катта бўлсам, албатта унга уйланаман, тўйимиз бўлади, кейин доим бирга бўлиб, унинг чеҳрасига хоҳлаганча термилиб томоша қилишим мумкин. Иккаламиз жуда қалин дўст бўламиз, у ҳам мени яхши кўриб қолади... Оҳ, қандай яхши-я!” деб ўйлай бошладим. Бундай орзу-хаёлларни ўйлаган сайин ичимда бир нарса ширин шувуллаб, пастга тортгандек бўлар, бошим айланиб, қандайдир хузурбахш ҳолатини кечирар эдим.

“Учраган жойга; асфальтга, деворга, партага, кичкинагина, бошқалар кўзи тушмайдиган қилиб, “Ш+М=Севги”, деб ёза бошладим.

Болаликдан ўсмирликкача бўлган вақт оралиғи хотирамда унчалик яхши сақланмаган (балки, ҳеч қандай ёдда қоларлик воқеалар содир бўлмаганлиги учундир). Негадир амакимлар бизникига камроқ келадиган, биз ҳам уларникига аҳён-аҳёнда борадиган бўлиб қолгандик. Амакимни қизини ҳам йилда бир, икки маротаба кўриб қолар эдим.

Фақат шуни билардимки амакимнинг хотини, яъни келинойим анча вақтдан бери хасталаниб, ҳали у касалхонада, ҳали бу касалхонада даволаниб юрарди. Охирги пайтларда анча оғирлашиб, шаҳар ўсма касалликлар шифохонасида ётар эди. Ойим билан дадам деярли ҳар куни беморни кўргани боришар, баъзида мен ҳам бирга борар эдим. Ўшанда ўсма касаллиги қандай оғир хасталик эканлигини, унга ҳозирча даво топилмагани ҳақида билмас эканман. Бир куни кечаси телефон жиринглаб, амаким дадамни касалхонага чақириб қолди. Дадам шошиб кийиниб чиқиб кетдилар. Қайтганларида деярли ярим кеча бўлган, ойим ҳам, мен ҳам хавотир олиб, ухламай ўтирган эдик. Дадам тушкун кайфиятда, ковоқлари солиқ қириб келди:

– Бўлмади... келинни топшириб қўйдик... – дея кўзларида ёш филтиллади.

Ойим пиқиллаб йиғлай бошладилар. Дадам гапни давом эттирдилар:

– Ҳаммасидан ҳам қизига айтмай касалхонага олиб боришим қийин бўлди. Уйда ўзи қолган экан, майитни ўрагани кўрпа керак эди. Аянгга жавоб бўлди, уйга опкеламиз экан, шунга кўрпа керак, десам ишонмайди. Нукул, “Амаки, айтинг, аям тирик денг, ўлгани йўғ-а?” деб жавдирайди. Ишхонани машинасини олгандик, касалхонага етиб боргунча йиғлаб юбориб, билдириб қўймай деб қийналиб кетдим... Боргандан кейинги ҳолатни айтмай кўя қолай, унинг дод-фарёдига ҳеч ким чидамади, ҳатто дўхтирлар ҳам

кочиб чиқиб кетишди. Акаси-ку, ўғил болалигига борди, чидади... Ҳа, майли пешонасига шунақа ёзилган экан, ўлчаб берган умр, биров кўп, биров оз...

– Ҳа, онаси, латта-лутталарингиз бўлса олволинг. Бувисининг ҳовлиси-дан чиқарадиган бўлдик, азонда ўша ерда бўлишимиз керак. Ҳозир бироз мизғиб олмасам бўлмайди, бошим айланиб, кўзим тиниб кетяпти.

Мен, болаларча тасаввурим билан, ўлим нима, у қандай бўлади, буларни ҳам яхши тушунмасам-да, унинг қандайдир ваҳимага солувчи оғир мусибат эканлигини англаб турардим.

Дадамнинг сўзларидан кейин ичимда амакимнинг қизига нисбатан қаттиқ ачинишни ҳис қилдим. Шу дақиқадан бошлаб, у менга самовий бир мавжудот эмас, балки, ҳис-туйғуларга эга, изтироб чекаётган, қийналаётган бир яқин қариндошим сифатида кўрина бошлади. Улғайган ақлим бу ҳаётда ҳеч қандай сеҳрли оламлар ҳам, маликаю-парилар ҳам бўлмаслигини аллақачон тушуниб етганди...

Армияда хизматни ўтай бошлашим билан уйдагилардан ташқари яна ҳамма дўстларга, синфдошлару қариндошларга мактуб ёзиб, жавобини ҳам олиб бўлган эдим.

Нихоят, уч-тўрт ой муддат ўтгач, амакимдан ҳам мактуб келди. Конвертни йиртар эканман, қалбимни ғалати ҳаяжон чулғаб олганди. Нимагадир бошқа мактубларни очган пайтимда бунақа бўлмаганди. Ички бир туйғу билан бу хатни амакимнинг қизи ўз қўли билан ёзганини ҳис қилиб турардим. Хат оддийгина, ўша пайтда урф бўлган сўзлар билан бошланарди: “Ушбу ёзган хатим шамолдай шошиб, дарёдай тошиб, етиб бориб маълум бўлсинким, мен ким фалончи писмадончи бўламан. Қалай, йигитлик бурчингизни шараф билан адо этиб юрибсизми?.. Биздан сўрасангиз...” ва ҳоказо... Шундай бўлса ҳам, мен уни қимматбаҳо нарсасидек авайлаб сақлаб юрар, вақт топдим дегунча қайта-қайта ўқиб, ундаги сўзлардан, ўзимча, яширин маънолар излар эдим. Айниқса, мактуб охиридаги, “Соғинч билан амакингиз ва Муҳаббатхон” деган сўзлардан бошқача хурсанд бўлиб кетардим. Унинг акаси ҳали армиядан қайтиб келмагани учун хатга номи тиркалмаган экан. Менга ана шу “ва Муҳаббатхон” деган сўзда олам-олам маъно борга ўхшарди (балки ўзим ич-ичимдан шуни хоҳлаганим учун шундай туюлгандир, ким билсин дейсиз...)

Дарҳол жавоб хатини ёзиб юбордим. Лекин то хизматни тугатгунимча ҳам ундан бошқа хат олмадим. Нима бўлганда ҳам бир марта салом-алик қилинди, дедиму, бошқа хат ёзмадим. Бир муддат ўтиб, эътиборсизлик натижасида ҳалиги мактуб ҳам бошқалари қатори унутилиб, қайларгадир йўқолиб кетди.

Йигитларни армиядан келиши биланок уйлаб қўйиш урф бўлган. Ҳатто, кўпинча солдат келишига бир ой қолганда уйдагилар аллақачон келинни топиб, ишни пишириб қўйган бўлишарди.

Эсон-омон қайтганим шарафига қўй сўйилди, қўни-қўшни, қариндош-уруғ йиғилишиб келишди. Нимагадир уларнинг орасида амаким кўринмасди. Ҳамма тарқаб, ўзимиз қолганимизда уйдагилар тушунтириб беришди. Амаким, ўша пайтда авж олган “Пахта иши” бўйича терговда экан. Амаким

пахта заводида ҳисобчи вазифасида ишларди. Бир ойдан бери Тошкентда, қачон уйига жавоб беришлари номаълум дейишипти. Амакимнинг ўғли армиядан қайтишига оз вақт қолганда, ким биландир жанжаллашиб, кимгадир, қандайдир жароҳат етказганми билмадим, “интизомий батальон”га беш йил мажбурий хизматга суд қилиб ўтказиб юборибди. Амакимнинг қизи эса ҳозир бувисиникида яшаётган экан. Гап орасида, “Ўзинг бориб, хабар олиб келсанг бўларди”, дейишди.

Орадан бир ҳафта ўтди. Бувисининг ҳовлиси шаҳарнинг деҳқон бозори орқасидаги маҳаллалардан бирида эди. Бозордан тўртта патир, икки килоча олма олиб, уйларига йўл олдим. Болалик чоғимда бир-икки борганим учун қийналмай топиб бордим. Ҳовлининг дарвозаси йўқ эди. Пастақкина деворга мос кичкина эшик олдида бирпас иккиланиб тургач, қатъият билан тақиллатдим. Ичкаридан, “Ҳозир!” деган овоз эшитилди. Бу овоз шунақанги ёқимли жарангладики, гарчи уни эшитмаганимга юз йиллар ўтиб кетгандек бўлса-да, дарҳол бу овоз амакимнинг қизиники эканлигини англадим. Бирдан ичимга бир титроқ кириб, ҳаяжон зўридан юрагимнинг гупиллаб уриши чакка томирларимда ҳам акс эта бошлади. Ўзимни босишга ҳарчанд уринмай, хотиржам бўлишнинг уддасидан чиқолмас эдим. Қадам товушлари яқинлашиб, эшик қия очилгунча ўтган вақт мен учун азобнинг ўзи бўлди. Ичимда тўфон кўтарилаётган бўлса-да, ташқаридан хотиржам кўринишга зўр бериб ҳаракат қилардим.

– Ие, вой! Ассалом алайкум, Шокиржон, ўзизмисиз!? Армиядан келдизми? – унинг кўзларида шодлик учқунлари чакнади. – Эшитмапмизам, қаранг! Яхши кеволдизми, уйдагилар, кеннойим, амакимлар ҳам хурсанд бўлиб ўтиришкандур? Қани келинг, киринг уйга, буви, хой буви, қаранг, Шокиржон армиядан кептилар.

– Овора бўпсиз-да, шундай келавермайсизми, – у кўлимдаги тўрхалтани оларкан, хижолат оҳангида қўшиб қўйди.

– Ваалайкум ассалом, раҳмат, ўзларинг ҳам яхши ўтирибсизларми? – у ёғига бирор сўз тополмай, каловланиб қолдим. Ҳовлининг ўртасида қаққайиб турганимни кўрган Муҳаббатхон жилмайди. Шу пайт ичкаридаги хонадан бувиси ҳам чиқиб, пешонамдан ўпиб кўришди-да, уйга қистади. Муҳаббатхон ҳалиям менга қараб жилмайганча турарди.

Бирдан, у мени “Ҳалиям тортинчоқлиги қолмапти деб ўйлаб кулаётган бўлса-я”, деган фикр хаёлимдан ўтди-ю, шу заҳоти хотиржам тортиб, ўзимни унга қандай хушчақчақ, киришимли ва сўзга чечан йигитга айланганимни кўрсатиб қўйгим келди:

– Майли-ю, лекин бирпасга кираман, кўп уннаб юрманг, Муҳаббатхон, – деганча ичкарига кирдим. Хонтахта атрофида жойлашиб, дуо ўқилгач, ҳолаҳвол сўраш бошланди. Бувиси бирпас ўтиргач, бир иш билан ташқарига чиқиб кетди. Муҳаббатхон чой қуйиб узатаркан, дастурхонга манзират қилди. Мен эса ўзимни худди роль ўйнаётган одамдек ҳис қилиб, анча хотиржам кўринишга эришдим-да, унинг чехрасига сездирмай назар ташлаб кузата бошладим.

Аввал айтганимдек, ўзим ёлғиз қолганда, ҳарчанд унинг хаёлий суратини яратишга ҳаракат қилмай, ҳеч бунинг уддасидан чиқолмаган эдим. Хаёлимда унинг чехраси ғира-шира пайдо бўлар, кўзлари қандай, қошлари қандай шаклда, умуман бу ҳақда аниқ-тиниқ тасаввурга эга эмас эдим. Муҳаббатхон қаршимда жилмайиб чой қуйиб узатар, нондан, ёнғоқ-майизлардан олинг, деб манзират қиларди. Шу тобда унинг нигоҳларида менга нисбатан қандайдир илиқлик, меҳр балқиб турганлигини аниқ-тиниқ ҳис қилдим. Унинг қошлари унча қалин бўлмаса-да, мукаммал ёй шаклида бўлиб, қоп-қора, шаҳлоликка мойил кўзлари, нафислигидан мовийликка тортган, мижжаларига ажиб бир латифлик бағишлаб турар чўзинчоққа мойилроқ юзи оппоқ, оғзи жуда кичик бўлиб, лаблари энди очилаётган лола ғунчасига ўхшаб кетарди. Киприклари жуда узун бўлмаса-да, зич жойлашган, бироз қайрилган, баъзан парпираб турганда кўзларида нимадандир ҳайронлик тасвирини илғаш мумкин бўларди. Қоп-қора қалин сочлари битта қилиб ўриб, турмакланган, ўримга буйсунмаган толаси шокила-шокила бўлиб пастга қайрилиб турарди. Амакимнинг қизи ўрта бўйли, гавдаси нозиккина, лекин пишиқ, оппоқ билаклари, елкалари, гарчи енг ичида бўлса-да, мен бир вақтлар музейда кўрган, қадимги грек ҳайкалтарошлари мраммандан тарашлаб ясаган маъбудаларнинг қоматидек кўркам кўринарди.

Қисқаси бундай гўзалликни биз томонларда жуда кўхлик экан, деб ҳам айтишади. Ҳаммасидан ҳам менга унинг овози жуда ёқимли эшитиларди.

Бу овозни ёзнинг жазирамасида тоғларга чиқиб, шарқираган сойлар бўйида, дарахт салқинида майсага ағанаб ётиб эшитишингиз мумкин ёки болаликда йиқилиб тиззангизни уриб олганингизда, ойингиз “опоч-опоч” қилиб, силаб юпатганда эшитгансиз... Бу овоздан чарчаб турган бўлсангиз ҳам бутун вужудингиз яйраб кетади, хафа бўлиб турган бўлсангиз бир зумда кайфиятингиз кўтарилиб, ғам-қайғу қаёққадир қочиб кетади, қалбингизда, юрагингизда эзгу ишлар қилишга истак пайдо бўлади, хуллас, уни қайта-қайта эшитиш менга ҳузур бағишлаётганди. Ундан амаким ҳақида, акаси ҳақида сўрадим. Бир муддат унинг кўзларида ҳасрат акс этди:

– Худодан сўраб турибмиз, дадамнинг ишлари енгиллаб, уйга қайтиб келиб қоладилар, Худо хоҳласа, – унинг сўз оҳангида чуқур ғусса бор эди. – Акам ҳам эсон-омон қайтиб қолсалар яхши бўларди, пешонада шу ҳам бор экан-да, нима қиламиз энди....

Хайрлашиш пайти, Муҳаббатхон, “Ишингизни битирсангиз, қайтишда албатта кириб ўтинг, овқат ҳам тайёр бўлқолади”, деб қайта-қайта таъинлади. Шу лаҳзада унинг кўзларига термилиб, уларда аввалги, эҳтимол, фақатгина менга шунақа бўлиб туюлган бегонасирашни эмас, балки, яқин қариндош, жигарчилик меҳри уфуриб турган нигоҳни туйдим. Мен эса уйга қайтар эканман фақатгина унинг олдида ўзимни йўқотиб қўймай, муносиб тарзда тутганимдан фахрланиб борардим...

Бир куни кечкурун ойим, “Қани, мана бу ерга ўтир-чи, гап бор”, деб қолдилар. “Оббо, яна уйланиш тўғрисида шекилли”, деб ўйладим. Ойим гапни узоқдан бошладилар, раҳматли келинойим ўлим олдидан ойимга васият қилиб кетган эканлар: “Мендан кейин Муҳаббатхонни бегона қилмасангиз,

Шокиржонимиз тилла бола, катта бўлишганда рози бўлишса, кўнглим хотиржам кетармидим...” Ойим бунни бувисидан бошқа ҳеч кимга айтмаган эканлар. Яна мен армиядалигимда ўтган икки йил мобайнида амакимларнинг эшигидан совчи узилмаган, лекин амаким қизининг раъйига қараб, барча келганларга рад жавоб берган эканлар. Шу кунларда ҳам астойдил сўраб келган совчилар тинч қўймаётган эмиш. Бувиси маслаҳат солган эди, “Тўхтаб туринглар-чи, аввал сенинг олдиндан бир ўтай, агар кўнглинг бўлмаса, яхши жой экан, узатиб юбораверинглар деб айтаман, ўғлим, нима дейсан?” деб, дангал сўраб қўя қолди.

Ҳаяжондан юрагим гурсиллаб уриб кетди, лекин ўзимни бепарво тутиб, жавоб қайтардим:

– Йўғ-э, ойи, яқин қариндош-ку, менимча яқин қариндошга уйланиб бўлмайди. Ахир у амакимнинг қизи-ку...

– Тўғри, лекин жа-а унақа яқин ҳам эмас, даданг билан амакинг бир отанинг боласи бўлсалар ҳам, оналари бошқа-бошқа бўлган, раҳматли буванг даданг кичкиналигида бева қолиб, бошқа уйланганлар, амакинг кейин туғилган. Сен бу нарсани тушунмайсан барибир, йўқ, агар кўнглинг чопмаётган бўлса сени ҳеч ким мажбур қилмайди. Бувисига айтаман, эртагаёқ келган совчиларга жавоб бериб юборади. Яхши жойдан, топармон-тутармон йигит экан дейишяпти.

Кўз олдим қоронғилашиб, миям ғовлаб кетди. Топармон-тутармон йигитни амакимнинг қизи ёнида тасаввур қилиб, жиғибийрон бўла бошладим. Демак, унга барибир экан-да, мен бўлмасам бошқасига тегиб кетаварар экан-да! Менинг телба тасаввурим шу тобда иложсиз нарсани орзу қила бошлаганди. У мени шунчалик севиши керакки, мен йўқ деган тақдиримда ҳам ҳеч кимга тегмай, бир умр ёлғиз, менга бўлган ишқдан азобланиб, қийналиб ўтиши керак эмасми, каби инжиқларча, телбавор фикр бир зум миямни чалғитди. (Йигирма ёшимда ҳам шунчалик аҳмоқ бўлганимни тасаввур қилиб бўлмайди, эсласам хижолат тортаман.)

Ойимга эрталабгача ўйлаб кўришимни айтиб, хонамга кириб кетдим. Каравотга ёнбошлаганча, алғов-далғов бўлиб кетган хаёлларимни бир жойга йиғишга урина бошладим. Кейин, эҳтимол, унинг менга кўнгли бордирки, яхши кутиб олди, ахир, кўзларидаги илиқлик, меҳр шундоқ кўриниб турганди-ку, деган фикрга келдим. “Ўзим уни севаманми”, дея ўзимга савол бердим. Севги – нима у, қандай бўлади, киноларда кўрганим, китобларда ўқиганимдай бўлса, ҳали менда унақа бўлгани йўқ. Нафақат унга, ҳали ҳеч кимга. Ёки севги дегани кейин келармикин? Кейин... Қачон кейин? Тўйдан кейинми? Тўй, никоҳ кечаси, чимилдиқ ҳақида ўйлаганим сари ичимда ширин бир титроқ ўрмалаётгандай бўла бошлади. Амакимнинг қизи билан тўйдан кейин ёлғиз қолишимни тасаввур қилиб энтикиб кетдим. Болалиқдаги орзуларим ёдимга тушди. Ахир ўшанда у мен учун эртаклардаги пари эди-ку... Эртақ қаҳрамонлари парига ёки маликага уйланиб, мурод-мақсадларига етишибди, деган хотима эсимга тушиб хурсанд қулиб юбордим.

– Уйланаман, – қатъий қарорга келдим ўзимча, – уйланаман, нима бўлса бўлди. Бу севгим, ё бошқа нарсами, билмадим, лекин у билан ёлғиз

қолишни ўйласам, юрагим қинидан чиқиб кетгудек бўляпти. Ахир, кейин уни соатлаб томоша қилишим мумкин, ҳатто қўлларини ушлашим мумкин, оппоқ бармоқларини! У ҳам менга ўтган сафаргидек меҳр балқиган кўзлари билан термилади, унинг шокила-шокила сочларини силашим мумкин, ахир! Эй Худо, жинни бўлиб қоламан! Ақлдан озиб қолаётгандек, юрагим тўхтаб қолаётгандек эди.

– Бўлди, етар, бошқа бу ҳақда ўйласам ўлиб қоламан... уйланаман, уйланаман, тамом-вассалом, ахир ундан бошқа ҳеч ким мени бунчалик қалтиратиб ҳаяжонга сола олмаган, севги шунинг ўзи бўлса-чи?

Йўқ, Муҳаббат бошқага эрга тегиб кетмади. Лекин амаким қизининг тўйини кўролмади. Терговни Москвада давом эттириш учун олиб кетилган экан. Кейинроқ маълум бўлишича, ўн йил қамоқ жазоси тайинланибди.

Тўй куни белгилангач, Муҳаббатхон билан ЗАГСга ариза топширгани бордик. Биз билан бирга борган холаси, аризани топшириб чиққанимиздан кейин, иши борлигини баҳона қилиб, бизни ёлғиз қолдириб кетди. Икковимиз бир муддат нима қилишни, нима дейишни билмай каловланиб қолдик. Шунча иш ўтиб, тўйга тайёргарлик бошлаб юборилган бўлса-да, ҳали иккаламиз бир-биримиз билан ўзаро муносабатларимиз тўғрисида бир оғиз ҳам гаплашмаган эдик. Ҳаммаси расм-русм бўйича, худди шундоқ бўлиши керакдек, у ҳам, мен ҳам ичимиздаги туйғулардан ҳозирча сўз очмагандик. Фақат шуни билардимки, у менга турмушга чиқишга, мен эса унга уйланишга рози эдик.

Шу билан биз тўй куни, мен қоп-қора костюм-шим кийиб, галстук таққан, у эса оппоқ келинлик либосини кийган кун учрашдик. Ҳарир парда ортидан унинг кўзлари йиғидан қизариб кетганлиги билиниб турарди. Кейин билишимча у отасининг ўрнига тоғасининг оёғига бош уриб хайрлашганида ўзини тўхтатолмай, жуда узоқ йиғлаган экан. У албатта, ўша пайтда бу кунларни кўрмай ёш ўлиб кетган ойсини, узоқ ўлкаларда уйга қайтолмай юрган акаси, “Пахта иши” айблови билан, эҳтимол, туҳматдан ноҳақ қамалиб кетган дадасини ўйлаган бўлса керак. Аслида суймаганига тегишга мажбур бўлган қизларгина тўйида астойдил йиғлайди. Хар қалай биринчи сабаб кейинги тахминдан кўра ҳақиқатга яқинроқ эканлиги аниқ эди.

Тўй оқшоми, базм, хонанда-ю созандалар, табриклар!.. Ҳаммаси мен учун туш каби кўз очиб юмгунча ўтиб кетди. Фақатгина баъзи-баъзида куёвжўрамнинг қистови билан ёнимда ҳеч нарса емай, ерга тикилиб ўтирган келинга, “Олинг, бирор нарса енг”, деб манзират қилиб, олдимдаги пис-тадан чақиб, мағзини унинг қўлига мажбурлаб тутқазганим эсимда. Яна чимилдикқа кириш олдидан каттароқ ёшли қариндош йигитлар ўртага олиб бир нималар дейишди, яхши тушунолмадим. Чимилдикда мени худди катта имтиҳон кутаётгандек эди. Бу нарса мендаги ҳар қанақа ҳаяжонни бўғиб, тотли ҳиссиётларни олдиндан туйиб энтиқишларимни, висолни ўйлагандаги ичимда ўрмалаган ширин титроқларни бирпасда сўндириб қўйди. Ўзимни, вазифасини мукамал бажаришга тайёрланаётган аскардек совуққон, яна бу иш унга ҳечам чўт эмас одамдек бепарво ҳис қила бошладим. Мендаги аввалги тортинчоқлик қаёққадир буткул ғойиб бўлган эди. Чимилдикда

янгаларнинг ҳар бир кўрсатмасини кунт билан бажаришга ҳаракат қилдим; кўрпа ёнида чўккалаб ўтирган келинни белидан даст кўтариб, кўрпа устига отдим, кейин бизни ёнма-ён ётқизиб, нимагадир ойна тутишди, кўзгуда келинни кўрсатиб, ой кўрдим деб айттиришди...

Бахтиёр кунларим бошланди. Бир ой чамаси вақт ўтиб, биз амакимларнинг бўш турган икки хонали уйига кўчиб ўтдик, чунки ҳовлимиз торгина бўлиб, янги келин-куёвга асосий уйни бўшатиб беришгани учун ойим, дадам ва укамлар кичкина уйда қийналиб қолишган эди.

Уйдагилар билан маслаҳатлашиб, Муҳаббатхоннинг акаси эсон-омон қайтиб келгунча амакимнинг уйларини хувиллатиб қўймасликка қарор қилгандик. Эҳтимол, унгача бироз пул йиғиб, ўзимизга кичикроқ бўлса ҳам алоҳида уй сотиб олиш режасини ҳам тузиб қўйгандик.

Янги хонадонда келин ва куёв ёлғиз ва эркин яшай бошлашимиз билан қувончли кунларимиз янада нашъали туюла бошлади. Тенгқур бўлганимиз учунми, биз икковлон ёш боладек бир-биримиз билан қувлашмачоқ ўйнаб зерикмасдик. Ишдан қайтгач, ювиниб олиш учун ваннага эгилган заҳотим Муҳаббатхон ортимдан келиб чимчилаб қочар, мен эса кафтимда сув олиб, унга сепиш учун ортидан қувиб қолардим. Ниҳоят, кулаверганимиздан ҳолдан тойиб, кейин у яна ошхонага ўз ишига, мен эса ювинишни давом эттириш учун ваннага йўл олардик.

Рафикамдан тобора янги қирралар, фазилатлар кашф этардим. Илгари адабиётни ҳеч ким менчалик яхши кўрмайди, менчалик кўп китоб ўқимаган деб ҳисоблар эдим. Муҳаббатхон бу соҳада ҳам баъзида мендан устунлигини намойиш қилар, ҳатто мен ёқтирган шоирларнинг менга ҳали номаълум бўлган шеърларини ёддан ўқиб, ҳайратда қолдирарди. Айниқса, шеър ўқигандаги унинг майин жаранглаган овози мени сеҳрлаб қўяр, лол бўлиб термилиб қолганимни сезгач, сал-пал қизариб, менга ёниб қараб қўярди. Яна менга энг ёқадиган нарсаси унинг табассуми эди. У жилмайганда чехрасида ҳар сафар ўзгача латофат, ўзгача жозиба кашф этардим. Қисқаси, у мени яна болалик пайтдагидек мафтун этиб қўйганди. Фақат бу мафтунлик хаёлий эмас, ҳақиқий, яъни, бутун вужудингизда ҳис қиладиган бахт туйғуси билан қоришиб кетганди...

Хотинимни еру кўкка ишонмай эҳтиёт қилардим. Лекин бир кам дунё экан, ҳомила беш ойлик бўлганда ривожланишдан тўхтаб nobуд бўлди. Докторлар бачадонда қандайдир ўсма бор дейишди. Икки йилдан сўнг яна шу ҳолат тақрорланди. Бу сафар бачадонни операция қилиб олиб ташламаса бўлмас экан. Ноилоҳ рози бўлдик.

Иккаламиз ҳам қаттиқ тушкунликка тушиб қолган эдик. Фақат Муҳаббатхон буни сездирмасликка ҳаракат қилар, бор меҳри билан кўнглимни кўтаришга уринарди. Аслида бунинг тескарисини бўлиши, яъни мен унинг кўнглига далда бериб, юпанч бўлишим керакмасмиди ахир? Бунини кейинроқ англаганим учун ҳалигача ўзимни кечиролмайман...

Муҳаббатхон тикув фабрикасига ишга кирди. Фабрикада бир ойда бир ҳафта давомида тунги сменада ишлашга тўғри келар экан. Шундай пайтларда, баъзида, биз деярли кўришмасдик. Мен ишдан кечроқ қайтганимда

Муҳаббатхон овқатни тайёрлаб қўйиб, ишга кетган бўлар, тонгда қайтганда эса мен ишга чиқиб кетган бўлардим.

Бир куни ишдан кеч қайтдим. Муҳаббатхон тунги сменага кетган эди. Овқатланиб бўлгач телевизорни ёқдим. Бироз томоша қилгач, ишхонага тиббий комиссия келиб, ҳаммага янги медицина картаси очиш кераклиги ҳақида айтгани ёдимга тушди. Ҳамма биттадан янги, тўксон олти варағли дафтар олиб келиши керак экан. Қаердадир шунақа дафтар турганини кўргандим. Кийим шкафининг пастки тортмаларини очиб кўра бошладим.

Аксига олиб, топилган уч-тўрттагина дафтарларнинг бариси тўлдирилган, янгиси йўқ экан. Дафтарлардан бирига “Анкета” деб сарлавҳа қўйилган эди. Қизиқиб варақлай бошладим. Мактабни битириш пайтларим хотирамда тиклана бошлади. Эҳтимол, сизларда ҳам шундай бўлгандир, бизнинг синф қизлари ҳам шунақа “анкета дафтари” тутар эдилар. Дафтарнинг биринчи варағида бир қатор саволлар берилган бўлиб, кейинги саҳифаларда ҳар бир синфдош тартиб рақами бўйича берилган саволларга жавоб ёзиши шарт эди. Шу асно дафтарлар барча синфдошлар қўлидан ўтиб, эгасига қайтиб келарди. Саволлар йигирмага яқин бўлиб, асосан, дўст деганда нимани тушунасиз, севги деганда нимани тушунасиз, орзуингиз қандай, қайси фильмлар ёқади ва ҳоказо, шунга ўхшаш бўлиб, жавоблар ҳам кўпинча бир-бирига ўхшайдиган, бир қолипда ёзилган бўлар эди. Саҳифаларни бир-бир варақлаб, жавобларга юзаки кўз югуртира бошладим. Баъзи жавоблар беихтиёр жилмайишга мажбур қилар эди.

Саккизинчи саволда сир бўлмаса кимни севасиз, деган саволга қизлар ҳам, ўғил болалар ҳам нақ ярми “сир” деб ёзса, кейинги ярми осонгина “сизни” деб қўяқолган экан. Ўзим ҳам шунақа жавоб ёзганим ёдимга тушиб, мийиғимда жилмайиб қўйдим. Бир пайт, бир шеърый тўртлик диққатимни ўзига тортди. Шеър анчагина таъсирли ёзилган эди.

– *Сенинг хаёлингда юрган пайтларим,
Кунларни ўтказдим илҳақ ва тушдек.
Сенга неча бора ёзган хатларим
Бағримга қайтдилар ярадор қушдек.*

Қизиқиб жавоб эгасининг исмига қарадим. Алимов Зухриддин деган синфдоши экан. Саккизинчи саволга ҳам “Сизни” деган жавоб турарди. Нимагадир юрагим ғашлана бошлади. Мактаб даврида ўзимиз ҳам бир-икки кизга ярим ҳазил, ярим чин қилиб ишқий мактублар ёзганимиз эсимга тушди.

Бу бола ростдан ҳам хат ёзганмикин, ё бу шеърни бирор газета-журналдан қўчириб ёзиб қўйганмикин? Айни дамда бу савол мени ўйлантириб, юрагимни ғаш қилаётган эди. Бошқа ўқувчилар саҳифаларини ҳам қайта синчиклаб ўқиб чиқа бошладим. Охирида, менга қандай саволингиз бор, деган қаторга берилган жавоблардан бирини ўқир эканман, бирдан юрагимга игна санчилгандек бўлди. Рафиқамнинг синфдош дугонаси Матлуба, – “Тўғрисини айт, Зухриддини яхши кўрасанми?” деб савол берган эди.

Рашк жуда ёмон нараса. Совун кўпигидек арзимас майда-чуйда нарсалар рашкчи одамга исбот талаб қилиб бўлмайдиган ҳақиқатдек кўрина бошлайди. Рашкдан заҳарланган миям бир зумда бўлмағур фикрлардан ғишт тахлаб, мустаҳкам қалъа тиклай бошлади:

“Шамол бўлмаса дарахтнинг учи қимирламайди”, ўйлай бошладим. – Дугонаси бир нимани сезганки, бунақа савол берган. Балки ростданам ўша синфдоши (нимагадир исмини ҳам айтгим келмай қолганди) яхши кўриб хатлар ёзгандир... Хўш, нима бўпти? Жавоб олмапти-ку, акс ҳолда бунақа шеър ёзмас эди. Мактабда болаларча туйғулар ҳаммада ҳам бўлади-ку...

Миям ғовлаб, яна бўлмағур хаёллар олиб қоча бошлади: “Бекорга хат ёзмагандир, эҳтимол, Муҳаббатхон ҳам сабабчи бўлган бўлса-чи, ахир унинг мафтункор табассуми ҳар қандай синфдошини бошини айлантириб қўйиши мумкин эмасми? Синфидаги энг чиройли қиз бўлган... Хотинимнинг мактаб даврида кимгадир мафтункор жилмайганини тасаввур қилиб, жиғибийрон бўла бошладим.

Тонгга яқин тунги сменада ишлаб, уйқусизликдан кўзлари қизариб, чарчаб қайтган хотинимни хўмрайиб кутиб олдим. Туни билан йиғилиб қолган заҳримни кимгадир сочишим керак эдида:

– Зухриддин деган синфдошингиз бормиди? Сизга хат-пат ёзганми? Гапиринг, нега индамайсиз? Яхши кўришганмисизлар?

Муҳаббатхон ногаҳон ёғдирилган саволлардан бир зум гангиб қолди. Кейин лаблари билинар-билинемас титраб, қорғин жилмайди:

– Рашк қилиш сизга ярашаркан хурсанд бўлдим, – у ерда ётган дафтарни энгашиб кўлига олди. – Шунақа синфдошим борлигини ҳам унутиб қўйган эканман... Ҳа, эслайман, бир пайтлар хат ёзиб дугоналаримдан бериб юарди, бирортасиниям очиб ўқимаганман, кейин бошқа қизларгаям ёзиб юаркан, асли, қизлар айтишарди, Зухир шилким деб... Ўзингиз мактабда қизларга қарамаганмисиз? Афсус ўғил болалар бунақа дафтар тутмайди-да, бўлмаса, анча-мунча сирларингизни билиб олардим. Йўқ, қани менга айтинг-чи, нега ўша пайтларда менга хат ёзмагансиз? Демак, хаёлингизда бошқаси бўлганда-а? Мактабда ҳеч кимни ёқтирмаганман деб айтмай қўяқолинг, барибир ишонмайман. Аълочи бўлгансиз, қизлар атрофингизда гирдикапалак бўлишган, тўғрими?

Муҳаббатхон мавзу ёпилди дегандек айёрона кулимсираб, ошхонага кириб кетди. Бу жавобдан сўнг бироз енгил тортгандек бўлдим. Бир муддат ўйланиб тургач, ортидан ошхонага кириб, деворга суяндим;

– Армиядан ёзган хатимга жавоб ёзмагандингиз-ку... нега?

Муҳаббатхон анча пайт жимиб қолди. Кейин менга қарамасдан секин сўзлай бошлади;

– Нима деб ҳам ёзардим? Тўғриси, ёзмокчи бўлганман... Ручкани олиб сизни ўйласам, қалтироқ босиб, бирор сўз ёзишга журъатим етмасди... Билмайман, нимага бунақа бўлардим. Яна сиз ўзингизни мендан олиб қочишингизни сезардим. Ҳатто, болалигимда мени ёмон кўрасиз, деган ўйда юар эдим...

– Энди-чи, унақа ўйламайсизми?

– Йўқ, энди биламан, ўшанда мени яхши кўриб қолганингиздан шунақа қилгансиз, ўзингиз сезмай, тортинчоқлигингиз туфайли.

– Ҳозир ўша пайтдагидан ҳам қаттиқроқ яхши кўраман сизни! – дедиму, бўғзимга нимадир тикилиб, қийнай бошлади.

Муҳаббатхон менга ўгирилиб, кўзлари ялт этди.

– Сиз тушликкача ухлаб олинг, мен бозорга чиқиб келаман, кечки пайт ойимларникига борамиз, ахир бугун овсинингизни туғилган куни, эсингиздан чиқмадими? – шундай деб мавзунини ўзгартириб ошхонадан чиқиб кетдим.

Орадан бир ойча муддат ўтди. Юрагимдаги рашк ўти босилиб, қийнамай қўйган бўлса-да, ичимни нимадандир қоникмаганлик ҳисси тарқ этмаганди. Шундай пайтларда ичимни бир савол кемира бошларди;

– Нега ўша куни ҳозир сизни ўша пайтдагидан ҳам қаттиқроқ яхши кўраман деганимда, у индамади? Мен ҳам сизни севаман, сизсиз яшолмайман деса бўларди-ку? Ёки ўзини шундай дейишга мажбурлай олмадими? Демак, у мени чин юракдан сева олмас экан-да. Балки яхши кўрар, эри бўлганим учун, меҳрибонликлари эса ўрганиб қолгани учун, оддий меҳрмикин ё?

Биз бошқа бирор марта севги, муҳаббат мавзусида гаплашмадик, Муҳаббатхон менга аввалгидан ҳам меҳрибондек туюлар, фақат ўзи шу меҳрибонлик мен учун қанақадир сунъийдек туюла бошлаган эди.

Серзарда бўлиб қолдим. Ҳатто, оддий гапларга ҳам пичинг, киноя аралаштирадиган одат чиқардим. Рафиқамнинг кўзлари эса маъюс боқади... Аввалги ёниб қарашлар, шўх табассумлар ўрнига энда аҳён-аҳёнда синик жилмайиб қўярди, холос. Буларнинг сабабчиси мен эканлигим, менинг муносабатларим туфайли шундай изтироб чекаётганини пайқаб турсам ҳам, ўзимни ҳеч нарса сезмаганга олиб, расво феълимни, пичинг, зардаларимни ташламасдим. Ўзимча, яна бироз қийналсин, бу унга ҳали камлик қилади деб ўйлаб, унинг яширин изтиробларидан қандайдир ҳузур топардим. Одам ҳам шунчалик бағритош ва ярамас бўладими?

Орадан уч ой ўтди шекилли, хотиним кундан-кунга озиб, кўзлари кир-тайиб борарди. Кўр эканман!

Муҳаббатхон анчадан буён касал экану, менга билдирмай юрган экан. Бачадон операциясидан кейин олиниши керак бўлган кимётерапия муолажасини олмаган, касали ёмон сифатли ўсмага, ўпка саратонига айлана бошлаган эди. Бормаган докторимиз, югурмаган жойимиз қолмади...

Касалхонадан уйга жавоб беришган куни рафиқам бувисини олиб келишимни сўради.

– Ўзингиз қийналасиз, ишга ҳам боришингиз керак-ку, – деди. Овқат емай қўйди, фақат сув ичарди... У кўз ўнгимда шамдек сўниб борарди. Сўнгги кунида менга маъюс термилганча сўзлай бошлади:

– Биламан, ҳаммасини биламан. Ўшанда серзарда бўлиб қолганингизни ҳам мени севмайди шекилли, бирор марта айтмади деб ўйлагансиз тўғрими? – у бир муддат куч тўплаб олгач, давом этди, – биласизми нега айтмас эдим? Айтсам, кучи камайиб қолади деб қўрқарканман... Яна уялардим ҳам. Ҳа, уялардим... Чунки мен ҳам эсимни таниганимдан бери фақат

сизни яхши кўрганман. Сизни ўйласам, қалтироқ босарди, кўрганимда эса гапиролмай қолардим, ҳеч қачон, ҳеч кимга бундай бўлмаганман, ишонинг! Катта бўлсак менга уйланармикин, деб орзулар қилардим... Кейин эса бу орзуларимдан ўзим ҳам кўриб кетардим, чунки сиз билан бирга бўлиш бахти жуда кучли, ҳатто даҳшатли бир бахтдек ваҳимага соларди. Ўзимча, агар шундай бўлса, бахтдан юрагим ёрилиб ўлиб қоламан деб ўйларканман...

Мени шундоқ бахтга етказган Худойимга минг шукур... Мен ўлсам... Бахтдан ўлди деб ҳисоблайверинг азизим, ҳа, бахтдан!

Йиғламанг, азизим, ҳаёт шунақа экан! Мен учун ҳам яшанг, ахир ҳаёт йўлингиз ҳали узун.

Энди сизни тортинмай, уялмай, қайта-қайта севаман дегим келаётганида умрим тугаб қоляпти, афсус... Сизни севаман, жоним, жуда яхши кўраман!.. Жуда-жуда!

Энди эса менга қулоқ солинг, сиз мендан кейин албатта уйланинг, йўқ, йўқ, гапимни бўлманг! Охиригача эшитинг... Сиз албатта фарзандли бўласиз, кўнглим сезиб турибди. Агар қиз фарзанд кўрсангиз менинг исимини қўярсиз, шунда балки у ҳам бироз менга ўхшаган бўлар... Мендан... Мендан... – рафиқам толиқиб, хирқираб нафас ола бошлади.

Гапиришга мажоли қолмаганди. Фақат унинг сўнаётган кўзларига термилиб, пичирлай бошладим: “Сенсиз нима қиламан? Сен менга кераксан ахир... Мени ташлаб кетма Муҳаббат!” Эй Худо! Унинг мижжалари юмила бошлаган эди.

Пайдар-пай унинг кўзларидан ўпа бошладим, ҳаёлимда шундоқ қилсам, у меҳримни сезиб, яна бироз ҳаётга қайтармикин деган умид бор эди.

Йўқ, унинг кўзлари қайта очилмади... Фақатгина лаблари хиёл табассум қилгандек очилиб қолди-ю, жон таслим қилди.

Кейин нималар бўлгани ғира-шира эсимда. Айтишларича, ўкириб йиғлаб, анчагача унинг танасига ҳеч кимни яқинлаштирмабман. Кейин ярим тунда кўчага чиқиб кетибман. Сигнал чалган машиналар, сўкинган ҳайдовчилар, дайди итлар... Булар ҳаммаси ҳаётда эмас, кинода кўргандай тасаввур уйғотганди ўшанда. Ичимда тубсиз бўшлиқ пайдо бўлганини ҳис қилиб турардим. Кўзларимда ёш қотиб қолган, тўқолмасдан қийналардим. Тонгга яқин укам қидириб топиб, уйга қайтариб олиб келди. Ҳеч уйга киргим келмасди. Маҳалла-кўй, қариндош-уруғ барча қилинадиган ишларни бажаришди. Мен эса, қарахт бўлиб берилган саволларга, ҳамдардлик билдирган яқинларга бош силкиб қўя қолардим. Тўн кийгазиб, белимга белбоғни сириб боғлашгандагина ўзимга келдим.

Халойиқ елкаси узра лопиллаб сузиб бораётган тобутнинг олдида тушиб, қабристонга йўл бошлаб борарканман, юрагимни аччиқ алам ўртай бошлаганди.

– Сақлаб қололмадим... Сақлаб қололмадим-а! Аввалроқ сезиб, Тошкентларга оборсам, балки яна беш-ўн йил яшармиди... Эҳ, кўр бўлган эканман, кўр! Тобут ердан кўтарилиши билан хотин-халажнинг дод-войи авж олганди.

– Вой болам, вой болам! Етимгина болам! Отасини кўролмаган, акасини кўролмаган болам... Болам! – айникса бувисининг ох-фарёди ҳамманинг дилини вайрон қилаётган эди.

– Болагинамдан айрилиб қолдим... Ёшгина кетган болам-а... Онасини ёшига етмаган болам-а... Ох, болам!.. Аёллар ғам адо қилган бувисини суяб, юзига сув сепиб, ичкарига олиб кириб кетишди. Йиғламаган одам қолмади. Ич-ичимдан йиғи кўтарилиб, бўғзимга тақала бошлади; шу тобда ичимдаги-ларни айтиб йиғлашга жуда кучли эҳтиёж сеза бошладим.

– Бахтимдан айрилиб қолдим, жону жаҳонимдан айрилиб қолдим... Орзу-хавас кўрмай кетти-я... Ёшгина кетган жуфту ҳалолимдан айрилиб қолдим... – овозим бўғилиб чиққани учун чеккан фиғонимни ёнимда кетаётган укамдан бошқа ҳеч ким эшитмади. Лекин эшитилса ҳам ўша пайтда бундан ҳеч уялмайдиган аҳволда эдим...

Ҳамма нарсанинг давоси вақт экан, дўстим.

Вақт ўтиши билан кўникдим, ҳатто баъзан қизикроқ латифа эшитсам кула оладиган даражага ҳам етдим. Ўзимча, “Мен барибир ҳеч нарса қила олмас эдим, докторларнинг айтишича, бу наслдан наслга ўтадиган касаллик рафикамнинг ойиси ҳам шу касалдан вафот этганди-ку”, дея кўнглимга тасалли бера бошладим. Лекин уйдагилар ҳар қанча қистамасинлар, деярли беш йил давомида уйланиш ҳақида оғиз очмадим.

Бу орада раҳматли хотинимнинг акаси қайтиб келди. Амаким эса Иркутск томонларда юрак хасталигидан оламдан ўтиб кетди.

Акаси уйлангач, биз вақтинча яшаб турган уйда, яъни отасининг уйида яшай бошлади. Мен ҳам шу йиллар давомида анча-мунча маблағ жамғариб, ўзимга алоҳида уй сотиб олган эдим. Ёлғизлик қийин экан, ниҳоят уйланишга мажбур бўлдим. Шунга ҳам мана яқин ўн йил бўлиб қолипти. Биттагина кизчамиз бор, тўққиз яшар, исмини Муҳаббат қўйганмиз. Хотиним яхши, меҳрибон. Фақат, адабиётдан сал узоқроқ, у билан шеър ёзишмаймиз, холос, қолган тарафдан камчилик йўқ. Лекин Муҳаббатхон ҳалигача тушларимга кириб чиқади.

Мана сизга бошимдан ўтган севги қиссаси. Буни сизга рўйирост, китоблардагидек бўрттирмасдан борица ҳикоя қилишга ҳаракат қилдим. Бу туйғуни севги деб аталадими ё меҳр дебми, билмадим...

Фақат шуни биламанки, менга тақдир ҳаётимда эртақлардаги бир парини инъом этгану, мен билмаган эканман.

Китобларда, афсоналарда айтиладиган парилар, маликалар аслида ҳаётда ҳам бор. Фақат уларни кўриш учун уларнинг юрагини ҳис қила билиш керак, нафақат ҳис қила билиш керак, балки ўзинг ҳам юрагинг улар билан ҳамоҳанг тепиши керак, менимча. Эҳтимол, севги дегани шунинг ўзидур, дўстим?!

Адабий танқид ва назария таҳлили



Узоқ
ЖЎРАҚУЛОВ

2022 йил адабий танқид ва адабиёт назарияси учун хайрли бўлди десам, муболаға бўлмас. Чунки ўтган йили адабий жараёнга доир янги фикрлар, танқидий нуқтаи назарлар, назарий хулосаларни ифодаловчи бир қанча яхши китоблар нашр этилган. Поэтик таҳлилнинг ўзига хос намуналари ҳам йўқ эмас.

Энди айтилган жиҳатларни китоб муаллифлари, асар салмоғига кўра белгилаганим тартиб асосида кўрсатишга уринаман:

2022 йилда воқеа бўлган асарлардан бири марҳум устозимиз, профессор Бегали Қосимовнинг уч жилддан иборат “Танланган асарлар”идир. Китобдан домланинг жадид адабиёти тарихи, даврлаштириш муаммолари, айна адабий ҳодисанинг фалсафий, ижтимоий ва назарий муаммоларига доир теран таҳлил, фикр ва хулосалари ўрин олган. Жадидчилик ҳаракати генезиси, ижтимоий зарурати, “Миллат, миллият”, жадид мактаби, матбуоти кўлами ва моҳияти, жадид шеъриятининг специфик хоссалари таҳлилий ёритилган. Шунингдек, Сиддиқий Ажзийдан Абдулла Қодирийга қадар ўтган жадид зиёлилари биографиясидан тортиб, асарлари, жанрлари, образ ва поэтик маҳоратлари ўрганилган. Мазкур китоблар Бегали Қосимовнинг фақат жадидшунос, мумтоз адабиёт билимдони эмас, замонавий адабиёт муаммоларини ҳам теран нигоҳ, улкан илмий маҳорат, чуқур назарий асос, ўзига хос ижтимоий масъулият билан таҳлил қилган йирик мутахассис эканини кўрсатади. Чўлпон, Усмон Носир, Абдулла Орипов, Рауф Парфи каби XX аср ўзбек шеърияти чинорлари ҳақидаги бемисл талқинлар, шеър, шоирлик, олимлик ва одамликка доир фалсафий хулосалар ўқувчини ҳайратга солмай қўймайди. Хусусан, Рауф Парфи шеърияти ҳақида олим ёзади: “Баъзи

Узоқ ЖЎРАҚУЛОВ – филология фанлари доктори. 1967 йилда туғилган. Тошкент давлат университетини (ҳозирги ЎзМУ) тамомлаган. “Фитратнинг тадқиқотчилик маҳорати”, “Худудсиз жилва”, “Назарий поэтика масалалари” ва “Қодирий ва роман тафаккури” номли илмий китоблари ҳамда қўплаб мақолалари чоп этилган.

мунаққидларимиз унда гражданлик ҳиссининг етишмаслигини айтадилар. Бу тўғри эмас, албатта. Гап шундаки, гражданлик унда ўзгача бир тусда намоён бўлади. Яшамок бу “шунчаки дарахтдек ўсмоқ”, “дарёдай дарбадар оқмоқ” эмас, орзуларда, қайғуларда, севинчларда яшамокдир”. Ушбу мақоланинг 1970 йилда ёзилганини эътиборга олсак, фикр салмоғини янада теранроқ ҳис этамиз.

Баҳодир Саримсоқовнинг “Бадийлик асослари ва мезонлари” китобининг доцент Ҳошимжон Аҳмедов томонидан кенгайтирилган қайта нашри амалга оширилди. Китобда адабиёт назариясининг марказида турадиган бадийлик ҳодисасининг рухий, ақлий, илмий, ижтимоий асослари, лирик, эпик, драматик кечинма табиати халқ ижодиёти, мумтоз ва замонавий адабиёт намуналари мисолида очиб берилган. Китобдаги яна икки муҳим муаммо талқини бугунги ўзбек назарий тафаккури учун муҳим хулосалар беради: а) фольклор жанрлари ва ўзбек фольклористикасида ижодий метод масаласи. Маълумки, Баҳодир Саримсоқовга қадар фольклор асарларига, асосан, тарихий, ижтимоий ҳамда маънавий муаммо сифатида қараб келинган. Ижодий метод эса анъана узвийлиги ўлароқ эътибордан четда қолиб келган. Олим мана шундай кўз илғамас, нозик нуқталарга диққат қаратган ва фольклор асарлари айтувчилари, ижрочилари ҳам ўз ижодий методига эга бўлиши мумкинлигини исботлаган; б) қарийб ўттиз йил аввал ўртага ташланган паремия номли тўртинчи адабий тур масаласи. Афсуски илмий-адабий жамоатчилик назарий тафаккуримизда кескин бурилиш ясаши мумкин бўлган мазкур муаммо моҳиятини ҳамон тўғри англагани, ҳатто англашга урингани ҳам йўқ.

Шунингдек, ўтган йилги муҳим ҳодисалардан бири Йўлдош Солижоновнинг “Анвар Обиджон поэтик олами” номли монографиясининг чоп этилишидир. Ўзига хос ижодий манера, ўта нозик, айна пайтда мураккаб бадий нигоҳ, юмор билан кинояни синтезлаган услуб, маҳорат ва фалсафага эга бўлган Анвар Обиджон ижоди бугунга қадар муносиб илмий талқинини топмаган эди. Йўлдош Солижонов асари машҳур болалар шоирининг шундай томонларини англаш, англаштига қаратилгани билан муҳимдир. Асар тўрт боб доирасида шоир биографияси, шахсияти, ижодининг босқичлари ва йўналишлари хусусида баҳс этади. Тажрибали олим бобларни номлашда изчиллик ва илмий системани сақлаши билан бирга, сарлавҳалар шакл-мазмунида ҳам анварона руҳиятни беришга уринган. Сарлавҳалардан балқиб турган маъно грамматик шаклларда ўзига хос қиёфа касб этароқ болаларнинг севимли шоири суврати ва сийратини акс эттиришга хизмат қилган. Анвар Обиджон фақат болалар шоири эмаслиги, унда традицион миллий фалсафа жаҳон фалсафаси ва замон руҳи билан уйғунлашиб кетганини асослаш китобнинг муҳим янгилigidир.

Филология фанлари номзоди, доцент Адҳамбек Алимбеков кейинги йилларда адабий портрет жанрига қўл урдики, бу ўта мураккаб, ўзбек адабиётшунослигида кам эътибор қаратилган масала. Олим бу йил нашр эттирган китобида “Саъдулла Ҳаким ижодий портретига чизгилар” беришга

жазм этган. Камтарин шоир Саъдулла Ҳаким номини эшитмаган ўзбек йўқ ҳисоби. Воқеан, шоирни биз мутахассислар ҳам яхши таниймиз, асарларидан ҳаминқадар хабардормиз. Аммо Адҳамбек Алимбеков китобини ўқиган ҳар бир ўқувчи Саъдулла Ҳаким оламининг биз тасаввур қилганимиздан кўра кенгроқ, ранг-барангроқ эканига гувоҳ бўлади. Китоб муаллифи шоир ижодига бир нав эркинроқ ёндашган. Илмийликдан кўра самимийликни, методологик тизимдан кўра хотира майлини, таҳлилдан кўра хабардор этишни муҳим санаган. Ватан ҳақида шеърлари, табиатни тасвирлашдаги маҳорати, ғазал жанрида ёзганлари, халқона сатрлари, бадий санъатлар, сўз қўллаши ва сўз билиши ҳақида аниқ бадий далиллар асосида сўз юритган. Шоирнинг халқ оҳангида ёзилган: *Ҳар томчи тамом ўлмас/ Ёмғирдан гул қолар-о* сингари нозик топилмаларини кашф этган.

Адабий портрет йўлидаги яна бир асар Бухоро давлат университети профессори Шоира Аҳмедова, фан номзоди Олтиной Қурбоновалар томонидан ёзилган. Ушбу тадқиқот объекти адабиётчи, мунаққид, таржимон Иброҳим Ғафуров. Китоб “Бедор юрак садолари” деб номланган. Иброҳим Ғафуров таржимаи ҳоли, адибнинг ижод дунёсига кириб келиши масалалари билан бошланган китоб кейинги бобларида специфик муаммолар билан мураккаблаша боради. Илмий асар қаҳрамонининг лирикага доир ишлари, талқин тамойилларига хос индивидуаллик, талқинда турли пафосларнинг уйғун симфония касб этиши, шеър қалби ва замон руҳиятини ҳис этиш салоҳияти, сўз қўллаш ва сўз аурасини қамраш маҳорати каби масалалар тадқиқот марказига чиқади. Лекин бошқа барча шу йўлдаги ишлар каби бу китобда ҳам илмий объект ижодий манбалари билан биологик, маиший, ижтимоий ва расмий шахс ўртасидаги уйғунлик масаласи, сублимация жараёнлари, босқичлари эътибордан четда қолган. Содда айтганда, “адабий портрет”лик даъво қилаётган бу китобда ҳам, асосан, расмий Иброҳим Ғафуров қиёфасини кўрамыз, холос.

Гулчехра Имомованинг “Ўзбек ҳикояларида бадий синтез шакллари” номли монографияси ҳикоячилигимизнинг қарийб бир асрлик намуналарини қамраб олади. Муаллиф фикрига кўра, бадий синтез адабиётнинг ички қонуниятига бўлиб (“Ҳозирги ўзбек ҳикоячилигида иккита тамойил ўзини ёрқин намоён этмоқда: биринчиси, яратилаётган асар ўзининг ҳикояга алоқадор жанр хусусиятларини мусаффо сақлашга интилишидан иборат бўлса, иккинчиси, бошқа жанр ва бадий ҳодисалар билан синтезлашишга интилиш тамойилидан иборат”. Китобда айтилган назарий тезис марказий ўрин тутди. Абдулла Қодирий, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпондан бошлаб, Хуршид Дўстмуҳаммад, Назар Эшонқулгача бўлган ҳикоялар бадий синтезлашувнинг турли шакллари, специфик ўзгаришлари, ютуқ ва ютқизиқларига кўра талқин этилади. Бизнингча, ушбу монографиянинг жиддий бир етишмовчилиги кейинги 15 – 20 йилда майдонга келган янги тип ҳикояларга хос постмодернлашув, глобал микёсда синтезлашув масаласининг эътибордан четда қолганидир.

2022 йилда шоир, таржимон, мунаққид Вафо Файзуллоҳнинг адабий жараёнга оид икки китоби нашрдан чиқди. Уларнинг бири “Куртакда дарахтни кўрмоқ”, иккинчиси “Ҳақ ва ҳақиқат ҳаёли” деб номланади. Мазкур асарда Алишер Навоий, Лев Толстой, Эрнст Сетон-Томпсон, Иван Бунин, Михаил Булгаков, Одил Ёқубов, Асқад Мухтор, Абдулла Орипов, Абдували Қутбиддинлар ижоди ҳақида бадиий амалиётчи, яъни шоир ва мунаққид нуктаи назарлари акс этган. Китоб жаҳон ва миллий адабиёт ҳақида баҳс этиши, муаллиф эстетик диди, дунёқараши асосида эркин қарашлар ифода этилиши билан қизиқарли, илмий жараён учун фойдалидир. Умуман, бу икки китоб ҳақида қуруқ, жўн фикрлаш, бир-икки тавсифий гап билан баҳосини бериш мукин эмас. Китоб кироий самимият, билимдонлик ва ички хаяжон билан ёзилган.

Филология фанлари доктори Илҳом Ғаниев етти юз қирқ саҳифдан иборат “Миллат ва ахлоқ” номли китобини нашр эттирди. Китоб бобларининг номланиши ҳам айнан жадидларга хос. “Ният”, “Ақл”, “Илм”, “Риё”, “Ихлос”, “Иллат”, “Фитна” каби инсон феъл-атвори билан боғлиқ бир юз ўттизта фазилат ва қуср номлари билан сарлавҳаланган. Уларнинг ҳар бирига Қуръони карим, Ҳадиси шариф, тафсир, халқ донолиги, миллий клас-сикларимиз, жадид ижодкорлари ва ҳаёт воқеаларидан мисоллар келтирилган. Умуман, ушбу китоб ёши олтмишни қоралаган бир ўзбек олимнинг ҳаёт ҳақидаги йиғма хулосалари ўлароқ ўқишга тавсия этиш мумкин.

Улуғбек Ҳамдамнинг “Абдулла Қодирий ва янги ўзбек адабиёти” илмий-адабий тўплами ўз номи билан илк ўзбек романчиси ижоди ва фаолиятига бағишланган. Китобни уч таркибий қисмга ажратиш мумкин: а) адиб ҳақида муаллифнинг шахсий кузатув, таҳлил, қиёс ва хулосалари; б) Қодирий ҳақидаги илмий-танқидий диалоглар; в) Қодирийга доир мавжуд тадқиқотлар шарҳи. Китобнинг муҳим томони, ўзбекнинг улкан ёзувчиси ижоди мунаққид, шоир, ёзувчининг уйғун нигоҳидан ўтказилганидир. Менимча, ушбу китоб ўз табиатига кўра илмийлик, назарийлик, конкрет маънодаги академизм даъво қилмайди. Асарнинг бош хусусияти ва аҳамияти унда бир ижодкорнинг индивидуал талқинлари етакчилик қилишидир.

Умидли ёш олималаримиздан филология фанлари доктори Дилдора Абдуллаеванинг “Чўлпоннинг драматургик ижоди” номли монографияси Чўлпон ижодининг кам ўрганилган томонига урғу берилгани билан аҳамиятлидир. Маълумки, Абдулҳамид Чўлпон йигирмадан ортиқ саҳна асари ёзган. Қатор драмаларни ўзбекчага ўгирган. Монография икки бўлимдан таркиб топган. Биринчи бўлимда Чўлпоннинг драматург сифатидаги фаолияти ҳақида фикр юритилган. Муаллиф қўлида мавжуд материаллардан келиб чиқиб, Чўлпоннинг саналган асарларига ё кенгроқ ва илмийроқ ёки торроқ ва тавсифийроқ тўхталгани сезилади. Бизнингча, китобда сўз юритилган асарлар ичида “Ҳужум” драмаси нисбатан кенгроқ талқинини топган. Китобнинг иккинчи бўлими илова характериға эга. Айни бўлимда дастлаб Чўлпоннинг рус тилида ёзган “Снова хочу жениться” асарининг ориги-

нали берилган. Бунинг ортидан асарнинг Дилдора Абдуллаева томонидан амалга оширилган таржима варианты келтирилган. Китобнинг “Илова” бўлими, бизнингча, икки жиҳатдан аҳамиятли: биринчидан, ўқувчи мазкур илова орқали Чўлпонинг ҳали нашр этилмаган пьесасидан хабардор бўлади, унинг рус тилида ижод этгани, рус тилида ҳам ўз бадиий услубига эга эканини англайди, иккинчидан, Дилдора Абдуллаева таржимасини оригинал матн билан солиштириш имконига эга бўлади.

Яна бир ёш фан доктори Баҳор Тўраеванинг “Замонавий романларда хронотоп поэтикаси” деб номланган монографияси ўзининг конкрет илмий муаммога бағишлангани билан оригиналлик касб этади. Китобнинг оригиналлигини таъмин этувчи биринчи жиҳат унда қиёсий-типологик таҳлил йўлининг етакчилигидир. Китоб муаллифи романда бадиий замон-макон муаммоси юзасидан Чингиз Айтматов, Ўткир Ҳошимов, Нормурод Норқобил, Улуғбек Ҳамдам ва Исажон Султон романларини қиёсий ўрганган. Романда хронотоп қандай вазифа бажаради, унинг роман спецификаси, жанр тақомили ва янгилашишидаги роли қандай, воқеалар, етакчи эпизодлар ва образ тасвирида хронотоп қайси бадиий мақомни эгаллайди каби масалалар бўйича хулосалар чиқарган. Хусусан, Баҳор Тўраеванинг “Асар қайси тур ва жанрга мансублигидан қатъи назар муаллиф оламнинг замон-макон моделини яратади. Бадиий макон асар замиридаги маъно-мазмун теранликларининг кашф этилишига; туйғу, воқеа-ҳодиса ва образларни маҳорат билан тасвирланишида хизмат қилади” деган жумлалари хулосавий моҳият касб этади.

Фалсафа докторлари Гулрух Худоёрова, Ойбарчин Абдулҳакимова, Ҳуррият Худоймуродовалар монографияларини бир нарса умумлаштиради. Яъни ушбу монографияларнинг ҳар бири ягона ижодкор асарларини илмий-назарий нуқтаи назардан ўрганишга қаратилган. Гулрух Худоёрова ҳамда Ойбарчин Абдулҳакимовалар монографиясида улуғ шоиримиз Абдулла Орипов шеърини тадқиқ этилган. Агар Гулрух Худоёрова тадқиқоти олдида шоир асарларидаги “лирик кечинма табиати”ни белгилаш мақсади турган бўлса, Ойбарчин Абдулҳакимованинг иши шоир “адабий-эстетик қарашлари” муаммосини ўрганиши билан муҳим ва янгидир. Ҳуррият Худоймуродованинг “Нодир Норматов бадиий маҳорати” номли китоби ёзувчининг шахсияти, ижоди ва биографияси аро боғлиқ нуқталар, асарларининг жанр, тил ва услуб хусусиятларини таҳлил қилиши билан аҳамиятлидир. Ушбу монографияларда кўзга ташланадиган тизимсизлик, изчиллик ва таҳлилнинг формал талаблар доирасида қолиб кетиши каби қусурлар муаллифларнинг тажрибасизликларидан келиб чиққан деб ўйлаймиз.

ХУЛОСА

2022 йилда адабий-тарихий жараён ва танқидчиликка оид тадқиқотлар ҳажм жиҳатидан етакчи ўринни эгаллайди. Уларда XX аср бошидан бугунгача бўлган эпик, лирик ва драматик асарлар тадқиқи ўз аксини топган.

Ягона ижодкор асарини биография, жанр, композиция, сюжет ва образлар бадийиётига кўра ўрганиш диссертацион тадқиқотлар билан бирга, нисбатан эркин эссеистик талқинларда ҳам кўзга ташланади.

Ўтган йилда адабиёт назарияси муаммолари ўрганилган тадқиқотлар ҳам йўқ эмас. Уларда миллий адабиётшунослик учун муҳим бўлган муаммолар, ҳатто жаҳон адабиётшунослиги эътиборидан четда қолган кашфиётларнинг борлиги ўзбек илмий-назарий тафаккурининг дунё адабиётшунослигидаги мақомини кўрсатади.

Нашр этилган китоблар қиёсий адабиётшунослик, таржима, танқидшунослик йўналишларининг жонланаётганидан далолат беради.

Шу ўринда Айрим мулоҳазалар: Аммо драматургия тарихи ва назариясини ўрганиш ўта оқсоқ ҳолатда. Эҳтимол, бунинг бош сабаби адабий жараёнда етук драматик асарларнинг майдонга келмаганидир. Адабий портрет жанридаги тадқиқотларда ҳали-ҳамон ижодкор таржимаи ҳолини келтириш, асарларидаги айрим нуқталарни шу билан изоҳлаш, воқеий шеърлардан биографик унсурлар излашдек ибтидоий даража ўзгармай келаётир. Адабиёт назарияси муаммоларига янги авлод тадқиқотчилари томонидан, афсуски, ҳалигача очилмаган кўрик, мураккаб арифметика каби фобиявий қараш ҳукмрон. Ўтиб кетган ва катта авлод вакиллари ишларини истисно этганда назарий адабиётшунослик соҳаси йўқ даражага тушиб қолган. Адабий танқидда тамойилсизлик синдроми ҳукм сурмоқда. Бугунги танқид на нақдини олиб кўрсатади, на танқид қилади. Бу йўналишдаги ишларда куруқ ва асоссиз мақтовлар, хайрихоҳлик, ҳамдардлик, тизимсизлик ва таҳлилнинг етишмаслиги каби қусурлар етакчилиги ҳақиқат. Мумтоз назария ва танқидчилиги тамойиллари, жаҳон адабиётшунослиги ютуқлари бугунги миллий эстетик тафаккуримиз учун бир қадар ётлашган, аниқроғи, формал тус олган. Энг ёмони, бир йил ичида чоп этилган шеърлар, насрий асарларнинг тизимли тадқиқи нари турсин, умумий шарҳи ҳам амалга оширилмаяпти. Бу ва саналмаган қатор камчиликларимиз Республикамиздаги адабиёт факультетлари, илмий-тадқиқот институтлари ҳамда Ёзувчилар уюшмасининг ушбу муаммога жиддий қарашлари лозимлигини кўрсатади.



Шеърятда мавзулар уйғунлиги



Дадахон
МУҲАММАДИЕВ

Қайси замон ёки маконда бўлмасин, адабиёт жамиятнинг руҳини намоён этади давр ва замон ўзгаришлари, тараққиёт тамойилларига ҳамоҳанг ҳолда ўзининг янгидан-янги жилваларини кўрсатиб бораверади.

Адабиётдаги ижтимоий ҳаёт билан боғлиқ мавзулар, ҳурликни, ҳурриятни мустаҳкамлаш, Ватанни янада фаровон кўриш эҳтиёжини вазият тақозо қилади. Озод Шарафиддинов таъбири билан айтганда, поэзия инсон қалбининг бадиий ифодаси бўлиши керак экан, у ҳолда адабиёт – миллий ҳодиса, ижод эса индивидуал воқелик саналади. Мана шу хусусий жиҳатларни бирлаштириб турувчи умумийлик бу миллат дарди, умуминсоний қадриятлар, умумбашарий ғоялардир. Биз турк ва ўзбек адабиётида Ватан туйғусининг ўзига хос тарзда тасвири ва талқинига эътибор қаратишни мақсад қилдик.

XX аср бошларида Туркияда бошланган миллий озодлик ҳаракати, Туркиянинг мустақил деб эълон қилиниши, аср охирига қадар мамлакатнинг тараққиётга эришиш йўли турк адабиётини янги босқичга кўтарди. Ўзбек адабиётида бу жараён XX асрнинг сўнгги чораги, XXI аср бошларида теравроқ кўринди. Ўзбек ва турк адабиётида халқни эркин, жамиятни фаровон кўриш истаги, Ватан қадри, унга бўлган муҳаббатни ифода этиш жиҳатлари ўхшаш. Жараёнлар бир хил кўринишда кечган, мавзулар муштарак, лекин адабиёт турли кўринишда. Чунки, халқнинг бошдан кечирганлари бир хил эмас, кайфият турли, замон бошқа-бошқа.

Машҳур турк шоири Яҳё Акенгиннинг “Ўз Ватанимда” шеъри шундай бошланади:

Дадахон МУҲАММАДИЕВ – 1989 йилда тугилган. Навоий давлат педагогика институти ҳамда Ўзбекистон Миллий университетини тамомлаган. Унинг “Тирик тош” номли шеърий китоби чоп этилган.

*Тоғлар ва юлдузлар каби ўз Ватанимда –
Нурларига чўмилдим*

*елларига соврилдим
Елканларим очдим исмсиз дарёларда...*

(Азиз Саид таржимаси)

Шоир Ватан қадрини ифода этар экан, бу қадрдон заминда одам нақадар эркин бўлишини кўрсатади. Ўз Ватанингда сенга ҳамма нарса мумкин. “Нурларга чўмилиш”, ҳатто “елларда қанот қоққан каби учиш” ҳам... Ва яна исмсиз дарёларда, яъни ўз Ватанингнинг исми маълуму номаълум сувларида истаганча “елканларингни очишинг”, шу Ватанда бошинг оққанча сайр қилишинг мумкин.

*Хаёлан
Чарчаб
қудуққа эгилдим чўлда.
Ўзимга келдим
ҳасратига қўшиқ қуйладим.*

Шарқ халқларида қудуқ билан боғлиқ афсона ва ривоятлар, кўп ҳикматлар бор. Уларнинг аксариятида қудуқ одамлар дардини, ҳасратини, сирларини эшитадиган, ўша сирларни “ютиб юборадиган” макон сифатида кўринади. Сирлар ютиб юборилган қудуқ йиллар ўтгач табиий равишда кўмилиб кетади. Ўша афсона ва ривоятларнинг давомида эса кўмилган қудуқ устидан қамишлар ўсиб чиқади. Қамишдан чўпон (мусофир, дарвеш) най ясайди ва уни чалади. Унинг ноласи жуда ғамгин. Чунки най бунёд бўлган қамишлар ўсган макондаги қудуқ қанчадан-қанча ҳасратларни ютган. Ана шу ҳасратларнинг оҳанги бу.

Юқорида келтирилган парчада ана шу жараён бироз бошқача ифода этиляпти. Лирик қаҳрамон чўлда чарчаб қудуққа эгиляпти-ю, ҳасратларни қудуқдан, қудуқнинг ўзидан эшитяпти. Ҳали қудуқ кўмилиб, бу ерда қамишлар ўсмасидан олдин эшитяпти. Ана шу ҳасратлар қаҳрамон тилидан қўшиқ бўлиб қуйланияпти.

Ўзбек шоири Эшқобил Шукур “Ватан бу” шеърида юқоридаги тасвирлар – юрт қадри, эрк, ҳасратларни бошқачароқ ифода этади:

*Момолар сирларин тинглаган тунроқ,
Боболар кўкрагин кўтарган осмон.
Пирларнинг кафтида кўкарган байроқ,
Оналар кўзида йиғлаган дoston.
Ватан бу!*

Шоир Ватан, юрт, тупроқнинг қадрини шундай кўрсатади. Неча асрлар давомида кўрган кўргиликларни “момоларнинг сирлари”, “оналарнинг кўзларидаги дoston” кўринишида ифода этади.

*Ўғиллар кўксиди чақнаган чақмоқ,
Ойқизлар кўнглини гуллатган туйғу.
Гўдаклар дилидан бошланган ирмоқ,
Шоирлар юрагин порлатган қайғу.
Ватан бу!*

Яхё Акенгин шеърида бу тушунчалар биров бошқачароқ ифодаланади.

*Тoғлар ва юлдузларнинг ватанларида –
Умид бор,
хабар бор,
Ҳижрон бор.*

Умуман олганда, Ватан қадри яқин Шарқ адабиётида ҳам, жанубий Америка шоирлари шеърларида ҳам, Европа шеърлятида ҳам ўзига хос тарзда акс этади. Яъни, ҳар ким (ҳар бир шоир) уни ўз ҳислари қадар ифода қилади. Бу тушунча озодлик, ҳурлик, эрк мавзуларида ҳам шундай.

Ўзбек ва турк адабиётида услуб ва мавзу муштаркалиги жамиятда кечаётган жараёнлар билан боғлиқ. Адабий жараёнлар нуқтаи назаридан қарасак, Туркиянинг мустақил деб эълон қилиниши ва ундан кейинги жараёнлар Ўзбекистоннинг “совуқ уруш”дан кейинги даври ва истиқлол йилларининг бошларига тўғри келади. Гарчи булар бир даврда юз бермаган бўлса-да, адабиёт ана шу жараёнларда кўп истеъдодларни ва йирик асарларни намоён қилган. Турк шоири Шамси Беллининг “Гўзал жуда гўзал” шеъри ҳурликнинг, эрkning ўзига хос ифодаси, дейиш мумкин:

*Номинг-ла мактублар тўлиқдир
Қонунларда, қарорларда сен.
Энг гўзал шеърларда сен куйланурсан
Қўшиқларда, туркуларда сен.*

(Азиз Саид таржимаси)

Шеър ана шундай гўзал ифодалар билан бошланса-да, шоир бунга қаноат қилмайди:

*Кимнингдир мағрур,
Кимнингдир ҳуркак
Боқишларида сен,
Қанотларнинг учларида сен.*

Кейинги бандда хурликнинг, эркнинг қадри янада баландлайди. Шеър ифода йўсини бўйича эркин вазнда ёзилган бўлса-да, мазмун ва оҳанг уни янада ўқишли қилади. Ўз тарихи, ўтмишидаги талотўплардан хабардор ҳар бир ўқувчи кейинги банддан хийла сергакланади:

*Исмингни тилга олсам урарлар.
Исмингни тилга олсам зиндонга соларлар.
Исмингни тилга олсам барча қўшиқлар тинар
Қўшиқлар бошланган жойда
Байроқнинг олдида сен
Ҳар кимнинг кўнглида сен!*

Ўзбек шоири Абдували Қутбиддин “Озодлик” достонида бу мавзунини ўзига хос тарзда қуйлайди. Эришиб бўлинган эркни янада мустаҳкам кўришни хоҳлайди. Ўқувчини гўё шунга даъват этади:

*Бошимга қўнгансан, бошимдан кетмайсан,
Қизимсан, қизил қизғалдогимсан,
Оримсан, номуссан – сендан кечмайман,
Озодлик!*

Шамси Беллининг шеъри каби бу шеър ҳам эркин вазнда. Бу шеър ҳам эрк ҳақида. Бу шеърда ҳам инсоннинг энг улуғ эҳтиёжи – хурлик бор. Аммо асло бир-бирини такрорламайди.

*Сурурдан чанқадим,
Ғурурдан чанқадим,
Кўзу қароғингдан
Сув бердинг, Озодлик!
О, бу қандай сув эди, Озодлик!
Тирноғу сочимга тўқлик югурди...*

Ифода табиий, тасвир очиқ. Озодликни минг иштибоҳлардан кўра чанқокни босган бир сувга менгаш бор. Самимий тушунилади, ўқувчининг шуурига тез синггади.

Шамси Беллининг “Гўзал жуда гўзал” шеъри якуни ҳам жуда теран. Тўртта сўз, иккита жумла билан эркнинг қадрини юксакларга кўтариб қўяди. Бу ҳам юқорида айтганимиздек, минг ташбеҳдан авлодек кўринади кўзга:

*Яшамоқдан тотли
Ҳаётдан гўзал
Жоним ҳуррият!..*

Шеърнинг бошидан буён эътибор қаратиб келаётганнинг исми шеър сўнггида янграйди:

Жоним ҳуррият!..

Юқорида кўрганларимиз, тўрт шеърнинг тили қардош бўлса-да, руҳи бошқа-бошқа. Лекин мавзу – муштарак. Умум инсоний, десак тўғрироқ бўлади. “...Шеърят шундай бир кўзгуки, унда шоир томонидан таклиф этилган давр сийрати акс этади”, дейди Улуғбек Ҳамдам. Юқорида таъкидланган муштараклик ҳам ўзбек ва турк шоирларининг давр билан боғлиқ кечинмаларини кўрсатади.

Азалдан бир халқнинг адабиёти бошқа бир халқнинг адабиётидан илҳомланади, таъсирланади, улгу олади. Бу табиий жараён ва тарихнинг такрорланишига ҳам мутаносиб. Қардош халқларда эса адабиёт, санъат, маданиятнинг ўхшаш келиши кўп кузатилади. Элнинг қалбидаги абадий истак, кўзёшлару нолаларнинг, дардли қўшиқларнинг муштарак кўриниши – Ватан, эрк, ҳуррият! Бу мавзулар эса макон ва замондан қатъи назар, қайси тилда бўлмасин энг улуғ мавзулар қаторида туради.



Ўшоднинг кўнчилиқ уғун

марҳаматлик эҳсони шундаки, унинг

заъкидан дохий санъаткор ҳам, зўр хаваскор

ҳам бебаҳра қолмайди.

Абдулла ОРИПОВ





Боқий МИРЗО

Кўзларингга бир термилсам

Эмиш

Бир нигоҳ бирлан тилим
лолу кўзим ҳайрон эмиш,
Кўзларин шаҳлосида
сеҳр оташи пинҳон эмиш.

Мен кўнгил сиррин қалам
бирлан кўнгилга жойладим,
Назм аро бу шарҳи ишқ
охир бу кун девон эмиш.

Ўзга бир таскин тилаб дил
дилбарим ҳижронида
Беадад ёнғонидин бир
ўзга дил сарсон эмиш.

Хуснини чиздим хаёл
кўкидин олдим сатр аро,
Севгилим шайдоларига
бу юмуш армон эмиш.

Васл умид қил, Боқий Мирзо,
чунки шум ағёрнинг
“Ўзгада кўнгли” деган
иғволар ёлғон эмиш...

Боқий МИРЗО – 1954 йилда туғилган. Унинг “Янги кун”, “Ўзукдаги ёқут кўз”, “Кўнгил хиёбони”, “Сен ҳаммадан чиройлисан”, “Учратаман сизни субҳидам”, “Сени учратганим чоғлар” номли китоблари ва “Тиллафуруш”, “Ўғрининг муҳаббати”, “Олмос ёки қиморга тикилган қиз”, “Ойбаҳор ва Динара”, “Хазина эгаси”, “Мактуб ёки қутилмаган зарба” қисса ва романлари чоп этилган.

Тўкилдим

Йўллариингга япроқ бўлиб тўкилдим,
Изинг тушсин, тупроқ бўлиб тўкилдим.

Фариштадай чиқиб қолсанг йўлимдан,
Хаяжонда титроқ бўлиб тўкилдим.


Йиллар ўтди, васлинг ҳамон орзуйим,
Алиф қаддим сўроқ бўлиб тўкилдим.

Кўзларингга бир термилсам яқиндан,
Лекин жуда йироқ бўлиб тўкилдим.

Севги шундоқ: пешонамиз шўр экан,
Айрилиқлар, фироқ бўлиб тўкилдим.

Ўқилмади азобли ишқ китобим,
Хар кун битта вароқ бўлиб тўкилдим.

Юрагида абад қолганман



**Қалдибек
СЕЙДАНОВ**

Хаёлдан чўмсам ўтканга,
Чикмайди ҳеч эсдан-да.
Қашқадарё элинда,
Яккабоғга қарашли, —
“Қозоқ” деган овулда,
Бўзариб тонги отганда,
Севиниб, яйраб, қувониб,
Аҳён-аҳёнда ингалаб,
Бешигида ётганман.

Қалдибек СЕЙДАНОВ – Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими. 1942 йилда туғилган. Унинг “Навоий ва қозоқ адабиёти”, “Қардошлар” номли китоблари нашр этилган.

Туятортар бўйида,
Қўйтош эли қўйнида,
Отимни ҳар ён елдириб
Ғаллаорол, Ургут ерида,
Абай айтгандай шеърида
Кўчиб, қўниб юрганман!

Баҳмал ери – кўк майсам,
Ўтмишим эсга олсам.
Ул ёшлик чоғларимда
Ўзбек дўстларим билан,
“Асиқ” ўйнаб, олишиб,
Қўй-қўзини қўплашиб
Молни бирга боққанман!

Зоминнинг кўркам ерида,
Тоғ-тошдан сал берида,
Ўқисам-да тўймасдан
Қўлдан сира қўймасдан
Навоий билан Абайнинг,
Мухтор, Ойбек, Ғафурнинг,
Китобин ўқиб ётганман!

Меҳнаткаш ўзбек халқидан,
Таълим олиб, ўрганиб,
Ишларни қўлга олиб,
Эртадан кечга қадар,
Кўкейим билан баробар
Кетмонни ҳам чопганман!

Ўтказиб баҳор, ёзини,
Кўп деб билиб озини
Насиб этмиш Худойим
Шу ўлканинг ерида –
Мариямдек севимли,
Уй ишида илмли,
Умр йўлдош топганман!

Эшанобод ерида,
Бўқом бийик элида
Бошланғич мактабида,
Биринчи ва учинчи –
Синфларга дарс бериб,
Шуйтиб кўкракни кериб
Эл ҳурмати олиганман!

Мана дўстлар, азизларим!
Эшитдингиз сўзларим,
Ҳанузгача бутун умрим,
Авезовнинг тутиб йўлини,
Ўзбекнинг қўймай қўлини,
Юрагида абад қолганман!

Тупроғим сўзда қорилган



Султон ЧОРИ

* * *

Ҳаргиз, ҳаргиз... бўлмади осон,
Такдир не дер, барига кўндим.
Излаб, излаб оёқлар толди,
Ниҳол эдим, оғочга дўндим.

Кел, ёнимга чўккин бир лаҳза,
Кўзларингга боқайин тўйиб.
Сирлашайлик ўтириб майли
Юракларни ўртага қўйиб...

Майли, кейин кетайлик ҳар ён,
Аҳли ошиқ билмас недир эрк.
Изимизни ҳеч ким тополмас
Қурбон бўлган ўша висолдек...

Ҳаргиз, ҳаргиз бўлмади осон...

* * *

Миллатим ўзбек эрур, гар Тожикистон ўғлиман,
Элу юртга хизмат этган, марди майдон ўғлиман.

*Султон ЧОРИ – 1957 йилда туғилган. Тожикистон политехника институтини та-
момлаган. Йигирмадан ортиқ китоблари чоп этилган.*

Қайда бўлдим, тилга олдим номини эъзоз билан,
Адлу иймон, меҳру шафкат, кадру эҳсон ўғлиман.

Кезадир балки танимда Шоҳ Туроннинг қони,
Ё Самарқанд, ё Бухоро, ё Хуросон ўғлиман.

Бирлашиб кетган элатлар қай бирин айтай, ажаб,
Балки суғдман, кўҳна машрикда Зарафшон ўғлиман.

Балки қорлуқман номи кетган китоблардан ўчиб,
Эртасидан кўнгли хушнуд, Тожикистон ўғлиман.

Ёки Машрабман юрибман кеча-кундуз шеър битиб,
Тупроғим сўзда қорилган, шеъру дoston ўғлиман.

Аслида, Парвардигорнинг бандасиман, ҳам қули,
Мустафонинг умматиман, аҳли иймон ўғлиман.

Қайда бўлдим англадим, ҳақ йўлининг бўйида гул,
Ризку рўз кафтимдадир, меҳнатда деҳқон ўғлиман...



**Равшанбек
УБАЕВ**

Қозоқ-ўзбек туғишган жигар

Нодирабегим

Ўтган олис асрлар,
Сир чертади ўтмишдан.
Қанча соҳир шоирлар,
Қул бўлдилар “ўт, миш” дан.

***Равшанбек УБАЕВ** – 1988 йилда туғилган. Қозогистондаги “Шимкент” университети битирган. Шеърлари Қозогистон ва Ўзбекистон матбуотида эълон қилинган.*

Ёдга тушар Нодира,
Ғазаллари бир қўшиқ.
Оташ нафас шоира,
Сирли дунё ҳам ошиқ.

Кўҳна Қўқон элида,
Адолат топган макон.
Ғайирларнинг дастидан,
Қассоб этмиш кул, талқон.

Ҳақиқатнинг ишқида,
Ғазал ёзди куйиниб.
Халқ қорнини тўқласа,
Боқар эди суюниб.

Эл дея халқ ноласин,
Ўз хонига етказди.
Тўғрилиқ ва ҳақ ишга,
Бор умрини кетказди.

Мангуликка қолиб у,
Шеър-ғазалда яшайди.
Минг асрлар ўтса ҳам,
Асл номи ўчмайди.

Халқлар аҳиллиги

Қозоқ-ўзбек оға-ботирлар,
Бир қозондан ичган ошини.
Жигармиз деб, ёв келганида,
Бирга янчган аждар бошини.

Ойбек домла Ғафур Ғуломлар,
Қозоғим деб асарлар ёзган.
Ўзбегим деб Сабит Муқон ҳам,
Қанча-қанча маржонлар тизган.

Қозоғистон-Ўзбекистонда,
Дўстлик йили давом этмоқда.
Кўзлаб ёшлар келажагини,
Дўстлик қадрин азиз билмоқда.

Қозоқ-ўзбек туғишган жигар,
Хар бир фарзанд билмоғи керак.
Аждодлар бир, тарихимиз бир,
Дўстлик сўзи қудратли демак.

Икки элнинг дўстлиги мангу,
Яшнайверсин баҳри дил яйраб.
Гўзал юртда сурайлик умр,
Булбули шўх тўғайи сайраб.



**Аваз
АБДУСАЛОМ**

Саболардан сўрайман

Кўнглини очгай қачон

Дардга дард қўшди бу ишқ, ёр ҳолатим билгай қачон,
Қош чимирмай нозини қилмай биза кулгай қачон?

Кўзларимда ёш кўриб, раҳм айлагайдур эҳтимол,
Йиғласа пинҳона қалб, бундан хабар топгай қачон?

Васли иштиёқида ҳеч бир куним йўқ куймаган,
Мен каби ишқ ўтида у ҳам олов бўлгай қачон?

Бу тилак-орзуларим энди сароб янглиғ сўнар,
Жон нисор этган ғарибга кўнглини очгай қачон?

Бир кўришга иштиёқ бор, ўзга мақсад менда йўқ,
Неча йиллар кутадирман, ул санам кутгай қачон?

Эй Аваз, маҳбубага севгидан бердим савол,
Ул сукут ичра қолибдир, оҳ, жавоб қилгай қачон?

*Аваз АБДУСАЛОМ – 1956 йилда тугилган. Андижон давлат университетини та-
момлаган. Шеърлари Республика матбуотида чоп этилган.*

* * *

Саболардан сўрайман ёр қайларда деб,
Сабо айтар, ёринг сўлим жойларда деб.

Шўх-шўх оқар сойлар бўйлаб кездим узок,
Эҳтимол у сочин тарар сойларда деб.

Ёр севарди гўзал қўшиқ, наволарни,
Соз айладим, ёр хаёли найларда деб.

Ночорсан деб боқмаганда ғамга тўлдим,
Наҳот унинг кўнгли номдор бойларда деб.

Аваз, ўтгум, ёрсизликда бода ичиб,
Хайём каби ҳаёт завқи майларда деб.

Менга ҳам бағрингни оч само



**Дилфуза
ЭШОНОВА**

Кўзларингда яшилранг ҳаёт

Кел елканга қўйай бошимни,
Ҳаётни кўп аччиғин тотдим.
Кўзларингда яшилранг ҳаёт,
Ва излаган бахтимни топдим.

Энди мушкул меҳрингсиз яшаш,
Мен юракнинг амрига қўндим.
Йўқотилган йилларни бир-бир,
Кўзларингнинг тубига қўмдим.

Ҳасратларим тоғ эди ютдинг,
Бахтлар келди сен келарингда.

Дилфуза ЭШОНОВА – 1987 йилда туғилган. Тошкент вилоят давлат педагогика институтининг филология факультетини тугатган. Унинг “Согинч”, “Бахтга томон юр”, “Ғоша тарихи” номли китоблари чоп этилган

Кулаётган қояларимни,
Тутиб қолдинг елкаларингда.

Қўп тентидим сенсиз йилларнинг,
Қўлларида хазондек яшаб.
Кириб келдинг қалбим тўрига,
Гуллаётган баҳорга ўхшаб.

Юрагимни тутай кафтингга,
Керак бўлса ол жонимни ол.
То тирикман қалбим тўрида,
Гуллаётган баҳор бўлиб қол.

Ўзинга элтгучи йўл бўлса

Юрагим хазондек тўкилган,
Баданим қирқ жойдан сўкилган,
Бўғзимда нима у тиқилган,
Қўзларим нафсимдан кўр бўлса.

Йиғласам юзимни ювсин май,
Дунёда юрибман телбадай,
Соғинсам, ўзингни соғинай,
Бу ишқим осмонга йўл бўлса.

Менга ҳам бағрингни оч само,
Бошимдан нурларинг соч само,
Тегрангда чайқалиб турсамо,
Пойингда кўзёшим қўл бўлса.

Маст бўлсам бир томчи май ютиб,
Яшасам дунёни унутиб,
Ғафлатдан юракни уйғотиб,
Қўлимдан тутгучи қўл бўлса.

Елкамда гуноҳлар тоғ бугун,
Шайтоннинг димоғи чоғ бугун,
Қўксимда бир парча чўғ бугун,
Жисмим дол, вужудим қул бўлса.

Қоқилсам, пойингга йиқилай,
Тўкилсам, нур бўлиб тўкилай,
Юкунай, бир сенга юкунай,
Ўзинга элтгучи йўл бўлса.

Ўзинга элтгучи йўл бўлса...

Туш кўрди айиқ



**Шахзода
АШРАПОВА**

Туш

Борлиққа қиш ҳукумрон,
Инида ухлар айиқ.
Кўза тўла асални,
Тушида кўрди аниқ.

Дастурхон тўла неъмат,
Ёнғоқ, балиқ ва шарбат.
Бундай тўкин зиёфат,
Ўнгингда бўлса роҳат.

Кўзиқорин

Қалдиروقлар гумбурлаб,
Чақмоқ чаққани сайин.
Ер остида уйғонди,
Уйқучи кўзиқорин.

Шоша-пиша кийибон,
Бошига ажиб қалпоқ.
Она замин юзига,
Ўзини отди шу чоқ.

Саволлар

Кўкда қанча юлдуз бор,
Қанча гўзал ой юз бор.
Уйқу қочган кечалар,
Мени қийнар шу савол.

Кўкни борми поёни,
Борми тоғи доवони.
Паға-паға булутнинг,
Кўкда борми кўрғони.

Ашрапова ШАҲЗОДА – 2004 йилда туғилган. Ургут туманидаги 149-мактабнинг ўнинчи синф ўқувчиси. Унинг “Бобом яратган боз”, “Бағри кенг дунё”, “Фаҳримсан Ватан” каби тўпламлари чоп этилган.



**Хосият
РУСТАМОВА**

Шоирнинг кўнгил уйлари


*Шоира Хосият Рустамованинг
шоир, таржимон ва адабиётшунос
Жеке Маринай билан суҳбати*

Хосият РУСТАМОВА: – Одатда ҳар бир ижодкорни "Мен кимман?" деган савол қийнайди. Шекспир жавобни топган кунни шаҳарни ташлаб, узлатни ихтиёр қилган экан. Сиз шу саволга жавоб топдингизми ёки қачон бу саволни ўзингизга беришни "тўхтатдингиз"?

Жеке МАРИНАЙ: – Саволингиз чиндан ҳам шоирлик моҳиятига дахлдор бўлди. "Мен кимман?" деган саволни ўзига бериш бизни ўз ўйларимиз, истакларимиз ва кўркувларимизнинг чалкаш йўллари бўйлаб катта сафарга йўллайди. Мен очик қалб ва онг билан кўплаб мамлакатларга сафар қилганман, қалб туғёнлари, ишқ, орзулар ва ўзим ҳамда бошқалар ҳаётидаги воқеликлар ҳақида ёзарканман, албатта, дунёдаги барча инсонларнинг ғалаба ва мағлубиятларини ҳурмат қилган ҳолда қалам тебратаман. Мен ўзгалар томонидан муайян ҳурмат ва машҳурликка эришганман, аммо ўзлик тинмай изланмаса, бу ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмай қолади. Ёдимда, ўтган йили сокинлик истаб Далласнинг шовқинларидан ўзим таваллуд топган албан қишлоғига бир неча кунга кетганимда, сиз менга ҳозир бераётган ўша "Мен кимман?" деган савол ҳақида кўп ўйлагандим. Жавоб эса жодуланган ўрмондаги сеҳрли жонзот каби қўл етмас олисликда эди. Кастрат сокинликларида, болалигим ўтган масканда ҳаётим, қилган ишларим, оилам, ҳаётда тутган ўрним борасидаги ўйларга берилдим. Ўйлайманки,

Хосият РУСТАМОВА – "Шуҳрат" медали соҳиби. 1971 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎЗМУ) журналистика факультетини, Ўзбекистон Миллий университетининг ўзбек филологияси факультети қошидаги Олий Адабиёт курсини тамомлаган. Унинг "Осмондаги уй", "Нажот", "Ридо", "Юпанч", "Девор", "Август", "40:0", "Ишғол", "Унутилган йиллар", "Орзу", "Бебоиш булутлар", "Туннинг боши қоронғу", "Саргардон соялар", "Жигарранг дафтар", "44 кун", номли, шунингдек, хорижда ҳам йигирмадан ортиқ китоблари чоп этилган.

қисман жавоб ҳам топдим, аммо у тошга ўйилгандек муқим эмасди, боиси “Мен кимман?” деган савол вақт ўтиши билан ўзгара боради ва ҳаёт бизга янги масалаларни кўндаланг қилади. Биз ҳайкал эмасмиз, кўпроқ тажрибамизга мослашган ва бу йўлдаги хатоларимиздан сабоқ олган ҳолда ҳаёт ўзани бўйлаб эшилиб оқадиган дарёга ўхшаймиз. Саволга тўлиқ жавоб топдим дейиш ёлғон ҳам бўларди, зотан унинг жавоби бир кўриниб, бир лаҳзада кўздан ғойиб бўлувчи саробга ўхшайди. Бунинг ўрнига айниқса,



Америкадаги ўттиз йиллик ҳаётим давомида мен фикрларимга кимлигимни англаш тушунчасини шакллантириш ва ўзгартиришга имкон берган ҳолда ўз кўнглимга ва ўйларимга теран нигоҳ ташлаш жараёнини қабул қилишга ўргандим. “Мен кимман?” дея ўзингиздан сўраш бу якуний мақсад эмас – бу умримиз узунлигига тенг бўлган саргузашт бўлиб, биз уни босиб ўтишимиз керак. Шоир, ёзувчи ва чуқур, яширин ҳақиқатларни изловчиларнинг моҳияти шунда. Шундай экан, мен ҳам бошқалар каби ўзимни ўрганишда, инсоний тажрибани ташкил этувчи тутқич бермас жавобларни излашда давом этаман.

– *Адабиётда тўғаноқ ва чегаранинг кўлами қаерда?*

– Адабиёт учун аҳамиятли тўсиқ ва чегаралар мавжуд. Улар танганинг икки томони мисол – ҳар бири ўзига хос хусусиятларга эга, лекин иккиси ҳам ижод жараёни билан чамбарчас боғлиқ. Ёзма нутқда – санъатга дош бера оладиган даъватдир. Ақлий зўриқиш, ҳиссиётлар кураши ва илҳомнинг кутилмаганлиги – буларнинг бари ёзувчи қалами учун тўсиқларни ҳосил қилади. Бироқ иқтидоримиз айнан шулар боис чархланади. Тўсиқларни енгиб ўтиш бизнинг энг таъсирли ва чуқур маъноли ижод маҳсулимизга олиб келади. Чегаралар, бошқа томондан, санъат асари шаклланиши учун белги-ланган меъёрлардир. Бу биз асар тасвирловчи қоғоз, қаҳрамонларимиз роль ижро этувчи сахнадир. Чегаралар тузилишни таъминлайди, айнан унинг ҳудудида биз кенг тасаввуримизни тадқиқ этиш учун эркинликни топа оламиз. Худди сонет яратишда қофия ва вазнга эътибор бериш талаб этилгани каби шу чегаралар доирасида биз ижодий эркинликни топамиз. Шунинг назарда тутиб, мен тўсиқ ва чегаралар онгимиз чалкашликларидан бошлаб ўтиб бизни янги марраларни, янги чўккиларни забт этишга рағбатлантирган ҳолда адабиётнинг муҳим жиҳатини ташкил қилади, деб ҳисоблайман. Мазкур икки кучнинг биргаликдаги саъй-ҳаракати боис биз ёзма сўзнинг гўзаллиги ва кучини очиб бера оламиз.

Жеке МАРИНАЙ – Протонизм назарияси асосчиси, шоир, таржимон ва адабий танқидчи. 1967 йилда Албанияда туғилган. Унинг йигирма бешдан зиёд шеърӣ, таржима, шунингдек, журналистика ва адабий танқидга оид китоблари юксак баҳоланган ва дунёнинг йигирмадан зиёд тилларига таржима қилиниб, чоп этилган.

– *XX асрда инсоният диктатура ва турли сохта гоя ва мафкураларнинг қурбонига айланди. Бунинг оқибатида бир қанча миллатларнинг геноциди содир бўлди ва дунё материалистлар қўлидаги буюмга айланди. Бугун эса глобалистларнинг даври келди. Инсон замон ва маконда юз бераётган воқеа-ҳодисаларнинг тезлигини идрок этолмай қоляпти. Шу жиҳатдан инсон бугунги замон қаҳрамоними ё қурбони?*

– Бу нотинч паллада, сиз билан бу суҳбат бўлиб ўтаётган вақтда, ўйлашимча, инсонлар ҳам қаҳрамон, ҳам қурбон тимсоли бўла олади, лекин бунинг ҳеч бири уларнинг моҳиятини тўла англаётмайди. Диктаторлар томонидан ҳўрланганлар тимсолида биз қурбонлар шахсини кўрамиз. Бунга қарши чиққанлар, курашганлар тимсолида яна қаҳрамонларга дуч келамиз. Оғриқ келтираётган ва вайронгарчиликка сабаб бўлаётган кучларнинг ўзи инсониятни бирлаштирувчи жасурлик ва барқарорликка ҳам руҳлантиради. Биз ўзининг бойлик ва ҳокимиятга интилиши орқали кўпинча энг юксак туйғуларни унутиб қўядиган материалистлар ва глобалистларнинг таъсириниям тан олишимиз жоиз. Шундай бўлса-да, ўз биродарларимизни оддий қаҳрамон ёки қурбон дея аташ ўта жўнлик бўларди. Инсоният ҳар бир инсон кўплаб роль ижро этадиган сахнага ўхшайди. Биз шошилиш хулоса чиқармаслигимиз, аксинча, ҳар бир инсоннинг қалбида бўлган яширин буюкликни таъкидлашимиз керак, чунки ҳар биримизда ўзгариш учун етарли куч-қудрат мавжуд. Инсониятнинг ҳолати айнан шунга асосланади.

– *Қайси ёзувчи ва шоирларнинг асарларида ўз даври фожиялари акс этган деб ўйлайсиз?*

– Очиғи, жамият қиёфасини тасвирлай олиш маҳорати, юракларимизни жумбушга келтира олувчи ва онгимизни рағбатлантирувчи асарлари учун Гильгамеш ҳақидаги эпос муаллифлари, Гомер ва Дантедан тортиб то Шекспир ва Толстойгача бўлган кўплаб ёзувчи ва шоирлар ижодидан ҳайратга тушаман. Лекин айрим сабабларга кўра бутун умр британ ёзувчиларини юрагимга яқин ҳисоблаб келганман. Шундай адиблардан бири – Англиядаги саноат инкилоби даврида оддий одамларнинг курашини акс эттирган Чарльз Диккенсдир. Оливер Твист каби бахтсиз қаҳрамонлар ўша даврда одамлар тўқнаш келган енгиб бўлмас муаммолар рамзи бўлиб хизмат қилади. Гап шеърятга тақаладиган бўлса Уилфред Оуэн ва Зигфрид Сассунни тилга олган бўлардим. Улар ўз шеърларида Биринчи жаҳон урушининг вайронкор даҳшатларини тасвир этишган. “Dulce et Decorum Est” каби ўша урушнинг даҳшатли воқеликларини акс эттирувчи асарлар бугун ҳам инсонлар қалбида акс-садо беришда давом этмоқда. Узоқ вақт куллик ва ирқий камситилишга дучор этилган афроамерикаликларнинг дардларини тадқиқ этган америкалик Тони Моррисонни янги давр ижодкорлари қаторида тилга олишим мумкин. Унинг “Севишганлар” романи тасаввур этиб бўлмас фожиа қаршисида инсон иродаси кучини намоён этади. Шунингдек, “Mundus Artium Press” ва Далласдаги Техас университетидаги ҳамкасбим ва устозим Фредерик Тёрнерни ҳам айтган бўлардим. Бу ижодкор ижодининг ўзаги адабиёт тарихида исталган давр ўқувчиси учун қадрли ва замонавий бўла ола-

ди, деб ўйлайман. Бу исталган адиб ёки шоир учун энг қийин ва энг хайрли вазифа деб биламан. Истеъдодли муаллифлар ўз даврлари воқеликларини асарларида акс эттира оладилар. Шу орқали улар келгуси авлод ўтмишдан тўғри хулоса чиқаришини кафолатлайдилар.

– Америка адабиётининг йирик намояндаси Фолкнер ўзининг машҳур асарини бир суратдан таъсирлангани учун яратгани ҳақида ёзган. Эҳтимол шунинг учун асарни ўқиганда улкан бир ҳайратни туясан, лекин ҳозир бу тушунча йўқолиб бораётгандай, гўё чин адабиёту маданиятнинг илгариги кўзни қамаштирувчи ёрқин нуридан хира шуъла қолганга ва милтиллаб турганга ўхшайди. Шундай эмасми?

– Ёзувчи сифатида Фолкнер қанчалик ажойиблигини тан оламан – унинг асарлари жуда озчилик ижодкорлар каби Америка руҳини бера олган. Чин адабиёт ва санъат ўлмаслигига мен ишонаман. Улар ўзгариши ва ривожланиши мумкин, аммо ҳар доимгидек янги авлодларни илҳомлантиришда давом этаверади. Биз ҳозир нима оммабоп эканига кўп чалғимаслигимиз керак, чунки кўплаб ажойиб асарлар ўз вақтида назарга тушмай қолган ва вақт ўтиб улар қайта кашф этилган. Бугун эса дунёда ижод ва янгилик маҳсули шунчалик кўпки, албатта бундан-да буюк асарлар албатта дунёга келиши ажаб эмас. Мен адабиётнинг келажагидан умуман ташвишланмайман. Токи биз ўзимизни ва бизни ўраб турган борлиқни англашга интилишда давом этар эканмиз, ҳамиша сўзлаб бериш мумкин бўлган ғаройиб саргузаштлар ва яратиш мумкин бўлган санъат асарлари топилаверарди.

– Бугунги замонавий дунёда тараққиёт такомиллашгани, XXI аср қаҳрамонининг ҳаёти осонлашганига қарамай, кишилиқ жамияти ҳеч қачон бир қусурдан халос бўлмаслигини исботлади. Эҳтимол, инсоният тарихи – бу уруш тарихи, деган гаплар ҳақиқатга яқин назаримизда. Бугун дунё саҳнасида кечаётган мантиқсиз урушлар, такомиллашган қуроллар инсон ҳаётининг қадри аҳамиятсиз бўлиб бораётганини бизга англатмоқда. Тараққий этган жамиятда яшаш бахт эмас, балки чинакам хавф-хатар эканлигини тобора равшанроқ кўриб турибмиз. Мана шундай қийин вазиятда адабиётнинг ўрни қаярда?

– Сизнинг саволингиз инсоният тажрибасининг асосий жиҳатига дахлдор. Бугунги жадал ривожланаётган дунёда ачинарли ҳолат шундаки, биз ҳамон тўхтовсиз урушлар гирдобидида қолиб кетяпмиз. Бундай талатўплар орасида адабиёт таскин, маърифат ва ўзини таҳлил қилишнинг ишончли манбаси бўлиб қолмоқда. Инсоният юраги уриб турар экан, онги юксалиб борар экан, ҳамиша қалбимизни нурлантирадиган ҳикояларга, табиатимизни очиб берадиган сўзга эҳтиёж туғилаверади. Ўтмишдаги каби адабиёт ҳаётнинг қудратли тўлқинларида тўғри йўлни топишга кўмак берган ва англаш ва ҳамдард бўлишга бошлаганча йўлчи юлдуз сифатида хизмат қилади. Гарчи атрофимизни ўраб турган дунё ўзгарса-да, инсоният тажрибаси ўзгармайди. Томиримизда оқаётган ҳиссиётлар – севги, рашк, ҳақиқатгўйлик ва кўплаб бошқа фазилатлар – вақтга бўйсунмас ҳолатлардир. Уруш ва низолар бизни ютиб юборишга қасд қилган бу зулматга тўла лаҳзаларда ёзма адабиёт кучи

жуда катта эҳтиёж сезаётганимиз – одамийлик ва ҳамдардлик ҳисларини бизга эслатиб туриши шубҳасиз. Ўзимизни ва ўзлигимизни акс эттирувчи адабиёт бу олағовур дунёда улкан кадрга эғалигига қатъий ишонаман. Уруш қаршисида қалам ҳамиша қиличдан кучлироқ бўлади. Битик – кўнглимиз моҳиятини ҳис қилувчи ва ҳар биримизнинг қалбимиздаги яширин буюкликни очиб берувчи воситадир. Менинг шахсий дунёқарашимни ифода этувчи протонизм адабий назарияси ўткинчи бўлмаган, залворли ва ижобий асарларни тан олади. Протонист сифатида мен бизнинг ҳозирги мураккаб ва хатарли дунёмизда адабиёт бундан кейин ҳам муҳим ва кадрли ўринни эгаллашига ишончим комил. Сўз қудрати билан биз ҳали тинчлик ва тавба йўлини оча оламиз.

– *Бугуни кунда ижтимоий тармоқларда миллионлаб матнлар эълон қилинмоқда. Инсоният тарихида ҳали ёзма сўзнинг бу қадар кенг қўлланилиши кузатилмаган. Замонавий дунёда малакали ёзувчи ва шоирлар нечоғлиқ зарур?*

– Рақамли контентлар кўпайгани натижасида ёзма матнлар билан боғлиқ ҳолат, шубҳасиз, ўзгарган бўлса-да, маҳоратли ёзувчи ва шоирлар аввалгидек жуда муҳимлигича қолади, деб ҳисоблайман. Бу турли-туман овозлар мавжуд оламда шовқинни босиш учун жуда гўзал ва маънили асарларни яратишга интилаётган ёзувчилар учун ҳамон ўрин бор. Профессинал ёзувчи ва шоирлар наср ва назмда вақт ҳукмидан ўтган ва бизда чуқур таассурот уйғотадиган улкан қасрлар қурган меъморлар кабидир. Уларнинг ижод маҳсуллари бизнинг инсоний тажрибамиз моҳиятини акс эттиради ва вақт қобиғини ёриб ўта олади.

– *Сизнинг бир неча бор адабиёт йўналишида Нобель мукофотига номзод сифатида кўрсатилганингиздан хабарим бор. Айтинг-чи, бу сизда қандай ҳиссиётлар уйғотади ва мазкур нуфузли мукофотни қўлга киритиш сиз учун қанчалик аҳамиятли?*

– Ажойиб савол. Адабиёт йўналишида Нобель мукофотини қўлга киритиш мени бахтиёр қиладими? Сизга айта олишим мумкин бўлгани шуки, агар ижодим шундай эътирофга лойиқ кўрилса, бу мен ва камина бир қисми саналган бутун адабиёт вакиллари учун жуда юкори шараф саналади. Бу йўлда жуда кўп инсонлар менга кўмак кўрсатишган: адабиёт муаллимларим, устозларим ва ҳамкасб шоир-ёзувчилардан тортиб узоқ йиллардан бери менинг ижодимни қўллаб келаётган ўқувчиларимгача. Шунингдек, мен тил ва ижод одамларни бирлаштириш, ҳамдардликни уйғотиш ва инсонийликка даъват этиш учун қанчалик кучли восита эканлигини ҳаммага эслатиш учун мукофот платформасидан албатта фойдаланардим. Ва ниҳоят, Нобель кўмитаси мени эътироф этадими ёки йўқми, бу менга боғлиқ эмас. Мен қила олишим мумкин бўлган нарсалар – тил ёрдамида имконият чегараларини кенгайтирганча ижодимдаги гўзаллик ва ҳақиқатнинг ҳар бири ўзича инсониятга хизмат қилишига ишонган ҳолда ёзиш ва яратишдан иборатдир.

– *Сўхбатимиз якунига етар экан, “Syracuse University Press” нашриёти*

томонидан 16 октябрда чоп этилувчи янги китобингиз борасидаги фикрларингизни билмоқчи эдим.

– Куз фаслидан бошлаб “Менга шивирлашни ўргат: отлар ва бошқа шеърлар” китобим инглиз тилли ўқувчилар қўлига етиб боради. Фредерик Тёрнер ва мен шоир сифатидаги шахсиятимни энг ёрқин намоён қилувчи шеърларимнинг таржимаси борасида кўп саъй-ҳаракат қилдик. Шеърларим ҳамиша ўзгарувчан бўлган ижтимоий, сиёсий ва экологик муаммоларга бағишланган. Қаламим рақамли оламда ўзлигини англаш, виртуал ва реал олам ўртасидаги мувозанат, бу шиддатли даврдаги инсоний муносабатларнинг нозиклиги борасидаги воқеалар узра рақс тушушини ҳис қилиш жуда ёқади. Янги шеърларим ҳам аввал битганларимдек ишқ ва истак мавзулари билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, инсон онгининг энг қоронғи бурчакларига кириб боради. Ҳажми анчайин катта бўлган “Вьяса терисининг йўқолган қатламлари” (“The Lost Layers of Vyasa’s Skin”) достонининг ўзини алоҳида китоб ҳам дейиш мумкин, у маданият қудрати ва чин дунёнинг тенглик курашини Ҳинд ва бошқа халқлар тарихи асносида тадқиқ этади. Менинг янги китобим тараққиётнинг икки томонлама ўткир тигли қиличини рамзий тарзда кўрсатиб беради. Шеърларимдаги айттар сўзларим моҳияти – огоҳлантириш оҳангида умидга йўғрилган. Мен ўқувчиларимга бизни жамият сифатида бирлаштирувчи ҳамдардлик, бир-бирини англаш ва меҳр ришталарининг қанчалик муҳимлигини эслатишга интилаганман. Мен ёзган ҳамма нарса ХХI асрда бизнинг ролларимизни тўлиқроқ ўрганишга ёрдам бериши учун хизмат қилишини истайман.





**Лола
ЖҰРАЕВА**

ЮРАГИМНИ ЮТИБ ЮБОРДИМ

Икки ҳикоя



Келинг, барини бошидан айтиб бераман.

Хуллас, ой тўлган тунларнинг бири эди. Кўзларимни юмиб ҳарчанд ух-лашга уринсам ҳам, ҳа деганда уйқу келавермади. Тун яримдан оғган паллада очик турган дераза ортидан кимдир тинмай исмимни айтиб чақира бошлади. Болишни бошим остидан олиб, юзим аралаш қулоқларимни бер-китдим. Чақириқ тингандай бўлди. Энди хотиржам ухлайман, деб ўйлаб, ён-бошладим ва юзимни болишнинг исканжасидан озод этиб, уни бошимнинг остига қайта жойлаштирдим. Аммо мен янглишган эдим. Энди ўша кимдир яқинроқдан, яъни деразамнинг шундоққина точкасига ўтириб олиб, чақира бошлади мени. Ноилож ўрнимдан кўзгалдим.

Тунги халатимни елкамга илганча, дераза ортига назар ташладим. Айтсам, ишонмайсиз, ташқарида юзидаги доғларини кўз-кўзлаганча, баркашдай, йўқ-йўқ, баркашдай эмас, нақ юз килолик дошқозоннинг қопқоғича катталиқдаги ой юзимга тегай-тегай деган яқинликда менга қараб турибди.

Аввалига, пича қўрқдим. Ахир, бундай катта ойни ҳеч қачон кўрган эмасман-да. Аммо ундаги қандайдир ғайриоддий сеҳр мени мафтун эта бошлади.

Энди менинг аъзойи баданим ўт бўлиб ёнар ва негадир “ув” тортгим келар эди. Мен ўзимни ғалати ҳис қила бошладим.

Бармоқларим ёввойи жимираш сезила бошлади. Секин қўлимга назар солдим. Панжаларим қандайдир ҳайвонларникига хос тарзда ўзгарган, тирноқларим ой нурида ғалати йилтилар эди. Дераза ойнасидан аксимга бокдим. Лабларим орасидан тепа ва пастки сўйлоқ тишларим одатдагидан каттароқ кўриниб қолганди. Нафасим сиқилиб, томоғим қурий бошла-

Лола ЖҰРАЕВА – 1987 йилда туғилган. Қариш педагогика коллежини томонлаган. Унинг "Бир йўл бўлса...", "Ишқ манзили" номли китоблари нашр этилган.

ди. Чанқоғимни босиш учун сув истаб ортга ўтирилдим. Ана шунда ҳақиқий кўрқинч бошланди.

Шундоққина ортимда, аниқроғи ҳали совиб улгурмаган ётоғимда кимдир ёнбошлаб ётар эди. Додлаб юборишимга озгина қолди. Диққатимни жамлаб, оёқ учида секин ётоққа яқинлашдим, елкасидан тутганча ётган кимсанинг юзини ўзим томонга ўтирдим.

Бармоқларим илиқ бир нарсани ҳис қилди. Қандайдир бир парча эт. Пайсалга солиб ўтирмай мен ўша бир парча этни кўкрак қафасимдан суғуриб олдим. Адашмасам, бу юрак эди. Аммо мен китобларда кўрган юракка сираям ўхшамас эди. У нимадандир куйиб кетган, каттагина қисми яралар билан қопланган эди. Яна менинг билишимча, одамзоднинг юрак деган аъзосида катта миқдорда қон бўлиши керак эди. Бу ерда эса, аксинча, қондан асар ҳам йўқ, фақат газак олган яралардан кўкимтир зардоб оқиб турар эди, холос. Қон деб ўйлаб адашгандим, у ердан, танамнинг кўксидан улкан ёнғиндан кейин анқийдиган куйик ҳиди келаётганди. Мен тагин дераза ёнига келиб ойга тикилдим. Тагин “ув” тортгим келди... Ой ҳам шу чокқача бундай абгор юракни кўрмаган эканми, ҳайратдан бир четидан эрий бошлади...

Шу пайт яна аллакимнинг чақираётгани эшитилди. Бироқ бу гал овоз дераза ортидан эмас, ётоқхонанинг эшиги ортидан келар эди. Танам чақириққа жавоб беравермагач, эшик очилиб хонага тунги кийимдаги ўғлим қўлида бир коса сув билан кириб келди. Косани дераза тоқчасига қўйиб, танамнинг елкасига қўлини қўйганча, турта бошлади. Мен эса нима қиларимни билмай ўғлимнинг ҳаракатини кузатиб турар эканман, қўлимдаги зардоби томиб турган юракни чангаллаб, оғзимга солдим ва ютиб юбордим. Аммо аллақачон куйиндига айланишга улгурган бу эт бўғзимга қадалиб тураверди. Мен тагин чанқоқликни ҳис қила бошладим.

Ўғлим эса танамни бир маромда силкитар экан, кўкара бошлаган лабларимга косадаги сувни оқиза бошлади. Юрак бўғзимдан пастга ўтиши билан танам бир қаттиқ сесканиб кетди ва секин кўзларини очди...

ЧИҒИРИҚ

Ҳомила.

Ҳали она курсоғидаёқ таъқибга учради.

– Тагин қизми? Керак эмас!!!

Аммо у таслим бўлмади. Йўлдошига маҳкам ёпишганча ой куни келишини кутди онасининг. Жонига озорлар бериб бўлса-да дунёга келди.

Гўдак.

Эмишки, гўдаклар маълум вақтгача ўз келажакларини кўра олар эканлар. Шунданми, у жуда йиғлоқ чиқди. Балки келажакни кўра олгандир....

Йиғлайверди, йиғлайверди...

– Овозини ўчир! Шу “ув” тортишида бировимизни бошимизга етади бу бошини егулинг! Кўзимдан йўқот. Керак эмас!

Онаизорининг бедор тунлари ҳисобига тетапоя бўла бошлади, йиғламай ҳам қўйди....

Қиз!

Мақтабни аёло баҳоларга тугатди. Бир-биридан ажойиб шеърлар ёза бошлади ўз-ўзидан.

– Ўқийман. Олима бўламан, – деди бир кун юрак ютиб отаси томонга юзланиб.

– Қиз бола ўқиб шаҳар олиб берармиди?! Керак эмас!

Навбатдаги таъқибни қабул қилиб олди.

Орзуларини-да онаизорига қўшиб совуқ тупроққа кўмди....

Совчилар...

Ота оқ фотиҳаси...

Ёр-ёрлар...

Гўшанга...

Келинлик вазифалари...

– Ишлайман, – деди.

– Аёлнинг ўрни оилада. Уйда ўтир. Керак эмас...

Она.

Оллоҳнинг инояти билан кўчкордай ўғил туғиб берди эрига.

Рўзгор ва фарзанд парваришига астойидил шўнғиб ўзини-да унутди, кўзгуни-да унутди она....

– Менга кўримсиз аёл керак эмас! – деди кўзи кўркам аёлларга ўрганган эркак.

– Кет.

Ва у кетди...

Ёшлигини, кўзларининг қувончини, сочининг қораларини қолдириб, жигарпорасига қўшиб юрак пораларини-да олиб кетди эр уйидан. Керагига керак бўлолмай кетди...

Тагин ота уйи, тагин қиз. Аммо энди юраги бутун, бокира қиз эмас, энди юзлари қора, ранглари самон, оти “ёмон”, айбсиз айбдор қиз. Боз устига суянай деса онасининг елкалари йўқ, чала етим қиз...

– Ўзига қўшиб етимчасини ҳам боқамизми? Кетсин. Керак эмас!

Ҳукм чиқарди бироз вақт илгари онаси ўрнига она бўлиш учун келган ўғай она. Норасидасини бағрига босганича остонадан ташқарига қадам босди қиз. Аммо бу сафар ҳеч қандай ёр-ёрларсиз остона ҳатлади...

Аёл.

Энди унинг бош уриб борадиган жойи йўқ эди. Шу билан бирга, тўхташга-да ҳаққи йўқ эди. Энди унда бир олам “керак эмас”лар бор эди...

Она экан-да, ўзи учун бўлмаса-да, фарзанди учун яшашга ҳаракат қилди. Кишиларнинг хизматларини қилди, ошхоналарда идиш-товоқ ювди, мавсум келиши билан далада пахта терди. Қўлидан нима юмуш келса, барини қилди, хуллас, фарзандини оёққа қўйди, яхши кийимлар кийдирди, ўзи емаса-да, тансиқ таомлар едирди. Катта бўлиб, суянчиғим бўлади, деди. Катта одам бўлиб, менгада яхши кийимлар кийдириб, тансиқ таомлар едиради, деди...

Ёлғизнинг куни қийин бўлар экан, ҳар учган қуш бошига ахлат ташлар, ҳар учраган ит этагига қўшиб жонининг бир парчасини узиб олаверди...

Кулса – кулди дедилар, йиғласа – йиғлади дедилар...

Кулса – аламдан кулди, йиғласа – чорасизликдан, ожизлигидан йиғлади. Аммо таслим бўлмади. Йиғлай-йиғлай ёшлигини қора меҳнатга бағишлаб, ёруғ кунлардан умид қилганча, умрини ўтказаверди...

Инграна-инграна ҳушини йўқотди.

Кўзларини очганида эса не-не синовлардан омон чиққан боши узра ўтган йиллар инсон қиёфасида чарх уриб айлана бошлади...

– Тагин қизми, керак эмас.

– Овозини ўчир, “увлоқ” бола керак эмас.

– Ўқишми? Қиз болага керак эмас.

– Аёлга давлат иши керак эмас.

– Кўримсиз аёл керак эмас.

– Сиз топган қиз керак эмас.

– Қари онангиз бизга керак эмас...

Кўнгли озиб қайт қилгиси келди аёлнинг. Қайта кўзларини юмар экан, ҳамширанинг:

“Нимадир керакми?” деган саволига тили чиқаётган гўдакдек тушунарсиз тарзда,

– К -Е -Р- А-К Э-М-А-С, – дея гўдранди...

...Орзуларини, ёшлигини алам ва изтиробларига қўшиб сувга оқизишди, жисмини поклаб, оппоқ либосга ўраб онаси ёнига ётқизишди.

Ана энди унга чиндан-да ҳеч нима керак эмас!!!





**Мадина
НОРЧАЕВА**

Чингиз Аҳмаров ижодида портрет

Ижодкор асар яратиш жараёнида ўз оламига шўнғир экан борлиқдаги бошқа ҳодисалардан буткул узилади. Ўз ботинига ғаввос мисоли бу шўнғиш қанчалик чуқур бўлса, унинг ортидан келадиган асар – жавоҳирлар ҳам шунчалик қимматлидир. Улкан истеъдод ва тажриба бирлашган жойда эса ҳар бир чизги санъат асарига айланса ажаб эмас. Ўзбекистон халқ рассоми Чингиз Аҳмаров асарлари ҳам миллий санъатимизнинг ноёб хазинасидир.

Монументалист рассом Чингиз Аҳмаров 1912 йил 18 август куни Троицк шаҳрида (ҳозирги Челябинск вилоятида) таваллуд топган. 1927 – 1930 йилларда Перм бадий техникумида, 1935–1942 йиллар В.Суриков номидаги Москва бадий институтида таълим олган. Уруш вақтида бу институт вақтинчалик Самарқандда жойлашган эди. Чингиз Аҳмаров бригадада бошқа рассомлар билан биргаликда шаҳар ва қишлоқларга чиқиб портретлар ишлаган. Бу портретларни аёллар аксарият ҳолларда фронтдаги турмуш ўртоқларига жўнатишган.

Ярим аср давом этган рассомнинг ижоди кўп қирралидир. У Шарқ миниатюраси анъаналарини давом эттириб, миллий мусаввирлик мактабини яратди. Юзлаб гарфик асарлар, китоб иллюстрациялари, ўнлаб портрет ва тематик картиналар, кинофильм ва спектаклларга декорация экзизларини яратишга муваффақ бўлган. Унинг бир қатор деворий суратлари Ўзбекистон маҳобатли рангтасвири тарихи саҳифасида алоҳида ҳодисадир.

Чингиз Аҳмаровнинг маҳобатли асарлари унинг “ижод китоби”даги алоҳида саҳифа бўлса, у яратган портретлар ҳам ўзгача бир саҳифадир. Рассомнинг 1945 йил ишлаган “Ширин” портрети, “Пешонабандли қиз”, “Мева кўтарган қиз” ёки “Татар аёли” каби портрет типларида шарқона мумтоз гўзаллик ўз аксини топган. Юқоридаги портретларнинг ҳар бирида эртақна-

Мадина НОРЧАЕВА – Зулфия номидаги давлат мукофоти билан тақдирланган. 1995 йилда туғилган. Камолитдин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтини магистранти. “Кафтдаги йўл” ва “Қумару” номли шеърый китоблари чоп этилган.

мо сюжет сезилиб туради. Рассом тасвирланувчи образлар қиёфасида камолга етган гўзаллик, навқирон ёшлик ва ифбат тимсолларини бирлаштиради. Буни рассомнинг Шарқ адабиётига, классик шеърятга бўлган муҳаббати билан боғлаш мумкин.

Рассомнинг суюкли рафикаси – биринчи ўзбек мусаввир аёли Шамсирўй Ҳасанова тимсоли Чингиз Аҳмаров ижодида муҳим аҳамият касб этган. Хотираномаларида рассомнинг ўзи: “Мен Шамсирўйнинг қатор портретларини ишлаб кўрганман. Алишер Навоий номидаги театрга тасвир этганим образларнинг барчасида Шамсирўйдан илҳом олганман, десам муболага бўлмайди. Бироқ шулардан энг муваффақиятлиси, 1943–1944 йилларда севиб тасвир этганим – “Ширин” асарим деб ҳисоблайман. Бу расмда Шамсирўй қиёфаси ўйчан, гўзал образ сиймосига мос тушганидан ташқари, Шириннинг қандайдир келгусидаги бахтсизлигидан ҳам дарак бериб тургандай”, деб ёзади.

Чингиз Аҳмаров портретлари ҳақида сўз кетганда, унинг бу жанрдаги 1950 йиллар мобайнида ижод этган асарларини эсламаслик мумкин эмас. Шу даврга келиб рассом кўп қиррали ижодкор сифатида намоён бўла бошлайди. Рассом ўзига хос картина ва паннолар, шеърӣ жозибага тўла, мафтункор картина ва портретлар яратади, уларда шарқӣ тафаккур ва соф Аҳмаровга хос услубнинг нафислиги сезилади. “Раҳима”, “Уста Жўракул” (1953) портретлари ўзаро яқин тасвирий услубда ишланган. “Уста Жўракул” портретида тасвирланувчи бироз ён томондан, қўлидаги сопол лаганга нақш чизаётган жараёнда кўрсатилган. Ёркин қизил фонда ишланган асар марказидаги уста образи жиддий қиёфали, бор диққатини ва меҳрини бажараётган ишига йўналтирган. Устанинг бугдойранг юзи, дўпписи ва либослари, фондаги қизил рангнинг шуълалари акси сезилади. “Образни натурадан шундайгина кўчириб яратиш унинг бадий маконига мос эмас эди. У самарқандлик кулол Уста Жўракулов портретини (1953) халқ эстетикаси хусусиятларидан келиб чиқиб талқин этди. Ана шу усул унинг рангтасвир асарларида бош мезон бўлиб қолди” деб ёзади ёзувчи Нодир Норматов “Хаёл чечакларидан таралган бўйлар” мақоласида.

Рассомнинг “Раҳима” портрети 1961 йилда яратилган. Асарда портрет ҳамда натюрморт жанрлари уйғунлаштирилган. Асар марказида тик ҳолатда қўлида мева кўтарган қиз, мевалардан стол устида эса чойнак ва пиёла тасвирланган. Портретда тасвирланувчининг либоси, ўрилган сочлари, бироз қизиллик югурган юзлари чинакам миллий гўзалликни намоён этади. Суратнинг “Уста Жўракул” портрети билан қиёслаш мумкин бўлган томони, рассом ҳар иккала асарида ҳам оловранг қизил, сўзана нақшлари бор фондан фойдаланган. Рассом “Раҳима” портретида сўзана нақшлари, стол устидаги дастурхон, лагандаги шафтоли ва қизнинг либосида тўйинган сариқ рангдан унумли фойдаланади. Бунинг натижасида Раҳиманинг ёшлик ҳислари, рангин туйғулари яхлит композиция ташкил қилган.

Рассом аёллар портретига ўзгача нафис муносабат билдиради. “Мукарам Турғунбоева” (1951), “Тамара хонум” (1972), “Майя Плисецкая” (1977) “Қизлархон Дўстмуҳаммедова” (1991) портретларида рассом раққосаларни

иждо онларида, нафосатли шакл ва рангларда ифода этади. “Гулчехра Нарзуллаева” (1971), “Зулфия” (1965) каби шоиралар портретида маҳзунлик, ўйчанлик устунлик қилади. Ранглар танлашда ҳам рассом иждоқкорлар шахси, табиатидан келиб чиққан.

Чингиз Аҳмаров тарихий портрет жанрида ҳам самарали иждо қилган. “Алишер Навоий”, “Улуғбек”, “Нодира”, “Инб Сино” (1980), “Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий” (1982) асарлари шулар жумласидандир. Рассом шарқнинг оташқалб шоираси Нодирабегим образи устида ҳам узоқ вақт (1970–1976 йй.) изланиш олиб борган ва унинг турли кўринишларини яратган.

Кейинчалик Чингиз Аҳмаров Нодирабегим образини тўлақонли акс эттирган. Рассом 100х100 ҳажмдаги портретни ишлов берилган чипта мато устига темпер а бўёқлари билан 1976 йили ишлаган. Асар юлдузли майолика ва абар ёзувли девор фонида ишланган. Нодирабегимнинг бу образида миллий либосда, фақат фарғона водийсига хос бўлган бекас амп чопонда кўрамиз. Асардаги тўқ сафсарранг тасвирланувчи либоси ва деворий фонни уйғунлаштириб юборади, натижада шоира қисматидаги қайғу, туман мисоли картинадан сизиб чиқаётагдек туюлади. Кўллари ни ифодавий бирлаштириб, ўй сураётган шоира бошини бироз орқага ташлаганча шивирлаётг андек кўринади.

“Зулфия” портрети тасвирий санъат устаси Чингиз Аҳмаров иждоқнинг гуллаган пайти – 1965 йилда яратилди, лекин таъкидлаш жоизки, унинг бутун ҳаёти давомида иждоқда тушкунлик даври бўлган эмас. “Зулфия” портретидаги образ мустақил нуктаи назарга эга бўлган, иқтидорли ва мағрур ўзбек аёли образи рамзи бўлиб қолди. Яхши тасвирланган қора кўзларининг бироз маҳдуд қарашлари, қомати ва кўллар ҳаракатларининг барчаси унинг эрксеварлиги, бутунлиги ва мағрур характеридан дарак беради. Рассом ўз даврининг кўплаб машҳур одамлари билан дўст бўлган эди. Зулфия унинг энг яхши дўстларидан бири бўлган. Портретда бори-йўғи уч-тўрт ранг ишлатилган. Шоиранинг қомати ёрқин фонда яхши кўринади. Рангларнинг ўта соддалигига қарамай, эҳтимол айнан шу туфайлидир портретга томошабин қаердан назар солмасин, у ҳар қандай жойдан маҳобатли ва гўзал кўринади.

Рассом 1970–1980 йилларда графикада бир иқтидорининг янги қирраларини синаб кўрди ва бир қанча портретлар яратди: “Ёш ўзбек”, “Гулино р”, “Абдулла Ориф” каби.

Хулоса қилиб айтганда, Чингиз Аҳмаров иждо галереясида портретларни иккига ажратиб ўрганиш мумкин, булар релистик (“Стахановчи Ёкубова” (1949), “Аълочи ўкувчи” Р.Гуфранова (1950), “Аълочи Зотова” (1951), машҳур раққоса “М.Турғунбоева” (1951)) ва тарихий (“Ёш Навоий”, “Бехзод” (1992), “Улуғбек”, “Нодира” (1976)) образларидир. Ҳар иккисида ҳам рассом ўзигагина хос бўлган тасвир лисони орқали чинакам асарларни яратди. Гарчи ХХІ асрга қадар буюк мусаввирнинг умри етмаган бўлса-да, унинг иждоқий тамойиллари ҳозирга қадар миллий рангтасвирга йўналиш бериб турмоқда.

Ҳар қалбнинг ўз мантиғи бор



Байрам АЛИ

Агар мен “дарвоза” десам ёғоч ёки темирдан ясаладиган, ҳаммамиз ҳовли-ю ишхонамизга кириш ва чиқишда фойдаланадиган мослама кўз олдингизга келади. Лекин “Қалбим дарвозаси” десам-чи? Ёки бўлмаса “жаннат” ё “дўзах” дарвозаси десам, тасаввурингизда яна нималар жонланиши мумкин?.. Мана шу – сўзнинг қудрати! Унинг сеҳри, жозибаси! Сўз санъаткорлари эса ушбу сеҳр ёрдамида руҳингизга дам урадиган, ҳисларингиз, туйғуларингиз билан ўйнашиб сизни чексиз тахайюл оламига етаклаб кетадиган сеҳргарлардир. Жаҳон адабиётининг улуғ намояндаси Фёдор Достоевский бир вақтлар “Оқибат, инсонни покласа – изтироб поклайди, қутқарса – ҳаёл қутқаради” дея лутф қилганида ҳам, эҳтимол шуни назарда тутган. Аммо нима учундир бугун бадиий асарга баҳо беришда сўз унутилди. Ижодкорнинг асосий қуроли ҳисобланмиш сўзга бўлган талабчанлик, эътибор охиргидан охиргироқ ўринларга тушиб қолди. У ёки бу даражада маъно бера оладиган, лекин жумла қурилиши ижтимоий тармоқ фойдаланувчиларининг ёзишмасига ўхшаб кетадиган асарлар ҳам китобхон ва адабиётшунослар томонидан илиқ-илиқ кутиб олина бошланди. Менинг назаримда бу ерда нимадир нотўғри, нимадир ўрнида эмасдай. Ижодкорга аввало сўзни санъаткорона қўллаш талабини қўйишимиз керак, мазкур талабни уддаласа, кейин бўлак каромат кутса бўлади. Лукмон Бўрихон, мана шундай, сўзга маъсулияти, ундан моҳирона фойдалана билиш истеъдоди билан бошқалардан ажралиб турадиган кам сонли ёзарманлардан бири. Бугун унинг “Қуёш ҳали ботмаган” асарини ўқиб тугатар эканман, гўёки сўзга кўчган сибизга оҳангини туйгандай, шу куй, шу мусиқа мавжларига маст бўлиб болалик, ўсмирлик оламларини сайр этгандай, бу оламда ўзимни гоҳ армоннинг ўткир тиглари, гоҳ ўкинчнинг шафқатсиз селлари, гоҳ шодлиқнинг хузурбахш нурлари остида қолгандай ҳис этдим... Асар албатта, фақат оҳанг ва ифода услуби жиҳатидангина эътироф этгулик эмас. Унинг ғояси,

Байрам АЛИ – 1991 йилда тугилган. Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат тил ва адабиёт университети талабаси. “Болангман, дунё”, “Куз ёмғирлари” каби насрий китоблари чоп этилган.

воқе тарзида ҳам ажиб бир оригиналлик силқиб турар эди-ки, рости бу оригиналлик бахшилар тилидан дoston тинглаб улғайган, шу термаларда тасвирланадиган дилбарнинг ўз ошиқларига “Тўқсон алпни кураш тушиб енгганга, минг қадамдан танга пулни урганга, оти учқур човоғонга тегаман!” дея қўйган шартини миллий колорет ҳисоблайдиган мендайин дашт фарзандини анчайин гангитиб, ўйлантириб қўйди...

Иккинчи саҳифага қадар чўзилган кириш сўзимизга шу ерда интиҳо ясасам-да, энди асарнинг оригиналлиги нимада, ўқувчига уни яхшироқ тушунишда “очқич” вазифасини бажарадиган муаллифнинг иму ишоралари нималардан иборат, шуларга тўхталсам.

Асар тахминан қуйидаги жумлалар билан бошланади: “Минг тўққиз юз саксон иккинчи йилнинг баҳорида, эрта-индин жаҳон уруши бошланар эмиш, деган миш-мишлар ҳўб авж олган кунларнинг бирида уста Абилнинг уйида қорамағиз, тўзгин сочлари жингалак, қошлари қийғоч, киприклари узун-узун, кўзлари маъюс, етти-саккиз яшар қизалоқ пайдо бўлди...” Шу ерда ўринли бир савол туғилади: бу қадар ваҳимага не ҳожат? Жаҳон уруши қаёқда-ю, аллақайси чўлнинг чет бир посёлкасида жимитдай қизалоқнинг пайдо бўлиши қаёқда?.. Абсурд туйилган мана шу жумбоқ айни пайтда қизиқишингизни оширади, аммо ушбу мақоламдан фарқли ўлароқ ҳеч қандай кириш сўз, баёнларсиз дабдурустдан бошланиб кетган воқеаларнинг қуюқ оқими сизни жавоб ўрнига савол ва яна саволлар билан сийлашга тушади. Сўзларга кўчган мусаввирана тасвир ва қўшиққа хос оҳанг уйғунлигида остонадан ичкарилаганингиз сари тушунасиз – кейинчалик бўй етган ўша қорамағиз, жингил сочли қиз асарнинг асосий қаҳрамонларидан бири – Танзила. Мана сизга яна бир жумбоқ! “Танзиланинг миллати нима экан? – деган савол берасиз ўз-ўзингизга, – Ватани қаер, ота-онаси ким? Нега исми Шарофат бўлган ўзбек қизи ёки Сита бўлган ҳинд қизи эмас, айнан Танзила?.. Нима учун у муаллиф томонидан бунчалар номаълумлик пардаларига “ўраб” қўйилган?” Сизни билмадим, лекин менга ёзувчи шу ерда ҳам муҳим бир нарсани тушунтирмоқчи бўлганга ўхшаб туйилади. Ахир айтинг, қайси умуминсоний фазилат миллат танлабди? Эзгуликнинг миллати борми? Номуснинг, орнинг, ишончнинг Ватани қаер? Ва... ва муҳаббатнингчи, муҳаббатнинг?! Биз мана шундай парадоксал ҳаёллар, ҳулосалар билан бир зум чалғиганимизда муаллиф асар бошидаёқ “шипшитиб” қўйган – жаҳон урушидан сира кам бўлмаган уруш ҳам бошланиб улгуради. Қарама-қаршиликларга тўла бўлган бу уруш фақат ер устида, қандайдир давлатлар ўртасида эмас, уч инсоннинг қалби, онг ва шуурида кечади. Бунда ўт очар қуроллар эмас, инсоннинг кўнгил кечинмалари, туйғу ва ҳиссиётлари бири-бирига қарши оёққа туради. Қаҳрамонлар сизни гоҳида йиғлатади, гоҳида қулдиради, ҳаёлларингизни гоҳо ўзлари билан умидсизликнинг поёнсиз чўлларига етаклаб кетса, гоҳида бир илинж, умид ахтариб пахта пайкалларига, қуюқ дарахтзорларга бошлаб киради. Шунда асардаги қаҳрамонлардан бири Абсал полвоннинг сибизга нолалари ҳамроҳингизга айланади. Мана у сибизгани қандай чалган эди: “Сибизганинг авжли-мавжли оху фиғони еру

кўкни тутди. Хаёллару туйғуларни ортидан мастона эргаштириб, бир нажот, бир таскин, бир паноҳ излаб гирёна чарх урар, гўё излаганини тополмай, сахро саробларига қоришиб, сарғайган дала-даштни баттар сарғайтириб, олис уфқларга сингиб кетар эди. Узоқ-яқиндаги экин пайкаллари сувсираб эмас, сибизга бўғзидан отилаётган бўзлов, дарду ҳасрат ҳовуридан қоп-қорайиб кетгандай, кунботардаги тап-тақир қир-тепаликлар бағридан кўтарилган куюн сибизганинг аччиқ-аччиқ нолаларидан масту мустағрик бўлиб, жазава билан кўкка ўрлаб бораётгандай туюларди...”

Қиссада сизни ўтдан олиб сувга солгувчи бундай драматик саҳналар, кутилмаган воқеалар талайгина. “Биз ҳали Абсал полвонни танимас эдик” ибораси эса шу воқеалар тўзонида айланиб қаршингиздан чиқаверади. Ибора ҳар гал қайтарилганида эса сиз гўёки бир поғона юқорилагандай Абсал полвонга яқинлашиб борасиз. Бироқ, ҳали унга етгунча асарнинг икки қаҳрамони – Норсоат билан Даврон каби йўлда қанча тиканларни, зовадирларни босиб ўтишингиз керак. Ниҳоят яқинлашганингизда тушунасизки, Абсал полвон – номи афсоналарга бурканган енгилмас баҳодир сиз олисдан кўрганингиз каби бадқовок, шон-шавкат тилаган кимса эмас, ўз кўнглининг, сибизганинг қули экан. Эҳтимол, унинг асл полвонлиги ҳам кураш тушиб кураги ерга тегмаганида эмас, балки мана шу қуллиги, англамларида...

“Полвон одам уч нарсага ҳоким, уч нарсага қул бўлиши керак”, дея шогирдларига сабоқ беради у бир сафар.

– Мен биламан, – унинг гапини бўлади Даврон, – полвон нафсига, шуҳратпарастликка, манманликка ҳоким бўлиши керак... бир китобда ўқиганман.

Абсал полвон унинг сўзини маъқуллаб, қолганини ҳам айтишини сўрайди.

– Полвон уч нарсага қул бўлиши керак, – Даврон давом этади, – ҳақиқатнинг, ор-номуснинг... – Учинчисини топа олмай, тўхтаб қолади.

– Сибизганинг! – деб юборади шу пайт Норсоат беихтиёр. Даврон полвонликка сибизганинг ҳеч бир яқин томонини кўрмай, бу фикрга эътироз билдирганда, Абсал полвон:

– Учинчисини, укалар, ҳали билиб оласизлар. Унинг ўзи ўзини билдириб қўяди. Қўрқманглар, кўп кутиб қолмайсизлар. Ўша нарса ҳаёт йўлларингизда илҳақ-интизор. Эрта бир кун насиб этса, унга дуч бўласизлар. У сизларни қулдиради, куйдиради, у сизларни бор қилади, йўқ қилади. Ана шунда жуда-жуда сибизга чалгиларинг кеп қолади. Боя Норсоат тўғри топди десак ҳам бўлаверади. Полвон қули бўлиши керак учинчи нарса, бу сибизга! Келинглар, ҳозирча уни шундай деб атаб турайлик. Ҳаётда ўзига йўлиққанларингизда, нима деб ном қўйсаларинг қўяверасизлар, – дейди ва ўз хаёлларига ғарк бўлиб, сибизғасини қўлига олади...”

Рухоний олами сўфийларга эш бўлган Абсал полвоннинг кечмиши билан ўқувчилар мана шундай таништирилади. Бу ёғи энди чексизлик – у нега хилватни, дарвишликни танлади, нима учун ҳар гал не бир азиз нар-

сани тутгандай ҳовучларига оладиган сибизғасини ўз ёнидан ташламайди, истаганча тасаввурингизга эрк бераверинг...

Ниҳоят бир ой шогирдлик машғулотидан кейин Норсоат ва Даврон Абсал полвон билан хайрлашиб, қишлоғига қайтишади. Бу пайтда Танзиланинг бўйига бўй, чиройига чирой қўшилган, қисса қаҳрамони бўлган икки дўст ҳам ишқ-муҳаббат ҳақида хаёл сурадиган ёшга йитиб қолишган эди... Орада ёзги таътил бошланади-ю, Танзила тоққа гиёҳ теришга, Даврон отаси билан хориж мамлакатларидан бирига дам олишга, Норсоат эса тирикчилик учун чўлда истиқомат қилувчи поччасиникига тарқалиб кетади. Шу зайл Норсоат рухий эврилишлар гирдобига тушиб қолади. Дардини айтиб енгил тортай деса дўсти Даврон узоқда... Шунда... Шунда у тўсатдан сибизға чалгиси келаётганини англайди. Худди Абсал полвон айтгани, йўқ-йўқ, бамисоли илоҳий башорат қилгани каби куйиниб-ўртаниб сибизға чалгиси келаверади...

Энди Норсоат билан Даврон ҳам дўст, ҳам бир-бирига рақибларга айланишган эди. Аммо мантиқан фикр юритилса Норсоатни Даврон билан қиёслаб бўладими? Даврон деганлари кимсан раиснинг ўғли, доврўғи таралган полвон, боз устига, бутун қишлоқ қизларининг кўнглига ўт ёққан олифта, келишган йигит. Норсоат-чи? У етим шўрликнинг суянадиган кими, нимаси бор? Ширин хаёллари, сибизғасидан бўлак...

Энг қизиғи, Танзила кураш тушиб енган Давронни эмас, мағлуб бўлган Норсоатни танлайди. Ахир қалбнинг ақлдан ташқари жамият қонун-қоидаларини рад этадиган ўз мантиғи, ҳақиқатлари бор. Ҳолбуки, муаллиф айтмоқчи бўлган асосий гаплардан бири ҳам, эҳтимол, шу...

Шундай қилиб, қисса полвонлик шуҳрати мамлакат сарҳадларидан ошиб ўтган Давроннинг жавобсиз муҳаббати – мангу мағлубияти билан якун топади. Бирок, бу мағлубият у учун фойдадан холи эмас эди. Буни эса ўқувчи фақат асарни мутолаа қилганида тушуниши мумкин.

Асар ғоя жиҳатидан сўфийлик анъаналари ҳамда жаҳон адабиётидаги “Педро Парамо” ва “Алкимёгар” сингари машҳур асарларга яқин. Мен уни барча ўзбек китобхонларига тавсия қилган бўлардим.



Муҳаммад
АЛИ

Мангу қуёш*

Роман



Кундошлар

Шарқ давлатларида қатъий амал қилинадиган ёзилмаган қонунлар бор. Шулардан бири, икки ҳукмдор ўзаро саваш курса, мағлуб подшонинг ҳарамидан тортиб то давлати чегарасидаги энг охириги дарахтгача – барчаси ғолиб подшонинг ихтиёрига ўтади, тасарруфига киради, юрт унинг мулкига айланади. Ҳарамни эгаллаш – музаффариятнинг юксак чўққиси ҳисобланади. Аввало, подшо душман ҳукмдор ҳарамни маликаларидан, унинг қизларидан ўзига хуш келганини танлаб олади ёки машҳур саркардаларига сийлов тариқасида инъом этади... Бунга ҳеч ким таажжубга тушмайди. “Душманнинг отини миниб, хотинини ўпмоқдан ортиқ лаззат йўқ!” деган сўзни Чингизхон жаҳонгирга йўядилар.

Темурийзода Султон Ҳусайн Мирзо Баҳодирхон ҳам бундан мустасно эмасди.

Хуросон ҳукмдори Султон Абусаид Мирзо Ироқдаги жангларда қазо қиличига учрагач, Султон Ҳусайн Мирзо жуда кўп воқеалар, бесаранжомликларни бошдан кечириб, ниҳоят Ҳиротни эгаллашга эришди, Темурийлар тахтига минди. Ва... зарур ишлар қаторида даставвал ҳарамни назардан ўтказди.

Ҳарамда ақлни ўғирлайдиган хурилиқо маликалар, канизаклар, кичик-кирим чўри, ғунчачилар кўп эди. Султон Ҳусайн Мирзо барчасини бепарво кузатарди. Бирдан жангларда кўрқув нима билмаган султоннинг ботир юраги қалкиб кетди! Балки кинидан чиқай дедими... Одамизод ҳам шунчалар кўрк-чиройга эга бўлар эканми? Ҳайҳот!.. У ким ўзи?..

Рўпарасида ўн саккиз-ўн тўққиз ёшлардаги бир тамтам сулув жонон беозоргина ерга қараб турарди. У ғолиб подшога тузукрок кўринишга уринмасди ҳам, чунки бу вазифани унинг гўзал ва нозик қадди-қомати сўзсиз адо этиб турарди. Даставвал Султон Ҳусайн Мирзога у яхши безатилган кўғирчоқ мисол туюлди. Йўқ, худди қоғозга ўралган қанддек ораста, беку-

* Давоми. Бошланиши аввалги сонда.

сур, бағоят келишган соҳибжамол, бир қошиқ сув билан ютиб юборгудай малакмисан малак! Тўйларда танноз, оқ бўйинли ғоз...

Бу ўн саккиз ёшли Ҳадича бегим эди.

Бўйи ҳам баланд ёки паст эмас, рисоладагидек, чеҳраси тип-тиник... Ой унинг сирдош дугонажони шекилли, уни ёнига чорлаб нурлари билан ювинтириб қўйгандай... “Ойдеккина” ибораси шундан кейин туғилганми... Сув ичса томоғидан кўринади. Нозик адо, сарвқад, чиройли, гўзал, хусноро, маҳлиқо, париваш, моҳпора, малоҳатли, сеҳрли, гулрухсор, зебо, гулчеҳра, ойжамол, парипайкар, гулчечак, оппоқ томоқ, гулбадан, сулув...

Бу сифатлар Султон Ҳусайн Мирзо кўнглида ўз-ўзидан пайдо бўлди. Уларнинг қайси бири маликага нисбатан қўлланса ҳам, барибир кам... кўнгил тўлмай қолаверади. Кўғирчоқдай Ҳадича бегим барча мактовлар, таърифлар, сифатлардан баландда турарди.

Шоирона қалб соҳиби, эҳтирос куйчиси, гўзаллик шайдоси ва фидоийиси ўттиз бир ёшли Султон Ҳусайн Мирзо, табиий, кўрди-ю ақлидан айрилди. Ҳадича бегим деса қони гупириб қайнаганини сезарди. У умрида кидириб юрганини топгандай алпозга тушди, ўзига нисбатан меҳр ҳиссини уйғотишни биладиган, ўзини ҳеч кими йўқ ночор заифа қилиб кўрсатиш ҳавосини олган, раҳм-шафқатга зор, бечорагина Ҳадича бегимни билмаган ҳолда севди-қолди! Қилиғи билан суйдиришга моҳир Ҳадича бегим султоннинг мард ва дўлвор, содда ва танти қалбини ғорат этди-қўйди!

Эс-хаёлини ўғирлатган Султон Ҳусайн Мирзо буткул оромидан айрилди, парирўй жамолининг жинниси, камолининг девонаси, Ҳадича бегимни тезроқ саройга келтириш ташвишини чека бошлади. Кечалари неча бор тушига кириб чиқди, малика тушида ҳам унга қарамай куйдирди, уйқусиз тунлар эса атайлаб “ўтайми-ўтмайми” дегандай имилларди...

Султон Ҳусайн Мирзо Абусаид Мирзо вафотидан сўнг аёлнинг шаръий иддаси тугашини тоқатлари тоқ кутар, Ҳадича бегим ҳам султоннинг унга бефарқ эмаслигини сезар, саодатли онларга қачон етаркинман, деб бе-сабрликдан тунлари бутун дардини, кўзёшини ёстикқа тўкиб соларди...

Ниҳоят, Султон Ҳусайн Мирзо билан Ҳадича бегим тўйлари бўлиб ўтди, Султон Ҳусайн Мирзо аёл зоти бир мўъжиза, аммо ўзини ким эканини яхши англамаган мўъжиза экан, тегсанг ўт чакнайду, куйдириб ёндирадур! Дунё, яшаш фароғат, роҳатдан иборатлигини билмай юрган эканмен, дерди ўзига ўзи.

Ҳадича бегим султоннинг чунон эс-хушини олиб қўйган эса ҳам, ҳали Хуросон маликаси, замон Билқиси, даврон Зубайдаси сингари олий мартабаларга эришишига анча бор эди.

Аслида Ҳадича бегим, ёш, ороланишни ҳар нарсадан ортик кўрадиган, кибр-ҳавога берилган, енгил табиат димоғдор аёл бўлиб, макр-ҳийлага мойиллигини яшириш қўлидан келмас, ўзини бағоят оқила тутишга тиришарди. У тездаёқ саройда эзмачурук ва беақл, деган ном чиқаришга улгурди ҳам.

Султон Ҳусайн Мирзо ҳаммасидан хабардор, аммо азбаройи қаттиқ кўнгил қўйганидан ўзини ҳеч нарсани билмаганга оларди. Зеро, ошиқнинг

кўзи кўр, у маъшуқасининг камчиликларини кўрмайди, ҳатто камчиликлар унга фазилат бўлиб товланади! Малика фавқуллода жозибали ҳусн-латофати, ноз-истигноси, жоду-карашмаси, маккорона илтифотлари билан подшони тобора ўзига ром қилиб борарди. Унинг устига, султонга биринкетин суҳсурдай икки ўғил ҳадя этди – Шоҳ Ғариб Мирзо ва Музаффар Ҳусайн Мирзоларни туғиб берди! Мана энди, фарзандларни уйлаймиз, деб туришибди...

Энг катта набираси Мўмин Мирзо ҳам кўзларни қувонтириб ўн ёшга кирди. Ҳолбуки, худди кеча эди, чамаси, гижинглаган тойни етаклаб узок демай бешик тўйига Астрободга бориб келгани!

Ҳадича бегим, (кўтаришини билиб!) бутун тантиқликларини подшога қиларди. Айниқса, гапини ўтказиш учун ёш қизлардай подшо бўйнига осилиб, ноз-карашмасини оширишлари, эркалик қилишлари Ҳокони мансурга ҳам жуда хуш ёқарди.

Бир куни, ўн йиллар аввал, қирмизи ҳарир кўйлакка чулганган Ҳадича бегим чамандай хобхонада подшони одатий илтифот кўрсатмай, маъюс, ковоғини солганча кутиб олди. Султон Ҳусайн Мирзо дарҳол буни сезди:

– Нима бўлди, жоним маликам?..

– Худди билмагондек сўрайдурлар... Ҳаммасини билиб кўриб турибдилар-ку! – юпқа лабларини бурди маликам...

– Билмаймен-да. Ўзлари айтсунлар, асалим!

– Қачонгача... – йиғламсиради Ҳадича бегим. – Мени, ойим, дейсиз, мақтайсиз-ку... Қачонгача тупроққа тенг бўламен? Ҳамма билан бир мақомда юрамен? Мени оёқларининг учида кўрсатадурлар. Саройда обрўйим йўқ. Анови ёввойи Бека Султонбегимдан бўлса кўрқамен... Бошқа маликалар ҳам ҳурмат қилишмайдур. Мени кўришганда ўринларидан ҳам туришмайдур. Мен билан ўн биринчи хотинингиз Зубайда бегим орасида қандай фарқ бор?.. Ҳеч қандай фарқ йўқ! Фақат у мендан ўн беш ёш кичик, холос, фарқ шу... Қучоғимга кирғонингизда: “Асалим!.. Роҳатим!.. Жонимнинг жони!.. Маҳди улём эрурсиз!” дейдилару, аммо амалда ҳеч вако йўқ.

Султон Ҳусайн Мирзо кулиб юборди. Маликани бағрига тортиб, тўлқин урган сочларини силаркан:

– Ў... сен, жиннигинам-е!.. Гап бу ёқда дегин!..

Подшо дарҳол уч бор қарсак урди.

Мулозим кирди.

– Дарҳол барча маликалар, ҳарам аҳли, сарой аъёнлари, мулозимлар саройга чорлансун!

– Бош устига!

– Султон Ҳусайн Мирзо Абулғози Баҳодирхон сўзимиз! – вазмин деди Султон Ҳусайн Мирзо ҳамма йиғилгандан сўнг. – Барча қулоғига қуйиб олсун: бугундан бошлаб Ҳадича бегим, Ҳадича Хотун, Ҳадичаи Кубаро дегулик, бизнинг суюкли ва ардоқли маликаemizга, “Маҳди улём” унвони берилсун! Саройда маҳди улём, деб аталсун! Ҳамма ул зот олдида ўрнидан туриб салом берсин, иззат-икромини ўрнига қўйсун!

Ҳар ёқдан “Маҳди улё!” “Маҳди улё!” “Муборак бўлсун!” “Қутлуғ бўлсун!” деган овозлар янгради.

Ҳадича бегим дарҳол Ҳокони мансурга эгилиб хипча қадди-қоматини кўз-кўз қилиб таъзим бажо келтирди ва тиз чўкиб подшо тўни пешини ўпиб, уч бор кўзларига суртди. Унинг чиройли кўзларида севинч ёшлари жилваланарди.

Ўша-ўша, суюкли малика ҳарамда маҳди улё мақомини эгаллади, бошқача айтганда, салтанатнинг уриб турган юраги бўлган ҳарам жиловы маҳди улё қўлига тушди...

Айни пайтда саройда Ҳадича бегимнинг Бека Султонбегимдан юқори кўйилиши Бадиуззамон Мирзога ёқмади, ота-бола ўртасида келишмовчиликларга сабаб бўлди.

Султон Ҳусайн Мирзо чошгоҳ палласи Жаҳоноро боғида тахтда ўтирар экан, атрофга қаради. Табиатга куз кириб келарди. Куз шамоли япроқларни бирданига тўкмайди, тўкишдан аввал уларнинг рангини сарғайтиради. Бу доим шоҳ шоир юрагини симиллатадур...

Мамлакатда нотинчлик, ўғиллар ўртасида иноқлик йўқлиги, ўзаро ўпка-гиналар, топширилган юртни бошқара билмаслик, укувсизлик оқибатида ўзбошимчалик алангасида куйганлар, ёмонлар йўлини тутиб бемақсадлик водийсида сарсон-саргардон бўлганлар, фитналар селини ёғдирганларга қўшилиб қолганлар касофати уни безовта қиладур... Барчасини унутмоқ, унутмоқ керак! Унутиш – бахт. Ўша бахт май тўла косанинг тубида ётадур...

Султон Ҳусайн Мирзо ҳали охирига етмаган “Рисола” асарини бир-бир кўздан кечири бошлади, айрим жойларга таҳрирлар киритиши лозим экан. Кеча қоғозга тушган саҳифалар беш бет бўлибди. Эртага пешин намозидан кейин Абулқосим Бобур подшоҳ курдирган шинам ва сўлим Тарабхонада Навоий билан учрашишлари керак. Муштоқона дилкаш гурунг бора-бора икки дўст, икки шоир ўртасида фақат шеър эмас, ҳаёт, умр, дунё ҳасратига айланиб кетади! Ўшанда “Рисола”га кирадиган янги саҳифаларни Султонли Машҳадийга топширади.

Шу пайт Султон Ҳусайн Мирзонинг хаёллари бўлинди. Ичкихонадан аллақандай хотинларнинг овозлари аралаш ғалоғовур эшитилди. Султон Ҳусайн Мирзо таажжубга тушди. Ким у подшо саройида тап тортмай бақириб-чақириб жанжал қиляётган?

Подшо уч бор қарсақ урди. Аммо эшикоға ўрнига маҳди улё Ҳадича бегим ва малика Бека Султонбегимлар тортқилашиб, юлишиб кириб келишди. Давлатбахт, Сумансо, Гулрух деган канизаклар Ҳадича бегим атрофида, учта канизак Бека Султонбегим ёнида парвона эдилар. Уларнинг ортидан ҳарам оғаси ҳай-ҳайлаб келарди.

—...Ёлғон гапирма, деяпман сенга, бетамиз, бети йўқ!! Султоним машаққатлар чекиб, азоблар тортиб, мустарликда саҳрома-саҳро юрғонларида, уларнинг ёнларида мен эдим, кимсан – санжарийлар маликаси! Корларига мен ярадим, сен ойимча ўшанда қаерда юрувдинг?.. – ўдағайлади Бека Султонбегим, ҳаяжонда кимнинг олдидалигини тамом унутиб.

Маликаларда ҳаё, ибo пардаси хийла кўтарилиб кетганди. Бундай пайтларда улар оғзига нима келса – жўяли сўзми, уятли иборами, ўйлаб ўтирмай гапириб юбoраверишади, тийилиш нималигини билишмайди.

– Мен подшо қизимен, Султон Санжари Мозий авлоди, қулоғингга қуйиб ол! Сен-чи, насаби ҳам йўқ бир мегажинсен! Насаб нималигига ҳатто ақлинг етмайди! Кимлигингни унутма! Султон Абусаид Мирзонинг ғунчачиси эдинг, холос! Мана, ким эдинг! Билдингму?..

– Ҳе, қарғишинг ўзингга урсун, оғзингдан чиқиб ёқангга ёпишсун, қариб қуюлмагон, сатанг! Сенга гап ҳам ҳайф!– Ҳадича бегим узиб-узиб олди. – Топиб олган гапи – насаб, насаб! Оламга маълум қандай подшо қизи эканинг! Тавба! Яна...

Бека Султонбегим гапиртиришга қўймади:

– ...Хиротда подшойим укубатлар тортиб тахтга ўтирғонларида, кейин Ёдгор Мирзо хийла кўргизиб тахтни тортиб олгон тангу тор кунларда султоним ёнларида ўзига қарамай пойи патак бўлган, жон бериб, кўнглини кўтарғон мадакдор мен эдим, сен манжалақи ўшанда қаерда эдинг? Энди сув келтирғон хору кўза синдирғон азиз, бўлдимми? Мени талоқ қўйдирғон ҳам сен, бахтсиз қилғон ҳам, азайимхонларга бориб “иссиқ-совуқ” билан султонимни мендан совутғон ҳам, хонавайрон этғон ҳам сен! Сен!! Ҳамма ёқни фитна-фасодга тўлдирдинг, булғадинг! Сенинг туҳматларинг чиройли юзимга сепкиллар солди, ойимтилла! Билдингму?.. Аслида айб ўзимда, лапашанг анқовмен, маҳди улё вақтимда биринчи кунингданок думингни тугдириб юборишим лозим эдику-я! Энди аттанг дейман, фойдаси йўқ... Сенинг бунчалар Худонинг бир балоси эканинг тушимга қрибдимми?.. Мен-ку мен, энди ўғлимни ҳам тинчитмайсан? Бадиуззамон Мирзо ўғлимнинг ҳеч кети ер искамади, ҳали у ёқдан қувасен, ҳали бу ёқдан? Нега кун бермайсен, балoга йўлиққур? Ҳа, барини Худога солдим, Худога! Ўзи жазонгни берсун! Сенга ҳам Худонинг жазоси бордир?..

Бека Султонбегимнинг ловуллаб ёниб кетишига бир баҳя қолгандай эди.

– Яна айтамен... – тушунтиришга уринди маҳди улё. – Бадиуззамон Мирзо, билсанг, менга ўз ўғлимдек, Музаффар Ҳусайн Мирзони қандай кўрсам шундай кўрамен. Унинг ҳам бошини айлантирғон, адаштириб йўлдан урғон, отасига қарши гиж-гижлағон ҳам сенинг ўзинг эмасму? Хотин ҳам шунақа бўлар эканми, қўполлигини!.. Насихат қилмайсенму, эси паст? Ота билан ўғилни бир-бирига қарши гиж-гижлаш гуноҳу куфрлигини тушунмайсенму? Ахир Бадиуззамон Мирзо жуда кўп марта отасига қилич яланғочлаб чиқди-ку! Ундан кейин, сенда ор борми ўзи? Қорангни кўрмай, йўқол бу ерлардан!!

– Менмас, керак бўлса, сен йўқол, ҳа! Тўхтаб тур ҳали... Қилғиликни қилиб қўйиб, энди ўзи оппоғойим сифат бир четга чиқиб турибди ойимпошша! Ҳе, ёмон байталга ўхшамай ўл! – оғриниб деди Бека Султонбегим. Шу лаҳзанинг ўзида Ҳадича бегимнинг: “Ким байтал?.. Ўзинг ёмон байталсен! Қирчанғи бия!..” деган сўзлари эшитилди.

Султон Ҳусайн Мирзо ҳар гал икки кундош жанжалини, беҳаё сўзларини эшитганда жуда хижолатга тушади, лекин уларни тинчитишга қурби етмай қолади.

Бека Султонбегим унинг гапларини эшитмагандай эътиборсиз қолдириб, давом этди:

– Подшойим, биргина илтимосим бор. Суюкли набирангиз Мўмин Мирзони Хуросон салтанатининг валиаҳди деб эълон қилишингизни сўраймен. У тўнғич набирангиз, подшойим!

– Ундан оғиз очма-а-а! Оғиз оча кўрма-а-а!.. – бақирди Ҳадича бегим жон ҳолатда жазаваси тутиб, бу нарса худди ҳозир юз бераётгандай. – Валиаҳд тайинлаш Сенга тушиб қолғони йўқ!! Йў-ў-ўқ!! Сен... Сен... Сен...

Охири сўз топа олмай ҳориб толган, жони ҳалқумига тикилган Ҳадича бегим: “Ўғлинг набиранг билан кўшмозор бўл!!” деганча дод солиб йиғлаб юборди, йиғи орасида шундай саннаб қўярди:

– Қачонгача хор қиладур мени, бу уятси-и-из!.. Ўлиб бўлдим-ку!.. Э, Худо, раҳминг кел-су-у-ун!..

Маҳди улё ерларга бошини уриб ҳўнг-ҳўнг йиғлар экан, шундай саннарди.

Аввалига гўзал хонимларнинг оғзидан чиққан ёқимсиз, беандиша ва бе-ибо сўзлардан ҳанг-манг, ана тинчиб қолар, мана тинчиб қолар, деб турган, кўнгли ағдарилгудай ҳолга келган Султон Ҳусайн Мирзо ғазабнок дағдаға қилди:

– Бас!! Овозингизни ўчирингиз!!.. Мен умрим бино бўлиб хотинларнинг ишига аралашмагонмен! Аралашмаймен ҳам!.. Ҳарам оғаси! Қачон мен сенга буларни олиб кир, дедим?..

– Бир қошиқ қонимдан кечасиз... подшойим... Қулоқ солишмади... подшойим... подшойим... – ерга қапишганча таъзим этди ҳарам оғаси.

– Барини олиб чиқиб кет!! Кўзимга кўрсатма!!..

– Бош устига, подшойим... бош устига...

Ҳарам оғаси маликаларни олиб чиқиб кетди. Сут қайнагунча фурсат ўтар-ўтмас, ичкихонадаги гангир-гунгурлар ҳам тинди. Бундай ҳолатларни кўп кўрган Султон Ҳусайн Мирзо юраги сиқилганини сизди, ортиқ саройда ўтиргиси келмай қолди. Уч марта қарсак чалди.

Мулозим кирди:

– Ҳиротнинг пири комили шайхулислом Абдуллоҳ Ансорий розияллоху анхунинг табаррук қабрларини зиёрат этмакка Гозургоҳга ташриф буюрғаймен. Аъёнларга айт, шай турсунлар!

Султон Ҳусайн Мирзо Абдуллоҳ Ансорий билан ватандош бўлганидан ифтихор этарди. Аслида шайхулислом бутун ҳиротликлар фаҳрига айланган. Сал кам беш юз йил муқаддам Ҳиротда туғилиб ўсган Абдуллоҳ Ансорий машҳур сўфий ва муҳаддис мақомида оламга танилган. У Нишопур, Тус, Бистом ва Бағдод шаҳарларини зиёрат этган, кўп олимлар давраларида суҳбатларда қатнашган, ўқиган, ўрганган.

Абдуллоҳ Ансорий йигирма етти ёшида Абу Язид Бистомийнинг издоши Абулҳасан ал-Ҳараконий билан танишганидан сўнг унинг дунёкараши ва руҳий оламида кескин ҳаётий ўзгаришлар рўй берди, орзу-ниятлар барқ урди. Фикҳ илмида ва ўзга улумда, хусусан, назар илмида устунлиги барчага аён бўла бошлади. Ҳиротга қайтиб, дини ислом моҳиятини, тасаввуф

аҳамиятини, илму ирфонни кўп шогирдларига, халққа ўргатиш, англатиш ила шуғулланди. Ҳиротликлар у ҳақда ҳар хил ривоятлар айтиб, ҳақиқа дуолар қилиб турардилар.

Шайхулисламнинг издошлари ичида энг машҳури бир пайтлар Ҳиротда ҳам яшаган имом, олим, орифи раббоний, гўзал ҳоллар, кўп эҳсонлар, юксак каромат ва мақомотлар соҳиби Юсуф ал-Ҳамадоний эди, Яссавия ва хожагонлар тариқатининг руҳий илдизлари ул зот таълимотига бориб уланарди. Султон Ҳусайн Мирзо Абдуллоҳ Ансорийнинг “Табақоти машойихи сўфия”, “Илоҳийнома” рисоаларини жуда синчиклаб мутолаа қилганди, сўфийга эътиқоди баланд эди.

Шу сабабдан тез-тез Гозургоҳга бориб, бу қадамжони зиёрат этиб туриш одат тусига кирганди. Подшо шоир сийрати дарвиштабиат эканидан дарвишлар ва узлатга чекинган кишилар суҳбатини ёқтирар, ваъз йиғинларида қатнашар, машойихлар, ширин сўзли воизлар ҳурматини жойига қўярди. Шоирлик ҳам асли узлатнинг бир хили, инъикоси.

Ҳокони мансур йироқдан Ансориянинг шарқ томонида тепароқда бир неча йил аввал Навоий бунёд этдирган гумбази баланд хонақоҳнинг гавжумлигини кўриб ичида қувонди.

Бу ердан туриб жануб ёқда ястаниб ётган Ҳиротга назар ташлаш ҳам бағоят мароқли. Ярқ этиб кўз олдингизда етти тоқили масжиди жоме миноралари қад ростлайди. Ундан нари шаҳар дарвозалари ва Мусалло, Гавҳаршод бегим мақбараси, чапда карвонсарой, куниқишга қараб кетган Катта Маймана йўли...

Бугун Гозургоҳда салтанатнинг казо-казолари жамулжам йиғилишган. Махдуми Нуран Абдурахмон Жомий, муқарраби ҳазрати султон, Низомиддин Мир Алишер, шахзода Музаффар Мирзо, вазири аъзам Низомулмулк, муҳрдор Шайхим Сухайлий, Қозикалон, Парвоначи, Саъдваққос, Жаҳонгир барлос ва бошқа салтанат ақобирлари савлат тўкиб юришар, Абдуллоҳ Ансорий ҳақида гаплашишар ёки ўзларини гаплашишаётгандай сипо тутишарди. Чап тарафда Саййид Ҳасан Ардашер, Паҳлавон Муҳаммад, Бехзод, Хондамир, Бадахший, Хожа Дехдор, Амир Бобоали, Султонали Машҳадий, Шайх Баҳлуллар кўзга ташланади.

Навоий Астрободдан қайтгач, гоҳ Сарахсда, гоҳ Сеистон тарафларда катта-кичик мавзеларда қўним топиб-топмай ҳокимлик қилиб юрган Бадиуззамон Мирзони Астрободга ҳоким рутбасида юборишга эришди, подшо фармонга муҳр босди...

Навоийдан сўнг, Ҳокони мансур у мамлакат ҳукуматини қайтадан Амир Мўғулга инъом этганди. Ростини айтиш керак, бу ҳақда подшо Навоийдан кенгаш сўрамади. Шоир Ҳокони мансурнинг муносабатлари ўзгардими, деб ўйлади. Кўнгли хижил тортди... Ҳар қалай, Журжонда тинчлик энгандай эди.

Аммо кўп ўтмай, у ердан ташвишли садолар кела бошлади. Амир Мўғул нафсоний ҳаёллар этагини тутиб, шайтоний васвасаларга эрк бериб, исёну туғён водийсига қадам босаётгани ошкор бўлди... Ишнинг ўриш-арқоғи салтанатга хиёнатга олиб борарди.

Бу хабарни эшитиб, кўнгли олинган Навоий Хоқони мансурсга деди:

– Субҳонолло!.. Султони соҳибқирон жаноби олийлари! Ўзлари ҳамиша Астробод ҳақида гапира ётиб, Астробод эли мушти югурикрок, серхархаша эл, ул ерда ҳокимлик қиладурғон одам фақат саркардалик салоҳиятига эгагина эмас, балки ўткир сиёсатдон, обрў-эътиборли, бағрикенг, узокни кўра оладурғон сиймо, яъни подшонинг яқинларидан бўлмоғи керак, дейдилар... Ҳақ гапдур! Амир Мўғулни қарангиз, унинг босғон қадамлари телбаликдан ўзга эрмас! Худога тик қарайдурғон ножинс у! Насаби улуғлик ва покликда васф этилғон, ҳаж адо этмоқ савобига эришғон, Худо берғон умрнинг саксон тўрт довонини ошиб ўтғон табаррук зот саййид Камолиддинда ажал шаҳидлик шаробини ичирибдур!.. Хизматимда девон бошлиғи, хос девоним мутасаддиси вазифасида иш юритғон Шамсиддин Курдни ҳам қатл этдирибдур... – Навоий чуқур нафас олди. – Астробод ҳокимлигини суюкли ўғлимиз Бадиуззамон Мирзога инъом этмак керак. Шунда юрт тинчийди...

– Амир Мўғулнинг бунчалар куфрони неъмат эканидан таажжубдамен... – деди Хоқони мансур афсусланиб. – Ўзлари кўпдан шу фикрни айтурлар эрди. Бас, вақти келибдур. Астробод ҳукумати жиловини шахзода Бадиуззамон Мирзонинг қудратли қўлига топшурғайбиз!

Қуёш ўз манзилига, яъни асад буржига, шер қулон овидан ўз ўрмонига, шахзода Бадиуззамон Мирзо Журжон тахтгоҳига қайтғони хабари оламни тутди.

– Бағоят инсофли иш этагини тутдук... – деди Навоий. Кўнгли бироз таскин топди...

...Ва издиҳомга назар ташлади. Боқар экан, ичида мамнун ўзига ўзи имон келтирди: “Жамшиди соҳибқирон салтанат тахтини олғон бу фархунда замон ва хўжаста давронда эл вожиб ва қоимдур, Хоқони мансур олам аҳли бошига сояи марҳаматини солди...”

Суҳайл работи

Ҳали Астрободга бормасдан олдин эди, Навоий сажиясида ғаройиб эврилишлар рўй бера бошлади. Асли табиатида жобажо, лекин то хануз ўзини ошкор этмаган қалб хотирасининг туб-тубида жим ётган нозик туйғулар уйғониб кўз очди...

Тирикчиликнинг оғир ташвишлари шоирни гоҳ Машҳадга, гоҳ Ироққа, гоҳ Самарқандга етаклади. Саргардонликлар юз берди. Бу орада отаси Ғиёсиддин Кичкина, онаизори Қутлук бегим – Оллоҳнинг ато қилган умри шундоғ экан – оламдан ўтдилар. Нечундир улар ҳақида сўз кетса, “Қадим, узоқ замонларда яшаганлар”, деган ибора тилига келар, кам эсларди. Тоғалари Кобулий билан Ғарибийлар Султон Абусаид Мирзо замонида тухматга учраб қатл этилдилар. Энди Дарвешали инисидан бошқа ҳеч бир қариндоши ё эгачи-синглиси йўқ... Укаси ҳам юртнинг чекка-чеккаларида ҳокимлик қилиб юради. Ука бўлса ҳам, уни ўз саъжиясига кўра бировдан

ортиқ кўрмайди, кам ҳам кўрмайди, лекин ака-укалардай унча сирлашавермайди ҳам. Хайдар деган жияни эса, қандай жиянлиги ҳам номаълум...

Болалигиданок Алишернинг кўнгли ҳамиша дарвишликка мойил эди. Фаридиддин Атторнинг “Мантиқ ут-тайр” достони мутолаасидан кейин, ҳали бола эканига қарамай ўзича ғурбат ихтиёр этиб, одамлардан четга чиқиб кетишни истаб қолганди. Тақво сажжодаси устида ибодат айлаб, дарвишлар хизматида бўлишга интиларди, шундай паллаларда нечундир дунёга қизиқиши сусайиб бораётгандай туюларди. Аммо буни кимсага билдирмасди.

Унинг фикрича, биров шоҳлик тахтига минса, жаҳон ҳашаматини кўзга илмасун. Фақат зулмни йўқ қилиш (“ситамни дафъ айлаш”), адолат ўрнатиш учунгина мамлакат ва тахтни олишга арзийди. Киши ўзи шоҳ бўлса ҳам, хўйи (феъл-атвори) дарвишларча қолмаги лозим.

У ўз ҳаётини фақр тариқати билан боғлашга ва умрини тоат-ибодат, охират арконларини адо этиш ҳамда ижод билан шуғулланишга бағишламоқчи... Истаги – мансаб ва жоҳ чангалидан қутулиш, фақр либосини эгнига ташлаш. Аммо, бу сўфийлик тариқатига кириш, дегани эмас. Аслида, Одамнинг дунёдаги ўрни қандай, ким ўзи, нима учун дунёга келади... хўп, келишга келибди, нега... кетади?.. Жавобни ҳеч ким билмайди. Азалнинг азалидан, башарият ибтидосидан бошлаб инсонлар ақлини ўғирлаган бу саволлар Навоийни ҳам ўйларга толдиради.

У буюкликнинг олий мартабасидан хоҳиш ва ихтиёр ила юз ўгиришни, таслим ва ризо қадами билан фақрлик йўлига юзланишни истайди...

Шунданми, Навоий аста-аста давлат ишларидан узоқлашди, унда оламга бефарқлик, лоқайдлик, руҳий тушкунлик кайфияти пайдо бўлди, дарвишлик ҳаёти кўзига ўтдай кўрина бошлади. Дунё ишларидан илик тортиб, “тажар-руд кўйи”га, яъни ёлғизлик кўчасига кириб, фақат тоат-ибодатда умр кечиришни истаб қолди, “уқбо гўшаси”, яъни охират, нариги дунё ғамини ейиш ҳаёли уни батамом чирмаб ташлади, мақсад – фано кунжигача чекинмоқ... тағи чекинмоқ... фоний дунёдан чекинмоқ... Худо йўлида риёзат чекмоқ...

Суҳбатлардан бирида ҳазрат Абдурахмон Жомий Навоийга: “Шу замонда топган иқболингнинг роҳати билан мағрурланма, бу иқболнинг орқасида бахтсизлик шаппатисининг захми турибдур...” деганди. Шундан унинг фикрлари чалғиди шекилли. У сипоҳийликдан мутанаффир бўлиб амирликни тарк этди, мулозиматни ўқситди. Буни эшитган Жомий танбеҳ ва насиҳат юзидан сўради:

– Не ҳол юз берди? Не бўлди?

Навоий, нега хизматни тарк этдинг, дея устоздан дашномлар эшитишга тайёр эди. У жавоб қилди:

– Тўғри, Махдум ҳазратлари! Шундоғ бўлди... Одамлар, инсон жинси ила суҳбат куриш ва бирга бўлиш каминага оғирлик қилиб қолмакда, малол келмакда...

Жомий жилмайганча дарҳол савол берди:

– Инсон, одам жинси, деб кимни айта ётирсен?.. Бизга тағи кўргиз! Қаерда эркан ўша инсонлар?..

Навоий лол бўлиб қолди... Махдуми Нуран Навоий тутумидан ранжи-мбдурлар! Бундан қувонган Навоийнинг қарори яна қатъийлашди. Дарҳол жамият пучмоғларидан алоқа ипини узиб, ҳеч кимга билдирмай шаҳарнинг ёнгинасидаги табаррук жой Работи Суҳайлга кўчиб ўтди.

Бу ерда дарвишлар кун кечиришар, ора-орада кашкулини белига ос-ган қаландарлар пайдо бўлишар, мусофирлар бош сукишар, тинч турган хонақоҳ бирпасда гавжум масканга айланарди. Лекин ҳамма ўзи билан ўзи овора, ўзидан ортмасди.

Навоий хаёлида, энди у батамом факру фано йўлига кирди. Олам ғавғоларидан четда, хотиржам яратилажак Хамса дostonлари воқеаларига шўнғиб кетар, хаёлан қаҳрамонлари жаҳонгир Искандар, Баҳрому Шопур, Хисраву Мулкоролар ила қўл ушлашиб боғу тоғлар, мамлакату кишварларни кезиб чиқарди. Ибн Салом ва Навфалларга жўяли кенгашлар берар, инсоф-га чакирарди. Яхши инсонларнинг ҳайратларидан ҳайрати ортар, Фарҳоду Ширин, Лайли ва Мажнунларнинг олийжаноб ишқ-муҳаббатларини васф этишга ошиқарди. Куни кеча бир ғазал битди ва ҳайрон қолди: унда ўз-ўзидан шундай сатрлар қуйилиб келганди!

Қилсангиз тасвир Лайли ҳуснин ул ойдек сизинг,
Лек Мажнунни Навоий бирла монанд айлангиз...

Ҳа, у ишқда ўзини Мажнунга қиёслайди, ундан ҳам ўтади, дилбарим Лайли сифат эди, шунинг учун мажнунвор бўлсам ажаб эрмас, дейди. У дostonда ўзининг оташин муҳаббатини, жувонмарг кетган Бадъеулжамол-нинг аччиқ ширин қиссасини тасвирлайди қўяди!

Навоий бир дақиқа ҳам сулук аҳлининг тариқати дақиқликларидан чет-лашмади. Доим эғнига капанагини ташлаганча Махдуми Нуран, Саййид Ҳасан Ардашер, Паҳлавон Муҳаммад ва ўзга машойих мажлисларига бориб камтарона пойгакда тиз чўкарди. Жомий уни пойгакдан ўз ёнига чақириб оларди. Ул келганлар ҳам дунё ишларидан холисанилло қўл тортган ва тақову тоат гўшасига юзланган покиза зотнинг суҳбатига муштоқ эдилар, унинг ташрифига интизор эканларини яширмасдилар. Барчасининг муддао-си Тангри йўлига кирмак эканидан, маҳкам ҳимматлар этагини тутардилар.

Абдурахмон Жомий, жума кунларидан бирида Навоий ҳақида унинг ўзи олдида суҳбатдошларга мақтангандай мамнун деди:

– Алишер дарвишлар севиклиси, эътиқодчилар ишончи, буюкликнинг олий мартабасидан таслим ва ризо қадами ила факрлик йўлига қадам қўйғон, тавозе фазилатларига қаттиқ берилгон камсуқум зот... Нозик маънолару, латиф хаёлот, тиниқ тафаккур, китоб иборатларини тузиш, илмнинг нозик нуқталарини топиш унинг куллий ишидур... Унинг йўли Ҳақ йўлидур...

Улуғликни тавозедан топган зотлар суҳбатига машғул бўлмоқ буюк са-одат эканини теран англаган Навоий қатъий фикрга келди: “Факру фано йўлига юз бургаймен... Йўқлик, яъни фано, табиатга қўшилиб кетишни ис-таган киши тош устига бош қўйса, унга заррин тахтдан кўра аълороқ тую-лур... Ортга қайтиш йўқ! Тавфик рафиқ бўлсун, омин!..”

Ҳайит кунларининг бирида Навоий Ҳиротнинг машҳур валийларидан ҳазрат Мавлоно Муҳаммад Табодгоний – қуддиса сирруҳу – мулозиматла-

рига эришмак, қутламак, доно ўгитлари-ю дуоларини олмак ва муборак ботини офтобидан таралаётган саодат нурларидан баҳраманд бўлмак умидида шайхнинг хужрасига йўналди... Мавлоно охиратлик савоблари захираси йўлида зуҳд ва тақво этагини маҳкам тутардилар.

Ул зотнинг хилватлари эшигига яқинлашганда мунгли сас эшитилди, аста қулоқ солса, ичкарида ул ғариб ҳой-ҳой йиғламакда эканлар!.. Алишер ташвиш чекди, аммо безовта қилишга журъат этмади, бағоят таъсирланди-ю, кўзларига ёш тўлганча ортига қайтди... У фуқаро аҳли, дарвишлар ва аҳлуллоҳ мулозаматига кўп етди, лекин фано тариқида ул зотдекларни оз учратди...

Навоийни ҳеч ким англай олмайди, бу мушкilot туғдиради, чунки улкан сарҳадсиз тафаккур чаманига эга бу қалбни англаш учун кишига кўп нарса зарур... У бошдан-оёқ Ишққа йўғрилган қалб! Унинг ишққа қандай мубтало бўлганини Султон Ҳусайн Мирзо кўрган, дўстининг ёнида ўзи ҳам қўшилишиб бўзлаган, изтиробларга тушган, ёқа тутиб қолган...

Навоий гоҳ-гоҳда ҳикматга айланиб кетган бир байтни айтиб юарди:

*“Ўз вужудингга тафаккур айлагил,
Ҳар не истарсен, ўзунгдин истагил!”*

– Мазкур байт қаердан олинди? – деб сўрайди Ҳокони мансур.

– Ўз-ўзидан қалбимнинг қаъридан отилиб чикди-ю тилимнинг учига келди ва... парвоз қилди!.. – жавоб беради Навоий жилмайиб. Султон Ҳусайн Мирзо кейинлари бу байтни вақти-вақти билан такрорлаб юар эди.

Навоийнинг фақру фано йўлини тутишга мойиллигини Султон Ҳусайн Мирзо азалдан билар ва ўзича, ишқилиб, дўсти бу йўлда ғайриоддий қадамлар ташламасин-да, деб хавотирланиб юарди. Бу ариғ тийнатли, ғаройиб сажияли инсоннинг қалби ёруғ Ишқ ила тўлиқ! У – қуёш, унинг тажаллиси тевааракка шуъла-ю нур бўлиб сочилади, бунинг ҳеч ким илғамайди, фақат дўсти кўнгил кўзи билан кўради ва кўнгли ёғдуларга тўлади.

Яқинда Султон Ҳусайн Мирзо Балхда сафарда эканида Навоийга бир мактуб юборди. Унда дўстини соғиниб қолганини, салтанат ишлари қўлоғини боғлаб ташлаганини, Балхда чигаллашиб кетган муаммолар тугунини ечиш бутун эс-хушини олиб турганда, Навоийнинг қирқ кун аввал бирдан узлатга чекинганини эшитганини, ҳайрату ғуссадан ўзини қўйгани жой тополмаганини, бунинг учун аввало ўзи айбдорлигини, чунки давлат иши деб дўстини фаромуш этиб қўйганини, Ҳиротга қайтган заҳоти уни зиёрат этишини ёзди ва мактубини иложининг борица юмшоқроқ тарзда тугатди: “...Боқий: тўғри фикрда ихтиёрлидурлар ва нимаики икки дунё яхшилигига керак бўлса, тақдим қилиб турилур. Икки дунё саодати ёр бўлсун! Вассалом”.

Султон Ҳусайн Мирзо қўлида янги кийим-кечаклар солинган тугун тутган Шайхим Суҳайлий билан бирга Работи Суҳайлий дарвозасидан кирганда, дарвишлар ҳайратга тушдилар ва ичларида қувониб кетдилар.

– Хуросон подшоси ҳам, машхур муҳрдор амир ҳам бизнинг сафимизга қўшилмоқчилар шекилли... – дея мамнунлигини яширмади айри соқолли дарвиш, чамаси у саркор эди. Бошқалар ҳам бир-бирларига маънодор имо қилиб қўйдилар.

– Пошшоликнинг баҳоси не? Саройдаги базмлар, салтанат ўйинлари, шовқин-суронлар, фитна-фасодлар... бари бир чақага қимматдур... Кетган вақтингга ачинасен киши... Эсиз вақтлар... – афсусланди саркор. – Давр мана бизники! Бизлар эркин, озодмиз! Хоҳласак ётамиз, хоҳласак турамиз, дуо ўқиймиз, қўшиқ айтамиз...

Навоий мук тушиб, Ибн Арабийнинг пайғамбарлик бурч ухдалари ҳақида мажозларга тўла, ишоралар ила мураккаб ёзилган “Фусус ал-ҳикам” (Ҳикматлар тошлари) китобини мутолаа қиларди. Бирдан юраги қалқди – сезди, унинг яқин одамлари келди! У ўрнидан туриб, ҳовлига чикди-ю Султон Ҳусайн Мирзо билан ёри азиз Шайхим Сухайлийга кўзи тушди. “Ие! Ие!...” деёлди, холос шоир. Гап-сўзсиз бир-бирларининг бағирларига отилдилар...

Олий мартабали меҳмонлар ҳужрага қадам қўйдилар. Ҳужра талабалар-ниқидан ҳам кичик, тепадаги торгина туйнукдан бир тутам ёруғлик оғриниб-қисиниб тушиб турарди. Ерга ювилавериб оқариб кетган шолча ташланган. Чапда шамдонда ёниб битмаган шам... Султон Ҳусайн Мирзо ва Шайхим Сухайлийлар омонатгина шолчанинг икки четига чўк тушдилар... Шайхим Сухайлий тугунни бир четга қўйди.

Шуниси кизикки, файзли бу работни Султон Абусаид Мирзо замонида сарой мулозимларидан бири, камтарин инсон Шайхим Сухайлий Худо йўлига бунёд этдирган, лекин мақтанчоқлик бўлмасин, деган маънода бу ҳақда гапиришни бошқаларга ман қилиб қўйганди. Унинг муҳрдорга алоқадорлигини биров билмасди. Работга вақф белгиланган ва ер ажратилганди.

Хоқони мансур ўнгда курсидада бир неча китоблар устма-уст тахланиб ётганини кўрди. Нариди бир тўшак солинган тошдек ёстиқли жой кўзга ташланди. Ногаҳон бир неча йиллар аввал суҳбатлашиб ўлтирганларида Навоийнинг айтган: “Йўқлик, яъни фанога кетмоқни ихтиёр этгон бандага тош устига бош қўймоқ, унга заррин тахтдан кўра аълороқдир...” сўзлари эсига тушди. Ўша тош шулмикин?.. Бари албатта риёзат йўлида... Хоқони мансур хаёлга берилди... Кишилар беш вақт намозни адо этадилар, йилда бир рўза тутадилар, закот берадилар, ҳажни амалга оширадилар, бировга ёмонлик тиламайдилар, кечиримлидурлар, ўзи эҳтиёжманд эса-да, нонини ўзи муҳтож туриб муҳтожларга раво кўрадилар, саховат этагини тутадилар, ҳалол пул топадилар, нопокликдан йироқ юрадилар, етим-есирларга ёрдам қўлини чўзадилар, йиқилганни қўлтиғидан суяб турғизиб қўядилар... Буларнинг ҳам бари, аслида, Ҳақ йўлида риёзат чекиш-ку!

Шу пайт ташқарида бир гуруҳ янги дарвишлар келди шекилли, ғалоғовур кўтарилди, саркорнинг: “Қани, бу ёққа! Бу ёққа!...” деган овози эшитилди. Кейин ҳамма ёқ тинчиб қолди.

Кутилмаганда кимдир “Очмағай эрди жамолинг олам аро кошки” қўшиғини хиргойи қила бошлади. Дарвишлар мириқиб эшитишар, аммо

уни ёзган шоир ўзларининг ичида эканларини билишмасди, чунки улар ҳеч қачон ўзларининг ҳам, бировларнинг ҳам ўтмиши билан қизиқишмас, кимлигини суриштиришмас, улар, мухтасар айтилса, тенгхуққли дарвишлар эдилар, фақат Оллоҳ ёди билан банду мустағриқ кун кечирардилар.

Султон Ҳусайн Мирзо қўшиқни эшитаркан, тўлиқиб кетди, кўзларига қандайдир аччиқ алам ёшлари келди. Вовайлолар бўлсинки, унинг дўсти, жони ачийдигани, ягона сирдоши, меҳрибони, фазл дунёсининг осмони, ўша осмоннинг қуёши Низомиддин Мир Алишер шундай бир хароб жойда иқомат айласа! Худо йўлида риёзат чекиш шундан иборатму?.. Бу Султони соҳибқирон деб шарафлангувчи Султон Ҳусайн Мирзо шаънига ярашадурғон ишму?.. Хоқони мансур фикрича, Амир Алишернинг истеъдод юлдузи шундай порлоқдурки, ҳатто у эришган нарсанинг озини, озгинасини ижод аҳли раҳнамози ўша Аторуднинг ўзи юз йилда ҳам адо этолмасди!

Кўрганларидан лолу ҳайрон Шайхим Суҳайлий фақат ерга қараб жим вазиятни кузатарди. У Навоий китоблари орасида Ибн Арабийнинг “Футухоти ал-Маккия” китобини илғади. Шайхим Суҳайлий эслади, у бу китобни шоир сўровига кўра махсус одам юбориб Бағдоддан олдирганди.

– Бу йўлдан қайтмак керак! – қатъий деди Султон Ҳусайн Мирзо бирдан ўзининг подшолиги эсига тушиб. Унинг овози таъсирли, кескин жаранглади. – Риёзат чекмакми?.. Амир Алишер! Ҳеч риёзат чекмадим, деб ўксинмасунлар! Сиз Ироқда, Машҳадда, Самарқандда не-не мушкул дамларни бошдан кечирдингиз, мусофирчилик азобини тортдингиз... Камина қулингиз неча йиллар Астрободда, Хоразмда, чўлу саҳроларда қозоқилиқда музтару ночор, қисиниб, қочиб-писиб, сарсону саргардон юрдим... Булар риёзат чекишга кирмайдирму? Назмингиз барқ уриб очилган паллалар, унинг гуллари бўйидан олам нурафшон, сўзингизнинг сеҳридан ой узра қадам қўйиб офтоб лавҳига рақам чекмоғингиз мумкин, жумла мўминлар мафтуни, номингизни улуғлайдурлар, бу яхши! Аммо сўровим бор: ўзлари бундан не баҳра олурлар? Ўзларига не наф тегур? Фақат қон ютдилар, маломат кўрдилар... Ижод чаманида заҳмат чекгонлари, ширин уйқуни қувиб, сўз излаб азоб тортгонлари... риёзат эмасму?..

– Аммо кўнглимда заррача таъма йўқ, Султони соҳибқирон... Тангрининг ўзи сақласун! – дея олди, холос Навоий ерга қараганча. У подшоҳ гапларига бирон эътироз билдиришга сабаб тополмасди. – Ростини айтсам... салтанат ишларини зиммага олишга унчалар майл йўқ... Ҳақ йўлида риёзатлар чекиб, субҳоний фароғатлар ҳосил этишга иштиёғим бағоят кучли...

– О... Ҳақ йўлида бундоғ риёзат чекишлари, субҳоний фароғатларга интилишлари бағоят шоёни диққат ҳодисадур, Амир Алишер! Ўзлари мусичага ҳам озор бермайдурғон инсон эрурлар, – Султон Ҳусайн Мирзо куюниб гапирарди. – Камина яхши огоҳмен: имкон топилса, дунёда ҳамманинг – каттанинг ҳам, кичикнинг ҳам оғирини енгиллатишни истайдурлар, миллатнинг нотаниш бир ушоғига кўзлари тушса, у қандай қилиб вояга етаркин, соябонсиз катта бўлмасмикин ёки биронта қизалокни кўрсалар, ох, унинг умри нечук кечар экан, унга толе қулиб боқармикин, манглайини тақдир меҳр билан силармикин, дея расмана қайғуга ботғайлар... Парвардигорнинг

жумла мўмин бандаси бахтли яшасин, дея жон тортғайлар... Бунинг отини нима дейдилар? Бу... риёзат эмасму?..

“Ўзинг тавфиқ бергин, Оллоҳим!” деб қўйди ичида Хоқони мансур, пешонасидаги терларни артар экан. У кўнглидаги ўкинч ҳиссини босишга, ўзини хотиржамроқ тутишга ҳаракат қилиши кераклигини англади. Орага чўккан сукунат ҳам уни тинчлантирди. Ҳамма ҳали подшонинг сўзи тугаманини сезарди. Қўшиқ ҳам энди эшитилмасди.

Хужрага бир муддат жимлик чўкди.

– Ўйлаб қоламен... – сўз бошлади яна Султон Ҳусайн Мирзо. – Биз бир китобнинг ёнма-ён икки саҳифасимиз, Амир Алишер, жилдланган китоб варақларидай жипс ва иноқмиз. Ростми?.. – Навоий бош тебратиб тасдиқлагач, Султон Ҳусайн Мирзо давом этди: – Лекин... ҳозир жипсликдан асар ҳам қолғони йўқ: тақдир бир варақни ажратиб бошқа ерга итқитди... шамолларга совурди... Бу ҳам риёзатнинг айнан ўзи! Наҳотки, инсон зотининг бутун умри риёзат чекмакдан иборат бўлса?.. Лекин шукр этурбиз. Нолиш йўқ... Рост, инсонбиз, нодонлигимиз бор... Оллоҳнинг мадади ила бизлар улуғ салтанат барпо айладик, бу йўлда азоблар тортдик. Эл-юрт хизматига бел боғламак эса риёзатлар риёзатидур!! Бас, энди тараб замони келди, хурсандчиликлар етишди, даврондин алам нишони кетди... Оламни бизнинг куёшимиз ёритди... Даврон бизнинг шаънимизга ой билан кунни ногора қилиб чалди! Бас, энди Амир Алишер хужаста даврон роҳатини кўрсунлар, ўз сўзининг мартабасини яна ҳам юксакларга кўтарсунлар, чунки ул зот зиммасида турк адабиётини жаҳоний авж пардага чиқариш вазифаси турибдур. Бу жуда ҳам улкан машаққат ва риёзатлар риёзатидур! Инчунин, ҳозир Низомиддин Мир Алишер Навоийдек дунёга сиғмас сиймоларга гўша тутмак, яъни мана бундай хужрада хилватда ўтирмак, ишрат гулини оҳ ила қурутмак сира ҳам муносиб эрмас! Тарийқи инзиво – бизнинг йўл эрмас! Энди умид тонги отди! Нечоғлик сўзингизни буюк айласангиз, ўзингизни андин ҳам ортиқ буюк этғайбиз!

Навоий худди уйқудан уйғонгандай бўлди. Дўстининг олам ҳақиқатига риоя қилиб, инсоф юзасидан айтган сўзлари унга чақиндай қалбининг тубига етиб борди! Бечора дарвиш дарҳол ўрнидан туриб Султон Ҳусайн Мирзони қаттиқ бағрига босди ва қўлини ўпиб кўзларига суртди:

– Субҳонолло! Султони соҳибқирон, қандай сўзларни айтурсиз, қандай сўзларни!.. Дўстнинг сўзи, ёри жоннинг сўзи! Оҳ, салтанат гулшанидан иноят насими эсди!.. Кўнглим юмшаганини сездим, сездим...

Ақл сасига қулоқ солган Навоий Султон Ҳусайн Мирзо таклифига юз бурди ва бошини кўтариб қатъий хитоб қилди:

– Рост, эй Султони соҳибқирон, ҳозир гўша тутмак фурсати эрмас! Сахв қилдим. Камина саройда, Сизнинг ёнингизда турмагим жоиз... эл-юрт тинчлигини ўйламагим шарт. Сўзларингизга қулоқ осмоғим фарздур!

Навоий ёри азизга қаради, кўнглини фахр ҳисси тўлдирди! Шундай дўсти бор!

Ва Навоий “қулликка белини маҳкам этди...” дарвиш жулдур кийимини ташлаб, олампаҳо даргоҳ эҳромига чулғанди.

Яна дўстининг меҳри, оҳанрабоси устун келди...

Ҳокони мансур, Навоий ва Шайхим Сухайлийлар чиқишаётганларини кўрган айри соқолли дарвиш уларнинг ортидан қараб қоларкан, ўз-ўзига маъюсланиб деди:

– Э, аттанг... Дарвиш инимиз энди тўғри йўлга киргандилар... Дарвишлик фароғатини энди англаб етаётгандилар. Афсус, ундан жуда садоқатли, дунёнинг паст-баландини билган яхши дарвиш чиқарди-я... Кўриб турибмен, нечанчи бор бандаси алданди, фоний дунё ташвишлари кўзига ўтдай кўриниб, уни яна ўз қаърига тортиб кетди...

Ишқ қиссаси

Подшонинг севикли хотини маҳди улё Ҳадича бегимнинг муҳташам хос хонаси Боғи Жаҳоноро қасрининг ўнг томонида иккинчи ошёнада жойлашганди. Эроний гиламлар тўшалган, деворларига зарҳал нақшлар солинган, кўркам безатилган, эни ўн кадам, бўйи йигирма кадам келадиган муҳташам хонанинг мўъжаз тоқчаларида чинни пиёлалар, биллур қадахлар териб қўйилган. Улар пиёла, қадахлар эмас, балки дурдона даражасида нозик ишланган санъат мўъжизалари эди, канизаклар ҳар сафар уларнинг чангларини артиш баробарида янгидан кўргандай завқланиб тамоша қилардилар.

Тўри томондаги деворни қўлларида қиличу найза тутган, пишқирган от устида ўтириб жангни бошқараётган Султони соҳибқирон, Шоҳи Ғозийнинг ҳашаматли сурати эгаллаб турарди. Маҳди улё Балх жангида қозонилган улкан зафар шарафига уни Камолиддин Бехзодга айтиб чиздирганди. Чап томонда деворда чиройли чилдирма ва дутор осифлик. Деразалар пардаси бир четга сурилса, жаннатмонанд боғнинг кўрки-нафосати балқиб кўзга ташланади.

Рўбарўда кичкина тахтда ёлғиз маҳди улё Султон Ҳусайн Мирзо суратига тикилганча маҳлиё бўлиб ўтирарди. Пишқирган от оёғини олдинга кўтарган, от от эмас, подшоҳ ғазабидай туюларди малика назарида!

Малика нечундир хаёлларга ғарқ, катта ўғли Шоҳғариб Мирзони ўйлаётганими... Подшонинг Попо Оғача-бегим деган хотини беш ўғил, тўрт қиз туғибди! Ҳадича бегим эса бор-йўғи икки ўғил кўрди, холос.

Биринчи ўғли Шоҳғариб Мирзо туғма букур, ногирон бўлиб дунёга келди. Султон Ҳусайн Мирзодай паҳлавону Ҳадича бегимдай нозик адо гуландом, гули раънодан шундай фарзанд туғиладирму? Қайси гуноҳларига Худо уларни шундай “сийлади”?.. Унга қаттиқ ботган жойи, ўзи ҳуру парипайкар бўлатуриб, ўғлининг хийла кўримсиз, хунук бўлиб туғилгани эди. Яхши ғазаллар ёзармиш, майли ёзсин, лекин, малика фикрича, шеър нима... маънисиз бир иш... кўп одамлар шеърсиз ҳам тирикчилик ўтказиб юрибди-ку! У ҳокимлик мартабасига эришмоғи керак, ҳукмдорликка, саркардаликка!.. Минг бир нозу истиғноларни ишга солиб ниҳоят, ўғлига Ҳирот ҳокимлигини олиб беришга эришди.

Иккинчи ўғли Музаффар Мирзо, ҳаддан зиёд меҳр қўйгани, ҳадеб ўғлим, ўғлим, деб пўпалайвергани учунми, эркаталтанг, худбин, ўжар, тантиқ чикди. Гарчи суйгудек хулқи, феъл-атвори йўқ эса ҳам, Султон Ҳусайн Мирзо унга ортиқча эътибор берар, шу сабабдан подшонинг бошқа ўғиллари оталаридан норизо юришар, кўпинча ёвлашишгача борардилар. Ҳаммаси Ҳадича бегимни безовта қилар, юрагини зирқиратарди...

Шу пайт унинг хаёллари бўлинди, подшонинг суйган хотинларидан Опоқ бегим, маликанинг сирдош канизаклари Давлатбахт, Сумансо, Гулрух, изма-из бошқа жориялари кириб келишди ва маликани тавоф этишди. Давлатбахт ўрта бўйли, қадди-қомати келишган, киши назарини ўзига тортиб оладиган жозибали қиз эди. У сўзга чечан, афсона ва нақлларни яхши кўрар, давраларда бировга гап бермасди.

– Нима бўлди, Давлат? Дилтанг кўринасен? Рангингда ранг йўқ... – сўради маҳди улё ардоқли жориясига қараб.

– Кейинги кунларда эгачим хўп хаёлчан бўпқолдилар... – сўзга аралашди Сумансо чиройли гажагини қулоғининг орқасига ўтказиб Давлатбахтга ишора қилиб. – Бир нарсани сўрасанг, хаёллари бошқа жойда бўлади...

– Ҳа-а, эс-хушлари жойидамас, мен ҳам кузатиб юрибмен... – кесатди Гулрух...

Давлатбахт маъюс жилмайди:

– Рост дедингиз, маликам... Бошгинамдан эс-хушим учди... Сабаби бор, сабабчиси... Мир Алишердир.

Канизаклар жуда ғаройиб гапнинг учини топгандай ва бундай сирнинг ошкор айтилаётганидан ҳайратда қолгандай: “Вой!” “Ие!” “Жуда қизиқ!..” деб юбордилар.

– О, шум қизлар-е, дарров гапни терс томонга бурасиз-а... – кулди Давлатбахт.

– Авваллар ҳам шоири замондан сўз очардинг... – маъноли сўзга аралашди Ҳадича бегим. – Севиб-нетиб қолмадингму ишқилиб?

Чиройли шахло кўзлари чарақлаган Опоқ бегим кулди:

– Канизакнинг исми “Давлат”, “бахт” сўзларидан яралган ахир, гўзал сулув ойимча шоирга илҳом берган бўлса не тонг!

Давлатбахт ичида ўз-ўзига ўксиниб деди: “О, кошкийди севсам, шундай бахт менга насиб этса!..” Кейин маҳди улёга тикилди:

– “Мир Алишер” деганимга ҳайрон қолмасунлар, маҳди улё жаноби олиялари!.. “Ҳамса”ни мутолаа қилдим. Мен шоирга эмас, йўқ, ишқ достонига маҳлиё бўлдим, ишқ достонига... “Фарҳоду Ширин” қиссаси, қиссаси деманг, аччиқ ғуссаси буткул эс-хушимни олиб қўйди.

– Сўйлаб беринг, эгачижон! – чувиллашди канизаклар. – Бир эшитайлик! Ишқ эртагин эшитмоқ ҳам кони савобдур. Ишқ достони дардга даво, дейдилар!

Давлатбахт ижозат сўрагандай маҳди улё Ҳадича бегим билан Опоқ бегимларга қаради.

– Сўйлай қол, Давлат! – ижозат берди маҳди улё.

Давлатбахт бир хўрсиниб олди-да, ҳикоясини бошлади. Бу ишқ тарихини сўзларкан, кўзларидан дув-дув ёшлар оқди. “Фарҳоду Ширин” қиссасини охирига етказган Давлатбахт кўзёшларини артди.

Ҳамма – Ҳадича бегим ҳам, Опоқ бегим ҳам – мутаассирликда жим, ўзи билан ўзи бўлиб қолганди. Канизакларнинг ичидан пиқиллаган овозлар эшитиларди.

– Ҳа, Фарҳоду Ширин чинакам ошиқ-маъшуклардир!– кўзлари порлаб деди Сумансо... – Мана чин ишқ, севги!

Ҳадича бегим канизакларни юпантиришга тиришди:

– Нечун оҳ-воҳ қиладурсиз, ҳой сиз тентаклар! Давлат сизга эртак сўйлаб берди, холос-ку!

– Йўғ-е, маҳди улё жаноби олиялари! Шоир дostonни зўр ёзиб қўйибдур! – Опоқ бегим қатъий деди: – Бир нарсa қизиқ: шунчалар ишқ қиссасини ёзғон шоир ўзлари ҳам ҳеч ишққа мубтало бўлғонму эканлар?

Ҳадича бегим кулди:

– Э, Опоқ, нималар деяпсен? Алишернинг азалдан ишққа вақти бўлмағон, у киши бино куриб, шеър, ғазал битиб... эртак тўкиб роҳатланадур... Дунёнинг завқини шунда кўрадур...

– Йўқ, йўқ, маликам! Маъзур тутадилар... эртак эмас... – чидаб туролмади кўзёшларини артаркан Давлатбахт. – Мен сизга айтсам, Навоийнинг ишқи Фарҳод ишқидан асло қолишмайдур, балки ўтадур! Ахир кўнгилларни ёндирадурғон ўтли ғазалларни, дилтортар дostonларни ёза олган қалб соҳиби ишқ нелигини билмайдур, деб ўйлайсизларму?... Наҳотки?..

Ҳадича бегим ҳайрон бўлиб Опоқ бегимга тикилди. Опоқ бегим ҳам лол эди. Ўртага сукунат чўкди. Давлатбахт ҳаммага қараб чиқди ва деди:

– Борди-ю мен сизларга Навоийнинг ишқ қиссасини айтиб берсам... нима дейсизлар? Йўқ, сизлар менинг сўзимга ишонмайсизлар...

Канизаклар ҳаприқишди:

– Айтинг, опагон! Айтинг!

– Вой, айтинг!

– Шунча вақтдан бери айтмай юрғонларини кўринг! – ўпкаланди Гулрух. – Бир эшитайлик...

Маҳди улё, сўйлай қол, дегандай канизакка қаради.

Давлатбахт ийманибгина ҳикоясини бошлади:

– Кичиклигимда Мир Алишернинг энагаси Мунажжима момодан бир қисса эшитғон эрдим... Ҳеч эсимдан чиқмайди. Момо бизга қўшни турардилар...

Алишернинг падари бузруквори Амир Гиёсиддин Кичкина, асли сипоҳий, замонанинг машҳурларидан, султон Абулқосим Бобур давлати даврида мамлакат донишманди ва давлат билимдони мақомига эга, Чиғатой улуси улуғларидан ҳисобланарди. У бир неча йил Сабзавор шаҳрига ҳокимлик мансабида ҳам турди.

Бир куни Амир Гиёсиддин Кичкина хотини Кутлуқ бегимга бундай деди:

– Бегим, бир маслаҳат бор...

– Нима маслаҳат эркан, амирим? – хавотирланди она...

– Ўғлимизни яхши муносиб устозга беришимиз лозим. Сабоқ олсун. Билим олсун.

– Султон Ҳусайн Мирзо ҳам бирга борсалар керак? – сўради она.

– Албатта, улар ажралмас дўстлар-ку. Шундан ҳам хурсанд бўламан. Гиёсиддин Мансур Мирзо билан ҳам келишиб қўйғонмен. Шайх Савсаний, Камол Масиҳий каби устозларнинг яхши мактаблари бордур. Бири-ни танлағоймиз. Менингча, улардан яқини Шайх Савсаний мактабидур. Масиҳий мактаби эса Ҳиротнинг жануб томонида, бизлардан хийла йироқ... ҳам доврўғи куйироқ турур.

Алишер билан Султон Ҳусайн мактабга бордилар. Шайх Савсаний одам-зод ичида малаксимон яратилган бир покиза зот, ҳунарпеша устод, муаллим мақомида донг таратганди. Зўр шаън-шавкатга эга, унинг ораста ва пурмаъно сўзлари метин тошни майин мумга айлантирар, ҳали шаклланмаган ёш онг-тафаккурларни нурли йўсинга соларди. Мактаб Ҳиротнинг шимолида Инжил дарёси ёқасида шайхнинг хушманзара кенг-мўл ҳовлисида жойлашган, унда қизлар ҳам сабоқ олишарди. Ҳовлига девор-дармиён, гулларини кўз-кўз қилишни яхши кўрадиган гулшан ястанганди, унинг охири бориб чўлга уланиб кетарди.

Шайх Савсаний тегли-тахтли хонадон болалари бўлган икки дўстга яхши эътибор берди, уларда билим олишга иштиёқ юқорилигини фаҳмлади ва ичида қувонди. Дарҳол таълим тахталарига сабоқларини ёзиб берди, олдиларига кумуш лавҳ қўйди, вазифалар белгилади. Икки дўст айтилғонларнинг барчасини яхши адо этишди.

Шайхни ҳайратга солган нарса, уларга қанча сабоқ берилса, барини гўё илгари билгандек ўқишлари эди. Бошқа сабоқдошлардан ўзиб кетишар, беш-ўн сабоқни ўзлаштириб, янги варақлар очишга улгуришарди. Шу тариқа Султон Ҳусайн билан Алишер билимда шогирдлар ичида ягоналар бўлиб олдилар. Ҳамма уларга ҳурмат кўрсатар, таҳсинлар ўқирди.

Ҳаёт бир маромда кечар, мудом шундоқ давом этаверадигандай туюларди. Ҳаёт – Худони танимоқ, ўқимоқ, ўрганмоқ, билим олмоқ, ирфонга интиломоқ, ақлни тўлиштирмоқдан иборат, деб ўйларди икки дўст. Уларда дўстлик ришталари мустаҳкам, бири бирисиз туролмайдиган сирдошлар... Бири шоир сифатида девон ёзиб, ўлкаларни якқалам этмоқчи, иккинчиси улуғ Амир Темур салтанатини тиклаб, бобоси янглиғ дунёларга сурон солмоқчи...

Кутилмаганда қазодай бир нарса ёприлди-ю, Алишернинг тинч ҳаёти ости-устун бўлиб кетди...

Ишқнинг туғилиши башарий қатра мўъжизасидур, дейди машойихлар.

Кунлардан бир кун, – оҳ бу қандай кун эканки, Алишернинг бутун ҳаёлини, ҳаётини пароканда қилди, – арғувон чехрали бир неча бўйдош қизлар, сочларидан мушк сочувчи гўзаллар сабоқ олмоққа Шайх Савсаний мактабига кириб келдилар. Гулрухсорлар олдида ҳарир бинафшаранг кўйлак кийган, юзларига хиёл парда тутган бир парипайкар кўзга ташланди. Кўйлак бирам ярашган эдики, Алишер илк марта қизни шу ҳолда кўрди, кўрди-ю унинг кўнгил лавҳида мангуга ўчмас бўлиб нақшланиб қолди!

Алишернинг ёш қалби ҳаприқди, кўзлари чарақлади! У ким экан? Ким?.. Кўҳи Қофдан ташриф буюрган гўзал шулми? Наҳотки Кўҳи Қоф шундай парисини бамайлихотир ўз бағридан қўйиб юборган эса? Икки қулоғига икки юлдузни тақиб олибдур... Юзи жаннат гулшани янглиғ гўзал, ҳусноро; агар Одам Ато жаннатнинг бир донасига илинган бўлса, нозпари юзидаги ягона хол, хол эмас, бало десанг-чи, жуда кўпларнинг илинишига тузоқ бўла оларди. Кўриниб турибди, дудоклари бол экани сабаб, оғзи бағоят ширин, илло айтган сўзлари асал бўлиб чиқарди. Уни ўпган бахти бор фақат бол ичарди. Ўзи бамисли “жон”дай, бағбақаси ҳам жоннинг “нун”и янглиғ бекусур, фусунли... Белининг хипчалиги жон пардаси торларидан кўра ҳам нозикроқ... Хаёл риштасидек нафис... Бирдан шеър туғилди:

*“Белу оғзидин дедиларким, дегил афсонае,
Бошладим филҳолким, “Бир бор эди, бир йўқ эди...”*

Алишер боқди: кизнинг бинафшаранг ҳарир қўйлаги этаклари елда парпираб ерни силаб-сийпаб, ардоқлаб ўпарди... Оҳ, ўша ер қанчалар азиз ва мўътабар, кадри баландликка эришди! Алишер ўша ерга бош уришга тайёр эди!

Балки бу тушдир? Шўрлик Алишернинг бошига балодай ёприлиб тушига кирдиму ё ул пари? Субҳонолло! Башар зоти ҳам шунчалар баркамол, беғубор, етук, пок, оқ, оппоқ бўладиму?.. Алишер гўё бир кўзани юмалатиб ташлаган йигитлардай маст юрар, аммо бу сархушлик беомон ишқнинг балоларга гирифтор айлагувчи кайфу сафоси эканини ҳали билмасди. Ишқ не-не замонлар ўзи учун покиза ер қидириб, ахтариб юриб-юриб, ниҳоят Алишернинг кўнглидан ўзига муносиб жой топди ва ниш уришга эришди...

У кизнинг исмини Бадъеулжамол дердилар, Ҳиротнинг пурзиё шайхларидан бири Бобо Ҳумойнинг набирасийди, у туғилганда Султон Ҳусайн Мирзонинг эгачиси оқила ва боҳурмат аёл Бадъеулжамол бегимнинг элда машҳурлигидан ҳавас қилишиб исмидан намуна олишганди.

Бадъеулжамол чиндан сарв қад, нозик адо эди, у ой эмас, тўлин ой, балки тўлин ой ҳам-мас, ярақлаган қуёш деса ярашарди. Офтобдай, тонгги сабодай покиза, бир-бирига интилган қайрилма қошлари ўзаро ҳусн талашиб можаро бошлаб юборишганда, қаро холи эшитибоқ, тинчитмоққа, ҳай-ҳай, дея етиб келиб уларнинг орасига туриб олган ва жанжаллашишга қўймаган... Покликда пок гавҳари ҳали ипга тизилмаган, лаъли руҳпарварига заргарнинг қўли етмаган, япроқларига офат ели тегмаган... Ишқ ояти бу покиза хурнинг оқ манглайига битилган, аҳд-вафо фармони бетимсол чехрасида товланиб кўринади... Устод Шайх Савсанийнинг ўзи одамзод ичидаги малаксимон фариштадай эди, ул ҳур эса ўша фариштадан сабоқ олгани мактабга келганди...

Севги бир нигоҳда мужассамдир, деган мўъжиза Алишер билан Бадъеулжамолда юз берди. Бир қарашдаёқ улар ишқ моҳиятини англай олдилар. Севмоқ – жондан кечмоқ, ўзни фидо этмоқ, андишани йиғиштирмоқ. Ўзлари покизаликларидан ҳеч кимга қоралик тиламайдурлар, ёмонлик нима эканини билмайдурлар, буни зинҳор ўйламаганлар ҳам! Уларнинг кўнгли ҳамиша яримталигидан, яримтани тўлдирадиган муносиб “яримта”ни қидирадилар.

Уларнинг бир-бирларига узоқдан назарлари тушса кифоя, меҳрлари қонадур, соғинч азоблари йўқоладур. Сориг юзни ёрнинг олтин бўсағағасига суртмак орзуси кўнгилга ором берадур...

Йигит бир қарашданок, – ҳали сўзлашмай туриб! – вола-ю шайдога айланди, бағрига ўт туташди, раҳмсиз ишқ бамисли сеҳрли ўпқондай ўзига тортарди, гўё у бир дарахт эди-ю аланга бошдан-оёқ вужудига туташди. Борлиғи заифлашиб, ҳар нафас ҳушидан кетай, йиқилай-йиқилай дерди. Ҳалигача бундай барно ҳурилиқони учратмаганди.

Ногаҳон ул одобли ойнанинг кўзи Алишерга тушди-ю, шу ондаёқ ўз кўнглини тоқатсиз кўрди! Зебо нигорнинг қалбига ларза тушди, борлиғи титради... Бераҳм ишқ, бу ёш экан, деб аяб ўтирмади, гулнорнинг эс-ҳушини олди-қўйди. Доно қиз йигитнинг ҳолини фаҳм-идрок ила англагач, унинг ишқида қарори қолмай, бечора жони шавқ ўтида ёна бошлади! Бунинг шунчаки ишқ, мубталолик эмас, нақ бало-офатнинг ўзи эканини ғофил ёш кўнгиллар қаёқдан билишсун?..

Улар шу кунни сабоқлар қандай ўтганини ҳам сезишмади. Чунки бағоят теран мазмунга эга пурмазмун бошқа, мутлақо янги ишқ сабоғи чулғаганди уларни...

Алишер ишқим мардумга ошкор бўлса не кечгай, дея ташвишланар, ўзича сездирмасликка ҳаракат қилар, лекин ғаройиб ишлар рўй берарди: гоҳ беихтиёр оҳ, деб юборар, хўрсинар, гоҳ кўзлари ёшланарди. Дардига даво истаб ёрига йироқдан эса-да, бир боқишни истар, аммо боқай деса қувват йўқ, боқмай деса – тоқат ўз ҳол-жонига қўймасди...

Ул ой юзли гулбадан ҳам жисмидаги ўртанишларни, ловуллаб ёнаётган юзларини яширишга уринар, ўзбошимча ишқини ўзгаларга билдириб қўймаслик учун ўзини бепарво кўрсатар, аммо қўлидан келмас, ўз ҳолидан ўзи ҳайрон, фавқулодда жўшган вужудини қамраган туйғулар нишона кўргизиб ошкор бўлишидан чўчир, ишқнинг ақл ва тақво юзига соя солишини, телбалигу дарвишлик дашти томон етаклашини ҳали билмасди.

Султон Ҳусайн Алишер бошига тушган савдони кўриб, не ҳол юз берди, дўстим, деб сўраса, кўнгли бўшашиб кетган хаёли паришон Алишер жавоб ўрнига: “Оҳ!...” деб ун тортарди, холос.

Хайриятки, Алишернинг энағаси шу ерда эди:

– Боламнинг ўқишини бир кўрайин-чи... – деди Қутлук бегимга. У ер-бу ерларга борганда энага уни ҳеч қачон ёлғиз юбормасди.

Султон Ҳусайн билан энага Алишерни етаклаб уйига олиб келишди. Қутлук бегим ўғлини кўриб кўрқиб кетди:

– Вой, ўғлим, нимага рангингда ранг йўқ?... – ҳаприқди она. – Тобинг қочдиму? Бир нарсадан кўрқдингму?..

Алишер, билмайман, дегандай бош силтади. Чиндан ҳам, у нималар юз бераётганини англамасди. У фавқулодда сархуш эди...

“Ҳали улар бир-бирлари билан сўзлашғонлари йўқ, бу ишқ уларга Худодан келди... Бу илоҳий ишқдур...” деди Султон Ҳусайн Мирзо, Лайли-Мажнунлар муҳаббатини эсларкан.

Қиз лабининг қирмизи-қизиллиги унинг кўнглида ёниб турган олов шуъласи тафтининг баландлигини ошкор этарди. Бадъеулжамолнинг онаси юзлари ҳароратдан лоладай қизариб кетган қизини кўриб йиғлаб юборди.

Бадъеулжамолнинг мизожи иссиқ келарди, онаси доим шундан кўрқарди, унинг устига бемаҳал ишқ оташи вужудини ёндирганидан иссиғи бадтар ошар, сарв қадди тонгги сарин шабададаги тераклардай, безгакдан титрарди...

Онанинг юраги қизида қандайдир ўзгариш борлигини сезиб ҳаприқди.

– Не балоларга учрадинг? Гапир, нега ўзгариб қолдинг? Нима бўлди?..

Қиз бир нима деб жавоб беришдан ожиз эди.

Бадъеулжамол эртаси ҳам, индини ҳам мактабга келмади. Иситмаси пасаймади.

Алишер севганини узоқдан кўриб турарди, энди мутлақо бенасиб қолганидан кўп изтироб чекди, ўзини қаерга қўйишни билмади.

Устод Шайх Савсаний аҳволни кўриб, мактабдан файз кўтарилгандай туюлганини ҳис этди. “Худо шифо берсун! Худо шифо берсун!” дерди, холос.

Уч кундан сўнг Бадъеулжамол дугоналари билан мактабга келди... Шайх Савсаний қизнинг хурраму хушнуд эканини кўриб кўнгли таскин топди, қувонганидан, боққа борсунлар, гулшанни сайр этсунлар, дея ҳамма шогирдларга ҳурлик бериб юборди. Қиз бинафшаранг ҳарир кўйлак кийиб олган, гўё юрмас, парвоз қилиб борарди.

Ой юзли Балеулжамолнинг сайрга чиқишидан хабар топган гулшандаги гуллар амал-тақал ўзларига оро беришга киришдилар. Сарик гулнинг япроғига тушган тонг шабнами худди инжулардай товланади. Гулшаннинг бир четида униб чиққан кўзикулоқ, гулшаннинг нариги томонидаги қизларга назар ташлаб, нималар ҳақида гапиришяптикан, дегандай қулоғини динг қилади. Фақат намозшомгул хафа... У ўзининг нафис, бошқаларга асло ўхшамайдиган нафис оқ, сарик, қизил гулларини ҳаммага кўз-кўзлаб очилиб мақтанмоқчи, Бадъеулжамолни кутиб олмоқчийди, бироқ у намозшомда очиладиган бўлганидан чорасиз қолди ва аламдан кўрмайин ҳам, қуймайин ҳам дегандай аразлаб япроқларини йиғиб “яшриниб” олди!

Найкамалакни маржондай бўйнига осиб олган осмон, унинг етти хил рангига маҳлиё, ўзидан бошқа ҳеч кимда бундай безак йўқлигидан мағруру мамнун боши осмонда эди!.. Лекин бирдан гул-гул қизларни кўриб, беихтиёр уларни яқиндан кўрмоқ учун эгилиб келди... Гулшан сайрига чиққан қизлар энди бир-биридан ажралиб ипи узилган шода гавҳар доналаридай ҳар томонга сочилиб кетдилар. Ёш кўнгиллар шарқираб, кумрилардай ғужғон ўйнаб бир-бирларига чучут отишарди, “Тулсафсар ўлгур, қайдасан?..” “Узоқ кетма, Бахтигул!..” деб қичқиришарди бир-бирларига. Бадъеулжамол дугоналарининг нафаслариданми, бинафшалар атир уфурарди.

Гулшаннинг ҳар жой-ҳар жойида чаман гуллар ўз-ўзидан бир-бирига чирмашиб, худди ошиқ-маъшуклар дардини енгиллатмоқчидай тўрт тарафини нозик ниҳоллар ўраган ажабтовур “хилват гўша”лар ҳосил қилган, уларга кирганни биров кўрмас, илғамасди.

Бадъеулжамол қизиқиб, нозик қоматига озор бериб, эгилиб тасодифан бир “хилват”га кириб қолди. Не кўз билан кўрсинки, Алишер бир четда унга боқиб турарди! Ҳайхот! Йигит дилдорини яқиндан кўришдек тақдир сийловидан, бемисл толедан кўзларига ёш тўлган, тилидан сўз бевафолик қилиб қочиб кетган, ҳамма гап нигоҳларга қолган эди.

“Сизга не бўлди, эй барно йигит?.. – дерди қиз, фаттон кўзлари ҳайрон боқаркан. – Борлиқда байрам, бутун йигитлар, қизлар гулларга парвона, ўйин-кулги билан оворалар. Фақат сиз кўзларингизда ёш, ғамгин ўлтирурсиз?..”

Алишер, Алишермас, унинг кўзларини тўлдирган кўзёшлари ўз дардини изҳор қиларди:

“Неча кундирки, оромим йўқ, ўзимни билмасмен. Қаердан менга бу ўт туташди? Вужудим ёнади, уни ўчирай деб кўзларимдан ёш тўкамен!.. Эй, Худойим! Мени қандай балоларга дучор этдинг? Бундоқ офатлардан мени йироқ тутсанг бўлмасмиди?..”

Алишер ҳушидан кетиб ерга йиқилди. Йигит билан қиз яқинда танишган эсалар-да, улар гўё азалдан бир-бирларини яхши билган кадрдон, сирдошдек тутардилар ўзларини. Ошиқ-маъшукларнинг тутуми шундоғ...

Бадъеулжамол куюниб, дарҳол ёрининг бошини тиззасига олди. Ишқ андишани тан олмайди. Шайдолик кишини расво этади. Алишернинг кўзёшлари етмагандай, энди унга Бадъеулжамолнинг кўзёшлари ҳам кўшилди.

Шу пайт чақ-чақлашиб, дугоналарини қидириб “хилват”ларни оралаб юрган хушхандон икки гулчеҳра қиз кириб қолди. Уларнинг оқ пешоналаридаги яраклаб кўринган шакар рез, биллур тер доналари ҳеч ерга тушишни ишташмай омонат қалқиб турарди.

Ишқ васвасасида Бадъеулжамол нотаниш бир йигитнинг бошини энг яқин кишисидай ардоқлаб тиззасига олиб ўтирганини англамади, кейин ўзини ўнглагач, дугоналаридан бош эгганча узр сўради...

Гулчеҳралардан бири, фавкулудда ул ҳам дард мубталоси эди, дарров унинг жонига оро кирди:

– Ишқ мана шундоқ кўнгилга ғавғо солур... Хижолат чекмангиз, паризодим... – деди у беҳол дугонасининг ёнига кириб, елкаларидан кучаркан.

– Биров билмасун... – ҳолсиз ўтинди Бадъеулжамол.

– Фақат Худо биладур, бошқа... ҳеч ким! – деди гулчеҳра. – Паризодим, сиз бориб қизларга қўшилингиз. Сизни йўқотиб қўйишди... Ана тўпланишиб, сизни кутиб туришибди. Бизлар ошиқ йигитни ҳушига келтириб, эсон-омон ўртоғига тобшурғаймиз. Ўртоғи ҳам қидириб юргондур.

Бадъеулжамол кўнглини хилватда қолдириб, ўзи ночор ташқарига чиқиб кетди.

Қизлардан бири, дўстини кўздан қочирган Султон Ҳусайнни қидириб топди. У дўстидаги бундай ўзгаришни илк бор кўриб турарди, Алишернинг шунчалар қаттиқ ишққа мубтало бўлгани бежиз эмас...

Султон Ҳусайн дўстини уйига олиб кетди. Гиёсиддин Кичкина ўғлини бу аҳволда кўриб индамади. Фақат Қутлук бегимга: “Мен нима дегандим?..” қабилида ўпкалангандай бир қараб қўйди.

Она ўзи билан ўзи бўлиб қолди...

Бадъеулжамолнинг мактабда кўринмаганидан Алишернинг кўзи олазарак эди. Мактабда ҳам, оламда ҳам ҳеч ким йўқдек... Узоқ ўйланди, қандай йўл тутишни билмасди. Охири сабри чидамай яширинча қизнинг уйи томонга жўнади, ўша ерда, қиз чиқиб қолармикин, деган умидда кўрғон атрофида бировга сездирмай айланиб юрди... На биров чиқди, на биров кирди. Бундай ҳол икки-уч бор такрорланди. Лекин доим ҳаёлида бинафшаранг ҳарир кўйлак кийиб бинафшалар маликаси мақомида кезиб юрган Бадъеулжамол гавдаланарди.

Нихоят мактабда Бадъеулжамолнинг қаттиқ бетоб экани ҳақида хабар тарқалди.

Алишернинг ҳолидан фақат энагаси Мунажжима момо хабардор эди, холос. Жигарсўхта ошиқ энагасига ёлборди:

– Моможон... Бадъеулжамол аҳволидан бир хабар олинг, жоним энам! Сўрайдурғоним, хабарчим ҳам йўқ, деб ўксимасун... Менинг ҳеч кимим йўқ, демасун. Кўнгли чўкмасун... Мана бу мактубимни албатта энагасига берингиз! Ҳол сўраганимни билсун ул пари!

Хатни Мунажжима момога тутқазаркан, Алишер ўзини бошқара олмас, кўзларидан дув-дув ёш тўкар, камиш ичидаги нозик қилтирикдек беҳузур тўлғонарди...

– Хўп, болажоним. Албатта, борамен... Хатни ҳам тобшурамен... Ўзингни бардам тут, болажоним...

Энага кетди...

Энага қайтгунча йиллар ўтдими экан, Алишер билолмади. У йўлга қараб дарвоза олдига чиқди. Қайта ҳовлига кирди. Яна чиқди. Яна кирди... Унинг учун дунёда ҳозир ёлғиз Бадъеулжамол бор, унинг ҳаётини тўғри йўлга соладиган ёлғиз ўша! Унинг ишонгани ўша, суйгани ўша, умрини бахш этиб қўйгани ўша! Ёри бўлмаса, қандай яшашни ҳеч тасаввур этолмайди. Усиз ҳаёт йўқ!

Мунажжима момо, чалғитиш учун, Бадъеулжамол энагасини чақирингиз, кўриб кетай, деди. Кўп нарсани ундан сўраб билиб олди. Оҳ, билмасам яхши эди-я, дея ўксинди ичида...

Мунажжима момо уйга йиғлаб қайтди...

Бадъеулжамол кечадан бери ҳолсиз эмиш, озиб кетибди, кўзларини очмас, худди тирикликдан асар йўқдек беҳуш ётар, яқинлари, ота-оналар эса бечора қиз бошида парвона бўлармишлар... Унинг олдида одам қўйишмас экан.

Икки кундан кейин Мунажжима момо такрор йўлга чиқди. Бир янгиликни эшитиб ичида қувонди. Алишер номасини ўқишганда... мўъжиза юз бериб, икки кундан бери беҳуш ётган қизнинг ногаҳонда эшитаётганини пайқашибди! Бемор танига жон кираётгандек, ҳаракатга келиб, қимирлай бошлабди! Ҳеч қанақа дори-дармон, дуо ва тумор таъсир этмай қолган экан...

Лекин энаганинг боши эгик қайтди...

Бадъеулжамол қаттиқ иситмадан ўзини билмай ётар, ҳароратдан алаҳсираганда, гоҳида оҳ тортиб, “Алишер!” “Алишер!...” деб инграб юборар экан шўрлик қиз. Сизни, болажоним, жуда яхши кўрар экан!

Алишер эшитиб юм-юм йиғлади. “Худо шифо бер!” “Худо шифо бер” – дерди-ю қўлидан ҳеч нарса келмаслигини тобора чуқурроқ англаб борарди. У озиб-тўзиб кета бошлади. Ўғлининг ҳолини кўрган Ғиёсиддин Кичкина жуда дилтанг, она эса ўзини кўйгани жой тополмасди. Хаёлида: “Бадъеулжамол кўп сеҳргар, жодугар қиз экан, ўғлимнинг бошини айлантириб қўйибди!..” деб ёзғирарди она.

Лекин ҳали даҳшатли фожиа олдинда турарди. Такдир қазо қиличини кўтариб, шафқатсизларча урушга шайланарди. Эҳ, бечора ошиқ-машукларнинг ғамини ейдиганлар, уларнинг шўрлик бошлари учун қуйиб-ёнади-ганлар бормикин бу дунёда?..

Қизнинг ота-онаси, бобоси Бобо Хумойиларнинг оромлари буткул йўқолди. Табибларга мурожаат қилсалар: “Худодан шифо тилайлик...”дан нарига ўтишмасди. Бадъеулжамолнинг мизожи иссиғлигидан, гоҳ-гоҳда хаяжонланса ёки таъсирланса иссиғи кўтарилиб кетарди. Иссиғ дам авжига чиқиб нозик жисмида қонини қурутмаса эди, деб қўрқардилар. Чамаси, ишқнинг кучли ҳарорати унинг дардини бадтар ошириб юборганди.

Энага яна икки марта Бадъеулжамолдан хабар олгани борди. Ҳар сафар боши эгик қайтарди. Охири ҳеч нарса деёлмай ўксиганча йиғлаб-йиғлаб берди.

Кузнинг охирги кунлари эди, феруза осмон эрталабдан қурум босгандай қорая бошлади... Пешин намозига бориб-бормай Бадъеулжамолнинг уйидан йиғи овозлари эшитилди, қизнинг умр риштаси узилди... Ота-онаси, дугоналари фарёд кўтардилар. Улар жигарпоралари, дугоналаридан айрилдилар, аммо Бадъеулжамол ахир Алишернинг бутун борлиғи, дунёси эди-ку! У дунёсидан айрилди! Дунё бўмбўш бўлиб қолди... Ахир у тонгларнинг отишини қизнинг жон олар табассумларида кўрарди-ку! У бемисл гўзаллик тимсоли эди-ку! Қани, у тимсол?.. Энди Алишер бошини қайси тошларга урғай?

Моҳи дили оламдан ўтғонини ҳеч ақлга сиғдира олмас, сира ишонмас, гўё ҳозир мактаб сори борса, бинафшаранг қўйлакка чулғанган ҳурилиқоси рўбарўдан чиқиб келадигандай туюларди...

– Дўстим, жон дўстим!.. Шундай мусибат манглайда ёзилғон эркан... Худо сабр берсун!.. – деди Султон Ҳусайн Мирзо. У имкони борича Алишер кўнглини кўтаришга интилди, жонига оро кирди. Дўстини бағрига босиб, узок қўйиб юбормади, қўшилишиб йиғлади, юпатди, юпанди... Ҳаммаси Худодан экани, бу ҳақиқатдан кўз юмишнинг иложи йўқлигини қайта-қайта уқтирди, тушунтирди. Тушунтиргани сари ичидан фарёд отилиб келарди.

Икки дўст бир ҳафтадан кейин қизнинг қабр бошига бордилар. Алишерни ўз ўғлидай кўрадиган энага ҳам уларга эргашди ва нарироқда барини кузатиб турди.

Алишер қачонлардир шундоқ Бадъеулжамолнинг қабрига бораман, деб зинҳор ўйламаганди. Унинг кўнглини ўзгача орзулар нурлантирарди. “Кичкина қабр ичида шундай катта қалб эгаси қандай ётибсен экан?” – деди ичида Алишер ва тиз чўкиб севгилиси қабрига узок юз қўйди...

– Жойингни жаннатдан қилсун!.. – деди кўзёшлари қуйилиб Алишер. Унинг кўзёшларидан қабр тупроғи лойга айланди. У бирдан бошини кўтарди-да, кўкка боқиб нола қилиб шеър ўқиб юборди:

*Ёшунгон эмиш, оҳ, қаро булутқа моҳим,
Гардунни-да совурмоқлик эрур дилхоҳим!
Кирмиш қаро тупроққа, воҳ, қуёшдек шоҳим,
Невчун қаро қилмасун ул қуёшни оҳим?..*

Оҳ, дўстим! Жигарни қонға ботиргувчи фалокат ёприлди, афгорлиғ бошима етишти. Кўз ашк тўфонидин баҳор ёмғуридек сели андуҳ оқизди, жон ғусса фиғонидин ўкурмакка турди! Осмоннинг эс-хуши учди!

Султон Ҳусайн дўстини кучоғига олди:

– Алишер!.. Жонфидо дўстим!.. На чора бор? Сабрдин ўзга чора ва таҳаммулдин ўзга тадбир йўқ...

Ошиқ дўстининг зорли фиғони Султон Ҳусайн қалбини ларзага келтирди! Бир гул иси билан димоғини қизитиб... васл савдосини пишириш насиб этмаган шўрлик ошиққа чорасиз ич-ичдан ачинди, ўртанди, куйди, ёнди...

Султон Ҳусайн оҳиста дўстининг қўлтиғидан олди... Алишер ўрнидан турди, аммо кўзларида ёш йўқ, қуриганди. У хийла ўзини ўнглаб олган, аммо кўнглида даҳшатли бир қарор портлайман, деб турарди. У жиддий деди:

– Султон Ҳусайн! Дўстим! Мен бир ожизага кўнгиладан кўйғондим... Бу дунёда, Оллоҳга шукр, севдим, севиб бўлдум... Бас, агар инсон ўзини ўтларга отмоқни истаса, севгига юз тутсун! Билсунларким, онт ичамен, ортиқ Ҳақдан ўзга, ҳеч кимга кўнгиладан кўймасмен, бу даҳшату азобдан ўзни тийгаймен, фақат маҳбубамнинг руҳига вафо айлаб, дунёда тоқ ўтгаймен!! Вафода нуқсонга ўрин йўқ... Тонгга талпиниб турғон эрдим, не чораки, муҳаббатнинг абадий шом лаҳзалари етиб келди, Султон Ҳусайн дўстим! Ўзумдин йўқ хабар, ўзлигимдин асар...

*Менга не ёру не ошиқ ҳавасдур,
Агар мен одам ўлсам, ушбу басдур!*

– Ҳай-ҳай, Алишер!! Дўсти жоним! Онт ичмасунлар! Онт ичмасунлар! Онт хосиятли нарсаси эрмас! Онт ичиб бўлмас ахир! Жон дўстим!! Зинҳор ундоқ демасунлар! Ҳар нарсани гапирмак ножоиздур! Бу аҳдингиздан қайтингиз! Парвардигор буюрғон вазифаларни бандаси адо этмоғи вожибдур! Ёлғизлик фақат Ўзига ярашадур!

– Йўқ... мен ёлғиз бўлмаймен, йўқ... Ҳамиша Бадъеулжамол хаёли бирлан бирга бўлурмен! Умрбод бирга...

Мунажжима момо “Вой, шўрим!” деганча йиғлаб юборди.

Табиатда куз охирлаб борарди. Сарғая бошлаган майса-ўтлар, гиёҳлар ерга ёпишганча ўзларининг пилтадек вужудларини изғириндан қандай асрашни билмай беҳол титтардилар...

Она ва ўғил

...Давлатбахт сўзларини тугатди-да, “ух!” тортиб, пикиллаб йиғлаб юборди. Ҳикоя ўтирганларга қаттиқ таъсир қилди шекилли, ҳамма жимиб қолди. Канизакларнинг айримлари кўзларидаги ёшни артишга уринардилар.

– Вой, ҳали мухтарам шоир, муқарраби ҳазрати султон Навоийнинг кечмишлари шунчалар мусибатлиму?.. – сўради Опоқ бегим ҳайратда. – Зинҳор бундоғ ўйламағон эрдим... Беҳабар эканмен. Вафо ва садоқатнинг ажиб тимсоли! “Кирмиш қаро тупроққа, воҳ, куёшдек шоҳим...” Одамнинг раҳми келадур...

Ҳадича бегим мийиғида кулиб қўйди ва деди:

– Ҳа, бандаси шундоқ... Ўзи доим ширин чўпчаклар тўкиб чиқарадурда, ўшаларга ишониб овуниб юраверадуру... Бундоғ севги, муҳаббат ҳаётда йўқ, ким кўрибди? Ҳеч қачон ҳаётда учрамайдуру! Эшитмаганмиз ҳам. Ишқ-севги орзу армонларда яшайдуру, холос...

– Наҳотки чин севги йўқдир бу оламда?.. – оғриниб деди Сумансо. – Севгисиз ўтамузми?

– Ё тавба...– афсусланди Гулрух...

Индамай ўтирган ва ўзини ўнглаб олган Давлатбахт бирдан яна сўз олди-да, ўзининг ҳеч ким кутмаган, кутилмаган сўзлари билан яна ҳаммани ҳайратга солди:

– Чин севги бор оламда, эй Сумансо! Эй, Гулрух! Эй, канизаклар! Ўксинмангиз! Чин муҳаббат бор дунёда!!... – деб юборди.

Ҳамма ялт этиб унга ўгирилди.

– Шундоғ муҳаббат, севги оламда бор! Ахир йўқ нарсалар ҳақида дostonлар туғилмайдуру. Шундай севги йирокда эмас, шундоқ ёнгинамизда... – такрорлади қатъий Давлатбахт, кейин жилмайганча ўрнидан турди-да, Ҳадича бегимнинг заррин ёқали нофармон қўйлаги этагини ўпиб кўзларига суртди:

– Ҳа-а, шундоқ ёнгинамизда... – Давлатбахт сирли жилмайганча таъзим қилди. – Маҳди улё жаноби олиялари... ўзимнинг маликам... бир қошиқ қонимдан кечасиз... чин муҳаббатни, севгини, чўпчак, дедилар... Аммо ўша чўпчакларни бекор этган, йўққа чиқарғон ҳам... ўзлари эдилар!

Давлатбахт канизакларга бир қараб қўйди. Канизаклар ҳар томондан гуриллашиб такрорладилар:

– Йўққа чиқарғон ўзлари эдилар! Ўзлари эдилар!!

– Мен?.. Нималар деётирсен, Давлат? – таажжубда қаради маҳди улё. – Шўхсен, шўхлигинг чиқиб кетяпти борган сари. Биласен-ку, менинг чўпчаклар билан сира ишим йўқ... Хаёлинг сал чалғиди шекилли...

Опоқ бегим ҳайрон гоҳ маҳди улёга, гоҳ канизакка қарарди.

– Йўқ, асло! Кўзолдимдашундай севги бўстониюзочдики, яқомни тутдим! – жонланди Давлатбахт. – Бошқа ошиқ-маъшуклар тўғрисида эшитғондим, мазкур чин севги соҳибларини эса ўз кўзим билан кўрдим!

“Ким экан? Ким экан?” деган овозлар эшитилди.

Давлатбахт одамларни ортиқ энтиктириб чўзиб ўтирмади:

– Маҳди улё ила Хоқони мансурларни айтаётирмен! О, уларнинг севгиси тилларда дoston бўлғувси ҳали! Нима дедингиз, Опоқ-оғача?

Опоқ бегим табассум ила бош тебратди, унинг чиройли шахло кўзларида завқ учқунлари чакнади:

– О... Хоқон ила маҳди улё... бир гулу ғунча!.. Ишққа зинҳор йўқ ниҳоя дунё тургунча!

Ҳамма хохолаб кулиб юборди. Қандайдир кўнгли ийган Ҳадича бегим ясама ўпкалангандай сўзланди:

– Ҳа, сизларга кулги керак, кулсангиз, кулаверсангиз-да... Бирам топасан-е йўқ гапларни, шумсен, шум, Давлат... Сени қуёвга узатишим керак шекилли...

Қизлар чувиллашиб олқишлашди: “Қутлуғ бўлсин!” “Тўйга бизни айтиш эсдан чиқмасин!” “Тўй қачон?..” дея чувуллашди канизаклар.

Давлатбахт эшитмагандай давом этди:

– Йўқ гап, дедилар... Асло йўқ гап эмас!.. Бор-йўғи бир нигоҳ ташладингиз, ўтли нигоҳ ва... арслон қалбли султонни ўзингизга вола-ю шайдо этдингиз! Шоҳи Ғозий Мажнун каби ошиққа айланиб, парвонангиз бўлдилар-қолдилар! Лекин ўзлари ҳам, маликам, эс-хушни қўлдан бой бериб қўйдилар... Ҳа-а!.. Султони соҳибқироннинг номлари тилингиздан тушмай қолди-ку, тушдаям, ўнгдаям!

Маҳди улё юзларига югурган қизиллик ҳуснини чандон оширди. У фавқулодда хурсанд, лекин ҳеч нарса дея олмас, таслим бўлгандай, эътироз ҳам билдирмасди.

– Эҳ-хе... эсингиздаму, маликам, ёр ишқида кунлар имиллаб ўтарди, тунлар Лайли мисол оҳ-нолалар қилиб чиқардингиз... Ишқингизнинг шарофати туфайли Хоқони мансур шоир бўлиб кетдилар-ку! Подшоҳ ҳазратларининг ишқий шеърлари қаҳрамони ёлғиз ўзларидурлар! Ёдингизга туширайму? – деди Давлатбахт.

Канизаклар яйрашиб кулишар, Ҳадича-бегимнинг кайфияти аъло, роҳатларга чулғанарди.

Барчани қандайдир завқ, ишқ-муҳаббат туйғулари қамраб олди. Маҳди улё беихтиёр чилдирмага қўл узатди, Опоқ бегимга дуторни ол, деб ишора қилди. У ҳам шуни кутиб турган эканми, дарҳол девордан дуторни ола қолди. Завқёб мусика садолари хонани тўлдирди.

Ҳамманинг ўйинга тушгиси келиб кетди. Лекин рақсинг чинакам устаси Сумансо ўртага чиқди. Канизак қиёмига етказиб, шох ташлаб ўйнарган, кўнгилларни жўштириб юборди... Солланиб ўтирган Давлатбахт вақти-вақти билан: “Ўзим айланай!” “Ўзим ўргилай!” деб қарсак чалиб қўяди. Бошқа канизаклар ҳам ўзларини хушхандон сезардилар.

Ўйин қизиб турганда, кутилмаганда енгил ширакайф шахзода Музаффар Мирзо кириб келди. У ўрта бўйли, қотма сифат, кажхулқ, куюқ қора қошли йигит эди. Ҳадича бегим дарҳол ўғлига пешвоз чиқди.

– Келингиз, султоним, жоним ўғлим, кўзимнинг нури! – деди маҳди улё.

– Йўқ, онажон... мен кўзингизнинг нури эмасмен. Мен ўгай ўғилдан ҳам бадтармен, мен подшонинг ҳам зурёди эмасмен, маҳди улёнинг ҳам фар-

занди эмасмен... мен... мен... – дудукланди Музаффар Мирзо дағал овозда томдан тараша тушгандай қилиб.

– Вой, яна нима бўлди сизга? Бугун чап ёгингиздан турдингизму? Нега ундок дейсиз? Эшитгон қулоққа яхшимас...

Даврадан файз кетганди.

Канизаклар ҳам, Опоқ бегим ҳам Музаффар Мирзонинг қўпол феъли борлигини яхши билишарди, авваллари ҳам бундай ҳоллар юз берган, шундан бунга ажабланиб ўлтиришмади.

Ҳадича бегим чап қўлини кўтариб, ҳаммага “Чиқинглар!” деб ишора берди. Бироздан кейин хонада она-боладан бошқа ҳечким қолмади.

Маҳди улё ўғлига яқинлашаркан, мулойим деди:

– Нега менинг фарзандим эмас экансиз? Бошқаларнинг олдида ҳар хил гапларни айтиб бўлмайди... Уят бўлади-я... Вой, тентагим-ей! Худо шоҳид, қийинчиликлар билан тукқанмен сизни, ҳа...

Музаффар Мирзо кўрсликда давом этди:

– Онам бўлғонингизда шундок қараб турармидингиз? Йўқ, сиз менинг онам эмассиз... Мен ердан чиққанмен! Менинг ҳеч кимим йўқ...

– Шахзодам, нега бунчалар ўзгариб қолдингиз? Менинг ҳеч кимим йўқ, эмиш... Нега ҳеч кимингиз йўқ экан, тўхлижоним? Ундан Худо сақласин! Ота-онангиз бор, акангиз...

– Падари бузрукворимиз Хоқони мансур Султон Ҳусайн Шоҳ Ғозий жаноблари йигирма ёшларида Астрободни қўлга киритиб, давлат маснадига ўлтиргон эдилар. Мен йигирма иккига кириб турибмен, ундан икки йил ўтиб кетди, ҳали қўлимда мулк йўқ, ҳеч қаернинг ҳокими ҳам эмасмен... Саройда ортиқча, қўлидан ҳеч иш келмайдиган етимчадай овораи сарсон юрибмен... Мени одам ўрнида ҳисобламайдурлар...

– Вой, онангиз бўйингиздан ўргулсин! Етимча деганингиз нимаси? Нималар деяпсиза-а? Ундок демасунлар, гиргиттоним! Худони ранжитиб кўясиз-ку!

Маҳди улё эркалаб ўғлининг бошини силамоқчи эди, Музаффар Мирзо ўзини нари олди.

– Ана, Муҳаммад Ҳусайн Мирзода юрт бор, Абул Муҳсин Мирзода юрт бор, – деди шахзода. – Абу Туроб Мирзода шаҳар бор. Ҳатто Муҳаммад Маъсум Мирзо ҳам бир юрт эгаси! Фақат менда йўқ, менда-а-а! Шоҳнинг ўғли деб, онаси саройда маҳди улё деб, ким айтадур? Мен ҳали ҳам мулксиз бир шахзодамен... Мен ҳам йигитмен, орим келадур! Айниқса, уларнинг ўз мулкларини кўз-кўзлаб мактангонларини эшитганимда, тутуним чиқиб кетади.

Юзларида ранжиш аломатлари кўринган Ҳадича бегим ўғлини тинчлантиришга уринарди:

– Вой болажоним-ей! Шунга шунчами! Уларда кичик бир юрт, холос, номига, дўппидеккина қишлоқ, бир тутам шаҳарча, товук катагидай қасаба, ангишвонадай жой... Сизники-чи? Билиб қўйинг: ҳали бутун Хуросон қўл остингизга кирадур, кўзичоғим! Ҳаммаси олдинда ҳали! Кўп нарсаларни ўйлаб қўйгонмен! Ҳаммаси ичимда-а! Ичимда турибди! Ҳа-а!.. Тирик эканмен, сизни зинҳор ўқситиб қараб турмасмен!

– Бу гапларни кўп эшитдим... – қўл силтади аламда Музаффар Мирзо тескари ўгирилиб. – Ҳар сафар гапирасиз. Валиаҳд Бадиуззамон Мирзонинг ишлари эса аъло. Тўнғич ўғил, ўх-хў... у валиаҳд... Уни хафа қилмайдурлар, авайлайдурлар. Гоҳ унга Астробод ёки Балх, Кундуз, Сеистонни инъом этиб турадилар. Яна ул зот юрт танлайдилар ҳам! Унинг билан чопарлар орқали сўзлашадурлар, чунки у бир юрт сардори! Унинг ҳомийси бор – Низомиддин Мир Алишер! Муқарраби ҳазрати султон Ҳусайн Шоҳ Ғозий! Ул зотнинг сўзлари отилғон ўқ! Адо этиладур! Бадиуззамон Мирзо эса ул зотнинг пинжига кириб олғон... Мана, яқинда эшитдим, Мирзо оғамиз Астробод вилоятидаги бой ва хушманзара Хайробод қишлоғига бориб, уни ёқтириб қолибдурлар. Кўнгил-да... Қишлоқ Алишер Навоийнинг мулки экан. Амир Алишер қишлоққа Султон Бадиуззамон назари тушгонини эшитиб, иштиёқмандлигини кўриб, шартта Мирзо оғамизга беминнат тухфа этиб юборибдурлар!

– Этса этар! Садқаи сар!.. – деди тажанглиги орта бошлаган маҳди улё. – Асло кўнглингиз чўкмасун, ўғилжоним! Ўх-хў!.. Хоқони мансур билан гаплашиб қўйғонмиз, ҳа! Ҳаммаси ҳал қилинғон. Кўп ниятларимиз бор, ўзим сизга айтамен...

Музаффар Мирзо бўғилганча давоми этди:

– Бу ёғини кўринг: шоир Навоий ҳатто “Ҳамса”га кирғон “Ҳайрат ул-аброр” достонида Султон Бадиуззамонга бир боб бағишлабдурлар! “Лайли ва Мажнун” достонида ҳам бир боб бор. Ўқидим! – шахзоданинг ёқимсиз масхараомуз кинояси аниқ сезилди. – Уни Бадиуззамон – яъни замон аҳлининг ажойиб сиймоси, нодири, деб таърифлабдурлар! Унинг номи: “Султон Бадиуззамон Баҳодир ибн Абулғози Султон Ҳусайн Мирзо Баҳодирхон”, эмиш! Мана бу мақтовга қаранг: “Ҳам шоҳ жаҳонпаноҳ бўлсун, Ҳам аҳли жаҳонга шоҳ бўлсун!” Ана! Ҳали Хуросон эмас, бутун жаҳонга подшо этмоқчилар! Жаҳонга-а-а!.. Бизга-чи, бир сўз ҳам бағишлағон эмаслар! Бағишламайдурлар ҳам! Буларнинг бари менинг бағримни ўртайдур... Нима қилай? Нима қилай ахир?..

Музаффар Мирзо онасига тик қаради ва атай ўйиб оладиган сўзларни топишга тиришди:

– Отимизни... “Музаффар Мирзо” деб хато қўйибсиз, онажон... “Мағлуб Мирзо” деб аташ керак эди, “Мағлуб Мирзо!” Аслида ундан ҳам баттармиз, мулк йўқ, юрт йўқ, қўшин йўқ, ҳамён ҳам бўм-бўш, шомирзаи қоққуруқнинг ўзи!.. Чумолидан ҳам ожиз бир бандамиз... Отамиз – Хоқони мансур Шоҳ Ғозий Баҳодирхон, волидамиз – саройда ягонаи маҳди улёлар, деб мақтаниб юраверамиз... – шахзода йиғламсирай бошлади. – Айтғон эдингиз-ку, яқинда Астрободни олиб берамен, деб! Қани, Астробод?.. Қани?!.. Унинг устига кеча Хусрави Ғозийнинг ҳайдалган хотини, Бадиуззамоннинг онаси Бека Султонбегим, менга қараб, кўзини чақчайтириб: “Ҳали сенми Музаффар Мирзо деганлари?.. Овора бўласен! Сен эмас, менинг набирам Мўмин Мирзо валиаҳд ҳисобланадур, буни эсингдан чиқарма!” деб ўтиб кетди... Бадиуззамон валиаҳд экан, энди ўғлиям чиқди!

Музаффар Мирзо деразанинг олдига бориб узоқларга тикилди. Кейин кесатиб деди:

– Мени бундай паҳлавон қилиб ҳам туғмағон экансиз, онажон... Яқинда бошқа юртлардан паҳлавонлар келиб Боғи Зоғонда кураш жанглариини ўтказадилар... Курашларга тушардим, отамиз мисоли соврунлар олиб яйраб юрардим... ном таратиб...

Ҳадича бегим ўғлининг бошини силаб, эркаларкан, руҳлантирувчи сўзларни нисор этди:

– Садқаи кўзёшингиз, онагинангиз бўйингиздан ўргулсун. Ул бека номаъкулнинг нонини ебди, яшшамагур! Унинг мияси айниғон-ку! Гапи оғзидан чиқиб ёқасига ёпишсун, илоҳи! Қараб турадурғон анқов йўқ! Билсангиз, мен сиз учун, сизнинг униб-ўсишингиз, довруқлар солишингиз, Хуросон пошшоси мартабасига чиқишингиз учун яшаб юрибмен-ку бу дунёда! Ўзимни, умримни шунга бағишлағонмен! Темурбек бобонгиздек саркардалиқ мақомига эришурсиз ҳали! Ўх-хў... сизнинг оладурғон соврунларингиз мутлақо бошқа!..

Ҳадича бегим ичида ўзини ўзи койирди. Ўғлининг ўпка қилгани ўринли... Айб унда... Астрободни Музаффар Мирзога бериш ҳақидаги фармонни Султон ҳазратларининг бўйнига қўйиб қўйғон, бироқ қачон у амалга ошади? Бадиуззамон Мирзо тўғаноқ бўлиб турибди-да, унинг ортида Навоийдай қудратли зот бор...

– Менинг суянган тоғимсиз, ўғилжоним! – мактади яна маҳди улё. – Ухласам сизнинг ёдингиз билан ухлаймен, турсам сизнинг дуоингизни қилиб турамен. Душманларингизни барини бартараф этамен, йўлларингизни очамен. Сизга тўсқинлик қиламан деганлар ҳали менинг совунимга кир ювмабди, ҳа! Бошларига ит кунини соламен ҳали! Буни билиб қўйишсин! Сиз валиаҳд шахзодасиз, ҳали Хуросонни идора этасиз! Ҳозир Астрободни Бадиуззамон Мирзо банд этиб турибди. Худонинг зорини қилдим, падари бузрукворингиз кўнмадилар-да. Жиндай вақт ўтсин, уни у ердан силжитамен, кейин сизники бўлади, жоним ўғлим! Ўзим ёнингиздамен! Ўша кунлар узоқ эмас! Сабр этсунлар, сабрнинг таги сариқ олтин, дейдилар!

– Сабрнинг таги аллақачон олтинга тўлиб кетди-ку-я, фақат унга қўл етмайдур, холос! – онасини истехзоли сўз билан ўйиб олди шахзода. – Ёки... мен ҳам... Алишер Навоийга сиғиниб борайинмикин?.. Шунда ишим юришади шекилли...

Шу пайт остонада вазири аъзам Низомулмулк, Парвоначи, Ҳадича бегимнинг жияни лашкарбоши Саъдваққос ва Қозикалонлар пайдо бўлдилар.

– Зинҳор ундоқ қилмасунлар, шахзодам! – кирибоқ гапга аралашди вазири аъзам Низомулмулк. – Сиз шахзодасиз, у киши оддий амир, холос-ку! Волидаи мухтарама сўзларига кулоқ солсунлар!

– Агар Навоийга борсалар, бу ожизлик белгиси сифатида қаралиши аниқ. – сўз кўшди Парвоначи. Пакана бўйли бу одам ўз фикри йўқ, шамол қай томондан эсса шу ёққа буриладиган саъжияга эга, мансабига яраша барчага парвона эди.

Қозикалоннинг гапи залворлироқ чиқди:

– Шаҳзода амирга сиғинмайдур. Бу шаҳзода шаънига муносиб эрмас. Тарихда бунақасини кўрмағонмиз. Одатда, амир шаҳзодага сиғинадур...

Лашкарбоши Саъдваққос ҳам ортда қолмади:

– Тоғажон, сиз ёш эсангиз ҳам-чи, катта одамсиз, ҳа-а! Ўҳ-ҳў, жуда катта! Одамлар куладур...

Музаффар Мирзо уларга ижирғаниб қаради:

– Кулар эмиш! Нима бўпти кулса?.. Ёлғон ваъдаларга ишониб юрғондан кўра, бориб сиғинғон ҳам маъкул-да. Тезроқ муродимга етамен.

– Йўк, шаҳзодам... бу йўлга кириб муродга етиш мумкин эмас! – куйиб-пишиб деди астойдил ишонтиришга уринган Низомулмулк. – Агар ўзлари Навоий томонга ўтсалар, унда Султон жаноби олийларига хиёнат йўлига кириб қолурлар. Хоқони мансур сизга қаттиқ ишонадилар, суюкли ўғлим, валиаҳдим деб! Ҳазратнинг суянғон тоғларидан биридурлар! Ҳа-ҳа, бу ёғини суриштирсалар, Навоий ўз атрофига бутун шаҳзодаларни тўпламоқчи, кейин уларнинг бошларини бириктириб, Хоқони мансурга қарши кураш бошламоқчи, ҳа-ҳа, бошламоқчи, тахтни эгалламоқчилар... шекилли. Барчаси бирлашиб туйқусдан доруссалтана Ҳиротга ҳар томондан мўрмалахдай босқин уюштира, унда не қилғоймиз? Мана ҳозир Бадиуззамон Мирзо Ҳиротга бостириб келмакда экан. Чопар хабар етказди. Маҳди улё жаноби олияларига шуни айтмакка шошилдик.

– Ҳа-ҳа, мен ҳам биламен, уларнинг шундай нияtlари бор! Тахтни тортиб олишмоқчи! – вазири аъзам гапини тасдиқлади Парвоначи.

– Бировнинг тахтига кўз олайтиришмоқчи. Бунга уларнинг ҳақи йўк! – катъий ҳукм қилди Қозикалон.

– Балога йўлиққур Балиуззамон бостириб келмакдаму ҳали?.. – кўзлари кинидан чиққудай алпозга тушди маҳди улё. Бу янгилик унга қаттиқ таъсир қилди.– Астрободни олиб ҳам тинчимайди яшшамагур! Мен айтғондим Хоқони мансур жанобларига, Астрободни унга бериш хатарли деб! Ўзини ҳар нарсага қодир санаб, ёмон ишларга қўл уришдан тоймайди. Мана, бостириб келаётгонмиш... Шу етмай турувди ўзи...

Саъдваққос, мен ҳам сўзга аралашиб қўйяй, дегандай масхараомуз яниб деди:

– Келса, ўз бошини ейди-да, маҳди улё жаноби олиялари! Шунга ҳам ота гўри қозихонами? Ҳиротнинг тўрт томонига тўртта қўшин қўйиб қўйяйки, кўриб юраги зир-зир титрасун!! Менинг бир навкарим юзтасини ер тишлатади! Қолаверса, бизда тахтни бериб қўйиб, қараб турадурғон гўсхўрлар ҳали туғилмағон! Ҳеҳ-хеҳ-е!

Саъдваққоснинг овози залворли чиқаётгани бежиз эмасди. У кечаги оддий саркарда эмас, уч кун аввал салтанат амир ул-умароси мансабини эгаллаганди. Энди у тавочилар ва мол девонида васикаларга барча улуг амирлардан олдин муҳр босади.

– Аммо чиндан ҳам тахтни олиш нияти уларда йўк эмас... – қўшилди Низомулмулк гапга пишанг бериб. – Очикдан-очик гапиришади, ҳа! Ҳеч кимдан қўрқишмайди. Бунга йўл қўйиш номумкиндур. Тахт охир-оқибат сизники-ку ахир, шаҳзодам! Тўғрими? Гапим тўғрими?..

– Тўғри... – деди бўшашиб Музаффар Мирзо...

– Офарин! – қўлини қарсиллатиб мамнунлик ишорасини билдирди Низомулмулк. – Нима, тахтни бериб қўйиб, қараб ўтирамизми? Мана, қаранг. Навоий жуда найрангларга моҳир одам. Ширин гапиради. Ҳаммани ўзига маҳлиё этади сўзи билан ҳам, шеъри билан ҳам! Шундай десангиз, шаҳзодаларни аста-секин ўзига қаратиб олмақда. Содда шаҳзодалар унга ишонишади-да! Подшоҳим бундан беҳабардурлар.

– Тўғри, Хоқони мансур бундан ғофилдурлар... – деб қўйди Парвоначи ўйланиб.

– Кўрингиз, – давом этди Низомулмулк, у авжда эди. – Навоий Бадиузамон Мирзони ўғлим деб, бошини айлантириб олгон. Кепак Мирзога ҳам ёрдам кўрсатиб турадур. Абулмуҳсин Мирзога ҳатто қанчаям – юзми, икки юзми ботмон буғдой бериб юборибдур! Шунақа йўсинда шаҳзодаларни ўзига боғлаб олади-да. Муҳаммад Ҳусайн Мирзонинг ҳам, Фаридун Мирзонинг ҳам Навоий деса, қулфи диллари очилиб кетадур...

Вазири аъзам бирдан бармоқларини букиб, ичида нималарнидир санаб чиқди ва атрофга қараб бош чайқади:

– Ўҳ-ҳў... ўн тўрт ўғилнинг ярмидан кўпи ҳозирнинг ўзидаёқ Навоий томонига ўтиб бўпти...

Ҳадича бегим ялт этиб вазири аъзамга тикилди.

– Рост гап... – тасдиқлади Қозикалон, сўнг ўпкалангандай деди: – Буни қаранг, Амир Алишер биз қозилар шаънига ҳам аччиқ-тирсик гапларни айтиб, тил теккизгон эмишлар... Бизларнинг шоирга не алоқамиз бор?..

– Шайхлар ҳақидаги бир ғазалларини ҳам гапириб юришибди, – сўз қўшди жим турмай деган маънода Саъдваққос. – Нодон шайх деганмишмий ўша ғазалда... Ё қулоғимга шундай чалиндими...

– Саройда, саройдагина эмас, мамлакатда Навоийнинг нуфузи ортиб бормакда, – зуғумли деди Ҳадича бегим. – Сиздай қудратли аркони давлат, аъёнлар бунга бамайлихотир қараб турибсизлар... Сизларга тайинлагон эрдим-ку! Жиян, сенга ҳам айтғондим ...

– Айтгон эдингиз, аммажон... – ерга қаради Саъдваққос...

– Маҳди улё жаноби олиялари!.. Аммажон эмас!.. – жеркиб берди малика.

– Тўғри айтдилар, маҳди улё жаноби олиялари! Ҳушёр бўлишимиз керак. Бадиузамон Мирзони ўз ниятидан қайтариш учун, Навоийни унинг олдида юбориш кераклигини Хоқони мансурга мана бизлар айтдик... Очиғи, камина айтдим... Урушқоқ шаҳзодани ўзлари тинчитиб берсунлар... – ишни қойиллатиб ташлагандай сизди ўзини Низомулмулк.

– Бу жуда яхши таклиф, вазири аъзам жаноблари! Менинг хаёлимда ҳам шунга ўхшаш фикр туғилиб турувди... – маъқуллади Парвоначи.

– ...Шаҳаншоҳни кўндирдик. Ҳар ишнинг сопини ўздан чиқариш лозим... – Вазири аъзам мамнун эди, у “кўриб қўйингиз” дегандай маликага мағрур назар ташлади. Ҳадича бегим буни сизди. “Ҳа, буларни маҳкам тутмоғим лозим! Кўп ишларни уларнинг қўли билан адо этишим керак!..” – хаёлидан кечирди маҳди улё.

– Шоҳ Ғозий қўшинининг шаҳти зўр! – керилганча сўзга аралашди амир ул-умаро Саъдваққос ўз қўшинини макташдан эринмай. – Келса ҳам, бир ҳамлада Бадиуззамон Мирзо қўшинининг тит-питини чиқариб юбо-рамен! Урпоғи ҳам қолмайди. Менинг Сеистонда олиб борган жангимни Бадиуззамон Мирзо ўзи кўрган, тан берган... У билади бизнинг кимли-гимизни! Бир неча шахзодалар бирлашсалар ҳам бизга тенглашолмайди. Лекин барчасини Навоий бирлаштириб, мадад бериб турибди, бу аниқ.

– Аввало, бирлашмасликлари керак!.. Унда биз ёлғизланиб қолурмиз. Подшойимиз бизлардан маслаҳат сўрамай қўядилар. Ҳозир ҳам, билиб қўйинглар, салтанат палосига зўрға илиниб турибмиз, ҳа! Бир четидагина-миз!.. – ҳаприқди Низомулмулк ва Ҳадича бегимга қараб қўлини кўксига қўйиб таъзим бажо келтирганча давом этди. – Яхшиямки... бахтимизга маҳди улё жаноби олиялари қўллаб-қуватлаб, кўрғон бўлиб турибдурлар, ҳамма ишимиздан огоҳлар, акс ҳолда Амир Алишер аллақачон Маждиддин-га ўхшатиб кавушимизни тўғрилаб қўярдилар. Миннатдормиз, умрбод ма-ликамиздан қарздормиз! Биз сиёсат тарозисини қўлда маҳкам тутиш билан шайинига ҳам эътибор беришимиз керак, токи у ёқ-бу ёққа тебранмай, вази-ятни тўғри кўрсатсун. Шундай муаммолар келтириб чиқарайликки, уларни бартараф этишда подшомиз фақат бизлардан маслаҳат сўрасунлар. Ҳозирча Шоҳ Ғозий кўпроқ Навоий кенгашига суянадурлар...

– Тўғри, Султони соҳибқирон Амир Алишерни кўп гапирадурлар, – ва-зири аъзамни қўллаб-қувватлади Парвоначи.

– Яна бошқа бир жиҳат ҳам бор... маҳди улё жаноби олиялари ... – ово-зини пасайтириб сирли деди вазири аъзам.

– Хўш-хўш?... – Маҳди улё унга диққат билан қаради.

– ...Бадиуззамон Мирзони, Мўмин Мирзони Навоий бағоят ардоқ-лайдурлар, жон ўрнида кўрадурлар. Ўзим гувоҳмен, яқинда бир анжуманда кўрдим, Мўмин Мирзо ёш бола эканига қарамай, уни бола демайсиз. Ҳа, ақли тўлишган йигитлардай фикр юритади. Бир бало! Агар улар ўртасида алоқа узилса ёки уларга бирон кор-ҳол юз берса, бу нарса айланиб келиб Шоҳ Ғозий билан Амир Алишер ораларига раҳна солиши турган гап! Ахир шохига урсанг туёғи зиркирайди, дейдилар-ку! Икки дўст ораси бузилади кетади... Бу айни муддао!

Қозикалон ҳам, Парвоначи ҳам вазири аъзамнинг фаҳм-фаросатига тан бердилар. Улар бу томонини ҳисобга олишмаган эканлар, ўйланиб қолдилар. Ҳа, курашда усуллар кўп, барчасидан фойдаланмоқ керак...

– Сўзларингиз бағоят ўринли, пурмаъно, вазири аъзам жаноблари! – маъқулади маҳди улё. – Айтғонларингизнинг бари Алишер Навоийнинг обрўсига путур етказадур, албатта... Мўмин Мирзони худди отасидай са-ройдан йироқлаштирилса, бу зимдан Навоийга берилган катта зарба бўлур. Лекин... қандай амалга оширишни пухта ўйламоқ лозим. Шунда Музаффар Мирзонинг тахтга миниши ҳам тезлашади... Музаффар Мирзонинг тахтга миниши муродимизга етганимиздур. Бизга шу керак.

Аркони давлат вакилларининг турфа хил сўзларини анқайиб эшитиб турган Музаффар Мирзонинг сабр-тоқати тугади шекилли, аъёнларга бир-бир қараб чикди-да, жеркиб ташлади:

– “Ундоғ қилса...”, “бундоғ бўлса...”, “керак...”, “лозим...” Эҳ-ҳе... Сизларнинг ҳисоб-китобларингиз амалга ошгунча ҳали чиқмаган соқолим чиқиб оқарар экан-да! Астрободни олиб беролмаётирсизлар-ку, тахт ҳали осмонда!..

Шаҳзода қўл силтаганча ташқарига йўналди.

– Тўхтангиз, ўғилжоним!.. – қичқирди маҳди улё. Музаффар Мирзо кулоқ солмай чиқиб кетди. – Нима қилмоқчисиз?..

Эшик ортидан:

– Ўзим биламен! – деган овоз эшитилди.

Ҳадича бегим, “Нима қилиб қўйдиларинг?” дегандай вазири аъзам, Парвоначи, лашкарбоши, Қозикалонларга ғазаб билан ўқрайиб қаради ва йиғи аралаш деди:

– Ўзим биламен, дейдир. Нимани биладур?.. Она сути оғзидан кетмаган бола! Ҳеч нарсани билмайдур! Борингизлар ортидан! Юпатингизлар!

Низомулмулк ичида: “Юпанади, юпанмай қайга ҳам борарди...” деб қўйди ва маликага юзланди:

– Бош устига, маҳди улё жаноби олиялари!

– Юпатамиз, маҳди улё жаноби олиялари! – деркан, Қозикалон хаёлида бошқа ўй кечарди: “Вазири аъзам Бадиуззамон Мирзонинг Астрободдан бостириб келаётгани ҳақида дадил гапирдилар. Бу ростми, ёлғонми?.. Йўғ-е!.. Агар шу гап рост эрса, Қозикалон эшитарди-ку!..”

– Ҳозироқ кўнглини топишимиз керак, маликам! – парвоначи қўл қовуштирди.

– Айтамиз, шаҳзодани юпантирамиз! Юпанмағонига қўймаймиз! – амир ул-умаро Саъдваққоснинг сўзлари ишончли жаранглади.

– Тез ортидан борингиз!.. – буюрди яна маҳди улё.

Барча ортига тисарилганча хонадан чиқди.

Ҳадича бегим юрагини ушлаганча ҳолсиз ўтириб қолди.

– Оҳ, бу охирзамоннинг болалари! – деб юборди маҳди улё ўксиниб. – Бизни адойи тамом қиладур! Адойи тамом қиладир-да, гўрга тикиб тинчий-дур! Ҳа, ҳамма нарсани ўзим биламен, деб куйдирадур бизларни! Болалар эмас, балолар! Юракларим қон бўб кетди-я! Опоқ! Қайдасен?.. Опоқ!! Давлат!! Қаерга йўқолдинглар?! Келинглари!.. Юрагим сиқилиб кетди-ку!.

Ичкаридан “Ҳу-вв!” ”Ҳози-и-р!” “Боряпмиз!” деган овозлар эшитилди.

Бинафшазорда

Ҳиротда тонг отиб келарди.

Навоий бомдод намозидан сўнг бинафшазорга қараб юрди. Машҳадда таҳсил олиб юрган вақтларида атай подшо Абулқосим Бобур боғидаги бинафшазор сайрига борарди. Албатта, у Унсиядаги бинафшазорга унчалар ўхшамасди. Унсиядаги ўзининг бинафшазори, унда Бадъеулжамоулнинг нафаси сезилади, бамисли руҳи учиб юради, малакнинг ўзи ҳали-замон бинафшазор ичидан чиқиб келадигандай туюлаверади... Асли котиблик қилгувчи

хиротлик шоир Вайсий бир байт ёзибди, ажабо, мазкур байт худди Навоий рухиятининг ифодасидай туюлди... Шоир бундан бағоят ажабланди: Вайсий Навоий сиридан огоҳ эканму? Бу сир ҳеч кимга маълум эмас эди-ку!

*Рафтам бу сайри боғи тавофи бинафшазор,
Омад зи ҳар бинафша маро бўйи зулфи ёр.²*

Субҳонолло! Бу сатрлар айнан Навоий ҳақида! Тўғри, бир куни Вайсий Унсияга келганда бинафшазорга ҳавас билан қараб кезиб чиққанди. Лекин Навоийнинг сирини қайдан билибди?..

Навоий бинафшаларга назар ташлади. Гуллар аразлашгандай ерга бокиб туришарди. Шоирнинг юраги қисинди. Шу пайт Гозургоҳ тарафдан ёқимли тонг насими эсишга турди. Гуллар ноз уйқудан эндигина уйғонган парилардай оҳиста эринчоқлик билан тебраниб, чехраларини оча бошладилар. “Соғиндингизларму? – сўради Навоий уларга эшитдирмай. – Ҳа, соғинадур киши...”

Бинафшазорни ўраган ариқда ҳамон зилол сув оқади, тинмайди, оқади, зилол, тип-тиниқ... аммо ортига қайтмайди. Йигирма йил олдин қандай бўлса, шундай оқади... Умр оқар сув, дейдилар. Сувмикин? Ё сутмикин? Йўқ, сутли ариқлар жаннатда мавжуддир, холос. Балки... зардобдур?.. Навоийнинг фикрича, умр оқар сув эмас, зардобга тўла дарёдур... Уни вақтга қиёс этилса мумкин. Ҳа, умр – вақт...

Вақт ҳеч кимга тутқич бермайдиган, ҳеч ким тўхтата олмайдиган кўзга кўринмас паҳлавон. У ҳеч кимга зор эмас, биров билан маслаҳатлашмайди, кимсага зуғум ўтказмайди, бировдан ёрдам сўрамайди, бировдан ўпка қилмайди, ўз ўзанида оқади, лекин иши ошиғич. У – кутиб ўтирмайдиган, тез ўтадиган, майин, мулойим, аммо қудратли, бешафқат хилқат... Ҳар нарсанинг интиҳоси бор, аммо вақтнинг интиҳоси йўқ. Унга тепша-тенг чопадиган мардни кўриш ҳали жаҳон аҳлига насиб этмади...

Навоийнинг вақтни ҳисобга олмай ният қилган орзулари бор эди.

Биринчиси... турк оламининг яловбардори, дунёга доврुक солган Соҳибқирон Амир Темур ҳақида бир дoston яратиш... Ахир шундай қаҳрамон билан энг аввало миллатнинг шоири фахрланади, қаламидан нурлар ёғилади! Шоир қаддини кўтариб кўядиган зотлар – халқнинг жасур ва мард ўғлонлари!.. Қаттиқ белини боғлаб ишга киришаман, деб турган вақтда, малик уш-шуаро Мавлоно Лутфийнинг ҳам буюк жаҳонгир борасида манзума тузгиси борлиги хабари қулоғига чалинди, қувонди, ўзлари бир дийдорлашувда бунинг учини чиқаргандилар ҳам.

Бироқ устознинг бу нияти лат еди, чунки ул зот Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома”сини мутолаа қилиб, тамом мафтун бўлиб қолди! Оламнинг кенглигини англади. Соҳибқирон ҳақида янги асар ёзишдан кўра, “Зафарнома”ни назмда она тилимизга ўгириш авло кўринди ва дарҳол ишга

² Форсча, яъни: *Бинафшазорни зиёрат қилмак учун боғни сайр этдим, Ҳар бир бинафшадан менга ёр зулфининг ҳиди келади.*

киришиб кетди. Ўн минг байтдан ортиқроқ маснавийси бор, баёзга ёзмагани³ учун шуҳрат тутмади. Навоий устозга тавозе кўргизиб, бу ишини кейинга қолдирди.

Иккинчиси... албатта иншо этилиши шарт асар – маснавий Султон Ҳусайн Мирзо Баҳодирхон тўғрисидадур. Холисанлилло айтганда, ҳеч кими йўқ, тирик етим Навоийнинг ҳозир Хоқони мансур Шоҳ Ғозий Султони соҳибқирон Абулғози Баҳодирхон ҳазрати олийларидан ўзга яқин одами, сирдоши, дўсти йўқ... Ота-онаси, икки тоғаси оламдан ўтдилар... Суйган малаги, дилпораси Бадъеулжамол ҳам дунёдан кўз юмди...

Навоий бир умрлик дўсти ҳақида кўп ўйларга ботади. Шоир назарида, Султон Ҳусайн Мирзо улуг бобоси Амир Темурга муносиб саркарда бўлиб етишди, қудратли улкан давлат тузди, Темурийлар ичида Соҳибқирондан кейин турадиган зукко подшо ва жасур саркарда экани барчага маълум. Навоийнинг унга ҳурмати чексиз, йўқ, подшолиги учунмас, чин дўстлиги учун!

Шоир сезади: Султони соҳибқирон ўз дўстининг ёлғизлигидан ҳамиша юраги қийилиб туради, шу сабабдан холи қолдирмасликка интилади, чалғитиб, гоҳ у мансабни, гоҳ бу вазифани – буғдой йиғишми, навкар тўплашми, Ҳирот безориларини бартараф этишми ёки жанжалкаш ўғилни инсофга чакириб, қайсидир вилоятга бориб келишми... – ўйлаб топади, байрамларга тортади, назмий суҳбатлар қуради, ахир кўп асарлари Хоқони мансурнинг таважжуҳи билан ёзилган-да. “Ҳамса”, “Вақфия”, масалан... Инчунин Навоий дўсти билан фахрланади, ўзининг бутун шижоатини, ақл-идрокини, салоҳиятини, умрини унинг салтанати ишлари ривожига, равнакига бахшида этиб қўйган, фидо қилишга тайёр! Унинг биринчи суянчи Оллоҳ эса, иккинчиси дўсти Султон Ҳусайн Мирзодур...

Рост, хулқи биров тезроқ, сўзи ҳам хулқидек ўткир... Лекин кўнглида кири йўқ, ғуборлардан холи, боладай содда, ишонувчан, ёмонликни ўйламайди, кўчқор, хўроз уриштиришларни яхши кўради. Агар кўчқори ютиб чиқса, бамисли жангда ғалаба қозонгандек бўлиб кетади ва самимий қувончларга чўмади.

Шеърятни ўзига хос, ажойиб! Назм чаманининг сарви сарбаланди ким, деса – шул зотдур, мурувват маъданининг гавҳари аржуманди ким экан, деб сўрасалар, яна шул зотни кўрсатурлар! Зукко шоир! Марғуб абёти бағоят кўптур. Субҳонолло! Бир байтда битибдурларки: “жон иси...” деб! Ҳайхот! Ёр иси, гул иси, ғунча иси маълум эди оламда, лекин... “Жо-он иси!” Ҳали бундай иборани ҳеч ким учратмаганди!

Назмни ёзмоқ ва назмни англамоқ бошқа-бошқа нарсалар. Навоий Султон Ҳусайн Мирзонинг ғазални нозик дид билан фаҳм этишига, инжа нукталарини англай олишига ҳамиша тан беради, унинг гўзал байтларидан мақтовларини аямайди, завқ-шавқли мадҳу санолар ўқийди.

Турли дамларда учрашганларида иккиси ҳам ўзларининг дўстликлари ҳақида жўшиб сўзлашни хуш кўришади, иттифоқо, суҳбат тизгини ҳам доим шу томонга тортиб туради. Садокат, ихлос, оқибат, улуг дўстликка меҳр, уни

³ Яъни, тўппам қилинмаган, маъносида.

қадрлашни унутмаслик борасида бебаҳо сўзлар янграйди. Сухбат давомида хонанда “Кошки” ашуласини хиргойи қилиб ўтиради. “Кошки”!.. Бу қўшиқ эмас, балки чин дўстлик мадҳияси, оқ кўнгилдан чиққан олқиш эди!

– Амир Алишер, бу қўшиқнинг шу қадар жонбахш эканига қойил қоламен, бир эшитсам яна эштай, дейман. Бунда не сир бор? Ғазал дурри яктодур, наво аълодан аълодур!..

Навоий бироз ўйлангач, деди:

– Мен эшитсам, Хоқони мансур жаноблари, гоҳ болалигим эсимга тушадур, гоҳ ўзларининг бесаранжом қозоқи йиллари... Тушунмаймен, нега шундай ҳол юз берадур. Дам йиғлагим, дам қувончдан ҳайқиргим келадур...

– Менга ҳам ушмундоқ туюлур, Амир Алишер! – ҳаяжонланиб кетди подшо. – Мен ҳам бошқача бўлиб кетамен, вужудимда туғён уйғонур! “Кошки” бизнинг умримиздан қисса айтаётир. Биласизму, бир муқояса келди: қарангиз, бу қўшиқда савт бор, наво бор...

– Субҳонолло! Нима демакчилар?.. – ҳайратланиб тикилди Навоий...

– ...Савт бор, наво бор... – давом этди Султон Ҳусайн Мирзо ўйланганча. – Кеча Майманадан қайтаётғонимизда, Шайхимбек Сухайлий қизиқ гап айтиб қолдилар... Кўз олдимда бошқа бир дунё очилгандай туюлди...

– Шундоғму?.. – Навоий жилмайди. – Ул кишим ёмон сўз айтмайдурлар...

– Ҳа, шундоқ... Шайхим айтдиларки, камина “Кошки”ни тингласам, савт билан навонинг бир-бирига нечоғлик муносибу мувофиқ тушганини кўрамен, буюк санъат ҳусни камолидан роҳат қиламен. Чиндан ҳам, тан таом билан, руҳ эса куй билан тирикдир... Аммо айтмакчи сўзим бошқадур. Айтмакчи сўзим, Махдуми Нуран Жомий ҳазратлари билан боғлиқ...

– Хўш, хўш?... Ҳазрат “Кошки”га татаббу қилғон эдилар... деди Навоий.

– Ҳазрат жуда зўр муқояса қилдилар-да! Ҳайратга тушдим, деди Шайхим Сухайлий. ...“Кошки”ни тинглай туриб, дебдилар Махдуми Нуран, унинг икки устуни борлигини кўрдим; савт (овоз, сўз) ва наво (муסיқа, куй) ва гар Хуросон салтанатини бир улуг суруд, порлоқ қўшиқ десак, унинг савту навоси Султон Ҳусайн Мирзо ва Алишер Навоийдурлар! Икки дўст, салтанатнинг икки устуни!.. Ҳазратнинг бу ажойиб ўхшатишидан борлигим титраб кетди! Тилим боғланиб қолди! Кейин Махдуми Нуран масалада теранлашдилар: “Жаҳоний уйғунлик пайдо қилиш учун муסיқа, наво ўта нозик, нафис, ниҳоний туйғуларнинг оҳангий ифодасига айланади, лекин наво, уни талқин этиш, тасвирда кўрсатишда сўзга яъни савтга муҳтож бўлади. Савту наво шундай вужудга келади... Аммо сўз муסיқа, навонинг ҳадсиз теранлиги тубига етолмайдур, туйғу англатишнинг инжа жабҳасига ҳам эришолмайдур... Наво – тубсиз ва теран хилқатдур...

Икки дўст бир-бирларига тикилганча қотиб қолдилар.

– Субҳонолло! Камина бу қўшиқни шунча эшитиб, хаёлимга бундай фикр келмағон эрди! – деди бироздан кейин ёқа тутиб Навоий. – Ғазалга, эй Султони соҳибқирон, ўзларининг диққат этғонлари ҳам бежиз эмас эркан...

– Тан олайки, камина ҳам бунчалар теран ўйламағондим! – самимий ҳайратланди Хоқони мансур...

– Бизлар, ялакат мағиз, эш-қўш, савту навомиз! – ғурурланди Навоий.

– Савту навомиз! Савту наво! – деди Султон Ҳусайн Мирзо ҳам. Иккиси ҳам бир-бирига суянган, ишонган, савту наводай бирлашиб кетганликларини чуқурроқ англадилар.

Учинчиси... Шоир нариги ҳафтада Мусалло ёқдан келаётиб, беихтиёр узокдаги тоғларга назар ташлади. Сокин ва хомуш тоғлар бағрида нималар пинҳон, уларни қачондир кимдир била оларму ёки аср-асрлар шундоқ ётарму экан, деган ғалати ўйларга ботди. Шундоқ, одамнинг кўнглидаги сирларни-чи?.. Одамнинг кўнгли тоғлардан ҳам оғир, ундаги жамулжам сир-синаотларнинг тубига етиш мумкинмикан?.. Бирдан кўнглида яшириниб ётган, сирлар пардасига чулганган ўзининг покиза муҳаббатини, ўн гулидан бир гули ҳам очилиб улгурмаган севгисини эслади... Юраги беҳол увалгандан увалди... “Шундай толе насиб этгонингга ҳам беадад шукр, Оллоҳим!..” пичирлади ичида... Чунки Бадъеулжамол ишқи унга бир умрга етгулик тансиқ дард, илоҳий мадад эди. Ва шу лаҳза ўз-ўзидан бир байт шеър қуйилиб келди:

*Бир неча кун умрдин топсам амон,
Шарҳи ишқим назм этай бир достон!..*

Рост, у ўзининг шарҳи ишқини баён этмоғи керак, достон ёзмоғи жоиз. Лайли-Мажнунлар достони ҳам таърифда тенглашолмаслигига асло шубҳа қилмайди. Достон – унинг қалбида, жону дилида, онгида, тафаккурида...

Бадиуззамон Мирзо – Балх ҳокими

Мамлакатнинг Балх, Қундуз, Ҳисори Шодмон шаҳарлари томонидан до-руссалтанага келаётган нотинч хабарлар Султон Ҳусайн Мирзони ҳамиша хушёрликка чорларди. У тез-тез ўзининг хавотирларини Навоийга айтар, унинг фикрини билишни истарди.

– Ҳисори Шодмон қалъаси Мовароуннаҳрда эътиборга сазовор истехкомлардан бири сифатида машҳурдир, – деди Навоий. – Искандар Зулқарнайн қўшинлари юртга бостириб кирғонда элга қалқон бўлғон, мана шу Ҳисори Шодмон, Чингизхон навкарлари отларининг туёқлари остида топталғон ҳам шу, – Ҳисори Шодмон...

– Биламен... – тасдиқлади шоир сўзларини Султон Ҳусайн Мирзо. – Амир Темурнинг сафдошларидан бири нуфузли Амир Кайхусрав вақтида обод ва хушманзара шаҳарга айланғонди. Мустаҳкам ва ишончли кўрғонлиги важи-дин Ҳисорни Амир Темур Кўрагон ҳамиша диққат марказида тутардилар. Салтанатнинг совуту зирҳлар, қурол-аслаҳалар сақланадурғон муҳим ҳарбий омбори – машҳур зарродхона шу Ҳисори Шодмонда жойлаштирилғонлиги ҳам бежиз эмас...

Хуросон ва Туронда вазият қаттиқ шамол эсган денгиздай чайқалиб турарди. Самарқанд ҳокими Султон Аҳмад Мирзо ибн Абусаид кирк уч ёшида

ногаҳон дунёдан кўз юмиб, такаббурлик уйини тарк этиб, охиратнинг роҳат ва сурур саройига кўчиб ўтгач, унинг укаси Султон Маҳмуд Мирзо тахтни эгаллаш учун Самарқандга шошилди, шу аснода катта ўғли Султон Масъуд Мирзони Ҳисори Шодмонда ўринбосар сифатида қолдирди, Бухоро ва унинг атрофидаги ерлар тизгинини эса бошқа ўғли Бойсункур Мирзога иноят қилди.

Бир йил ўтар-ўтмас Султон Маҳмуд Мирзо кутилмаганда бетобланиб тўшакка михланиб қолди ва нариги дунёга равона бўлди. Амирлар ва улуғлар, элнинг катта-кичиги иттифоқликда мураса-ю мадора йўлини тутиб Бойсункур Мирзони Самарқанд маснадига ўтказдилар.

Султон Масъуд Мирзо отаси вафот этгач, ўзини мустақил санаб, ҳеч кимга маслаҳат солмай Ҳисори Шодмонда тангани ўз номига зарб қилдирди, хутбани ўз исми зоти билан безатди, шундоқ йўсинда салтанат пойдеворини мустаҳкамлаш ташвишини чекди.

Шу йилларда ўз вақтида раҳматли Султон Маҳмуд Мирзо тарбиясини олиб, яхшиликларини кўриб, унинг меҳри офтобида ўсиб-улғайган, эътибори шарофатидан баланд мартабаларга эришган Хисравшоҳ деган амир Қундуз ва Бағлон мамлакатларида салтанат аробасини юргизарди. У Султон Масъуд Мирзога итоат расмида юрса-да, шайтон васвасасига берилиб, кўнглида фитналар ин қўя бошлади. Қараса, юрти тўкин, халқи кўп, ҳашамат асбоби зиёддан-зиёд... Дасти узунлигига мағрур, ўзидан кетди. Қудратини равнақ топиб авжига чиқди, деб ҳаёл қилди ва ошқор равишда Султон Масъуд Мирзонинг ҳукму фармонларини бажаришдан бош тортди.

Бу хабар доруссалтана Ҳиротга етиб борди, бундан Ҳокони мансурнинг иззат-нафси қаттиқ лат еди, эшитиб ғазаб отига минди, ғайрат томирлари кўзгалди.

– Амир ул-умаро Саъдваққос!.. – жаранглади ғазабнок подшонинг сўзлари. Амир ул-умаро югуриб келиб подшо олдида тиз чўкди:

– Зудлик бирлан кум зарраларидан ҳам кўп, дарахт япроқларидан зиёда, филу шерлар билан кураш даъвосини қилгувчи, майдонларни титратгувчи лашкар жамлансун! Тавочиларга буюр, муфассални аниқ қилсунлар!

– Жоним устига, подшойим!

Амир Саъдваққос қўли кўксида орқаси билан юриб чиқиб кетди.

– Амир Бобоали! Шитоб Астрободга йўл оласен! Султон Бадиуззамон Мирзога етказасен: тезликда тиш-тирноғигача қуроллангон Журжон қўшинини ияртиб Амуя соҳилига етиб келсун ва қутлуғ мавкаби кишвар оройга қўшилсун! Ўзга шахзодалар билан бирга олий салтанат душманларини томиридан қўпориш учун шижоат камарини жон белига боғласун!

Бадиуззамон Мирзонинг кундай равшан, ҳамма бажариши лозим олий фармонни серрайиб бепарво туриб эшитиши Амир Бобоалининг қитиғ пати-га тегди... Ҳеч нарса тушунмади. Жаҳли чиқиб, қони қайнади, аммо шайтонга ҳай берди... Астробод ҳокими очикдан-очик олий фармонга ҳурматсизлик кўргизди, ўзини ҳеч нарса бўлмагандай тутди.

Шахзода отаси ҳақида гап кетса, дарҳол онасини эсларди, аввал маҳди улё макомида иззату эътибор қозонган маликани, кейин хўрланган, сарой-

дан қувилган муштипар онасини!.. Кейин... шундай маликанинг ўғли сифатида, тўнғичлигига қарамай эл кулгисига қолган, хурматини йўқотган ўзининг аянчли қисмати ёдига тушарди. Барини ўйлаганда, Ҳадича бегим эмас, энг аввало, отасидан ўпка қилишга ҳақи борлигини сезарди, лекин бу қадам тўғри бўлармиди, йўқми, билмасдан қийналарди. Ҳамиша ўқсиз алам уни ич-ичидан кемирарди, кемираверарди...

Ким айбдор? Балки кимлардир айбдордурлар, аммо Бадиуззамоннинг айби нимада?..

Бечора онаси барча маломату тухматларни кўтара олмай яқинда минг азобда дунёдан кўз юмди... Маликани Ҳиротда Бадиуззамон ўзи курган хос мадрасада дафн этди.

Фармон келган куни эртаси саройда Бадиуззамон Мирзо ва Хоним бегим суҳбатлашар эдилар, Мўмин Мирзо кирди-да, уларнинг рўбарўларига тиз чўкиб, фавқуллодда ақлли кўзларини уларга тикди.

– Кел, кел, ўғлим! Ўғлимжоним!...– суюб деди Хоним бегим.

Шаҳзода хотиржам отасининг олий фармонга бепарворок қараши сабабини сўради:

– Отажон, қандай йўл тутмоқчилар?.. Олий фармонда “тез” каломи уч марта айтилибдур... Вазият танг шекилли...

Бадиуззамон Мирзо ўғлининг синчковлилигидан ҳайрон қолди. “Йўқ, бормаймен!..” демоқчи бўлиб турганди, хайриятки, ўзини тўхтатди. У бирдан оталик ҳақ-хурматини ўйлади шекилли, ёки одобли ва андишали ўғли Мўмин Мирзо олдида, отамга шундай кўполлик қилсам, фармонини адо этмасам, ўғлимга нима дейман, деган ҳаёлга борди шекилли, уялди, тилининг учида турган бетоле сўздан воз кечиб, шаҳзодани бағрига олди-да, бошини силади ва мутлақо бошқа нарсадан гап очди:

– Менинг пешонаси порлоқ, бахти бекам ўғилжоним! Ҳозир муҳтарама волидаи зорингиз икков кенгашиб ўлтирибмиз... Журжон вилояти юмушлари жиловини, иншооллоҳ, сизнинг қобилиятли ва қудратли кўлингизга тутқазурмен! Ҳазрат Навоий ҳам ўз мактубларида шу ҳақда ўтинибдурлар! Мен эсам олий фармонни ижро этишга йўл олгумдир!

Мўмин Мирзо таъзим айлаб меҳр билан отасининг қўлини ўпаркан:

– Ишончингизни оклайдурмен, падари бузрукворим, азиз валинеъма-тим! – деди-да, ўзини отасининг кучоғига отди. У бахтиёр эди...

Бадиуззамон Мирзо Амир Бобоалига буюрди:

– Муҳтарам амир жаноблари! Кўришгунимизча, ўзлари Мўмин Мирзо ёнидан жилмасунлар! Аткалик қилсунлар! Ҳазрат ҳам эшитиб мамнун бўлғайлар, иншооллоҳ!

Амир Бобоали Мўмин Мирзони жуда авайлар, яхши кўрарди. У розилик билдириб бош эгди.

– Бошим устига, шаҳзодам! – амирга шаҳзода тутуми маъқул келди.

Эртаси куни Бадиуззамон Мирзо сафарга жўнар экан, ўғлига тикилиб қаради, қаради-ю болаларча содда ва маънос кўзларида катталарга хос қандайдир мунг кўрди, нимагадир кўнгли титраб кетди! Хайрлашганда одам одатда шундай ҳолга тушади, деб ўзини овутди. Фавқуллодда куч билан

ундан юз ўгирди-да, Амуя соҳили томон от қўйди! Ортидан улкан қўшин бўрондай қўчди...

Фурсатни ўтказмай Ҳиротдан чиқиб, не-не манзилу бекатларни ортда қолдирган Ҳокони мансур Султон Ҳусайн Мирзо раҳнамолигидаги салтанат чериги қуббат ул-ислом Балх шаҳрига етиб келди, бу ерда бир неча кун тўхтаб нафас ростлагач, йўлни давом этдирди. Кўп ўтмай Ҳумоюн ўрду Ҳисори Шодмон томонга ўтиб олиш учун Амуянинг қулай Сангрёза кечиги олдидаги хушманзара майдонда туғ тикди.

Шу ерда саркарда амир Валибек, Амир Сайфиддин-некўз авлоди, подшога арзадоштга келди:

– Ҳокони мансур жаноби олийлари! Бир қошиқ қонимдан кечадурлар... Қундуз ва Бағлон ҳокими Амир Хисравшоҳ Қундуз ёқларда кўп ҳаддидан ошиб, ўзини қўйгани жой тополмай, беадабликларга йўл қўймоқдаки, сўзланса гапнинг ипи чувалиб кетадур... Бошдан-оёқ қуролланган жаррор қўшин тўплагон, ўтган кечикларни атай бузиб яроқсиз ҳолга келтирган эмиш. Тап тортмай ҳоконликнинг мол-мулкларига кўз олайтириб, ошкора талон-торож қилишга бел боғлагонини яшириб ҳам ўлтирмайдур. Кимга қарши бош кўтарайтгонини англамайдур... Чумоли ўзини тоққа қиёслабдур. Баттарин амирнинг таъзирини бермак учун тез қўшин юбормоқ лозим, подшои олам!

Ҳокони мансур бу сўзларни эшитаркан, қийик кўзларида ғазаб учкуни чакнади! Илгари ҳам шундай ҳоллар юз берганди, чамаси, учкуннинг алангага айланиш фурсатлари энди етди...

Ҳа, Қундузга, ўзига қаттиқ бино қўйган ўша қайсар Амир Хисравшоҳни даф этишга кучли қўшин юбормаги лозим! Аммо... кимни лашкар бошига қўядур? Кимни? Муносиби Бадиуззамон Мирзо эрди, лекин у ҳали йўлда...

Хуросон подшоси бир-бир ўғилларини кўз олдидан ўтказа бошлади. Абутуроб Мирзо... Дарвишнамо йигит, бир кўзи ожиз... нечундир бадҳайъат, бесўнақайроқ... Музаффар Мирзо... бироз тантиқ, худбин ва ўжар. Ҳарбий тажрибаси йўқроқ... Лекин барибир подшонинг суюкли ўғли ҳисобланади. Шижоат ўти озроқ... Лекин қаловини топса, оз ўт кўп ўтинни куйдира оладур. Муҳаммад Ҳусайн Мирзо эса... падари бузрукворидан ижозат олмай яширинча рофизийликни қабул қилган. Подшо уни койиди. Фаридун Мирзо... Ўзи хийли мардона, ёйни кучлик тортиб, ўкни яхши отади, аммо унда жангчилик маҳорати йўқ. Қаердаки саваш қурди, барчасида майдонни ташлаб қочиш насибаси бўлди... Муҳаммад Масъум Мирзо... Иброҳим Мирзо... Барча ўғиллари яхши, лекин шахзодаларнинг бирортасига ҳам майдонни ишониб топшириш қийин... Улар орасида, афсуски, иноқлик ҳам йўқ...

Шу палла кутилмаганда Астрободдан Султон Бадиуззамон Мирзонинг Ҳумоюн ўрдуга етиб келгани ҳақида хабар тарқалди. Боши қотиб турган Ҳокони мансур фавқулодда қувонди! У “Тўнғич ўғли келди... ва душманни енга оладиган саркарда ҳам шу... Албатта, шу!...” деган қарордан кўнгли бағоят равшан тортиб кетди.

Амир Валибек шохнинг қисик кўзлари ёшдан ёқимли нурланганини кўрди.

– Падари бузрукворим! Валинеъматим!.. – отаси олдида тиз чўкди Бадиуззамон Мирзо подшо қўлини ўпиш бахтига муяссар бўлганидан мамнун, фахр бошини юқори кўтариб. – Йўллар узоқ, нотекис, бўртоқ экан, озгина хаялладим, интиқ этдим, кутдириб қўйдим, узр сўраймен...

– Ҳа... Соғиниб қолдик... ҳамиша интиқмиз... – жилмайди Ҳокони мансур. – Астрободга кетгонларидан бери кўришмадик, шахзодам... Ўзингга шукр, Оллоҳим, шохга ҳам мадад етказдинг, сипоҳга ҳам...

Ўрдуда ҳамма хурсанд эди. Кўнгиллар ёришди. Шохчодирда тездаёқ барча саркардалар йиғилдилар.

– Ушбу айёмда бетавфиқ Амир Хисравшоҳ Темурийлар паноҳида тузини еб, сувини ичиб, семириб, кучга тўлибдур, васвасага тушиб, ўзини одам санаб журъат ва жасорат оёғини дадил Қундуздан ташқарига қўйибдур. Қўрқмасдан зафар дастгоҳли улуғ қўшинга қарши урушга шайланибдур, Бўлажак ғалабалар нашъасидан хомтама, чоғи. Бетавфиқ тоғни оёқости қилмокни хаёл қилибдур, – мазахсинди Ҳокони мансур. – Шу важдин, мазкур олий фармон битилди:

“Музаффар Мирзо лашкари билан дарёдан ўтсун ва Султон Бадиуззамонга қўшилсун! Салтанат юлдузлари бўлган ҳар икки шахзода бир-бири билан иноқу иттифокликда салтанат байроғини баланд кўтарсунлар, ёғий Амир Хисравшоҳ устига бостириб борсунлар ва уни ер билан яксон этсунлар!”

Султон Бадиуззамон Мирзо вазият ва жойларни чамалаб кўриб, Қундуз йўлидаги Оқтош мавзеини уруш ва кураш майдони, деб белгилади. Беш минг кишилик Журжон қўшинининг зафарли байроқлари ҳилпираб осмонни беади. Ноғора ва бурғу овозлари янграб борликка таралди. Майдонда улкан лашкар бўй кўргизди. Ким назар ташласа ҳам, унинг кўнглига ваҳима тушиши муқаррар эди.

Кейинини ўйламай қадам босадиган Амир Хисравшоҳ душман қорасига кўзи тушди-ю юраги орқасига тортиб кетди! Баҳайбат черикка қандай бас кела оларкинман, дея кўнглига қўрқув оралади.

Бирдан ноғора садолари остида Журжон аскарларининг гувиллаган овози эшитилди:

– Оллоҳ, Ватан ва подшо учун жон бахшид-а-а!

– Оллоҳ, Ватан ва подшо учун жон бахшид-а-а!

– Оллоҳ, Ватан ва подшо учун жон бахшид-а-а-а!

Бу Соҳибқирон Амир Темурдан қолган одат, ҳар қандай юракларга ҳам ларза солиб, япроқдай титратадиган ҳарбий ҳайқирик, жанговар хитоб эди!

Шахзода ва нўёнлар жангга отилай деб турганларида, чап томонда шахзода Музаффар Мирзонинг асъасаю-дабдаба билан келаётган уч минг кишилик қўшини кўринди. Бунини илғаган, ўзи иккиланиб турган Амир Хисравшоҳ қарори қаътиллашди: “Вақтида қочиб қолмоқ ҳам зафар белгисидур! Душманга тенг келмагимиз мушкул! Дарҳол чекиниб, Қундуз қалъасига кириб олайлик! Қалъа мустаҳкам, чумоли деворидан юқори ўрмаласа оёғи тояди! Унга биров чиқолмайди!”

У чекинишга буйруқ берди. Тўрт минг жангчидан иборат Кундуз кўшини байроқ юзини ортга бурди.

Шахзодалар ўрдусида қувонч садолари янгради. Ҳамма хурсанд эди. Кенг майдонда от устида турган шахзодалар ўртасида бошланган суҳбат, бора-бора ўзаро кадр талашишга айланиб кетди:

– Думини хода қилиб қочиб қолди-ку Амир Хисравшоҳ! – масхаралагандай деди Султон Бадиуззамон Мирзо боши-боши қилаётган оти жоловини сал тортиб кўяр экан, Музаффар Мирзога қараб. – Ҳолинг шу экан-ку, тагин сурон кўтарасен! Кўрпангга қараб оёқ узатмайсенму?

– Ҳа, ўзининг кимлигини унутиб кўйгон бечораларнинг ҳоли шу, рост айтадурлар, – кўзларини қисганча маъқуллади Музаффар Мирзо узоқларга тикилиб. – Амир Хисравшоҳ сизга қарши чираниб жангга отиламен, деб хезланиб турганди, аммо биз кўшилганимиздан кейин, фикридан қайтди, ҳайбатимиздан кўрқиб оти жоловини саваш майдонидан қочиш даштига бурғонини ўз кўзингиз билан кўрдингиз-ку!.. Мақтансак арзийди...

– А?.. Нима дедилар?..

– Яна таъкидлайменким: Хоқони мансур жаноби олийларига ташакур! – ўзини бепарво кўрсатиб, ҳеч аҳамияти йўқ нарсга ҳақида гапираётгандай тутиб. – Жуда зукколик намоён этдилар... Агар ул зот бизни сизнинг ёнингизга юбормагонларида, қаттол душманни енгил мушкул эди. Бу зафар бизнинг қатъий аҳду қароримиз туфайли юз берди... Бизнинг шарафли қадамимиз бу заминга тушғонини эшитгон Амир Хисравшоҳ жуфтақни ростлаб қолди. Яна қайтарамен: бу зафар бизнинг шижоатимиз туфайли кўлга киритилди, шахзодам, бу тан олиними лозим! Ҳамма кўриб турибдику. Фатҳнома бизнинг номимизга битилмоғи керак...

Султон Бадиуззамон Мирзо укасининг бу қадар бетгачопар, майдакаш ва иззатталаб эканини кўрмаганди, бундан ёқа тутди, жаҳли чиқса ҳам, ўзини босди-да, кулиб кўя қолди:

– Аввало, ҳали жанг тугағони йўқ, шахзодам, энди бошланди. Зафар ҳақида эса гапиришга ҳали эрта... Сўгин, ёдингиздаму, бузуруквор отамиз бировнинг меҳнатини ўзингники қилиб кўрсатишдан қочғил, деб тарбия бергонлар...

– Жуда тўғри тарбия бергонлар! Мен бировнинг эмас, ўз меҳнатим ҳақида гапираётирмен... – уялмай тарсиллатди Музаффар Мирзо акасига тик қараб. Унинг кейинги гапи ҳаммасидан ошиб тушди:

– Зафар қондасига асосан, камина отга минаётгон вақтимда менинг шарафимга ноғора чалишлари лозим!

Бундай юзсизликдан Султон Бадиуззамон Мирзонинг тили боғланди кўйди... Барини кузатиб турган Довуд барлос секин шахзодага шивирлади:

– Афсус, ёш боладай иш тутди... Майли, ўзингизни босинг, шайтонга ҳай беринг, шахзодам...

Бадиуззамон Мирзо хайр-хўш ҳам қилмай от бошини шитоб чапга бурган Музаффар Мирзо кетидан узоқ қараб қолди.

Шахзодалар душманни Кундузгача қувиб етдилар. Хийла давом этган қалъа қамали бошланиб кетди.

Қундуз ташвиши ариди, деб ҳисоблаб, кўнгли сал таскин топган Хоқони мансур Сангреса кечигидан ўтиб, Ҳисори Шодмонга қараб юришга фармон берди. Саркардалар саф тортиб подшо ортидан от қўйдилар. Учкур араби отлар йўлларни тўлдирган, зиреҳлару жавшанлар офтоб нурида ярақлаб кўрганга ваҳима солган... Олдинда Шоҳи Ғозийнинг мовут терликли тулпо-ри гажак думини байроқ қилиб чопаркан, икки айилининг олтин илгаклари ярқ-ярқ этиб кўзга ташланарди.

Икки шахзода ўртасидаги кўнгилхирачилик шабадаси Хоқони мансурсга етиб борди, тўнғич ўғли билан суюкли ўғлининг бундай ноҳўя ҳаракатларидан кўнгли ранжиди. Энг ёмон кўргани шу машмаша эди... Бу биринчи марта юз бераётгани йўқ. Аввал ҳам икки марта шундай ҳодиса ҳақида эшитганди, аммо ўзини билмаганга олганди. Энди булар кечаги ўспиринлар эмас, катта-катта давлатларни бошқаришга қурби етадиган бир ёшда...

Подшоҳ юмшоқлик билан ака-укаларни яраштирди, энг ишонган ўғилларимдан келган оқибат шуми, бошқа укаларингиз бунга нима дейди ёки улар биздан ўрнак олсинлар деб, шундай номаъкулчиликларга қўл урдингизми, дея ҳар иккисини изза торттирди...

Бу етмагандай, бошқа ўғиллари орасида ҳам тотувлик йўқроқ... Ахир барчасида юрт бор, қўшин бор, кам жойи йўқ, ҳамма нарса муҳайё. Ажабо, фарзандлар ўз бағрингдан чиққан бўлса ҳам худди сенга бегонадай... Улар нимани ўйлашади?

Хоқони мансур фикрича, ўғиллар энг аввало, салтанатни, кейин оталарини ўйлашлари лозим. Ахир ота фарзандни нега тарбиялаб вояга етказди? Йўқ, фарзандлар биринчи галда... ўзларини ўйлар эканлар! Салтанатни эса ота ўйласин! Мана, уларнинг болаларча, болаларча эмас, гўдакларча фалсафаси!

Хуросон чериги Ҳисори Шодмонни ўраб олди. Юқоридан қаралса, нусрат нишонли зафарёр байроқлар доираси марказидаги қалъа кўрғон ичидаги қасрдай кўринарди.

Хоқони мансур қалъага қандай ёндашишни узоқ ўйлади, сўнг қалъа рўбарўсига кучли аррода ва метиндай манжаниқларни ўрнатишни буюрди.

Ҳамма нарса саранжомланди. Бирдан ноғора ва бурғулар янгради. Ҳар икки ёқдан ўқу тошлар отила бошлади! Сурон қўпди. Камонлардан ёмғирдай ўқлар ёғар, олов сопқонлари гулдураб қалъа ичига ўтлар пуркар, хирмондаги нарсаларгина эмас, хирмоннинг ўзи ҳам баб-баравар ёнарди... Қаттол жанг суронида ноғора оҳ чекиб, “Дариғо, дариғ, фусусо фусус...” дегани деган эди.

Қамал шу тахлит бир неча кун давом этди. Қалъа аҳли аянчли аҳволга тушди, душман ҳужумига дош беришга қурб-қоллари қолмади, чора эса кўринмасди...

Чағониёнда ҳидоят ва иршод ўриндиғида ўтирган ҳурмати олий, ирфон шиорли жаноби шайх Хожа Ҳасан Аттор нуфузли Амир Маҳмуд Барлосни ёнига чакирттирди:

– Барлос жаноблари... Замон сенга боқмаса, сен замонга боқ, деган машойихлар. Вазиятимиз бағоят тангдур. Хоқони мансурнинг ҳузурларига эл-

чиликка борсунлар, илҳом баёнли тил билан итоату инқиёд изҳорини қилиб, гуноҳларимиздан ўтишларини сўрасунлар...

Шаҳар аҳли бундай қарордан мамнун бўлди ва қудрат қўллари нимага етса, ўшани пешкаш ва ҳадя-тортиқ йўсини билан йиғиб Амир Маҳмуд Барлосга бердилар ва катта умидлар боғлаб қалъадан чиқариб, кузатиб қўйдилар.

Амир Маҳмуд Барлосни шоҳчодирдан эллик қадамлар нарида амир ул-умаро Амир Саъдваққос кутиб олди ва Хуросон подшосининг осмон сиёқли даргоҳига бошлади. Элчи кириб палос ўпиш шарафидан иззат топди ва подшоҳона марҳаматлар туфайли қимматбаҳо тўн кийиб, боши осмон қадар юксалди, турли-туман лутфлар ила сийланди. Сулҳ ва тинчлик устунлари онту қасам билан мустаҳкам этилди.

Ҳисори Шодмонни тинчитган Хоқони мансур кўнглининг бир четида Кундуз қамалини икки шаҳзоданинг удалай олишига озгина шубҳа бор эди. Албатта, бунинг сабаби, уларнинг ўртасида иноқлик йўқлигида, илдизи эса уларнинг оналари – кундошлар аро кескин муносабатларга бориб тақаларди.

Ҳиротдан чиққанига ҳам олти ойдан ошди. Навоий юборган элчилардан, хатлардан доруссалтанадаги аҳволдан хабар олиб турибди. Пойтахтда Навоий турса, подшо хотиржам, у тупканинг тубига ҳам кетаберади. Лекин дўстининг хатлари ҳамиша бир хил: “Кўргимиз келур... Қадрингиз ўтди... Қачон дийдор?..” деган интиқ сўзлар билан якунланар, ўқиганда Хоқони мансурнинг юраги сезилар-сезилмас қалқиб қўярди.

Хоқони мансур қўшинга Кундуз тарафга йўналишга фармон берди. Қабодиёнда дарёнинг эни минг қадам чиқарди, ўша ерда Амуя устига муваққат кўприк қуриш ишлари бошланиб кетди.

Саҳарда туриб қарасалар, ҳеч ким ўйламаган кутилмаган ҳол юз берибди, тунда кучли дайди тўлқин баҳайбат бир кемани оқизиб келиб кўприкка урибди, синдириб парчалаб юборибди! Олтмиш кемадан бир нечтасигина тўлқинларга бўй бермай чайқалиб турарди, холос...

– Ўн бешта бутун кема қолибди, холос, – хабар берди Амир Саъдваққос. У кўприкни қуришда қуйиб-пишиб жонбозлик кўрсатганди, афсуски, бор меҳнати сувга кетди.

– Ҳаммаси Худодан, амир ул-умаро... Кўргилик-да...

Хоқони мансур бошқа ҳеч нарсга демади. Шоҳчодирда ўтиролмай, ташқарига чиқди. Асов дарё ўзининг соҳилида ким турганини билмай, пишқириб оқарди.

Султон Ҳусайн Мирзо узоқларга тикилди. Ҳавони туманми, чангми қоплаган, йироқлар, Кундуз тарафларни илғаш қийин. У бирдан соҳилдан уч юз қадамлар нарида дарёнинг ўртасидаги кичикроқ бир оролни илғади. Оролни?.. Синчиклаб қараб, шундоқлигига имон келтирди. Кўрди-ю миясида бир фикр ярқ этди! Ўн бешта кемани кўприк қилиб оролга ўтиб оладилар, бир кеча у ерда тунаб, эртаси куни қайиқларни йиғиб нариги соҳилга ҳам кўприк ташлайдилар!

Тегишли фармон берилди. Иш қизғин тусга кирди, пешин намозига қолмай оролга ўтиб олдилар. Орол унча катта эмас, лекин бир кеча туришга ярарди, Хоқони мансур фикрича, ўрдуга ҳам, навкарларга ҳам жой етади.

Султоннинг кўнгли орзикди. Ҳали кўприк қурилиши керак, ундан эсон-омон ўтиб олиш керак... У дарёга қараб бораркан, қирғоқда лапанглаб бораётган бир туянинг дарёга бирдан кулаб тушганини кўрди.

Султон, туя нима қиларкин, чўкиб кетмасмикин, қандай сувдан чиқиб оларкин, унга ёрдам керак бўлар, деб кузата бошлади. Таажжубки, туя чўкиб кетмади. Бироз лопиллаб оққан туя секин ўзини ўнглади ва аста-аста сузиб қирғоққа осонгина чиқиб олди!

Ҳоқони мансурнинг кўнгли ёришиб кетди. Ажабо, тил-забонсиз бир махлуқ инсондан ақллироқ экан-а! Кўприк қуриш даҳмазасини тортмай ҳам сувдан ўтиш мумкин экан-ку!

Олиймакон ҳоқон буйруқ берди:

– Оллоҳнинг илтифоти! Оллоҳнинг илтифоти!.. Беадад шукр! Отимни келтирингиз!

Ҳамма: “Отни нима қилар эканлар? Ёки дарёга солмоқчимилар?.. – деган ўйга борди. Ҳоқони мансур дарҳол ўз тулпорига минди-да, амирларнинг “ҳай-ҳай!”ларига ҳам қарамай, шартта сувга от солди ва... осонгина сузиб қирғоққа чиқиб олди! Ҳамма ҳайратга тушди. Шаҳзодалар, амирлар ва лашкар аҳли ҳам дарёдан шу тахлит ўтдилар. Қараган одам қирғоққа қараб кемадек сузиб бораётган отларни кўрарди. Кўприк ҳам ортиқ керак бўлмади.

Эрталаб Амир Саъваққос чоғиб шохчодирга кирди:

– Подшойим! Кечаси дарё тошиб биз турган оролни ер ютиб кетибди! Қарасам, орол жойида йўқ!.. – деб қичқирди у...

Ҳоқони мансурнинг дабдурустдан тили калимага келмай қолди.

– Нималар деяпсан?!.. – дея олди, холос ҳукмдор...

Хуросон шаҳаншоҳи Оллоҳнинг беадад меҳрибонлигига, бандасининг ғамини ўзи ейишига минг карра имон келтирди! У ўзининг чиндан Худонинг суйган бандаси эканига ишонди!

Ҳоқони мансур бу ҳодисани узоқ вақт эсидан чиқаролмай юрди.

Қундуз шаҳрида аҳвол мужмал эди. Хуросон салтанатининг қиёмат суратли кўшини шаҳар ёнида бўй-бастини яққол намоён этганини кўриб Амир Хисравшоҳнинг жонида жон қолмади. У ўз қудрат доирасида салтанат лашкарига тенг кела олмаслиги, ожизлигини билди ва беркингани ўзини қалъа ичига урди.

Шаҳзода ва нўёнлар, чақинқадам навкарлар сурон кўтаришиб Қундузни ўраб олдилар. Ўт туташтирилган яшин тошлари “От!”, “Тут!”, “Ушла!..” хитоблари аро осмонўпар қалъа ичига ёғиларди.

Ақлини ўз вақтида пешлаган Амир Хисравшоҳ пайсалга солмай дарҳол Жомеъ масжидида хутбани Ҳоқони мансур номига ўқитди, тангани ҳам шаҳаншоҳнинг қутлуғ исми, бобокалони Соҳибқирон Амир Темур номлари билан безатди ва уларга муносиб тортиқ, совға-саломлар қўшиб аввал элчилик қилган Амир Маҳмуд Барлосни Ҳумоюн ўрдуга жўнатди.

Элчига ялиниб-ёлвориб ушбу сўзларни айтишни тайинлади: “Тавба қилдим! Ҳозирги дамгача икки шаҳзода қўшинларига қарши тўқнашувга бориб, журъат ва жасорат кўргизгон эсам, бу зинҳор даъво эрмас, балки барчаси жон хавфи, ҳалокат ваҳимаси туфайли эрди... Каминанинг қуввату

шижоат пояси Хоқони мансур билан баҳс бойлашиш ва жанг майдонига киришдан қуйи турадур... Агар хато ва гуноҳларимга афв чизигини тортсалар, чокарлик ва итоат исирғасини қулоғимга тақурмен, то умрим ўтгунча хизматкорликнинг садоқат йўлидан бир қадам ҳам четга чиқмасмен!.. ”

Ҳумоюн ўрдуда Амир Маҳмуд Барлос хушнудлик билан кутиб олинди. Туғма марҳамати чексиз, раҳмдиллиги мақтовларга сазовор Хоқони мансур Амир Хисравшоҳнинг сўзлари-ю тутумида бирон қинғирлик ёки сохта ифодани кўрмаганидан кейин, кўнглида раҳму шафқат қопқалари очилди ва амирнинг гуноҳларидан ўтди, элчига тиллодўзи тўн инъом этди ҳамда Амир Хисравшоҳ ва унинг укалари учун хос тўнлар юборди. Кетма-кет Амир Хисравшоҳга девон амирлиги мансаби иноят этилди.

Бу музофотда энди тинчлик энганини билдирарди.

Лекин ҳали олдинда Балх турарди.

Кўп мулоҳазалардан кейин, Балх вилояти ҳукумати шу ўлканинг Амуя дарёсидан то Мурғобгача бўлган тобе ва ёндош ерларини қўшиб Султон Бадиуззамон Мирзога раво кўрилди...

Хоқони мансур ўзини хотиржам сезгач, доруссалтана Ҳиротга жўнашга қарор қилди.

Саройдаги нотинчлик

Маҳди улё Ҳадича бегим кайфияти бугун эрталабдан нечундир яхши эмас, нашьаси паст кўринарди. Давлатбахт ҳам, Сумансо ва Гулрух ҳам, Опоқ бегим ҳам бош малика хос хонасига кирганларидаёқ буни сездилар, аммо қуруқ саломлашишдан нари ўтмадилар, малика ишорасидан кейин жимгина ясатиғлиқ хон атрофига чўқдилар.

Хоқони мансур олти ойдан буён Балх сафарида эдилар, Музаффар Мирзо ҳам падари бузруквори чақирғига лаббай, деб жавоб бериб, ўша ёқларда юрибди. Катта ўғли икки фарзандидан бири Шоҳ Ғариб Мирзо оламдан ўтди... Букри эди, афти ҳам ёқимсиз, кўримсиз... Лекин, боодоб, кўнгли тоза, сўзи бағоят ширин эди. Туркийда, форсийда ҳам яхши шеър айтарди. Подшо Ҳиротдан бирон ёққа отланса, ҳукмронликни, кўнгли чўкмасин, дея Шоҳ Ғариб Мирзога қолдирарди (онасининг ҳаракатлари сабабли, албатта). Подшо ногирон ўғлини бағоят ардоқлар, ғазалларини қувониб айтиб юрарди. Ҳатто ўғли вафотидан кейин, бағри увалган ота бир ҳиротлик шоир ўзига “Ғарибий” тахаллусини олганда, ундан ўғлининг хотири учун “Мажлисий”га ўзгартиришини буюрганди.

Ҳадича бегим барини биларди, ногирон ўғлига ичи ачиб қарарди. На чора... Ҳар иккиси ҳам, узоқ-узоқларни кўра олган кўз ёнидагисини кўролмагандай, ўйлаб, ҳеч ичларида турган бу сирнинг тагига етишолмайди. Аммо... Парвардигор адолатли, У ҳеч қачон ноҳақдан бандага зулм ўтказмайди. Бу ҳам уларга аён эди...

Мана, Шоҳ Ғариб Мирзонинг нариги дунёга рихлат этганига ҳам икки йилдан ошди. Бечора жигаргўшаси ҳар хил назарлардан, дунёнинг маломатларидан кутулиб кетди.

Музаффар Мирзонинг ишлари ҳам яхши юришаётгани йўқ. Балхдан кўнгли тўлмай қайтибди. Ҳатто жаҳл устида отасига ҳам билдирмай, нимагадир аччиқ қилгандай эртароқ йўлга чиқиб жўнаворибди.

Ҳадича бегим деразадан ўгирилди-да, у ёқ-бу ёққа қараб деди:

– Бегона йўқми?... Эшикни маҳкам ёпинглар, эҳтиёт бўлиш керак. Қараб қўйинглар. Эски кундошимиз Бека Султонбегим доим сарой атрофида ўралашиб юрарди. Кўринғонга, Мўмин Мирзо валиахд бўлади, Астрободни олиб берамен, деб вайсай-вайсай оламдан ҳам ўтиб кетди...

– “Айтса айтаберади-да! Ким бўпти у? Қўлидан нима келарди...” – дер эдим-ку сизга, маликам? Мана, ўтди-кетди... – тинчлантирди Давлатбахт.

– У ўлмайдиган хилидан эди, – ғижинди маҳди улё. – Ўлгунча, бу ёқдагиларни саранжомлаб кетмоқчийди. Тавба!.. Валиахд – катта ўғли-ку, набирасига бало борму?

Ўттиз ёшлардаги Опоқ бегим сарвқомат, оқ юзли, ўзига хос жозибадор, бурнининг ўнг томонида ярашиб турган кичик хол, хол десак саҳвга йўл қўярмиз, азал наққоши мўйқаламини юритаётганда, ўзи хол қўймоқчи бўлмагану лекин учгинаси беҳосдан тегиб кетиб, оқ юзда игнанинг учидайгина бежирим нуқтача ҳосил қилганди. Чехраси тўлин ойдаи суюмли, ҳатто саройда уни “Опоқ бегим” эмас, “Ой бегим” деб суйишарди. Ҳатто Ҳокони мансур унинг гўзаллигига маҳлиё бўлиб “ойим” деб ардоқлар эмиш.

Малика подшонинг еттинчи хотини бўлиб, унинг ўғил-қизи йўқ эди. Саройда уни кўпинча хаёлпараст деб аташарди. Айримлар, унинг бу ода-ти, ота-онасининг ёлғиз фарзанди эканидан, ёлғизликда ўсганидан, дерди, бошқалар эса, фарзандсизликдан ўйланавериб шу ҳолга тушган, деб юришарди.

– Лекин набираси Мўмин Мирзо яхши йигит бўладур... Ҳа, Хоним бегим ўғли... – деди ўзича Опоқ бегим ўйлар оғушида ғарқ.

Ичи зардобга тўлиб, кимга заҳрини сочишни билмай турган Ҳадича бегим портлаб кетди:

– Опоқ, нега сен нукул Мўмин Мирзо, Мўмин Мирзо, деганинг деган?... У куни ҳам гапирдинг, индамадим. Кўп ғашимга тегма!.. Тўғри, сени яхши кўрамен, саройдаги ҳеч бир малика Шоҳ Ғозийни сендек парвариш қилолмайду, шунинг учун Султоним ҳам сени ардоқлайдулар, суядулар, жони дилисен, буни биламен. Айниқса, майдан сўнг беҳузурлик вақтларида бутун маликалар ичида ёлғиз сен подшоҳ кўнглини топа оласен. Ҳурматинг баланд. Аммо иззатингни эсдан чиқарма! Мўмин Мирзодан нима топдинг ўзи, сира тушунмаймен...

Опоқ бегим ялт маҳди улёга қаради:

– Доим шундай сўрайдулар, маҳди улё жаноби олиялари... Айтсам айтай. Сабаби бор. Мўмин Мирзо туғилғонда мен доя бўлғондим. Подшоҳим буюрғондилар, қарагин, деб. Кўз олдимда дунёга келғон. Жуда қийналиб туғилғон бола бечора! Онасига қараб туриб, худди ўзим тукқандек азоб тортғонмен! Ўз боламдек кўрамен. Шундан меҳрим тушиб қолғон. – Опоқ бегим чалғитишга тиришиб, гап мавзусини бошқа ёққа бурмоққа уринди. – Мен сизга айтсам... ҳарам маликалари ичида бир гап юрибду, гўёки Наво-

ий ҳазратлари Хоқони мансур билан Султон Бадиуззамон Мирзони яраштириш ҳаракатида эмишлар...

Ҳадича бегимнинг жиғибийрони чиқди, туриб у ёқдан-бу ёққа юра бошлади:

– Билмадим... улуғ амирга нима керак экан ўзи? Билмадим... Билмадим! Рўзғор бўлмаса, унинг дардини оладурғон, иссиқ-совуғига қарайдурғон маҳрами рози ниҳон бўлмаса, аёл лаззатини, канизак тутиш фароғатини билмасалар, бола-чақа меҳрини туймасалар... Доим салтанат ишларига аралашғонлари аралашғон, халал берғонлари берғон. Биров билан қанчалик ишлари бор? Ҳамма нарсага бош суқиб юрадурлар. Вазири аъзам Низомулук ундан дод дейдур, Шайхулислом ҳам нолийдур. Қозикалон озурда, Парвоначи дили ғаш... Беклар норизо... Тавба!.. Бир нарсани Хоқони мансурга маъқуллаиб, келишиб кўясен, шохим розилар, аммо эртасига, йўқ, деб туриб оладурлар. Кейин суриштирсам, Амир Алишер билан учрашғон, маслаҳатларини олгон чиқадурлар... Эшитдим, шоири замон Хоқони мансурга, Астрободни Мўмин Мирзога топшириш ҳақида таклиф айтибдурлар. Бу ёғини сўрасангиз, Бадиуззамон Мирзо аллақачон Мўмин Мирзога чопар юбориб, Журжон кўшинини тўплашни, каттиқ туришни, Астрободни зинҳор қўлдан бермасликни тайинлаб ҳам улгурибдур! Тингчиларим етказди, ҳа! Бунга фармон ҳам чиқар эмиш. Вазири аъзамга тайинладим, ҳеч қанақа фармон чиқарилмайдур!

Ҳадича бегим дурри шаҳворли узук тақилган чап қўлини нозик белига тираб, ўнг қўлини ўйнатиб, маликаларга қаради:

– Сенлар гувоҳсенлар: агар фармон чиқса, ўлигимнинг устидан чиқадур!

– Ҳай-ҳай, маликам! Нималар деяптилар? Ҳар нарсани ҳам гапириш керакмас. Бундоқ демангиз! Шайтонга ҳай берингиз! – ёлворишди Давлатбахт билан Сумансо бараварига.

Бирдан шаҳзода Музаффар Мирзо кириб келди. Унинг эғнида шоҳона зарбоф хилъат, бошида манглайига лаъл қадалган тож ярақларди. Опоқ бегим дарҳол овозини пасайтириб, ўзи эшитар даражада пиқиллаб хўрсинишга ўтди.

Маҳди улё ўғлига пешвоз чиқиб, унинг кучоғига отилди ва ўпкаси тўлиб хўнграб йиғлаб юборди.

– Мана, сизни деб не кўйларга тушмадим! У ёқда падари бузрукворингиз бу ишни орқага чўзғони чўзғон, бу ёқда висир-висир гаплар кулоғимни тиндирмайдур. Икки ўртада ўлиб бўлдим-ку! Нима қилишим кера-а-ак? Нима қилай?.. Тўйиб кетди-и-и-им!..

– Ҳай-ҳай, ўзингизни босинг, онажон! Ким ранжитди сизни? Ким экан ўша сизни хафа қилишга журъат этғон?.. – Музаффар Мирзо атрофга, дам Опоқ бегимга, дам Давлатбахтга, Сумансога, Гулрухга қаради: – Ё сизлар хафа қилдингизларму?

Давлатбахт дарҳол жавоб берди:

– Вой... Йўқ, йўқ... Худо сақласун, шаҳзодам!.. Қандай ҳаддимиз сиғсун? Ўзларининг нечундир кўнгиллари тўлиб кетди...

– Хафа қилмадик, шаҳзодам... – кўшилди Опоқ бегим.

Ҳадича бегим қандайдир алам ичида йиғи аралаш саннашга тушди:

– Қанақа шўрпешона хотин эканмен мен! Бу дунёга келиб нима кўрдим? Нима кўрди-и-им?.. Шоҳ Ғариб Мирзо ўғлим дунёга келиб ноумид кетди... Музаффар Мирзо ўғлим, энди, ўғлим, сиз қолдингиз, холос...

Ҳадича бегим гапириб ичи бўшагандай бирпас жим қолди. Малика Опоқ бегим, канизаклар Давлатбахт, Гулрух, Сумансолар бир четда мунғайиб қараб туришарди.

– Ўғлим! Доруссалтана Ҳиротни бир шохсупа десак, Астробод унинг биринчи зинасидур. Астрободда ҳокимлик мартабасига минган шахзода бир зина босиб Ҳиротни забт этадур. Нима учун Астробод, Астробод, деяётғонимга энди тушунғондирсиз? Иrimi бор, иrimi! Кимнингки биринчи қадами Астрободдан бошланса, уни омадли деб ҳисоблайберинг, у албатта келажакда салтанат соҳибига айланадур! Астробод ҳокими – катта обрў-эътибор! Султони соҳибқирон ҳам илк даъфа ана шу дорулфатҳ Астрободда ҳокимлик мартабасига эришғонлар. Жуда табарруқ жой ҳисобланур...

– Шундоғ дейишадур... – деди Музаффар Мирзо ғижиниб, бесабр у ёқ-бу ёққа қараркан. – Ҳам табарруқ, ҳам дуо кетгон жой... Иrimi бор... Ҳа... Менга Балхни ваъда қилғондингиз, кейин Астрободни. Мана Балхга ҳам Султон Бадиуззамон Мирзо ҳоким бўлдилар! Биз тагин икки қўлимизни бурнимизга тикиб қолабердик...

– Вой, шундайми? Ие! Ҳм-м... – Ҳадича бегим кўзёшларини арта бошлади. – Ғам еманг, ўғлим, отангиз бағоят доно ва ақлли эрурлар, Сизга йўл очиш учун Султон Бадиуззамон Мирзони Астрободдан олиб, Балхга қўйдилар...

– Шундаймикин?.. – кўзлари ғазабдан қисилган Музаффар Мирзо бу гапга ишонинқирамай қаради ва зуғум билан канизакларга ўшқирди:

– Ҳой, сизлар! Маҳди улё жаноби олияларини юпатмайсизларму? Нега қараб турибсизлар? Хотин кишининг йиғлағонини кўрсам юрагим сиқилиб кетадур. У ёқда ҳам йиғи, бу ёқда ҳам... Тинч кун борми ўзи?

– Музаффар Мирзо гудранганча ташқарига йўналди. Ҳеч ким уни тўхтатмади.

Пули Чароғ довонидаги жанг

Нишопурга Шайх Фаридиддин Аттор мозори зиёратига борган Навоий у ерда бироз ушланиб қолди. Мозорни таъмирлаш ишларида озроқ нуқс бор экан, ўшани тўғрилатди. Ҳиротда эса уни бир дунё янгилик кутиб турарди.

Энг нохуш катта янгилик – подшонинг тўнгич ўғли Бадиуззамон Мирзога қарши саваш қургани эди. Ҳа, Ҳокони мансур, Султони Ғозий Пули Чароғ довони этагида Султон Бадиуззамон билан саваш қурибдурлар!

Навоий ана шундан кўрқарди. Бошқа ўғилларга ҳам намуна ўрнида ўтади-да бу! Ота енгибдур, ўғил майдондан қочиб жон сақлабдур! Ўша ёқларда тоғу тошларда сарсон-саргардон юрганмиш... Одамлардан, авомун-носдин эшитибдур бу янгиликни!

Отага қарши туриш одоб қондасига хилоф эканини фавқуллода англаб етдим... ёки пушаймонлик азобиданми, балки чорасизликдандур, уруш майдонига орқа ўгириб, қочиш водийсига юз бурди!.. Жанг майдонида эса кўп шаҳзода навкарларининг бошлари кесилди... Бас, Балх ҳам шаҳзода қўлидан кетди...

Вазият оғирлигидан бир нечта ичкиларини олиб, қочиш водийсига юз бурган Бадиуззамон Мирзо жанг ғарқобидан тезроқ кутулиш ниятида, кичик лашкар билан тоққа қараб юрди. Шаҳзода ва олий узанги мулозимлари ниҳоят қийинчилик, машаққатлар ичра кенг тепалик устида ястанган нотаниш йўлга чиқдилар ва қувониб отларига қамчи босдилар. Қувиб келаётган душман қораси ҳам кўринмай кетди. Лекин, қутилмаганда йўл тоғ тепасига бориб... тугади! Лашкар учи жарга бориб тўқинди!

Тўрт томон, отлик у ёқда турсин, ҳатто пиёда ерга тушолмайдиган қиялик бир жой эди... Фақат ортга қайтиш мумкин, лекин орқада... укаси Абулмуҳсин Мирзо олий фармонга биноан акасини ушлаш қасдида елдай қувиб келмоқда!

Шаҳзода отдан тушди... Нима қилиш керак? Шунда донишманд Довуд барлос жонга оро кирди. Унинг маслаҳатига қўра, олий узанги мулозимлари дарҳол белбоғ ва саллаларни ечиб, учма-уч бир-бирига қаттиқ боғладилар. Довуд барлос биринчи бўлиб салласини ечди. Шаҳзода шу “арқон”ни ушлаб пастга туша бошлади... Тушар экан, тепасида осмон, пастда олис Ер... агар арқон узилиб кетса нима бўлади, деган қўрқув... лекин энг даҳшатлиси, кўз олдида отасининг зафар байроғидаги сирли маҳча ярақлаб турарди...

Эл норизо, ҳатто, эл орасида муқарраби ҳазрати султон бунга қандай тинч қараб турдилар, йўл бериб қўйдилар, деб ўпкалаганлар кўп эмиш! Лекин Навоийга билдирмагонлар... Бу шармандалик-ку! Субҳонолло! Қандай қилиб ота ва ўғилни бир-бирига қилич ўқталтирдинг ахир? Ўғил отага қандай қаради? Ота-чи?..

Навоий ўйланиб қолди. Унинг назарида, бунинг бир сабаби бор: барчасини мулк қутуртирадур. Мулк олишим керак, мулким йўқ, мулксизмен, дейишадур шаҳзодалар! Мулк кимники ўзи? Кимники эканини, подшоники ҳам эмаслигини (!) билишмайдурлар. Мулк Оллоҳники!

Муқарраби ҳазрати султон Навоий қатъий бир қарорга тўхталди. Қандай қилиб Боғи Жаҳонорога етиб келганини ҳам билмай қолди. Отдан тушди-да, саройга йўналди. Кўринишхонада уни Хоқони мансур кутиб олди. Подшо кайфияти аъло даражада, озроқ сархушлиги сезилиб турарди.

– О, Алишер! Мулку миллат эгаларининг етакчиси, хоқон давлатининг умиди, султон ҳазратларининг яқин дўсти, ҳақиқат ва дин низоми Амир Алишер... Нишопурда узоқ қолиб кетдилар, тезроқ дийдорларини кўришни истаймиз. Шеърый мажлисларини ҳам соғиниб қолдик...

– Бизнинг эрмас, ўзларининг шариф маъноларга бой мажлислари, десалар тўғрироқ бўлур. – деркан: “Ҳозир шеърый мажлислар фурсати эмас шекилли...” деб ўйлади Навоий.

“Менинг кўнглимда нелар кечаётғонидан беҳабардурлар. Мен Бадиуззамон Мирзони ўйлайдурмен. Бу гаплар тезроқ тугаса кошкийди...” сабрсизланди ичида Навоий.

“Зора Бадиуззамон Мирзо ҳақидаги гапга навбат етса... Жуда муҳим гап!.. Балки ўзлари сўз очиб қоларлар...” – умидланди Навоий...

– Ниҳоят, асил мақсадга келдук!.. – давом этди подшо бамайлихотир.

“Султони соҳибқирон энди Бадуззамон Мирзодан сўз очурлар!.. Бу – аниқ!” умидвор бўлди Навоий...

– Кўпдан бир орзуим бордурки, мени сира тинч қўймас. Алишер! Ҳозиргача ўзлари икки девон тартиб бердилар, “Бадоиъ ул-бидоя”, “Наводир ун-ниҳоя”, жўшқин ёшлик девонлари. Энди бутун қўли гул хаттотларни чорлағайсиз, хоҳласунлар, Жаҳонорода ўлтурсунлар, хоҳласунлар Халосияда ёки бошқа боғлар, қасрларда... Тўрт жилдлик куллийёт тартибига киришғойсиз. Бир муддат Мурғоб дарёси бўйидаги боғда бу борада сўзлашғон ҳам эрдик. Ёдингиздаму? Тўрт девоннинг умумий номи ҳақида баҳс этғондик. Унинг номини “Хазойин ул-маоний” – “Маънолар хазинаси” деб белгиладик ўшанда... Байтларингиз адади йигирма беш мингдин ошиб кетмиш ва ғазаллар ҳар жойларда макон топмишдир. Барчасини бир қасрга жамлаш лозим. Ҳар ғазал устига унинг вазни, баҳри кўрсатиб қўйилсун. Камолиддин Бехзод ғаройиб суратлар чизиб берсун... “Хазойин ул-маоний” миллатимиз, салтанатимиз шарафини дунёга кўз-кўз қиладурғон мухташам ҳайкал бўлур!

Навоий қўл кўкракда, Шоҳ Ғозийга таъзим бажо келтирди:

– Куллуқ!.. Шарафли вазифа қўйдилар... Таклифингизни қабул айладук. Миннатдордурмен!

Навоий Хоқони мансурнинг хали сўзлари тугамади, деган маънода бироз сабр айлаб кутиб турди. Сўнг, Хоқони мансурдан сўрашга журъат этди:

– Ҳазрат... ўзлари бутун дардларини айтиб бўлдиларму?

– Айтиб бўлдим, Алишер! – Ана шуларни айтмоққа шошилдим. Энди сизнинг дардларингизга навбат етди!..

Навоий қўлини кўксига қўйиб, подшога тик қаради:

– Энди, озгина ўпкалашга ижозат бергайсиз...

– Ўпкалашга... дедиларму?

– Худди шундоғ, Ҳазратим! Мен бағоят қўрқиб, ҳадиксираб юрғон воқеа, афсуски, манглайда бор экан... Пули Чароғ довоида Сиз ва ўғлингиз Султон Бадиуззамон ўртасида тўқнашув юз берибдур!

– Ҳа, савашишнинг олдини ололмадик...

– Нечук камина бундин ғофил қолдим?

Хоқони мансур бироз хижолат эканини яширмади:

– Маъзур тутғойлар... Чиндан ҳам, ғофил қолдилар... Ўзлари Нишопур сафарида эдилар. Сарой аъёнлари, Низомиддин Мир Алишерга бу воқеани айтиб, безовта этиш кони гуноҳдир, сиҳҳатлари ҳам дуруст эрмас, яхшиси, ул зотнинг Нишопур зиёратида эканликларидан фойдаланиб, Пули Чароғ ишини адо этиб келурмиз, дедилар, мени ишонтирдилар. Алқисса, кўп гап-сўзлардин сўнг, кўнглимда мойиллик уйғониб турғонда, валиаҳд ўғлим олдимга кўп лузумсиз шартларни қалаштириб ташлади, гоҳ Қандаҳорни

оламен дейдир, гоҳ Қундузни ҳам қўшасен, дейдир... Сигмағон жойга ароба соладур...

Навоий шуъладай қизишиб кетди:

– Ахир бизда ҳар босғон қадамимизни, олғон нафасимизни ўлчаш учун, Оллоҳга шукр, энг аъло андоза бор-ку: Худо номини миллатимиз пешонасига ёзғон – Соҳибқирон Амир Темур Кўрагон! Биз ҳамиша унинг кўзгусига ўзимизни солиб кўрурбиз! Ахир, билурсиз, Мироншоҳ Мирзо унга Ҳалокухон тахтини топширғонларидан сўнг, кўп беадаблиқлар кўргизди, хазинани совурди, табаррук отасини кексайиб қолди, энди тахтни фарзандларига берсун, деган дашномларни атрофга ёйди, маломатларга қўйди, инсон шаънига ярашмағон кирдикорларга йўл очди! Уруш бошлаймен, деса, қанча важ-карсонлар! Лекин Соҳибқирон Амир Темур унга қарши қурол кўтармадилар-ку! Ҳатто ғаним томонига ўтиб бобосига қарши жанг қилғон ношукр набиралари билан ҳам низога бормадилар-ку! Нечун? Ҳар қанча гуноҳларга ҳам кечиримли қараб, сабр-бардош этагини тутдилар. Насихат, кенгаш, мураса, яхшилик йўллари изладилар. Биз ҳам сабр-тоқат бирлан шу йўлдан юрсак мақбул эрди-ку!

Ҳокони мансур жим эшитиб турди ва бу гаплар унга сал малол келгандай туюлди:

– Алишер... сўзларингиз ўринли, тан оламен... Лекин, афсуски, мен Соҳибқирон Амир Темур эмасмен, Бадиуззамон Мирзо ҳам Жаҳонгир Мирзо эмас... Боқингиз: Жаҳонгир Мирзо бетоблигига қарамай, дардини яшириб, ота юзидан ўтолмай, душманга қарши жангга жўнағон эрди, Бадиуззамон Мирзо эса душманга эмас, йў-ўқ, отасига қарши савашга отланадур! Иккиси ҳам Темурий Мирзолар. Аммо бири Осмон, бири Ер...

Навоий ҳеч ортга чекинишни истамасди:

– Йўқ, йўқ, Султони соҳибқирон! Аммо бир нарсани унутмасунлар! Муқаддас қон – битта! Оллоҳга шукрки, то ҳануз Темурийлар томирида Соҳибқирон Абулмансур Амир Темур Кўрагон қони тепиб турибдур! У ҳеч қачон тўхтаб қолмайдур!.. Шохим, Султон Бадиуззамонга ҳам ҳиммат назари ила қарашлари жоиз. Фикри ожизимча, унга бир қоим мулк бериш керак, холос, мулк! Унинг отасига ҳурмати баланд, падари бузрукворини тахтдан кетказиш ҳақида зинҳор ўйламайдур!

– Сиз билмайсиз... унинг нияти ёмон!..

– Шу сўздан тийилайлик, Ҳазратим! Агар фарзандимизни ёмон десак, ёмонлашиб бораберади.

Ҳокони мансур ўйланиб қолди...

– Нима қилмак керак? – деди ниҳоят.

– Шохим! Соҳибқирон Амир Темур юртни сақлаш, тинчликка эришиш учун, ўзи емай едирди, ичмай ичирди, ақча деганга ақча берди, мол деганга – мол... Элнинг катталарини ака ўрнида, кичикларини ука, фарзанд ўрнида кўрди... Юртимизга тинчлик, хотиржамлик керак, Ҳазрат! Бунинг учун энг аввало, Султон Бадиуззамонга мулк бериб кўнглини овлаш лозим, ўзи билан ўзи овора бўлсин. У катта ўғлингиз! Бошқа укалар ҳам унга қараб

кадам ташлайдурлар... Агар хутбада унинг номини валиаҳд сифатида сизнинг номингизга қўшиб ўқисалар, бас, нур устига алан-нур бўлур!

Подшонинг кўнгли юмшагани сезилди:

– Нима қил, дейдилар? – деб сўради охири Навоийдан.

– Султон Бадиуззамонга Фароҳ билан Сеистонни инъом этиш ҳақинда, Астрободни суюкли набирангиз Мўмин Мирзога топшириш тўғрисида фармонга имзо чексалар кифоядур... Ёдингиздаму, унинг хатна тўйида ўзлари шундай ваъда қилғонлар. Такрор айтамен: сизнинг томирингизда, уларнинг томирларида битта қон оқиб турибдур, мукаддас Амир Темур қони! Қон бирлаштирадур, иншооллох! Бунга сира шубҳа қилмасмен!

– Астрободни... Музаффар Мирзога атаб турғондим...

“Йўқ эса, маҳди улё дод деб юборадир-ку!” – деди ичида подшо.

– Музаффар Мирзога ҳам албатта мулк керак. Юртимиз улуғ, Балх ҳокимлигини берингиз. Чунончи, Сарахс, Машҳадлар ҳам бор, Марв бор. Мўмин Мирзо энг катта набираларидур... Буни унутмасунлар!

Икки дўст бир-бирларига тикилдилар, гўё энди ҳеч қандай ташвиш йўқ, уларнинг кўнгиллари ёришган, қушдек енгил...

Шу палла мулозим кириб, вазири аъзам Низомулмулк шошилини хабар келтирганини билдирди.

Кўнгил қопқалари очила бошлаган Ҳокони мансур киришга рухсат берди. Бир пайт остонада ярқ этиб ажралиб турадиган, тўқ кўк-қора матодан тикилган, заррин ҳошияли чопон кийган вазири аъзам кўринди.

– Ҳуш келибдурлар, Амир Алишер жаноблари... – деди Низомулмулк тавозени ўрнига қўйиб, улар Навоий сафаридан кейин илк бор учрашишмоқда эдилар, вақтнинг зиклигидан жавоб ҳам кутмай Султон Ҳусайн Мирзога ўгирилиб қўл қовуштирди:

– Бир қошиқ қонимдан кечадурлар... Умидим бор, подшоҳим, бир қошиқ қонимдан кечадурлар...

– Не ҳол юз бердики, қонингдан кечурмен эркан?.. – подшога вазири аъзамнинг келиши унча ёқинқирамагани сезилди.

– Шоҳим! Қандаҳордан шошилини чопар етди: Султон Бадиуззамон Мирзо яна Ҳиротга бостириб келмакда эканлар...

– Нима-а?.. Нима дединг?!..

– ...Подшозода катта кўшин тўплаб Ҳиротга отланибдурлар. Амир Хисравшоҳ, Амир Зуннун лашкарларини ҳам бирлаштирибдурлар. Ҳозир Майманада эмишлар... – подшони нафас олишга ҳам қўймай тез-тез гапирди Низомулмулк. – Астрободдан Балхга ўтдим, Балхдан Қундузга, Сеистонга, Қандаҳорга... Тиним йўқ... Мен тўнғич ўғилмен, шаҳзодамен. Тўнғич ўғилнинг отада ҳақи кўп... Худонинг ҳам атагани бор. Етар, сабрим тугади, ортиқ чидолмаймен, бу сафар албатта отамни Ҳиротдан қувиб юборамен, пойтахтни олиб, тахтга минамен, дунёга жар соламен, деганмишлар... Билиб қўйишсин, Ҳиндикуш шерларидай олғир кўшиним билан икки кунда шамолдай Ҳиротга етиб борамен, деб алоҳида писанда қилибдурлар...

– Ҳай-ҳай! Тўхтангиз! Бу не сўз?.. – хавфни даф қилмоққа тиришди Навоий. – Сўз, дегани гапиравериш дегани эмас-ку!

– Астағфирулло!.. Саркаш шахзода бизга яна панд бермакда... – Хусрави Ғозийнинг кайфияти бузилди. – Ҳаддидан ошмакда! Мени Ҳиротдан кувиб юборар эмиш!.. Мени – отасини-я! Ҳа-ҳа!.. Қўйинини пуч ёнғоққа тўлдириб юргонини кўрингиз! Уни йўлдан ургувчилар бор! Катта бўлиб, вояга етиб ҳам ақли кирмади... Айтғонини қилиб бердик. Сарахсни бошқарди, Шибирғон ҳокимлиги ҳам топширилди... Балх... Йўқ, кўнмайдур! Оҳ, болалар, болалар! Лаҳза ором йўғ-а!..

*Эй ажал, осуда қил ҳижрон балосидин мени,
Бир йўли қутқар улуснинг можаросидин мени! –*

дея оҳ тортиб юборди Ҳокони мансур...

Юраги булк этган Навоий ҳанг-манг дўсти томонга талпинди ва унинг қўлтиғига кирди...

– Ундоғ демасунлар! Сира ундоғ демасунлар! Шайтонга ҳай демак, жоиз, Султони соҳибқирон!.. Шайтоннинг юзини тескари қилсун!..

– Не чорамиз бор, Алишер? – руҳи синиқ сўради Султон Ҳусайн Мирзо. Унинг овози тушкун эшитилди.

– Каминада бир таклиф бор! – секин гап қистирди Низомулмулк шу палла...

– Қандай таклиф?

– Балки...– қитмирлик ила деди Низомулмулк кўз қирини шоирга ташлаб. – Навоий ҳазратлари отланиб, Бадиуззамон Мирзони адолату инсофга чакирарлар?.. Ахир отага қўл кўтармак гуноҳ-ку! Отага-я? Ҳамма гап инжиқ набирангиз Мўмин Мирзода эмиш аслида, подшоҳим! У ёшига номуносиб тархашликлар қилиб, отасининг олдига ортиқча талаблар қўяр экан...

Навоий кескин деди:

– Йўқ! Покиза хилқат, бегуноҳу масъум шахзода ҳақида ундоқ сўзлар демакдин тийилингиз! Зинҳор хушхабар билан келмадингиз! Қадамингиз ҳамиша бирон хатарга боғлиқ бўлур, во дариғо! Қачон бу одатингиз қоладур?..

– Бари Худодан, ҳазратлари... Каминада не айб?.. – вазири аъзам шундай дегаҳ, аста ортга тисарилди.

– Кўнглингизни чўктирмангиз, подшоҳим! – деди Навоий қатъий, тетик овозда. – Бу гапларнинг нечоғлиқ рост-ёлғонлигини тезда билурбиз. Ёлғон бўлса жазосини олғувчилар олур! Эшитибок, ўзим ҳам дарҳол отланмакни кўнгилга тугиб қўйғондим... Кўрайлик-чи, не важдин Бадиуззамон Мирзода бундоқ ўзгаришлар юз берди экан?..

Давоми бор



**Жамшид
ПРИМОВ**

Муз қозонни қайнатар қуёш

Бир неча кундирки...

...Мактубинг йўқдир,
Кўзим йўлга боқиб толиқди, эркам.
Бир неча кундирки ўйнашар тақдир,
Афтода ҳолимдан қулгандай у ҳам.

Бир неча кундирки кезгум бемаъно,
Хаёлингни ташлаб кетолмайдирман.
Бир неча кундирки тирикман, аммо,
Аммо шу кунларни яшолмайдирман.

Армон

Ўқ еган қуш – дилимдир,
кимга айтай арзимни,
Ундаги ёриқларни,
кемтиқларни, дарзини,
Бақоликка юз бурай
қандай узмай қарзимни,
Момом, бобом, энажон,
қайда қолиб кетдингиз,
Юрагимга битмас дард,
ларза солиб кетдингиз.

Бу умр – умр эмасдир,
хар куним жанг, фирибдир,
Барча айшу роҳатда,
биргина мен ғарибдир.
Лўттибозлар ёлғондан,
илму шиор қорибдир,
Момом, бобом, энажон,
қайда қолиб кетдингиз
Ёруғ орзу ўйларни,
нега олиб кетдингиз?

*Жамшид ПРИМОВ – 1948 йилда туғилган. Хўжанд давлат педагогика институ-
тининг тарих факультетини тамомлаган. Шоирнинг ўнлаб шеърӣй ва публицистик
китоблари нашр этилган.*

Томи кетган, суюқлар
улуғлик даъво қилур,
Соддадил, хоксорларга
иғвони раво қилур,
Ниш санчиб, илон, чаён
дилларни яро қилур,
Момом, бобом, энажон,
қайда қолиб кетдингиз,
Ё виждон азобидан
толиб-толиб кетдингиз?

Ҳар эшикда пул дерлар,
пулсиз одам эмассан,
Шундоқ замон келмишки
биров ғамин емассан,
Кунинг болангга қолса
ночору шўрлик кассан,
Момом, бобом, энажон,
қайда қолиб кетдингиз,
Лекин, мўл-кўл меҳрга
қониб-қониб кетдингиз.

Бир-бирини суяган,
қўллаган зот-афсона,
Елка тутган, қайишган,
жўмард авлод-афсона,
Ютуғидан, бахтидан
бўлганлар шод-афсона,
Момом, бобом, энажон
қайда қолиб кетдингиз,
Қалбсизлар даргоҳидан
балки ёниб кетдингиз.

Қисмат

Мендан қочаверма, дўстмисан, рақиб,
Сен дуркун, мен озғин, маънос турибман.
Бунда сен шон-шухрат мулкида балқиб,
Бунда мен ночор ҳам кезиб юрибман.

СЎЗ СЕҲРИ

*Ғадир пешонада учқур вақт гарди
Қачондир қўрк бўлган ўктам қомат йўқ.
Кўзларида бевафо дунёнинг дарди,
Энди дармон кетар, энди омад йўқ.*

Аниқроғи, бу ҳол буюк Америка ёзувчиси Эрнест Хемингуэйнинг “Чол ва денгиз” қиссасини эслатади. Ажойиб ва маҳзун. Бечора чол неча кунлаб балиқ овида юрса-да, омад қулиб боқавермайди. Шуниси ҳам борки, ёшлик куч-қудрати ҳам тарк этган, бироқ қайсар чол курашдан қайтмайди. Тўғри, чол ва тол, чол ва денгиз тушунчалари аро шаклий ва мазмуний жабҳада минглаб масофалар ва маънавий ҳаётнинг турфа қирралари мужасссам. Айни пайтда чол ва толни бирлаштирадиган, чол ва денгизни туташтирадиган умуминсоний руҳият ҳам йўқ эмас. Фақатгина ҳар иккисининг ҳам кўзларида “бевафо дунёнинг дарди” исёнига, изтиробига қулоқ тутасиз.

Ўзбекистон халқ шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов “Жамииднинг бегубор самимиятга йўғрилгани шеърларини ўқир эканман, юрагимга алақандай ёруғлик оқиб кираётгандек туюлади. Олис-олис йиллар ортида қолган осуда болалик чоғимга

Абадий маконга етамиз қай кун,
Қисмат ном унвон ҳам тенг бўлар, бўтам.
Бир кун маконингга кетарсан дилхун,
Бир уни ёнингга борарман мен ҳам.

Модерн, бу омочмас

“Чакка ўтиб томдан лой
Деворни ювиб кетди.
Эски пахта чопоним
Ёмғирда ивиб кетди.
Бу ҳам етмай, бошимга
Ташлади куш тезагин”,
Бизнинг шоир шеърини
Мажоз билан безади.
Ана ижод, мана шеър!
Бу янгилик, бурилиш.
Нозик назм оламида
Бўлди дадил сурилиш.
Бир нечаси “оҳ” деди,
Қалам чархлаб тадқиққа.
Бу топилдиқ баҳосиз,
Тенг туради ақиққа.
Ўртачалар шоирмас,
Қофиябоз бўлади.
Мановини ўқиган,
Мияси ҳам тўлади.
Мунаққид ишга тушди:
“Чакка” ижобий эрур.

“Девор” бу – эски тузум,
“Куш”да баланддир ғурур.
Пахта чопон – хурофот,
Шоир атайин топган.
Буни кашф этгунича,
Қанча-қанча тонг отган.
Униси ундоқ деди,
Буниси бундоқ деди.
Бундай талант шаҳарда,
Ягона, ҳа, тоқ деди.
Бизнинг ҳамқишлоқ эса,
Ўз ишидан лол, хайрон.
Қаддини сал ғоз тутиб,
Тиржаярди ҳар замон.
Аммо кўни-кўшнилар,
Тушунмасди шеърини.
Вали трактор хайдар,
Али чопар ерини.
– Бизнинг машғулот оддий,
Шеъри кўп қийин экан.
– Уни тушунмоқ учун,
Калла керак ў-ўв акам!

қайтгандек, осмон қозонида порлаган дурахшон юлдузларга боқиб, ўзимни ўзгача бир олам-да ҳис қилаётгандек бўламан”, дея ёзган эдилар.

Жуда юксакликдан балиқчи чол писта пўчоғичалик кўриниши мумкин. У ҳам ҳаёт гир-добларида ўз ақидаси билан кетиб бормоқда. Тол соясида ҳам шунчалик эрмак учун юзаки қараганда писта сотиб чол ўтирибди. Пистанинг мағзини ютиб, пўчоғини тупуриб таш-лаётганлар писта ва пистафуруш чол ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаган бўлишлари мумкин ва яна ҳаётнинг мағзи писта сингари чақилиши хотирида бўлмаслиги эҳтимол. Яна муҳим, ул-кан, мўъжаз ҳақиқат бир шеър ёки қиссада баён этилиши эътиборидан четдадир. Ва яна миллий шеъриятнинг бир парчасида жаҳон адабиёти дурдонаси билан тенглаша оладиган нуқталарни сезмагандирмиз. Бироқ, ҳар иккисининг ўртасида ҳаёт фалсафаси инкишоф этилиши муқаррар. Ваҳоланки, “Балиқчи чол”да итоаткорлик руҳи қачондан бошлаб ўз қалбида кўним топгани устида бош қотириб ўтирмоқлик учун чол бениҳоят соддадил одам эди. Аммо у ўзининг итоатгўй бўлиб қолганини ва бу итоатдан у ўз номуси, инсонлик қадр-қимматини йўқотмаганлигини билар эди. Пистафуруш чолнинг сўнгги ҳукмича:

Сўнг... макон қургани шу сой бўлди,
Ўтган йўловчига писта сотар чол,
Менинг-ку паймонам тўлмоқда энди,
Ҳаёт нималигин, ма, сен чақиб ол!

Керак нозик ҳис-туйғу,
Мингта китоб ўқиш шарт.
У мисоли альпинист,
Помир тоғин этар забт.
Модерн, бу омочмас!
Кимдир мағзига етди.

Туб бурилиш билан шеър,
Эллик йил олдга кетди.
Бир-иккита мухбирлар,
Роса шовкин солибди.
Шуйтиб бир болапақир,
Классик бўп қолибди!

Ишқ бир кун қайтар-о

Азизим, севги бор, умидинг узма,
Бу эзгу қасрнинг гиштларин бузма,
Кипригинг ториға маржонлар тизма,
Ишқ бир кун қайтар-о.

Ким уни бунёду ким торож этгай,
Бир кўнгил ардоқлаб, ким муҳтож этгай,
Гоҳ паймол бўлганда, кимдир тож этгай,
Ишқ бир кун қайтар-о.

Йиллар ўтаверар, парийлар ўтар,
Шон-шавкат, давронлар, бойликлар йитар,
Йиғлама, майиним, бошингни кўтар,
Ишқ бир кун қайтар-о.

Сенми? Билолмадим... Йўқ ҳеч ҳам гинам,
Бу дунё шундайин аслида бир кам,
Маним тополмассан вале излаб ҳам,
Ишқ бир кун қайтар-о,

Меҳр туйғусини инсон яралгандан сўнгги манзилига равона бўлгунга қадар қалблар ташна ва интиқ бўлган улуг ҳиссиётдир (“Меҳр ҳовузи”). Инсон ҳаётнинг турли сўқмоқларидан бепоён кенгликларга элтуви зиё ҳам меҳрдир. Меҳр бу инсон-чун умр дарахтида хазон бўлмас ям-яшил япроқларга эга бўлган эҳтиёж. Шу боис, шоир меҳр ҳовузини яратмоқни орзу қилади. Ташна дилларни меҳр билан тўлдирмоққа азм этади. Муддао эзгу-меҳр улашмоқ.

*Одамларга кўпроқ меҳр керакдир!
Кўнглимда яратиб улкан бир ҳовуз,
Бир майин сувларга тўлдирдим, токи
Ўтган йўловчилар боссин, деб ҳовур.*

Шоир қалби ўз даврининг маънавий кўзгусидир. У ҳамиша замон ила ҳамқадам. Шоир шеърда даврнинг долзарб муаммоси кўзгуда акс этгандек инъикос топади.

Шоирнинг ижодий фаолиятини яна бир қирраси ҳақида филология фанлари доктори, профессор Абдусалом Абдуқодиров шундай ёзади: “Жамиид таржимонлик билан жиддий шугулланади. У рус ва тожик тилларидан таржима қилади. Айниқса, мустақил Тожикистоннинг ўзига замондош ва машҳур шоирлари шеърларини кўпроқ ўзбек тилига ағдаради. У Лоҳутий, Лоиқ, Гулрухсор, Гулназар, Камол Насрулло, Аҳмадҷон Раҳматзод,

Оташингда ёндим ва гурлаб кетдим,
Кетдим мен. Исмингни муҳрлаб кетдим,
Наҳотки сен гулни ман хўрлаб кетдим?
Ишқ бир кун қайтар-о.

Мусаввирга

Арғимчоқ солгандай кўкка турналар,
Бийдай чўл бағрида судралар карвон.
Бу ҳолдан кимнингдир бағри тирналар,
Бир хачир ортидан ўн туя равон.

Ҳайратда термилгум мағзин чақолмай,
Бунда не сир пинҳон, нимадир маъни?
Шунча йил яшабман бир сабоқ олмай,
Шунча йил билмабман ичин кимсанинг.

Атай бу мавзуга қўл урдинг, нечун?
Юк ташиб юрганни кимларга йўйдинг?
Намойиш қилгандай мўйқалам кучин,
Туяни хачирга арқонлаб қўйдинг!

Фасллар

Осмон гулдуради, ёмғир шивалар,
Висолга ошиқдик қору дўл демай.
Мени иситарди сўзинг, нигоҳинг,
Сувларни кечардик ариқ, кўл демай.

Осмон гулдуради, чақмоқлар чакиб,
Шамоллаб қолмай, деб титрайман дир-дир.
– Гапингни қисқа қил, ярим кеч бўлди,
Ёмон толиққанман, ухлайлик, кампир!

Фарзона шеърларини маҳорат билан таржима қилган. Жамшид таржималари асл нусхага жуда яқин ва тенглиги, бадиий жиҳатдан етуклиги билан диққатга молик. Чунки у тожик тилини яхши билади ва бу тилда ҳам ижод қила олади. Буни Жамшиднинг ўзбек ва тожик тилларида ёзган ширу шакар шеърлари ҳам тасдиқлайди. Шоир таржималари ва ширу шакарларларида икки қардош халқ дўстлигини тараннум этиб, халқлар ва адабиётлар дўстлигини янада мустаҳкамланишини орзу қилади:

*Жамшидо, то зиндаи
Дўстликка хизмат айлагил,
Тоҷи сар кун хоки кишвар
Бу – наслга пандмиз”.*

Бойиржон ШЕРОНОВ,
филология фанлари номзоди, доцент

Эркин Аъзам драмаларида шахс ва жамият талқини



**Шохрух
АБДУРАСУЛОВ**

Атоқли адиб Эркин Аъзам бадиий адабиётнинг мураккаб йўналиши – драматургияда анча йиллардан буён баракали ижод қилмоқда. Ёзувчи қаламига мансуб киноқиссалар асосида эътиборга молик фильмлар яратилган бўлса, драматик асарлари аллақачон театр санъати мулкига айлангани айтиш ҳақиқат. Бинобарин, Эркин Аъзам драматургиясини тадқиқ этиш, унинг бадиий-ғоявий жиҳатлари, тили, поэтикаси, образлар характери, жанр хусусиятларини таҳлил қилишга зарурат бор деб биламиз.

Ёзувчининг яқинда “Шарқ” нашриётида ғоят дид ила, ям-яшил муқовада чоп этилган тўрт томлик “Танланган асарлар”ининг учинчи жилдига қисса ва киноқиссалари қатори “Жаннат ўзи қайдадир”, “Шажара”, “Фаррош кампирнинг туши”, “Хонадон эгаси”, “Танҳо қайик” сингари драматик асарлари ҳам киритилган. Бу пьесаларнинг мазмун-моҳияти, сюжет ва қаҳрамонлари турлича бўлса-да, барини бирлаштирувчи умумий, муштарак жиҳат бор: бу Эркин Аъзамга хос пухта матн, истеҳзоли тил, тагматн жозибаси, маиший турмуш фонидаги ижтимоий, ўткир ҳақиқатлар...

“Фаррош кампирнинг туши” – айтиш фикримизни тасдиқловчи асарлардан бири. Пьесанинг жанри хусусида муаллифимиз тузукроқ гап айтмайди: яъни, “драма” ё “комедия”, дея ҳукм ўқимайди, “Бошига кулфат тушган бир бекорчихона хангомаси, икки қисм – бир талай дийдиёдан иборат” асар, таъмом-вассалом! Кейин, драмага хос анъанавий сахна, кўриниш деган тушунчалар ҳам йўқ: икки қисм, дийдиёнинг бошланиши, еттита дийдиё ва ўша дийдиёларнинг интиҳоси – бори шу! Бу қандоқ пьеса бўлди?! Биз ёдлаган драматургиянинг “олтин қоидалари”га тўғри келмаяпти-ку!

Шохрух АБДУРАСУЛОВ – санъатишунослик фанлари бўйича фалсафа доктори. 1991 йилда туғилган. Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтини тамомлаган. Унинг “Ижодкорлардан олган руҳ” номли публицистик мақолалардан иборат китоби, шунингдек, “Адабиёт. Саҳна. Инсценировка”, “XX–XXI асрлар Ўзбекистон санъатида трансформация жараёнлари” (ҳаммуаллифликда) номли рисоалари нашр қилинган.

Шундай юзаки, нўноқ тасаввурлар ила пьеса матнига кирасиз: бундаги манзараларни кўриб, ҳайратда қоласиз: номсиз, аллақандай бир идора, у ерда бир тўда оломон жағи тушгунча вайсайди, ҳаёти, кундалик ишида бирор маъни-манфаат йўқ; уларнинг исми шарифи, феълу сажияси ҳам шунга яраша: Раҳбар Раҳбарович – ҳаммага таниш одатдаги амалпараст; Гулибарно – жиблажибон котиба; иқтисодчи хоним – пардоз-андозга ўч “замонавий” жувон; бўлим бошлиғи – тўймас ошхўр, тамагирроқ киши; ҳайдовчи йигит – уйқучи, диванда думалаб мудрагани мудраган ва ҳоказо. Пьеса қаҳрамонларидан бири бу тутуриқсиз, бемаъни ҳаётни шундай таърифлайди: “Ҳали хўроз қичқирмай туриб шаҳарнинг бу чеккасидан нарига чеккасига ошга бориб, кейин кун бўйи ишхонада мудраб ўтирамиз! Униси камдек, пешин бўлар-бўлмас, тагин ошхўрликка отланамиз. Тушлик баҳона, тиш кавлаб соат икки-учларда қайтамиз. Қорин шишган, қўл ишга бормаиди, яна талай замон ланж! Стол устини саранжомлаб, энди ишга киришаман деганингизда иш куни тугаб қолади...” Бутун куни шундай “тартиб”га қуриладиган, қорин курсоғу маишатдан бўлак ташвиши йўқ, ҳам маънан, ҳам жисман чириб битган бу идорадан нима кутиш мумкин?

Пьесада биргина безарар, тирик қаҳрамон бор, “қулоғи оғир, қўлида мудом латта, дуч келган жойни артиб-суртиб ўзича жавраб юрадиган” фаррош кампир. Бу персонаж асарнинг икки-уч ўрнида кўриниш беради, холос, лекин воқеаларнинг бари шу кампирга келиб туташади. Унинг фаррошлиғи, қулоғи оғирлиғи тасодиф эмас. Зотан, драматургияда образнинг ҳар бир хусусияти, ҳолати, характери мантиқан далиллаш талаб этилади. Кампир идорадаги ҳар турли бемаъни, бачкана сўзларни эшитмайди, қулоқлари бу дийдиё ва олашовурлардан ихоталанган, фаррош бўлиб, наинки хоналарни саранжом-саришта қилади, балки бу даргоҳдаги иллату ғуборларни ҳам ювиб тозалайди. Ҳар қалай, фикрловчи ўқувчи ё томошабин шундай ҳулосага келади. Муаллиф бунга пьеса якунида – яъни, дийдиёларнинг охирида ишора қилади: томоша аввалидаги ўша чорси хона, аммо бўм-бўш, қўлида лаш-лушини кўтариб, фаррош кампир пайдо бўлади, “ҳаммаёқ чиннидек тоза, ораста...” дея ўзига таскин беради. Маълум бўладики, пьесадаги воқеаларнинг бари фаррош кампирнинг туши сабаб содир бўлган.

Адиб сюжет оқимини иккига ажратади ва шундай номлайди: ошгача ва ошдан кейин... Бундай ажабтовур тақсимот ўқувчини ўйга толдиради: нимага ишора бу? Ҳа, Эркин Аъзам драмалари – рамзу тимсолларга бой, китобхон диққатини бир жойга жамлаши, диалог ва ремаркалар қатидаги фалсафани ҳис қилиши, сюжетнинг зоҳирий ифодасига эмас, ботиний оламига кириб бориши зарур. Акс ҳолда, бу драмаларнинг ташқи хусусиятлари – юморга йўғрилгани, маиший манзаралари, қочиримли тили ўқувчини чалғитиб қўяди, драматург айтмоқчи бўлган асосий фикрлар, ижтимоий ҳодисалар моҳиятига етилмайди. Мушоҳада қилсак, бори ҳаёти, касбу фаолияти ош – қорин дарди ила ўлчанадиган, тириклик мазмунини шунда кўрадиган оломоннинг манқуртдан нима фарқи бор? Агар жамиятнинг катта қисмини шундай инсонлар ташкил этса-чи? Бу ҳақда ўйлашнинг ўзи даҳшат!

Муаллиф “Шажара” номли пьесаси дебوحасида Шайх Саъдийнинг машхур байтини эпиграф сифатида келтиради: “Бани одам аъзои якдигаранд”. Маълум бўладики, бу сатр БМТ бош қароргоҳининг пештоқига битиб қўйилган экан. Дарҳақиқат, ер куррасидаги бори миллатлар, элу элатлар, қўйингки, бутун инсониятни бирлаштириш, уларга бирдек мурувват, ғамхўрлик кўрсатишни мақсад қилувчи ташкилот учун бу баайни топиб айтилган шиор. Хўш, адиб нега бунга ишора қилаётир?

Пьесада шу саволга тугал жавоб бор. Асар замирида одам боласини бирига тескари қилувчи миллатчилик, маҳаллийчилик, уруғ-аймоқ, насл-насаб, зоту турга ажратишдек тубан иллатнинг оқибату зарари, шунингдек, инсон қавмини бирлаштириш, одамийлик ришталарини мустаҳкамлаш ғояси ётади.

Воқеалар юз берувчи Бешчорбоғ қишлоғида Замон шажара лақабли муаллим аҳли овулнинг даъвати билан насабнома тузади: яъни, бу рўйхатда одамларнинг келиб чиқиши, уруғ-аймоғи, етти пушти акс этмоғи лозим эди. Рўйхат-ку тузилади, аммо ҳамма машмаша шундан сўнг бошланади. Хотин эридан, жиян тоғасидан юз буради: ахир, шажара бўйича кимдир бек, кимдир эшон, яна кимдир қулбачча бўлиб чиқади-да! Оқибатда хайрли ният ила бошланган эзгу амал фитнага айланади.

Гарчи драмада насрга хос теранлик, ифодавий бўёқлар кучли бўлса-да, воқеалар баёни ғоят изчил, таранг, персонажлар нутқи, баҳсу мунозараси ўз-ўзидан драматизмни келтириб чиқараверади. Шу ўринда Эркин Аъзам драмаларининг умумий бир ҳолатини қайд этмоқ ўринли: бу пьесаларда очиқ-ошкора, эҳтиросу зиддиятга бой шекспирона конфликтлар учрамайди, воқелик сиртдан қаралганда, бирмунча сокин кечади. Лекин асосий кураш қаҳрамонлар руҳияти, ботинида юз беради. Кундалик суҳбат асносидаги диалоглар йиғилиб, пировардида, қутилмаган “портлаш”га айланади, образлар характери, мақсад-муддаоси бор мураккаблиги ила очиб ташланади. “Шажара”да айни шу жиҳат ёрқинроқ кўринади десак, хато бўлмас.

Пьеса қаҳрамонлари оддий қишлоқ одамлари, аммо барининг ўз феъл-хўйи, характери бор. Масалан, Бек бобо деган оқсоқол “бек”лигини исботлаш, зотини пеш қилиш билан овора, у учун ҳаётнинг маънисини, тирикликнинг шартини шу. Ўзи айтмоқчи, илдизини чуқур ўргансангиз, “насл-насаби Амир Темурга тақалса ҳам ажаб эмас”.

Кишвар момо исмли кампир гўё тирик қомус, қишлоқдаги ҳамма кечмишдан воқиф, аҳли овулнинг насл-насаби, зоти зурёдини яхши билади. Ўктам ва-ва дегич дурадгор уста шажара сабаб хотинининг олдида тили қисик, чунки келиб чиқиши қуллардан эмиш. Тўти ўқиган (лақаб) эса ҳар гапида эридан устунлигини юзига солади, болаларининг “қулвачча” эканидан норози бўлиб, арзу дод қилади. Марат бизнес деган тадбиркор молу давлатини ўртага қўйиб, оқсуяклар авлодига мансублигини кўрсатиш илинжида. Хуллас, муаллиф ҳар бир қаҳрамонга хос мантук, ҳолату характери усталик билан топа билган.

Воқеалар ривожини ва муаллиф ғоясининг юзага чиқишида тошкентлик шажарашунос олима Зайтунахон образини муҳим ўрин тутди. Ўз илдизи-

ни излаб юрган бу қиз Бешчорбоғга келиб, Наби лазгин деган одамнинг уйи бузилаётганда, девор орасидан қўлэзма топиб олади. Аён бўладики, бу қишлоқ аҳлининг наслу насаби, қавму қариндошлиги битилган шажара китоби экан. Асл ҳақиқатни очувчи, Замон шажаранинг юзаки “тадқиқоти”га барҳам берувчи қўлэзмани олима қиз қунт билан ўрганиб, таржима қилишга киришади.

Зайтунахон қўлэзма билан танишиб чиқиб, барчанинг асл илдизи, келиб чиқишини айтиб бергач, шажара даъвосидаги қишлоқ одамлари мурсага келади. Драма якунида Бек бобонинг ҳорғин товуш ила айтган “Асли кимман, нимаман – ўзимга аён. Бизнинг уруғдан беки ҳам чиққан, қулу қароли ҳам. Отимиз ҳам айтиб турибди-ку. Бу ёғига босмачи дейсизми, қизил дейсизми, баридан бор. Зайли замонга қараб йўрғалаганмиз-да”, деган сўзлари пьесанинг асосий моҳияти, бош ғояси очилишига хизмат қилади.

Адибнинг “Жаннат ўзи қайдадир” номли драматик қиссасини замонавий ўзбек драматургиясидаги жиддий ҳодисалардан бири деб аташ мумкин. Муаллиф бош қаҳрамон – собиқ марксчи олим Жўракул образи орқали даврлар ўзгарган палла замонасозлик қилмай, ўзлиги, виждони, эътиқоди, инсоний аъмолини сақлаб қолган, шахс ва тузум ўртасидаги мураккаб эврилишлар чоғи мувозанатини йўқотмаган ғоят иродали, кучли шахс сиймосини яратади. Табиий савол туғилади: ўтиш даврида эски мафкурадан қайтмаган, истиқлол ғоялари билан мурса қилолмаган инсон бугун қаҳрамон бўлишга, ибрат ўлароқ кўрсатилишга арзийдими? Жўракулнинг шогирди Турсуний билан суҳбатида бу саволга жавоб бор. Устози академик бўлишини истоган шогирд ундан “Ажойиб замонда яшамокдамиз. Мустақиллик шарофати билан халқимиз...” қабилидаги баландпарвоз сўзлардан иборат уч-тўртта мақола ёзишини сўрайди. Домланинг жавоби эса унинг асл муддаоси ойдинлашишига сабаб бўлади: “Ўқиган одам кулмайдими? Кечаги замонда бошқа ашулани айтарди, домласи қурғур энди бу ёққа ўтибди-да, мунофиқ, иккиюзламачи экан, демайдими?!” Ҳа, Жўракул домла ўз шаънига мунофиқлик гарди юкишини истамайди, “истиқлол” деган буюк сўзни кўп қатори шунчаки ўпкаси билан эмас, бутун вужуди, борлиғи билан айтишни хоҳлайди. Аммо не қилсинки, “суяк савил шўро замонида қотган, начора!” бирдан мустақиллик дея байроқ кўтариш, бир думалаб янги тузумга ўтишни виждони қабул қилмайди. Боз устига Жўракул эски замоннинг одами бўлса-да, оиласида янги давр тухфа этган демократия ҳукмрон. Эркинлик шу даражага бориб етганки, ҳатто домла ўз оиласида кераксиз матоҳдай бўлиб қолган. Якка-ю ягона ўғли Мэлис ўттизни уриб қўйгану, аммо уйланиш ҳақида лоақал ўйлаб ҳам кўрмайди. Эридан ёлчимаган қизи Клара эса фарзанди Луиза билан ота-онасининг пинжига тиқилган. Кўз очиб кўргани, рафиқаси Бибиробия ўзини тижоратга урган. Яна хонимнинг тижоратдаги ҳамроҳи Раҳматуллоҳ Жийдалий исмли киши ва домланинг эски шогирди Турсуний хонадоннинг доимий аъзоларига айланиб улгурган. Домланинг ўзи эса оила аъзолари учун “маккажўхори қайирадиган одаму уй қоровули” дан ўзга ҳеч ким эмас. Кўриниб турибдики, оиладаги муҳит батамом изидан чиққан. Бу ҳолга ким айбдор? Қанчалик ачинарли ва аламли бўлмасин, бош айбдор

Жўракулнинг ўзи. Қаҳрамонимиз туғилиб ўсган қишлоғи Жийдалига жўнаб кетгач, видолашув чоғи хотинига ёзган васиятномасида ҳаёти давомида йўл қўйган энг катта хатосига иқрор бўлади: “Роза Люксембургга ҳавасан мен сени – Роза, Клара Цеткинга ўхшатиб қизимни – Клара, ёлғиз ўғлимни эса, биласан, ўзим умримни бағишлаган гоё йўлбошчиларини эслаб – Мэлис деб атадим. Шу руҳда тарбияладим. Балки кўпгина бемаъниликлар шундан ҳам бошлангандир. Бўлмаса, менга ким қўйиб эдики... Ўзим бир Жийдалидан чиққан Жўракул бўлсам! Сени – биппа-бинойи муслима аёлни ўзимча замонавийлаштирмоқчи бўлдим-а! Бунинг оқибатини билганимда, Худо ҳақи, уйдан ташқарига чиқармасдим сени!..”

Драмадаги қолган персонажлар хусусида ҳам тўхталиб ўтсак. Хоним ёки Янгамулло – Домланинг хотини, “оёқ чиқарган” тижоратчи, орзуси яна-яна яхши яшамок. Бориға қаноат қилмайди, ўзга юртларни кезиб, савдо-сотик билан шуғулланади. Гўё барча нарсаса оила аъзолари фақат унинг меҳнати туфайлигина эришаётгандай... Хўш, енгил-елпи ҳаётни орзу қиладиган, илм билан мутлако чиқишмайдиган хоним нима учун бутун умри китоблар орасида ўтган инсон билан ҳаёт риштасини боғлашга рози бўлдийкин? Бунинг сабаби маълум. Хоним домланинг илмини эмас, шон-шухратини севади. Ўғли Мэлисга қарата айтган “Аспирант эмиш, катта олим бўлармиш! Ово-заси Жийдалини тутган эди. Шунисига учибман мен аҳмоқ! Раиснинг ўғли орқамдан соядек эргашиб юрарди-я!” деган сўзлари ҳам турмуш қуришдан асл муддаоси не эканлигини кўрсатиб турибди.

Мэлис ёки Меливой – Домланинг асл меросхўри, якка-ю ягона, арзанда ўғли. Аммо ҳаётда маълум бир мақсади йўқ, бирор соҳанинг бошини тутмаган, кулоққа ёқмайдиган мусиқа чалиб, ўзини созанда санаб юрган йигит. Асли Меливой бўлган бу йигитнинг исмини домла бир умр ўзи эътиқод қўйган гоё йўлбошчилари – Маркс, Энгельс, Ленин ва Сталин каби “дохий”лар шарафига Мэлис деб ўзгартирган. Инсоннинг келажақда қандай одам бўлиши унинг исмига ҳам боғлиқ дейишади. Ҳақ гап. Эҳтимол, юкоридаги “дохий”лар табиатидаги ғайриинсоний қусурлар Мэлисининг феъл-атвориға ҳам уриб кетгандир... Бирок, расвотабиат, салкам ҳайвонга айланаёзган Мэлис ҳам сўнгги паллада она Ватанининг қадриға етади, мудраб ётган томирлари юрт тафти ва ҳароратидан уйғонгандай бўлади. Унинг онасига қарата айтган сўзлари фикримизни тасдиқлайди: “У ёқлар ҳам сиз ўйлаганчалик жаннат эмасдир, эна! “Америкада яшайман деган одам Кэннеди аэропортиға бориб тушган заҳоти кўкрагидан юрагини юлиб олиб, оёғи остида эзғилай-эзғилай, шундан кейингина доллар юртиға қадам босмоғи керак. Жаҳаннам, жаҳаннам!” дерди-ку анови укажонингиз! Эсингиздан чиқдими шу гаплар?” Фикримча, Эркин Аъзамнинг драматург сифатидаги маҳорати, характердаги турфа товланишлар, мураккаб зиддиятларни акс эттириш, образнинг тадрижий эволюциясини очиб беришдаги топқирлиги айнан Мэлис образида яққол кўринади. Ўзининг бачкана хатти-ҳаракатлари-ю алмойи-алжойи сўзлаш оҳанги билан китобхоннинг ғашиға теккан бу йигит асар сўнггида мутлако кутилмаган алфозда ўзгаради.

Раҳматуллоҳ Жийдалий – америкалик ўзбек, “ватанпарвар”, хонадоннинг доимий меҳмони. Хонимнинг савдодаги ҳамроҳи. Гап-сўзларидан, муомаласидан гўё бетараф инсонга ўхшайди. Жийдалий образи муаллиф томонидан ниҳоятда пухта ишланган. Айёр ва устаси фаранг бу одам домланинг оила аъзолари олдида ўзини хушфеъл қилиб кўрсатиб, якунда ҳаммани чув туширади. Яшаб турган уйларини сотиб, олис-олислардаги виллани орзу қилган хонадон соҳиблари эса Жийдалийнинг фириб бериш санъатига чапак чалиб қолаверишади. Гарчи Жийдалий асарнинг икки-уч ўрнида иштирок этса-да, муаллиф уни мукаммал образ даражасига кўтара олган. Шу ўринда атоқли адиб Абдулла Қаҳҳорнинг “Мукаммал инсон образини ҳислардан кўйлак тикиб кийгазишга чаққон косиб эмас, талантли, ҳақиқий санъаткоргина яратади, ижод қилади”, деган сўзлари замиридаги чуқур ҳақиқатни ҳис қиламиз.

Бундан ташқари, пьесадаги Турсуний, Клара, Луиза, “Оқ каптар”, Сардор сингари қаҳрамонларга ҳам муаллиф муайян миссияларни юклайди. Умуман, асарда бирорта жонсиз, ортиқча персонаж йўқ, барида недир қараш, фикр мужассам.

“Жаннат ўзи қайдадир” – миллатни, Ватанни севишга, ардоқлашга чорлайдиган, ҳам бадийий, ҳам драматик жиҳатдан пухта асар, эътиборлиси, бу улуғ туйғу ҳеч қандай ташвиқотсиз, хитобу иддаоларсиз ўқувчи ва томошабинга етказилади.

Эркин Аъзам драмаларининг марказида инсон руҳияти, унинг ботиний олами туради. Унинг пьесалари режиссёру актёрлар ижодий тутумлари, фикру идроки, дунёқарашини ўзгартириб, чинакам адабиёт билан ишлашга ўргатади, томошабиннинг маънавий олами, дидини шакллантиради.



Ҳикояларда қаҳрамонлар психологизми



Рухсора
ТЎЛАБОЕВА

Ўзбек адабиёти яқин ўн йиллар оралиғида мутлақ янги замон, янги давр руҳи акс этган асарлар билан бойиди. Нурилла Чориев, Холиёр Сафаров, Санжар Турсунов, Жасур Кенгбоев, Жавлон Жовлиев, Нодира Иброҳимова каби ёш ижодкорлар асарлари шулар жумласидандир.

Хуршид Дўстмуҳаммад, Эркин Аъзам, Назар Эшокул, Улуғбек Ҳамдам каби атоқли ўзбек адиблари ижодида инсон характерининг мураккаб услубдаги тасвирлари, асар қаҳрамонлари реал оламда ҳаракатланса-да, ўй-хаёллари, кечинмалари, қувончу қайғулари, умуман, ўзига хос руҳий тасвирларга бойлиги билан аҳамиятли бўлгани каби Нурилла Чориев ҳикояларида нафақат янги давр инсонининг турмуш тарзи, кечинмаси, ўй-фикрлари, балки истиқлолгача бўлган ўтмишдаги инсонлар қиёфаси акс этади. Бу ҳикояларда инсон ички олами, қаҳрамон психологизми тасвири аксланиб туради. Ёзувчи ҳикоялари асосан маълум макон – Қизғалдоқзорда кечаётган бўлса-да, бироқ қаҳрамонлар руҳияти, уларнинг ўй-хаёллари кенгликлар, олис мамлакатлар, баланд орзулар узра кезиб юради.

Нурилла Чориевнинг “Ташвиши йўқ одамлар” ҳикоясида Бозирган чавандознинг кампиридан кейин ёлғиз қолгани, болалари кўнглига қўл солмагани учун аразлаб далага кўчиб кетгани ҳолати тасвирланган. Лекин ушбу реал ҳолат орқали кекса инсон кўнгил кечинмалари, орзу ва армонлари акс эттирилган. Бу ҳақда Қозоқбой Йўлдошев шундай дейди: “Ёш ёзувчининг кўпчилик қаҳрамонлар каби “Ташвиши йўқ одамлар”

Рухсора ТЎЛАБОЕВА – “Зулфия” номидаги Давлат мукофоти совриндори. 1984 йилда туғилган. Ўзбекистон Миллий университетини тамомлаган. Мақолалари Республика ҳамда халқаро журналларда эълон қилинган. “Орзу”, “Умр парчалари” шеърӣй тўпламлари, “Худойберди Тўхтабоев романларида бадиӣй психологизм” номли монографияси чоп этилган.

ҳикоясидаги Бозирган чавандоз ҳам кўнгил одами. У тушунилишни, кўнгил истаклари топилишини хоҳлайди. Нурилла буларни айтиб ўтирмай, образни кўрсатиш, унинг феъли ва руҳияти манзарасини чизиш билан кифояланади. Худди қаҳрамони сингари ёзувчи ҳам уни тушунишларини, ниятларини пайқаб етишларини истайди”¹.

Ҳикоя давомида Бозирган чавандозни англамаган ва чавандоз ўзини англата олмаган образлар бирма-бир тасвирлаб ўтилади. Пировардида, чавандоз яна қалби билан ёлғиз қолади. Фикримизча, образ сифатида чавандоз жуда ўринли танланган. Зеро, умр бўйи иззат-эътиборда яшаган қаҳрамон умрининг сўнггигача эътибор ва иззатда бўлишни исташи – ниҳоятда табиий. Шунингдек, кекса чавандознинг кўнгил майлини ўғли ёки келинига айта олмаслиги, буни фарзандлари ҳам ўзларича билмай юриши айтиш дамда қаҳрамоннинг ички кечинмалари, психологизмининг юзага чиқишига асос бўлган.

Нурилла Чорининг ҳикояларида яна бир хусусият менинг диққатимни тортди: уларда ҳодиса ёки юз берган фожа аниқ-ошкор тафсилотлар билан берилмайди. Атрофидаги тасвирлар, диалоглар, ҳатто пейзаж ҳам айтиш пайтида айтилиши керак бўлган ҳодисага ишора қилади. Бундай услуб беихтиёр Габриэл Гарсия Маркес ижодини эслатди. Инсон руҳиятининг буюк тасвирчиларидан бўлган Маркес ҳодиса ёки фожани очикдан-очик “мана бу мана шундай бўлган эди”, деб айтиб қўймаган. Унда мавҳумлик билан аниқлик, тасвир ва тасвирсизлик, реаллик билан ҳаёлот ҳамиша қоришиқ келади. Нурилланинг ҳикояларида ҳам айтиш ҳолат сезилиб туради. Унинг “Лўлитопмаслик чол” ҳикояси Қулмат чўпоннинг тақдир синовларидан букилган қадди, томчилайвериш бўлиб, бўкилган сабр косаси, фарзандли бўлишни орзу қилавериш, охири орзу ҳам қилмай қўйган одамнинг мураккаб руҳий олами тасвирланган. Бу ҳикоядаги барча образларни мураккаб образлар турига киритиш мумкин. Зеро, ҳар бир образ ҳикояда шунчаки, номигагина қатнашмайди. Уларнинг ҳар бири ўзига юклатилган функцияни беҳато бажарган. Ундаги образлар, юз берган воқеа-ҳодисаларнинг деярли ҳаммаси, фикримизча, реал тасвир билан параллел равишда мажозий, ишоравий характерга ҳам эга.

Қулмат чўпон ит судраган чақалоқни топиб олгач, уйига йиғилган оломон орасидан Тиркашов муаллим билан Эшон бува алоҳида ажралиб туради. Чунки айнан шу икки образ орқали жамиятнинг кўринишдан савлатли, бироқ кўплаб гуноҳ ва чиркин ишларни бажариб, сўнг айбини ёпиш учун бошқа одамларнинг муаммосини зўр бериб овоза қиладиган, ўзини гўё энг муҳим масалани ҳал қиладиган кишидек кўрсатадиган кимларнидир эслатади. Чақалоқни ташлаб кетганлар қолиб Бўрибосар ит ўлимга ҳукм қилинади. Бу ҳақда адабиётшунос олим Марҳабо Қўчқорова шундай ёзади: “Қулмат подачини қийин-қистовга олган қишлоқ аҳли рамзий маънода жоҳил одамларга ишорадир. Зеро, Эшон бува бу одам зурриёди бўлган чақалоқни

¹ Йўлдошев Қ. Умид ёғдуси // Нурилла Чори. Ташвиши йўқ одамлар. Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. Т.: 2019. 99-бет.

дунёга келтириб, кўчага ташлаб кетганларга ҳукм ўқимасдан, чақалоқни топиб олган онгсиз бир ҳайвон Қулмат подачининг ити Бўрибосарни осувга ҳукм қилади”². Бўрибосарни осадилар, жон беролмай қийналган итни Тиркашов муаллимнинг буйруғи билан бир бўз бола пичоқлаб юборади.

Ҳикояда инсоният бутун жонзотлар ичра энг гўзали, афзали-ю аълоси дейилишига қарамай, шу билан бирга энг тубани эканига ҳам ишора қилинади. Чақалоқнинг ташлаб кетилиши ўзи бир фожиа бўлса, айбдор қолиб, Бўрибосар итнинг осиб ўлдирилиши жиноятнинг жиноят билан ёпилаётганини кўрсатади. Такдир ўйинини қарангки, чақалоқни ҳам келиб-келиб умри бўйи тирноққа зор ўтиб, ўз дарди ўзига етиб-ортиб қоладиган Қулмат чўпоннинг эшигига ташлаб кетишади. Сирти пўрим, аммо ичи чиркин жамиятнинг ягона тоза қалбли аъзоси – Қулмат чўпон ҳеч ким дилдан ачинмаган чақалоққа ичдан куяди. Бу ачиниш беихтиёр “Эҳ, сени шу кўйга солганнинг насли куйсин!” деган сўзлар билан тилига чиқиб кетганини билмай қолади. Бу гап дарҳол Тиркашов муаллимга тошдай тегади, шундан сўнг муаллим бошлиқ йиғилганларнинг ҳаммаси Қулмат чолнинг ўзини ношудликда, бойўғлидек беҳосиятликда айблайдилар. Ёзувчи чақалоқнинг эгаси ким эканини, ҳатто чақалоқни кўмишга йиғилган одамлар орасида унинг эгаси ҳам борлигини асло айтмайди. Бироқ, нозик ишоралар орқали уни топиш мумкин. Оломон орасида чақалоқни ташлаб кетган одам ҳам борлигини ва у ҳам ҳамма қатори Бўрибосарнинг жон талашиб осилиб ўлишини бемалол томоша қилганини китобхон фаҳмлайди.

Қулмат чўпон ниҳоятда мураккаб образ. Асар бошида унинг юввош, беозор қиёфаси гавдаланса, кейинчалик, изтиробга, армонга тўла қалби намоён бўлиб боради. Ҳикояда, ҳатто, шундай ўрин ҳам борки, чўпон, беихтиёр Худога иддао ҳам қилади. Ўзининг тирноқсиз, “бойўғлидай беҳосият” қилиб яратилгани учун Яратганни айблайти. Лекин оний юз берган бу исён тезлик билан чўпонни итоатга қайтаради. “Эй, Тангрим мендан ўтгандир. Мендан бўлмаса аждодимдан ўтгандир. Майли, нима берган бўлсанг барига, қайғунгга, қувончингга шукр! Аммо мен сенинг луқмаси ҳаром, ҳирсига қул бандаларингдан нафратланаман. Нафратлансам нима қилай, ўзинг айт!”³ Қулмат чол изтироб чекар экан, унинг руҳиятида гоҳ исён аланга олади, гоҳ итоатга келади. Бу – унинг руҳиятида кечаётган талотўп ва ғам-қайғу даражасини ифодалашга хизмат қилган.

Ҳикоянинг сюжет қурилиши у қадар мураккаб эмас, аммо, айрим муаммоларнинг ечими китобхон зеҳнига ҳавола этилади. Чўпон тақдирга тан берар экан, жамиятдаги ноҳақлик, инсонлардаги адолатсизликни кўриб қаттиқ хафа бўлади. Айниқса, чақалоқ билан бўлиб ўтган воқеа унинг шундоқ ҳам рангсиз ўтаётган ҳаётига янада қоронғилик олиб киради. Қулмат чўпон асар охирида “самоварчи чол” бўлиб қолади. Бу ҳодисанинг қандай юз берганини айрим ишоралар орқали илғаш мумкин.

² Кўчқорова М. Нурилла Чори ҳикояларида неомифологизм унсурлари. Ziyo.uz.

³ Нурилла Чори. Ташвиши йўқ одамлар. Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. Т.: 2019. 54-бет.

Ниҳоят асар сўнггида Қулмат чўпоннинг ақлдан озгани ҳақида айрим ишоралар берилган. “Унинг ҳар замонда сакраб, қўлини баланд-баланд чўзиб рақсга тушиш одати борлигиниям, қишлоқ этагидаги кўл балчиғига ағанаб, шалварини байроқ қилиб чопиб юришиниям кўрганлар бор”⁴. Ёзувчи бирор ўринда “Мана бундай бўлган эди” тарзда ифода бермайди. У шундай ишоралар берадики, ишоралар ифодага олиб боради.

Нурилла Чорининг “Қизғалдоқ”, “Бўрон тинган кеча” номли ҳикояларида ҳам инсон руҳияти манзаралари акс эттирилган. Айниқса, “Қизғалдоқ” ҳикояси инсон руҳиятининг нақадар мураккаб, сирли, жумбоқли эканини кўрсатади. Ҳикояда Турдихол энанинг ёшлигида бева қолиб, икки фарзандини ёлғиз ўзи вояга етказгани, кейинчалик эса, қизи Тўлғонойнинг дардида қуйиб яшагани қаламга олинган. “Бўрон тинган кеча” ҳикоясида эса Шаймардон полвоннинг тоғаси билан даврага тушиб қолиши, шу аснода бутун ўтмиши кўз ўнгида гавдаланиб, тоғанинг иззатига қўлини баланд кўтариб, курашмай кетиб қолиши тасвирланади. Бу икки ҳикоя ўзида миллатга хос белгилар, миллий руҳни акс эттириши билан ажралиб туради. “Қизғалдоқ” ҳикоясида қиз бола нафақат ўзи, балки бутун оиласининг шаъни, ор-номуси экани қаламга олинса, “Бўрон тинган кеча”да полвонларнинг мардлиги, ор-номусли, ғурурли қишлоқ кишилариининг қиёфаси акс эттирилади.

Нурилланинг ҳикояларида руҳий кечинма ва изтироблар фожиалар фонида берилади. Зеро, ҳақиқат ҳам шундаки, изтироблар юз берган фожиаларнинг маҳсули ўлароқ юзага чиқади. “Қизғалдоқ” ҳикоясида Турдихол кампир ёлғиз ўзи катта қилган қизи Тўлғонойни Эшпўлат даллолга келин қилиб бераркан, оқибатда ўзини қандай фожа кутиб турганини ҳали билмайди. Ҳикояда Турдихол кампирнинг изтироби, битмас-туганмас ғам-қайғуси ниҳоятда ишонарли тасвирланган. Бу ҳикояда ҳам юз берган фожа Нурилла Чори услубига хос очикдан ошкор “Мана шундай бўлган эди” деган манзарани четлаб ўтади. Тўлғонойнинг ақлдан озганини, ўлганини, буларнинг ҳаммасига биттагина ноаниқ ҳолат сабаб бўлганини ишоралар орқали билиб олиш мумкин. “Қондош бўлса-да, ёндош эмас, номуссиз, деб қарғардингиз-ку, эна!”⁵ дер экан Тўлғонойнинг бу гапидан бироз нохуш ҳодисага ишора қилинаётгани ғира-шира намоён бўлади.

Асли ҳамма гап Тўлғонойни “бузук”қа чиқарган Эшпўлнинг ўғлида экани негадир китобда берилмаган. Бироқ ҳикоянинг Ziyo.uz.га юкланган вариантыда айни шу ҳолат қаламга олиб ўтилади. Балки китобнинг кейинги нашрларида ёзувчи ана шу ҳолатни ҳам киритиб ўтса, ҳикоядаги зиддиятнинг келиб чиқиш сабаби ёрқинроқ чизилган бўлар эди. Бу ҳодиса Турдихол кампирнинг умри бўйи битмас-туганмас изтиробига сабабчи бўлади. Тўлғонойнинг ақлдан озиб, кейинчалик вафот этганини орадан

⁴ Нурилла Чори. Ташвиши йўқ одамлар. Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. Т.: 2019. 56-бет.

⁵ Нурилла Чори. Ташвиши йўқ одамлар. Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. Т.: 2019. 35-бет.

анчагина вақт ўтиши билан англаш мумкин. Тўлғоной “ойнинг тўлин бўлишини, қизғалдоқнинг қийғос очилишини кутди. Кундузи онасига ҳам кўринмайдиган, тунда эса чанқовуз чертиб тентирайдиган одат чиқазиб, “Қизғалдоқман!” деб даъвоям қила бошлади. Кампир қизини жин чалган билиб, фол кўрдириб, кулранг товуқ қони энмаганига йўйиб, кўк улоқнинг ҳам бошини олдириб юрган кунларнинг ойдин тунида Тўлғоной қизғалдоқлар орасида чанқовуз чала-чала ғойиб бўлиб қолди. У ойга йўл олдим, қаро ерга қоришдим, унисини Қизғалдоқ одамлари билмайди”⁶.

Ҳикояда Турдихол кампир руҳий ҳолати жуда таъсирли берилган. У бир томондан, маъсума қизининг айбсиз эканини исботлай олмай ожиз қолса, иккинчи томондан дардга чалинган қизини даволаш чорасини тополмай куяди. Кейинчалик эса, қизининг дардидан ўзига даво топилмайди. Унинг руҳиятидаги ғам-қайғу, изтироб хатти-ҳаракатлари, гап-сўзлари орқали намоён бўлади. Бу адабиётшуносликда психологизмнинг динамик принципига тўғри келади.

“Динамик принцип – романда ёзувчи учун ички дунёнинг – руҳнинг кечинмаларини ташқи қиёфа, ҳолат ва хатти-ҳаракатларда кўринишини тасвирлаш. Ҳиссиётнинг динамик равишда, (босқичма-босқич) ривожланиб бориши. Ривожланган сайин қаҳрамон қалби ўзининг борлигини намоён этади”⁷.

Психологизмнинг ҳар қандай принцип ёки қонуниятларига тўғри келмасин, аввало, ёзувчининг маҳорати бадий асар кучини баҳолайди. Акс ҳолда руҳий тасвирнинг бир неча принципларидан фойланган ҳолда ҳам нўноқ асар пайдо бўлиши адабиётшуносларга сир эмас.

Мустақиллик даври ёш носирлари авлодининг вакили ҳисобланмиш Нурилла Чорининг ҳикояларида инсон руҳиятининг теран ифодалари акс этади. У ўз асарларида оддий қишлоқ кишиларини тасвирлаш билан бирга уларнинг катта қалби, изтиробу кечинмаларини ҳам маҳорат билан ифодалай олди.



⁶ Нурилла Чори. Ташвиши йўқ одамлар. Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. Т.: 2019. 40-бет.

⁷ Умурув Ҳ. Адабиётшунослик назарияси. – Тошкент, Халқ мероси нашриёти, 2004. – Б.50–52



**Дадахон
НУРИЙ**

Меҳмон

Ҳикоя

Киш этаги узилиб, баҳорнинг биринчи оyi бошланиши билан соҳил бўйлаб юқоридан илиқ шамол эса бошлайди-да, бир ҳафтага қолдирмай нафаси теккан ўт-ўлан, дов-дарахтлар куртагини бўрттириб юборади. Қайнарсойдаги толларнинг новдаларида қоврилган хандон пистасидай мунчоқ-мунчоқ шодалар пайдо бўлади. Киш совуғидан қорайиб кетган наъматак шохларига сув югуриб бўйга етган қизларнинг бармоғидай мулоийим ва киши диққатини тортувчи бўлиб қолади. Мижози енгилроқ бодомлар ҳаммадан авват гулга бурканиб, ўз кўркини намойиш қилишга тушади.

Мана шу паллалар Боғистонда бўлсангиз борми, табиатнинг уdda-буролиги-ю, моҳирона санъатига қойил қолмай иложингиз йўқ.

Айниқса апрель охирлаб, тоғу тошлар ям-яшил либосга бурканиб, қирмизи лолалар қуёш нурида биллур қадахдай товланганида бу ернинг файзи жуда бўлакча бўлади.

Илгари шаҳарликлар бу томонларга кам келишарди. Йўл кенгайтирилиб, автобус катнай бошлаганидан бери уларнинг кети узилмай қолди. Айниқса “лола сайли” ишқибозлари жуда кўпайиб кетди. Шанба, якшанба кунлари кишлоқ ва унинг сўлим қир этаклари гавжум бўлади: кимдир мусиқа чалади, кимдир ширасиз овози билан ашула айтади, яна биров ҳали совуқ шашти кесилмаган дарё сувида чўмилади.

Бугун жума кuni бўлганиданми, боя Айиқтепада ўтирганларни ҳисобга олмаганда, кишлоқда сайрчи йўқ эди ҳисоб...

Улар довон ошиб анча ичкарилаб кетишган, табиат шавқига берилиб вақт кечга яқинлашиб қолганини сезишмаганди. Изни йўқотиб қўймаслик учун шошиб-пишиб орқага қайтдилар.

Дадахон НУРИЙ – (1942–2021). “Ойбек” мукофоти соҳиби. Тошкент давлат университетини (ҳозирги ЎзМУ) тамомлаган. Унинг “Оқшом қўшиқлари”, “Бегона”, “Боғларда баҳор”, “Осмон устун”, “Бадном” каби кўплаб китоблари чоп этилган.

– Радиога ҳам ишониш керак! – деди йигит тажанг овозда бир дастадан лола қўлтиқлаб олган жувон билан қизчани шагал қияликдан пастга тушираркан, – тоғли ҳудудларда жала қуяди деганди. Шу сайрга эртага чиқсак ҳам бўларди-я!

– Унда оғайнингиз Азимжоннинг тўйичи!? – ҳозиржавоблик қилди жувон.

– Дарвоқе, Рустам пешонасини тириштириб кафти билан ёмғир томчилар қуйилиб турган юзини сидириб қўйди, – эрталабдан эшиги олдида қўл қовуштириб турмасанг бўлмайди, ошна-оғайничилик.

Аёл қўлидаги шамсияни қизча бошига яқинроқ тутиб шивалаб турган ёмғирдан уни ҳимоя қиларкан, эрининг гапига қўшимча қилди:

– Шу оғайнингиз ғалати-да, аёллардай гиначи! Ўтган йили командировкада бўлиб ўғилчасининг туғилган кунида қатнашолмаганингизни ҳали-ҳали таъна қилиб гапиради... Энди тўйни ҳам роса катта қилса керак!

– Қилади-да, магазин мудури... Умуман мана шунақа нарсалар жонга тегди. Отпуска олгандан бери бирон кун уйда тинчгина ўтирмабмиз-а! Ҳар куни биттадан ташвиш.

– Шунинг учун ҳам сизга айтдим-да, бирон ёққа кетайлик, деб.

– Мана, бир кунга бўлса ҳам келдик-ку. Энди уйга етиб олсак, у ёғини бир ўйлашиб кўрамиз. Отпусканинг ҳам ярми кетди ҳисоб.

Ёмғир бир меъёردа эзгилаб ёғиб турар, улар қир бағридаги илон изи, майин шағалли сўқмоқдан келишарди.

Нихоят қишлоқ чеккасидаги автобус бурилиб тўхтайдиган кенг яланглик-бекатга етиб келишди. Бу ер бўм-бўш, ҳатто биронта одам ҳам йўқ эди.

Йигит соатига қаради. “Вақт яқинлашиб қопти” деб қўйди ичида. Эрталаб ҳайдовчи, бемалол дам олаверинглар, соат олтида сўнгги рейс бўлади, ўшанда ўзим олиб кетаман, деганди.

Машина келавермади. Ёмғир авжга миниб, баданни жунжиктирадиган совуқ шабада эса бошлади. Бекат қишлоқнинг анча юқори қисмида, яйдоқ тепаликка жойлашган, атрофда бирон пана жой йўқ эди. Фақат бир ёни майдонга келиб туташган пастликдаги томорқанинг нариги этагида қалин дарахтлар ичига кўмилган ҳовли кўзга ташланар, гарчи хали ғира-шира тушишга анча вақт бор бўлса ҳам, у ердаги айвон шипида чарақлаб ёниб турган электр чироғи негадир одамнинг диққатини ўзига тортарди.

Рустам бундоқ ёнига ўгирилиб, қунишганича ўша ёққа қараб турган қизига, сўнгра хотинига кўзи тушди. Назарида боласи совқотаётгандай туюлди.

– Юринглар, сизларни ўша хонадонга ташлаб келаман. Автобус келгунча айвонида ўтириб турасизлар! – деди-да, қизини бағрига босиб, четан девор бўйлаб кета бошлади...

Ғуломжон Унгур этагидаги янги токзорда ишлаётган колхозчиларга қозон-товоқ, чой қайнатадиган бак яна ҳар-хил ашқол-дашқоллар олиб кетаётган эди. Айиктепа ёнбағрида учта сайрчига кўзи тушди. Бир эркак билан аёл ёш қизчани ўртага олиб, лолаларга кўмилиб ўтиришарди. Қизалок қўлини осмонга силкитиб нималардир деди, аммо йигит тракторнинг шовқинида ҳеч нарса эшитмади...

Пешинга борганда ҳаво тўсатдан ўзгарди. Чарақлаб турган куёш нурлари кўздан қочди. Олис тоғ чўққилари оша бостириб келган қоп-қора булутлар кўк юзига парда ташлади. Сўнгра жала бошланди.

Ғуломжон минг азоб билан тор, қиялама йўллардан ўтиб қишлоққа кириб келганида атрофга қоронғилик оралаб қолганди. Ҳовли этагидаги олмазор ёқалаб оқувчи Пском қутуриб пишқирар, тўлқинлари кўкка сапчирди.

У тракторни катта ёнғоққа тираб тўхтатди, кабинадан сакраб тушаркан, дарё томонга кўз ташлади-да, кўпдан буён бунақа ёғингарчилик бўлмаганди, деган фикр кечди хаёлидан.

Кеч тушган сари хавотири ошиб бораётган Хосиятхон эри келганлигини билиб, бироз тинчланди. Қозон остидан оловни тортиб, ташқари айвон юзига чиқди:

– Келдингизми, ҳорманг!

Ғуломжон хотини юзидаги сипо-осойишталикдан ҳайрон бўлди:

– Йўлда Исматни кўрдим, бувимиз яна оғирлашиб қоптилар. Нега бормай, бу ерда юрибсан?

– Эшитдим. Уйда меҳмонлар бор, ташлаб кетолмадим.

Буви – Хосиятхоннинг онаси. Куздан буён қаттиқ бетоб бўлиб, бир оёқ-кўли ишламай ётар, айниқса кейинги ой давомида аҳволи хийла танглашиб қолганди.

Ғуломжон хотинига, овқатингни суз-да, кейин у ҳовлига бор, деб меҳмонлар ўтирган хонага йўналди.

“Салом, амаки!” Даҳлиздан кираверишдаги эшик қанотига суяниб турган жажжигина меҳмоннинг қўнғироқдай овози йигит диққатини ўзига қаратди.

– Ваалейкум ассалом! Ақлли, яхши қиз экансан.

Тўрда ўтирган барваста йигит билан хушрўйгина жувон ўринларидан туриб Ғуломжонга пешвоз чиқишди.

– Уйингизга меҳмон бўлиб келдик, – деди аёл мезбонга яқинроқ турганиданми, биринчи гап бошлаб.

– Жуда яхши-да, кеннойи, одам бор жойга одам келади. Қалай зерикмасдан ўтирибсизларми? – Ғуломжон эркак томон ўгирилди.

– Бу ерни ўзимизники қилиб олдик. Телевизор кўряпмиз. Дастурхон тўқин. Қани аввал танишиб қўййлик брат. Менинг отим Рустам.

Ғуломжон Рустамнинг қўлини оларкан ўзини танитди.

Ҳаммалари ўтиришди. Орага бироз ноқулай жимлик чўкиб, уни аёл бузди:

– Боя эрталаб трактор ҳайдаб кетаётган сизмидингиз?

– Ҳа, мен эдим, сизларга кўзим тушганди, – мезбон йигит томон ўгирилди. – Хуш кўрдик, ака!

– Раҳмат-раҳмат.

– Бир айланиб келайлик дебсизларда.

– Ҳа, лола сайли қилиб чиққандик, қайтиб кетолмай денг, мана шундай сизларга қутилмаган меҳмон бўлиб қолдик!

– Меҳмон мана шуниси билан қизиқда!

– Автобус денг, бу томонга ўтолмабди. Сув осма кўприкка тегай деб оқаётганмиш. Бу, сизларда ҳар доим шунақа тошқин бўлиб турадими?

– Анчадан бери мунақа ёғмаганди.

– Ишқилиб эртага автобус келсин-да. Яна қолиб кетмайлик. Бир нозик оғайнимизни юруғи бор эди...

– Кўнглингиз тўқ бўлаверсин, эрталаб автобус албатта келади. Сув ҳадемай пасаяди. Бу ернинг шароити шу, ҳар канча жала ёғса ҳам икки-уч соатдан кейин ҳеч нарсa бўлмагандай тураверади.

Хосиятхон тўлатиб ош босилган лаган кўтариб кириб, дастурхонга қўйди. Чой келтирди. Шундан кейин бошқа кўринмади...

Меҳмонлар биринчи келадиган автобустга илиниш мақсадида барвақтроқ туришмоқчи эди. Аммо тоғ ҳавоси элитдими ёки чарчашган эканми, алламаҳалгача бош кўтармай ухлашди.

Рустам кўзини очганда уй ичи ёришиб кетган, дераза кўзларидан ловуллаб куёш нури ёғилиб турарди. У шошиб, хотинини уйғотди ва тез кийина бошлади.

Ташқарига чиқиб осмонга кўз тикди-да, ҳайратдан ёқа ушлади. Ғуломжоннинг кечаги гапида жон бор эди. Ярим кечгача қуйиб чиққан шаррос ёмғир, осмонни қоплаб ётган паға-паға булутлардан энди ном-нишон йўқ; тип-тиниқ кўк юзидан терак бўйи кўтарилиб қолган куёш ҳаммаёққа ўз селини ёғдириб турарди. Рустам ҳузур қилиб керишди, кейин ўпкасини тўлдириб нафас олди.

Шу пайт сўриток остига ўрнатилган сўрига кўзи тушди. Унга тўкин дастурхон тўшалган бўлиб, хонтахта атрофига кўрпачалар солинганди.

Бирдан меҳмоннинг эсига уй эгалари тушди. У ёқ-бу ёққа қараб уларни излаган бўлди. Шу пайт яланглик четидаги ошхонадан бир кампир чиқиб келди-да:

– Яхши ухлаб турдингларми, болам! – дея ҳол-аҳвол сўраган бўлди. Кейин йигитдан бирон садо чиқишини кутмаёқ. – Бемалол ўтириб чой ичинглар, овқат ҳам тайёр. Уй эгалари йўқ экан деб тортинманглар. Мен ҳам шу ҳовлининг эгаси, садағанг кетайлар! – деди.

– Хола, Ғуломжонлар ишга кетган чоғи. Кампир бироз тутилиб:

– Ҳа... шунақа ўғлим, – деди.

– Бизларам азонда турмоқчи эдигу, ухлаб қопмиз, холажон.

– Ҳечқиси йўқ, дам олишга чиққансизлар, болам! – кампир дастурхонга янги дамланган чой келтириб қўяркан меҳмоннинг кўнглини кўтарган бўлди.

Томорқа этагидаги майдонда шаҳарга қатнайдиган иккинчи рейс автобус келиб тўхтади. Меҳмонлар апил-тапил чой ичиб, энди кетмасак бўлмайди, деб туриб олишди. Кампир қўярда-қўймай, эрталабки насибани ташлаб кетманглар, деб гурунчи тирикрок бўлса ҳам маставани сузди.

Рустам кўшни кампир орқали уй эгаларига кўпдан-кўп раҳмат айтаркан, ёнидан блокнот чиқариб нималардир ёзди:

– Ғуломжонга бериб қўйинг. Бизнинг манзилимиз шу! Шаҳарга тушганда албатта кирсин.

Тепаликдаги бекатдан қизғиш ёнбоши кўриниб турган автобус кетмакет сигнал берди.

Меҳмонлар унга аранг илиништи.

Машина кишлоқдан чиқай деганда тезлигини пасайтирди-да, кутилмаганда асфальт йўл қиясига чиқиб тўхтади. Ҳайдовчи йигит кабинадан пастга тушди. Кейин салонда ўтирган бошқалар ҳам унга эргашиб туша бошлашди.

Рустам аввал нима гаплигини билмай, у ёқ-бу ёққа аланглади-да, нарироқ кир ёнбағридаги сўқмоқдан юқорилаб келаётган эллик-олтмиш чоғли одам тўпига, сўнгра улар ўртасидаги лапанглаб бораётган қизил духоба ёпилган тобутга кўзи тушди. Ёнида ўтирган хотинининг аста тиззасига туртиб, “Сизам туринг” деган ишораси уни сергаклантирди.

Автобусда беш-олти хотин-халаждан бошқа ҳеч ким қолмади.

Машинадан тушганлар тез-тез юриб, марҳумни олиб кетаётган одамлар тўпига қўшилишди-да, тобутни елкама-елка кўтариб анча наригача боришди.

Рустам ҳам икки-уч бор тобут дастаги остига елкасини олиб борди...

Бир пайт мош гурунч соқолли кекса одам Рустамга яқинроқ келиб кулоғига шипшигандай деди:

– Бўлар, ўғлим. Отангизга раҳмат, энди қайтайлик, жойи жаннатда бўлсин! – у юзига фотиҳа тортди.

Машинадан тушган кишиларнинг айримлари катта йўл бўйига аллақачон етиб олишган, баъзилари имиллаб ҳозиргина юрган сўқмоқдан орқага қайтишарди.

– Раҳматли ажойиб аёл эди! – деб қўйди кутилмаганда ҳалиги қария бошини ҳам қилганича Рустам билан ёнма-ён бораркан. – Эри урушга кетиб қайтмади. Бояқиш ёлғиз қизи билан қолган, Бошқа турмуш қурмай бутун умрини шу қизга бағишлаган. Уни вояга етказди, турмушга берди – бир фарзанди иккита бўлди. Уларнинг ёнига набиралар қўшилди... Энди армонсиз яшаса бўладиган бир пайтда, қаранг-а, ўлим чангал солганини. Ўзи дунё шунақами, дейман, доим бири кам. Ғуломжон ҳам етимликда ўсган, ота-онаси ўрнини шу аёл босиб турарди.

Рустам бошини кескин кўтариб ҳамсухбатига қаради:

– Қайси Ғуломжон?

– Дарвоқе, сиз уни танимайсиз. Шу ерлик ҳайдовчи йигит. Шундоқ автобус қайрилиб тўхтайдиган майдоннинг пастидаги ҳовли ўшаники.

– Мен танийман у йигитни. Жуда яхши танийман. Наҳот марҳума унинг...

– Ҳа, марҳума унинг қайнонаси эди. Худо раҳмат килсин!

Рустам миқ этмади. Эрталаб юраги сезгандай бўлганди. Унинг хаёлидан йилт этиб, “Эрта-индин вақт топиб, кўнгил сўраб келиб кетарман”, деган фикр ўтди.

Ҳамма ўз ўрнига жойлашиб бўлганди. Рустам ҳам хотини ёнига чўкиб, қизини тиззасига олди. Автобус ўрнидан кўзғалиб, физиллаганича юриб кетди. Аммо кўп ўтмай Пском дарёсига қурилган катта кўприкдан бериорқда тўхтади. Унинг олд эшиги очилиб бир йигит тушиб қолди.

Бу Рустам эди.

Gapim sizga qiziqmi?



**Vohidjon
JABBOROV**

Zag'izg'on

Ko'rsam neki yaltiroq:
To'g'nog'ichmi yo taroq,
Sas chiqarmay olaman,
O'zim bilmay qolaman.

Berilganman ziynatga,
Hushim yo'qdir mehnatga.
O'zim uchun, to'g'riman,
Lek hammaga o'g'riman.

Qilishmagach ehtiyot,
Demak, yo'q-da ehtiyoj.
Endi menga hap-halol,
Olish mumkin bermalol.

Xullas, zebga o'chroqman,
Tannozlarga o'rtoqman.
Qayda mo'ldir beg'amlar,
Shu atrofda "o'troq"man.

Vohidjon JABBOROV – 1961 yilda tug'ilgan. Farg'ona davlat pedagogika institutining (hozirgi FarDU) o'zbek filologiyasi fakultetini tamomlagan. "Qulog'i tishlanmagan qiz" nomli she'riy to'plami chop etilgan..

Chuvalchang

Savolingiz g'alati:
"Chang chalarmi chuvalchang?!"
Rostin aytsam, bizlarga
Uvol tanbur, uvol chang.

Mashshoqlikdan yiroqmiz,
Shu ishga yo'q hushimiz.
Lek sharaflı bundan-da,
Qilayotgan ishimiz.

Neki bo'lsa ildizli
Biz-chun murg'ak, go'dakdir.
Go'daklarga ozig'in
Chaynab berish kerakdir.

Bechoralar yutolmas
Nobop, dag'al oziqni.
Biz ularga enaga,
Gapim sizga qiziqmi?

Mayda chaynab yemishin
Solib qo'ysak og'ziga,
Mayda-mayda bu luqma
Tiqilmaydi bo'g'ziga.

yetib borar quvvati
Har yaprog'u kurtakka.
Aytaversam, ishimiz
O'xshab ketar ertakka.

Biz tufayli nabotot
To'yinadi darmonga.
Murg'ak, nozik nihollar
Aylanadi o'rmonga.

Xartum

Qashlamoqqa yelkamni
yetsa edi gar dumim.
Burnim uzun bo'lmasdi,
O'smas edi hartumim.

Xartum nima deysanmi?
Sen atayqol filpanja.
Chunki qo‘ymam tutganim,
U misoli iskanja.

Xartumimni mensimay,
Hazillashma, tirrancha.
Dodlataymi bir seni,
Iskanjada qisgancha?!

Maymuncha

– Ko‘zlaring ola-kula,
Yuragingda g‘ulg‘ula.
Titrayapsan, hay, muncha,
O‘zi ne gap, maymuncha?

– Otam dedi: – Mor o‘ynat!
U ham emish zo‘r san‘at...
Cho‘chityapti morbozlik,
Afzalrog‘-ov dorbozlik



* * *

3 май. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида “Антология узбекской поэзии” номли китобнинг I ва II жилдлари тақдимоти бўлиб ўтди. Ушбу китоблар Россиянинг “Ладомир” нашриётида чоп этилди.

* * *

4 май. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Ўзбекистон халқ артисти Шерали Жўраевнинг “Бир қўшиқ куйлайки...” китоби тақдимоти ўтказилди.

* * *

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Бадиий таржима кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда Алишер Навоий асарларини араб тилига ўгириш жараёни қандай бораётгани, “Зомин қалдирғочлари” йиллик Республика семинарида таржима йўналишида иштирок этадиган ёшларнинг ишларини кўриб чиқиш ва бошқа масалалар муҳокама қилинди.

* * *

Шоир Зикрилла Неъматнинг “Қатағон ўпқони” номли китоби нашрдан чиқди. Ушбу китобда “Абдурауф Фитрат ёхуд зулматда зиё излаб” номли ҳамда ўтган асрнинг йигирманчи йилларида мустабид тузум томонидан қатағон қилинган ўзбек талабаларининг аччиқ қисмати ҳақидаги “Қатағон ўпқони” номли пьесалари ўрин олган.

* * *

5 май. Адиблар хиёбонида Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси Тўлепберген Қаипбергенов таваллудининг 94 йиллиги муносабати билан “Миллат тақдирини куйлаган адиб” деб номланган хотира кечаси бўлиб ўтди.

* * *

8 май. Адиблар хиёбонида Ўзбекистон халқ шоири Мақсуд Шайхзода ҳайкали пойида ўзбек-озар адабий алоқаларига бағишланган кеча бўлиб ўтди. Унда ўзбек ва озар ижодкорлари китоблар кўргазмаси ҳам ташкил этилди.

* * *

12 май. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, уюшма аъзоси Янгибой Қўчқоровнинг хотиралар, эсселар, таржималардан иборат “Доғистон донишманди” китоби тақдимоти ўтказилди.

* * *

15 май. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида таниқли қозоқ ёзувчиси ва драматурги, таржимон ва жамоат арбоби Раҳматулла Раимкулов таваллудининг 110 йиллиги муносабати билан “Қўш элнинг лочин сиймоси” номли халқаро илмий-амалий конференция ўтказилди.

* * *

16 май. Ёзувчи ва кинодраматург Гафур Шермуҳаммаднинг турли йилларда ёзилган ва халқимиз севиб томоша қилган фильмларга асос бўлган асарлари йиғилиб, “Марди майдон” номи билан нашрдан чиқди.

* * *

22 май. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида жамоат арбоби, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Сарвар Азимовнинг 100 йиллигига бағишланган хотира кечаси бўлиб ўтди.

* * *

25 май. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида “Кўкалдош” ўрта махсус ислом билим юрти томонидан Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасарруфидаги олий ва ўрта таълим муассасалари талаба-ўқувчилари ўртасида “Энг яхши китобхон” танловининг Республика босқичи ўтказилди.

* * *

27–28 май. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан “Дўрмон баҳори” II адабий форуми ўтказилди. Унда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Русийзабон адабиёт, Бадиий таржима кенгаши вакиллари, ёзувчи ва шоирлар, адабиётшунослар, ижодий семинарлар қатнашчилари, уюшма томонидан ўтказилган қатор ижодий танловлар қатнашчилари иштирок этди.

* * *

30 май. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида публицист Назира Қурбоннинг “Кечинмалар” ва “Йўлдаман” номли китоблари тақдими бўлиб ўтди.

* * *

31 май. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Нобель мукофоти совриндори Иван Буниннинг “Хилват хиёбонлар” китоби тақдими бўлиб ўтди. Асар ёзувчи ва таржимон Рисолат Ҳайдарова томонидан ўзбек тилига ўгирилган.

МУНДАРИЖА

НАЗМ

Гулистон МАТЕЌУБОВА. Онажоним – кумри қушим.	4
Исроил СУБЌОНИЙ. Мен сени танийман, ҳаёлчан бола.	20
Абдурасул ЖУМАҚУЛ. Орзуларинг каби учар узокқа.	26
Жамшид ПРИМОВ. Муз қозонни қайнатар қуёш.	150

НАСР

Тимур ПЎЛАТОВ. Фордаги қиз. <i>Ҳикоя</i>	14
Асад АСИЛ. Соф севги бекати. <i>Ҳужжатли ҳикоя</i>	34
Омонхон МАМАДАЛИЕВ. Пари. <i>Ҳикоя</i>	44
Лола ЖЎРАЕВА. Икки ҳикоя.	
Юрагимни ютиб юбордим.	84
Чиғирик.	85
Муҳаммад АЛИ. Мангу қуёш. <i>Роман</i> . Давоми.	95

ИЖОДИЙ КЕНГАШЛАРДА

Узоқ ЖЎРАҚУЛОВ. Адабий танқид ва назария таҳлили.	57
--	----

ТАЛҚИН

Дадахон МУҲАММАДИЕВ. Шеърятда мавзулар уйғунлиги.	63
--	----

МУШОИРА

Бокий МИРЗО. Кўзларингга бир термилсам.	68
Қалдибек СЕЙДАНОВ. Юрагида абад қолганман.	69
Султон ЧОРИ. Тупроғим сўзда қорилган.	71
Равшанбек УБАЕВ. Қозоқ-ўзбек туғишган жигар.	72
Аваз АБДУСАЛОМ. Саболардан сўрайман.	74
Дилфуза ЭШОНОВА. Менга ҳам бағрингни оч само.	75
Шахзода АШРАПОВА. Туш кўрди айик.	77

БИЗНИНГ МУЛОҚОТ

Хосият РУСТАМОВА. Шоирнинг кўнгил ўйлари.	78
--	----

САНЪАТ

Мадина НОРЧАЕВА. Чингиз Аҳмаров ижодида портрет.	88
---	----

МУТОЛАА

Байрам АЛИ. Ҳар қалбнинг ўз мантиғи бор.	91
---	----

ТАДҚИҚОТ

Шохрух АБДУРАСУЛОВ.	
Эркин Аъзам драмаларида шахс ва жамият талқини.	155

ТАҲЛИЛ

Рухсора ТўЛАБОЕВА.	
Ҳикояларда қаҳрамонлар психологизми.	161

УНУТМАС МЕНИ БОҒИМ

Дадахон НУРИЙ. Меҳмон. <i>Ҳикоя</i>	166
--	-----

БОЛАЛАР ДУНЁСИ

Воҳиджон ЖАББОРОВ. Гапим сизга қизиқми?	171
--	-----

АДАБИЙ ҲАЁТ

Шарқ юлдузи

2023

5-сон

Муассис:

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР
УЮШМАСИ

* Муаллифлар фикри таҳририят ижодий жамоаси нуктаи назаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятга юборилган материаллар муаллифларга қайтарилмайди.

Журнал ОАК эътироф этган нашрларнинг 10.00.02 “Ўзбек адабиёти” ихтисослиги бўйича рўйхатига киритилган.

* Журналга обуна даврий нашрларни етказиб бериш билан шугулланувчи барча ташкилотлар орқали амалга оширилади.

Обуна индекси – 911

Манзилимиз:

100066, Тошкент шаҳри,
Бунёдоркор шоҳкўча, Адиблар хиёбони,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
биноси.

Телефонлар:

71231-23-67, 71231-23-68 903721438
www.sharqyulduzi.uz
e-mail: sharqyulduzi@umail.uz
sharqyulduzi1931@mail.ru

Босишга рухсат этилди:

14.07.2023
Қоғоз бичими 70x108 1/16
Офсет босма усулида офсет қоғозда
босилди. Босма табағи 11,0.
Шартли босма табағи 15,4.
Нашриёт ҳисоб табағи 17,2.
Адади 5600 нусха.
Буюртма № 6

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 05.02.2016 й. 0562-рақам билан рўйхатга олинган.
“PRINT REBEL” МЧЖ
матбаа корхонасида чоп этилди.
Корхона манзили:
Тошкент шаҳри, Олмазор тумани,
Ўрозбоев кўчаси, 35-уй

Мухаррир:

Дилфуза Махмудова

Мусаххих:

Маҳира Ҳусанова

Веб-сайт муҳаррири:

Дилноза Камол

Саҳифаловчи-дизайнер:

Муаттар Алиева

Copyright © “Шарқ юлдузи”